

ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ



О‘ЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЙОТИ

1 / 2017

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI ILMIIY-TADQIQOT INSTITUTI



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

1
2017

Ўзбек тили ва адабиёти
илмий-тадқиқот
институти

Тошкент – 2017

Бош муҳаррир:
Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:
Раҳматулла БАРАКАЕВ,
Маматкул ЖЎРАЕВ (бош муҳаррир
ўринбосари),
Иброҳим ЙЎЛДОШЕВ,
Наим КАРИМОВ,
Баҳодир КАРИМОВ,
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ (бош
муҳаррир ўринбосари),
Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,
Тўра МИРЗАЕВ,
Бахтиёр НАЗАРОВ,
Эргаш ОЧИЛОВ (масъул котиб),
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
Абдулҳай СОБИРОВ,
Шоира УСМОНОВА,
Улутбек ҲАМДАМОВ,
Сайдбек ҲАСАНОВ,
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

Манзилимиз:
100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй.
Телефон: 233-71-44
E-mail: jurnal_uzlit@mail.ru

На узбекском языке

Узбекский язык и литература
№ 1, 2017

Муҳаррир Э. Очилов
Компьютерда саҳифаловчи Д. Мирсаидов

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
10.11.2016 йилда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома №0053

АЛИШЕР НАВОЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 576 ЙИЛЛИГИ

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ

НАВОЙНИ АНГЛАШ – ЎЗЛИККА ҚАЙТИШ ДЕМАК

Беш асрдан ошибдики, буюк бобокалонимизнинг ижоди, юксак гуманизм руҳи билан сугорилган шеърляти, эзгу ахлоқий фазилатлар тарғиб этилган дostonлари ва насрий асарлари миллионлаб мухлисларни ўзига ром этиб, ибратли ҳаёт йўли тилларда дoston бўлиб келмоқда. Унинг асарлари тўлиғича жамият тарбиясига қаратилган. У шаклан гўзал, мазмунан теран ва бадий юксак тарзда комил инсон ғоясини куйлади. Унинг асарларида оддий фуқародан тортиб подшоҳгача, деҳқон бўладими, талаба бўладими, хунармандми, савдогарми, сарой амалдори ёхуд шаҳзода бўладими, барига тегишли панд-насихатлар, ҳаётда ўзини тутиш, қандай ахлоқий фазилатларга эга бўлиш, миллатга ва давлатга хизмат қилишда қандай тамойилларга суяниш масалаларида атрофлича йўл-йўриқлар берилган. Ёшлар тарбияси айниқса бош ўринда туради. Ёшларнинг жамиятга, ота-онага, илм олишга, кадриятларга муносабатлари ҳамиша буюк шоиримизнинг диққат марказида бўлган. Бу ўғитлар бугун ҳам долзарб.

Биз шоиримиз тарғиб этган абадий умуминсоний кадриятларни ўрганар эканмиз, ҳар гал Навойнинг буюк мутафаккир эканлиги, инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, дўстлик, тинчлик, садоқат, қаноат, мардлик ҳақидаги фикрлари қанчалик теран фалсафий мушоҳада билан айтилганидан ҳайратланамиз. Биз шундай улў бобокалонимиз борлиги билан ниҳоятда фахрланамиз. Унинг асарларини асраб-авайлаб, давр ва замонлар синовларидан эсон-омон олиб ўтган ва шундай фарзандидан гурур ва ифтихор ҳиссини мудом қалбида сақлаб, бизгача етказган буюк халқимизга таъзим қиламиз.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Навой шахсияти, унинг асарларига бўлган эҳтиром янада юксалди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов мустақиллик учун 1989 йили кураш бошлаганда дастлабки амалга оширган тарихий аҳамиятга эга ўта муҳим ишларидан бири ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш бўлган бўлса, мустақиллигимизнинг илк йилини “Алишер Навой йили” деб эълон қилдилар, пойтахтимизда қад ростлаган Миллий боғ Навой номи билан аталди.

Шуниси эътиборлики, Биринчи Президентимиз умрининг сўнги ойларида Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиб, унга Алишер Навой номини бердилар. Бу яна бир карра Буюк йўлбошчимиз қалбида Алишер Навойга бўлган фарзандлик муҳаббати кучли бўлганидан, ул зотнинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган бемисл аҳамиятини юксак кадрлаганидан дарак беради. Навойнинг улў шоирлиги,

буюк ислохотчи экани, инсоният тарихидаги энг фаол ва айни пайтда, курраи заминнинг жуда катта қисмини ватан тутган туркийтилли халқларнинг маданияти ва маънавияти ривожига беқиёс таъсир кўрсатган миллатпарвар валиуддоҳ зотлардан бири эканини бугун бутун дунё тан олмоқда. Бунинг бир неча сабаблари бор.

Аввало, Алишер Навоий – Шарқ Ренессансининг йирик намояндаси сифатида жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўрин тутадиган ёрқин шахс. У ўзининг гуманистик гоёлари, бадиий-фалсафий қарашлари, ўлмас шеърый асарлари билан инсоният тафаккури ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк шоир ва мутафаккирдир. Унинг адабий мероси ниҳоятда улкан ва серқирра. Еттита йирик девон ва бешта дostonдан иборат “Хамса”нинг ўзиёқ унинг даҳоси нечоғлик юксак эканлигини кўрсатиб туради. Унинг қаламига мансуб дostonлар ва қасидалар, илмий ва дидактик асарлар асрлар оша бугунги кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда. Шарқ адабиётининг деярли тўлиқ 20 жанрида ижод этган, жами шеърый сатрлари юз мингдан ортиқ бўлган бундай шоир жаҳон адабиётида санокли десак, асло муболага бўлмайди. Инсонни ҳар томонлама етук, баркамол ва бағрикенг, юртни тинч ва обод кўриш, раиятнинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, турли халқларни ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликка, эзгу мақсадлар йўлида ҳамкорликка чақириш – мутафаккир ижодининг асосий лейтмотивини ташкил этади. Унинг асарлари, айниқса, “Хамса”си бадиий-фалсафий жиҳатдан ўта таъсирчанлиги, бетакрор шеърый санъатларни ўзида акс эттиргани учун ҳам жаҳон адабиётининг ноёб обидаларидан бирига айланди.

Иккинчидан, Навоий туркий халқларнинг барчаси учун ягона бўлган туркий адабий тил асосларини, унинг адабий жанрлари, поэтикаси қонуниятларини бир тизимга келтириб, мукамал адабий тил намунасини яратиб берган, сўз санъатини юксакликка олиб чиқиб, дунёга луғат кўлами билан ҳам, ранг-баранглиги билан ҳам, туркий ва ўзлашма сўзларнинг бойлиги билан ҳам бебаҳо бўлган гўзал туркий адабиётни тақдим этган буюк шоир ва мутафаккир, улкан олим ва реформатордир. Шу маънода Навоийнинг:

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.
Олибмен таҳти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табрес –
Ки, қилмишдур найи қилким шакаррез.
Кўнгул бермиш сўзумга турк, жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам, –

деган эътирофи муболагадан мутлақо холидир. Бунинг исботини унинг замондоши Давлатшоҳ Самарқандийнинг қуйидаги эътирофида ҳам кўриш мумкин: “Улуғ амирнинг туркий девонлари ҳукмдорлар ҳамда аслодаларнинг йигинларига безакдир... Унинг доврўги туркий эллардан Ҳижозгача тарқалди, дабдабаси Нишопурдан Исфаҳонгача етди. Ажам халқлари бу садони қулоғига сирға қилди, дунёнинг барча бурчаклари бу дарё гавҳари ила тўлиб-тошди”.

Учинчидан, у фақатгина туркий тил ривожига ҳисса қўшибгина қолмай, форсий адабиётнинг XV асрга келиб унутилаёзган кўплаб шеърий, насрий адабий тур, жанр ва шакллари қайта истеъмолга киритишга ҳаракат қилди. Бу унинг Абдурахмон Жомийни турли жанрларда ижод этишга ундагани, кўплаб форсигўй шоирларни қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб турганидан яхши маълумдир. Унинг форс шеърияти анъаналарини тиклашга бўлган рағбатини Абдурахмон Жомий шундай эътироф этган:

Зи чарх офаринҳо бар он килк бод,

Ки ин нақши матбуъ аз он килк зод.

Бибахшид бар форсий гавҳар он,

Ба назми дарий дурри назмоварон.

(Шундай ажойиб нақш туширган ул қаламга фалақдан офаринлар ёгилсин! Форсийга гавҳар, дарий назмига нуктадонлар дурини инъом этди).

Туртинчидан, у бутун умри давомида туркий халқлар цивилизацияси, унинг эроний халқлар цивилизациясидан ҳеч қолишмайдиган залворли ютуқлари, юксак маданияти ва маънавияти борлигини дунёга маълум қилиш ва миллий гурурни тиклаш, миллий ўзликни англаш, Шарқ мамлакатларида Чингизхон ва унинг сулоласининг варварлик сиёсати натижасида туркий халқларга нисбатан паст назар билан қараш тенденциясига қарши илмий, диний-фалсафий ва адабий асарлари билан курашган туркий халқларнинг тарихий буюк ватанпарвар ва миллатпарвар баҳодир ўғлони эди. Бунга унинг қуйидаги эътирофи далил эмасми:

Деганимни улусқа маргуб эт,

Ёзганимни кўнгулга маҳбуб эт.

Тилга лафзини ногузир айла,

Жонга назмини дилпазир айла...

Халққа зеби торақ айла они

Ўқуғонга муборак айла они.

Етти афлокни анга ёр эт,

Етти иқлим элин харидор эт.

Навоийнинг ҳар бир асарида унинг ўз миллатига буюк муҳаббати ва фахр туйғуси барқ уриб туради. Шунинг учун ҳам бутун туркий дунёда унинг асарлари бугунги кунгача севиб ўқилади ва унинг МИЛЛАТни тарбиялаш, дунёда уни юксак маънавиятли ва маданиятли халқ сифатида тан олдиришдаги хизматлари алоҳида эътиром билан ёдга олинади. Шоир асарлари кўплаб тилларга таржима қилинмоқда. Бугун бутун жаҳон Навоийни қайтадан кашф этмоқда. Навоий гарчи Ҳиротда тугилган бўлса-да, унинг асл ватани Ўзбекистондир. Унинг ота-боболари темурийлар хонадонига яқин инсонлар бўлган ва муайян шаҳзодаларни тарбиялаш учун масъул этиб тайинланганлар. Шу сабабли темурийлар сулоласи анъаналарига кўра ўзлари вояга етказган шаҳзодалар ва уларнинг авлодлари қасрда ҳукмронлик қилсалар, ўша ерга кўчиб боришларига тўғри келган. Бу тарихий ҳақиқатни дунё ўзбекшунослари тан оладилар ва Навоийни ўзбек миллатига мансуб деб биладилар. Дунёнинг турли бурчакларида ўтказиб келинаётган Ўзбекистон кунларида Алишер Навоий ижодига бағишланган илмий-маърифий кеча ва анжуманларнинг ташкил этилаётгани, Узоқ Шарқ ва Европа мамлакатлари, Америка Қўшма Штатларида Навоийни ўрганиш марказлари тузилаётгани шундан далолат беради ва бизга чексиз фахр бағишлайди.

Навоий ўзининг ҳаётини халқимиз илм-фани ва санъатини ривожлантиришга, мамлакат равнақи, халқ ва миллатнинг тинч-тотув яшаши ҳамда давлат қудратини мустаҳкамлашга бағишлади. Ҳусайн Бойқаро уни “мамлакат устун, давлат таянчи” деб бежиз улуғламаган. Навоий давлат хизматини мансаб ва обрў учун эмас, балки илм-фанни ривожлантириш, миллий қадриятларни тиклаш ва умумбашарий қадриятларни сингдиришдек улкан вазифани амалга ошириш учун бир имконият ва восита деб билди. Алишер Навоий томонидан таъсис этилган олий таълим муассасалари – мадрасалар, хаттотлик, тарихнавислик, шеършунослик, диншунослик, санъат ва мусиқа мактаблари довуғи ўз давридаёқ етти иқлимга машҳур бўлган эди.

Бешинчидан, Навоий – Худо ярақаган зот. Унга Оллоҳ таоло беқиёс иқтидор инъом этгани ва инсоният тарбияси билан шугулланиш каби илоҳий миссияни қисмат этиб белгилагани унинг ёшлигида машҳур тарихчи олим ва донишманд зот Шарафиддин Али Яздий, Мавлоно Лутфий, кейинчалик Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Хожа Аҳрор Вали қаторида кўплаб замона улуғлари ва машойиху авлиёуллоҳларнинг унга берган баҳоларидан сезилади. Султон Абулқосим Бобур, Султон Ҳусайн Бойқаро каби донишманд темурий султонларнинг унга меҳр билан қараганликлари, чуқур эҳтиром кўрсатганликларида ҳам чуқур ҳикмат бор. Ҳатто унинг ўзи:

Улуғ комлардин эдим бахтиёр –
 Ки, йўқ эрди анда манга ихтиёр.
 Не тонг бўлса кўпдин-кўп ар қайгулик,
 Тамаъ бўлса кимга улуғдин-улуғ.
 Ва лекин не ғам, Тенгри айлаб карам,
 Улуғ муддао берса, мақсуд ҳам! –

дея ўзининг зиммасидаги вазифаларни илоҳий амр деб эътироф этган.

Дарҳақиқат, Навоийнинг асарлари фақат бир қавм ёки халқ учун ёзилмаган. У ўртага ташлаган ғоялар, муаммоларнинг, барчаси умумбашарий аҳамиятга эга. Улуғ мутафаккир ҳамиша ўзини глобал муаммоларга дахлдор деб билди, комил инсон тарбияси ва умуминсоний қадриятларни улуғлаш ва тарғиб этишни ўзининг бош вазифаси деб ҳисоблади ва ўзининг бу дунёдаги улкан илоҳий вазифаси – юксак инсоний қадриятларни куйлашга юксак масъулият билан ёндашди.

Навоийнинг ҳар бир сатрида эзгулик, бағрикенглик, тинчликка чорлов, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, дўстлик ва ўзаро ҳамкорликка даъват ўзак масала бўлгани учун ҳам ушбу ғоялар, нафақат ўз даври, балки бутунги, турли минтақа ва ҳудудларда ўзаро низолар авж олаётган, ахборот хуружлари тинч-осойишта яшаб келаётган халқларнинг тотувлигига раҳна солаётган, диний қобилларга ўралган иддаолар, ҳокимият учун кураш биродаркушлик урушларини келтириб чиқараётган таҳликали бир замонда ҳар қачонгидан кўра чуқурроқ аҳамият касб этмоқда. Улуғ шоир барча асарларида уруш ва қон тўкиш олам инқирозига сабаб бўлишидан огоҳлантиради. Жумладан у ёзади:

Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур –
 Ки, андин жаҳон аҳли вайрон эрур.

Не тўфон, бало баҳри чайқалмоги,
Жаҳон аҳли сув остига қолмоги.
Ато бир тараф гар эрур филмасал,
Яна жониб ўлса ўгулга маҳал.
Икисига қин ўти солғай газаб,
Ул ўт қон ичарга қилиб ташналаб.
Қариндош топса қариндошини,
Дамодам тилаб кесгали бошини.
Тушуб ошноларга бегоналиқ,
Кетиб ҳамнишинларга ҳамхоналиқ.
Тутуб фитна гарди халойиқ кўзин –
Ким, ул гард аро халқ топмай ўзин.
Яқин билким, ул кундура офат куни,
Не офат куниким, қиёмат куни!

Мазкур маънода Навоийнинг:

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш! –

деган хитоби бугун ҳам бутун инсониятга, халқаро ҳамжамиятга огоҳликка даъватдек янграмайдими? Асрлар қаъридан келажакка юзланиб, турли-туман хатарлар ва таҳдидларни олдиндан кўра билган, инсониятни тўғри йўлга солишга интилган бу буюк мутафаккирнинг асарларини ўқисангиз, бугунги мураккаб муаммолар ечимига йўл топгандек бўласиз. Навоийнинг ҳар бир уруш келтириб чиқарадиган ҳолат фақат музокара ва тинчлик йўли билан ҳал этилмоғи кераклиги ҳақида айтган қуйидаги шеърий насиҳатига қулоқ тутайлик:

Хушо, ики озодаи номурод –
Ки, бир-бирга зоҳир қилиб иттиҳод.
Не ул айласа бу мадоро қилиб,
Анга ҳам бу рифқ ошкоро қилиб.
Анинг коми бу бирга мақсуд ўлуб,
Мунунг радди ул бирга мардуд ўлуб...
Керак ул насиҳат доғи нармрўй –
Ки, то мустамеъ бўлмагай тундахўй.
Ки тунд ўлса кўп ваҳшат имкони бор –
Ки носихга ҳам бим нуқсони бор.
Низо ичра мундоқ маротибни бил,
Қила олмогинг чун яқин бўлди, қил!

(Қандай яхши икки томон ҳам бир-бири билан иттифоқ тузса. Бир мураса қилсаю, иккинчиси дўстлик ўрнатишга хоҳиш билдирса. Бир-бирига гушунтиришда мулоим бўлишса, токи иккинчи томонни ғазаблантирадиган гап бўлмаса, Ғазаблантиришнинг оқибати ёмон бўлади, насиҳат қилувчига ҳам зарари тегади).

Навоий гоялари умумий махражга келтирилса, ундан инсоният тақдири ва тараққиётини ҳал қилувчи учта принципиал асос келиб чиқади. Улар эзгулик, меҳр (ишқ) ва бағрикенглиқдир. Уларни рўёбга чиқариш масъулияти баркамол шахсга юкланади.

Навоийнинг баркамол шахс ҳақидаги қарашлари унинг барча асарларида ўз ифодасини топган. Лекин ушбу маънода “Махбуб ул-қулуб” алоҳида ажралиб туради. Асар фақат шоир яшаган давр учун эмас, балки инсоният тараққиётининг барча босқичларида юксак инсоний ва маънавий фазилатлар кодекси вазифасини бажариб келаётган беназир битикдир. Унда баркамолликнинг 10 шarti тадрижий ва мантиқий кетма-кетликда очиб берилади. Шартларнинг номланишида Шарқ мутафаккирларига хос тасаввуфий истилоҳлардан фойдаланилган. Бироқ уларнинг мазмун-моҳиятига қаралса, давр ва замонлар оша ўзгармас, инсон учун ҳамиша долзарб бўлиб қолаверадиган, бутунги шароитда эса, ҳар қачонгидан кўра долзарб бўлган ўғитлар мажмуасини кўриш мумкин. Масалан, зуҳд – тасаввуфда таркидунёчилик, узлатга чекинишни англатади. Навоий талқинида эса, у мутлақо бошқача, айтиш мумкинки, ижтимоий моҳият касб этади, яъни зуҳд – бўлар-бўлмас орзулардан воз кечмоқ, молу мансаб кетидан қувмаслик, номаҳрам юздан кўзни асрашлик ва ёмон сўзлардан тилни тиймоқдир. Кимки бу мақомга эришса, унинг кўнглида шундай нур пайдо бўладики, у абадий хуррамликни таъминлайди.

Мутафаккир асарларида адолат ва инсоф, сабр ва қаноат, эзгулик ва саховат, меҳр ва мурувват қанчалик улуғланса, кибр ва ҳаво, тама ва манманлик билан боғлиқ иллатлар шу даражада қораланади. Нафсоний лаззатларга берилиш, ҳаёт мазмунини фақат шахсий манфаатларни қондиришдан иборат деб билиш инсонни тубанлаштиради. Илм ўрганиш – камолот сари интилишнинг асосий воситасидир. Илм орқали инсон борлиқнинг мазмуни, ҳаётнинг моҳияти ва умуминсоний қадриятларнинг азалийлиги ҳақида мулоҳаза юритади, уларни тажрибадан ўтказиш орқали ҳақиқатни идрок этади. Нафсоний иллатлар исканжасидан қутулади, зиммасидаги бош вазифа – моддий олам учун масъулият, табиат ва жамиятни тараққий эттириш бурчини тушуниб этади. Ушбу масъулият ва вазифа инсонни ер юзида кечаётган барча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа жараёнлар, инсоният тақдирига хавф туғдирувчи омилларга лоқайд бўлмаслик, эзгулик ҳукмронлигига эришув учун курашга чорлайди. “Эзгулик энг улуғ ишдир, – дейди Навоий. – Бутун дунё халқлари олдида исботланган ҳақиқат шуки, эзгуликнинг мукофоти эзгуликдир. Эзгуликни ўзингга шиор қил ва уни абадий бахтнинг гарови деб бил. Одамгарчиликнинг энг қиммат гавҳари эзгуликдир”.

Шоирнинг бағрикенглик ҳақидаги қарашлари ҳам ўзига хосдир. “Ҳайрат ул-аброр” асарида кўнгил – рухнинг ҳайрати ифодаси орқали ўзининг дин ҳақидаги фалсафий қарашларини мўъжаз тарзда баён этган. Навоий фикрича, динлар турлича бўлишига қарамай, уларнинг асосида ягона Парвардигорга сизиниш ётади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай динни қоралаш, муросасиз бўлиш нотўғридир. Бу фикр “Лисон ут-тайр” асарида ҳам тасдиқланади:

Қолмаса олам матоъидин жиҳот,
Ўзга навъ ўлғай санга ул дам сифот.
Куфр ила имонга урғайсен илик,
Бу тамаъдин очилғай бир эшик.
Чун эшик очилди не куфру не дин,

Ичкари киргач, қутулдинг барчадин.
Куфру имон роҳравга кеш эмас,
Асл йўлда банди роҳе, беш эмас.

Инсон ижтимоий иллатлардан халос бўлса, яъни юксак маънавий фазилатларни эгалласа, дунёга бошқача назар ташлай бошлайди. Куфр ва имон моҳияти ҳақида тафаккур қила бошласа, бу ҳаракатдан бир ҳақиқат ойдин бўлади. Барча мавжуд диний ва эътиқодий фарқлар, келишмовчиликлар, диний ихтилофлар арзимас нарсалар эканлигини тушунади. Турли динлар ўртасида муросасизликни авж олдириш Оллоҳ ҳақиқатини билиш, яъни диннинг туб моҳиятини англаш йўлида тўсиқдан бошқа ҳеч нарса эмаслигини англайди.

“Маҳбуб ул-қулуб”да “Тангри ризосига эришган киши хитой ёки исломий суратни кўрса, уларнинг ҳар иккаласини ҳам Тангри санъати маҳсули деб билади, Калимуллоҳни мадҳ эта туриб, Фиръавни ерга урмагай, Иброҳим пайгамбар билан мальун Намрудни бир-бирига муҳолиф кўрмагай” дея таъкидлайди.

Юқоридаги сатрларда бу дунё эзгулик учун яратилгани, Парвардигор учун диний таълимотларнинг турлича бўлиши аҳамиятсиз бўлиб, инсоннинг нафс иллатларидан қутулиб, маънан юксак фазилатлар касб этиши ва илмларни тараққий эттириши, оламнинг яратилиши моҳиятини тушуниб этиши муҳимроқ, деган гоя илгари сурилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, у ҳамisha халқ манфаатини кўзлаб иш тутган, халқнинг оғирини енгиллаштириш, унинг дардига малҳам бўлишни ўзининг муқаддас вазифаси деб билган. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилар эканлар, Навоийнинг:

Одами эрсанг, демагил одами

Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами, –

мисраларини келтирганлари бежиз эмас. Ушбу сатрлар давримизнинг шиорига, ҳар бир ватандошимизнинг фаолият мезонига айланмоғи лозим. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, шундагина халқ давлатга ишонади. Ишонч бўлса, халқ жипслашади. Халқ жипслашса, биз ўз мақсадларимизни кўрқмай амалга оширамиз. Мақсадларимиз амалга ошса, халқимиз бой, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиради. Дарҳақиқат, аҳиллик ва ғамхўрлик халқимизни саодатга элтувчи энг ёруғ йўлдир. Бу борада буюк мутафаккир бобомизнинг насиҳати бор:

Ким бу чаман ичра хиромон эрур,

Борчаси бир-бирига меҳмон эрур.

Ҳар кишиким бор эса, ёре анга,

Ҳар кишиким ёр эса, боре анга.

(Бу заминда яшаётган барча одамлар бир-бирига меҳмондир. Ҳамма бир-бирига дўст бўлиши лозим. Кимки дўстликни қадрласа, барча ниятларига етади).

РЕЗЮМЕ. Мақолада Алишер Навоий ижодининг баркамоллик ва барҳаётлик сирлари, у юксак пардаларда куйлаган умуминсоний қадриятлар ва комил инсон ҳақидаги гояларнинг барча замонлар учун муҳим ва долзарблиги каби қатор масалалар хусусида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ. В статье исследуется ряд важных вопросов творчества Навои: секреты совершенства и извечности творчества поэта, важность и актуальность идей общечеловеческих ценностей и совершенноразвитого человека, воспетых поэтом в высоких нотах.

RESUME. The article is about the secrets of perfection and livingness of Navoi's creative works, the essence and relevance of the ideas about universal values and ultimately developed human sung by the poet on high notes.

Таянч сўз ва иборалар: гуманизм, цивилизация, комил инсон, маънавият, тарбия, умумбашарий кадриятлар, бағрикенглик, халқ манфаати.

Ключевые слова и выражения: гуманизм, цивилизация, совершенноразвитый человек, духовность, воспитание, общечеловеческие ценности, толерантность, интересы народа.

Key words and word expressions: humanism, civilization, ultimately developed human, spirituality, training, universal values, tolerance, interests of the people.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ТАРК ТУШУНЧАСИ ВА ТАЛҚИНЛАРИ

(Биринчи мақола)

Қадим Шарқнинг ишқ ва маърифат оламида биринчи туркий тариқат ва илк тасаввуфий шеъриятга асос солган “Пири Туркистон” Хожа Аҳмад Яссавий “Муножотнома”сида:

Мени ҳикматларим ошиққа айтинг,

Дили ойинадек содиққа айтинг¹, –

дейлади. Дарҳақиқат, адабиётни теран англаш, умуман бадий сўз сирларини жонли идрок этишда қалб поклиги, бутун борлиги билан Ҳақ ва Ҳақиқатга содиқлик ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу маънода ҳақиқий бадий асар мутолаасини маънавий-руҳий тозаликдаги тафаккур тажрибаси дейиш ҳам мумкин.

Ҳаёт, жамият ва инсон тақдирига очик нигоҳ билан қараб тўғри мушоҳада юритилса, жўнлик, ўртамиёначилик, айниқса, саёзлик ижтимоий-маданий, илмий-ижодий тараққиёт учун наинки тўсиқ, жиддий хавф эканлигига шубҳа қолмайди. Қайси минтақа ёхуд мамлакатда ахлоқий-маънавий қарамлик ва афтодалик ҳукм сурган бўлса, ўша жойда саёзлик тантана қилиб, ўртамиёначилик ўйинлари албатта равнақ топган. Узоққа бормасдан яқин ўтмишга бир назар ташлайлик. Мустабид совет давлати қандай ҳақиқатларни тақиқлаб, қанақа кадриятларни йўқотишга куч сарфлаган бўлса, шуларнинг аксариятини саёзлик, тақлидчилик ҳамласи билан амалга оширган. Натижада, Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, адабиётнинг атом ҳам тенг келолмайдиган кучи кўпинча “ўтин ёриш”га сарфлангани боис, мумтоз адабий мероснинг асл аҳволи ва ҳақиқатлари ҳам бузиб, яқранглаштирилиб кўрсатилган.

Ислом дини, унинг заминида дунёга келган тасаввуф таълимоти ва сўфийлик адабиётининг тақиқу таҳқирланиши хусусида кейинги вақтларда кўп гаплар айtilди. Уларни бошқачароқ бир тарзда такрорлашдан

¹ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи И.Ҳаққулов. Тошкент, 1991. 198-бет.

тийилиш лозим. Шу билан бирга, дин, тасаввуф, илоҳиёт билан боғлиқликда қораланиб, ҳозиргача ҳам холис баҳосини олмаган мавзу, масала ва тушунчаларнинг ҳар бирини қунт билан ўрганиб, талқину таҳлил этиш жоиз.

Олис ўтмишда аввало нубувват таълимотидан, сўнг футувват, тасаввуф, маломатийлик ва адабиётдан муқим ўрин эгаллаган тарк тушунчаси (бунга тарк ҳоли, тарк тажрибаси, тарк маслагги ҳам дейилган) шулардан биридир. Афсуски, шўро сиёсати ва мафқураси талаби бўйича ушбу серқирра тушунча бошданоқ бузиб кўрсатилиб, комиллик пойдевори ўлароқ таърифланишга лойиқ унинг амалий ва ижобий қиймати умуман йўққа чиқарилган. Бунга эса ўтмишда яшаб ўтган сохта, тақлидчи сўфий ва дарвешларнинг тубанлик ва товламачиликлари ҳам бир қадар замин ҳозирлаган. Абу Аббос Диноварийнинг айтишича, улар тасаввуфнинг маъно-моҳиятини ўзларича шу қадар бузишганки, “масала, тамага – қаноат, адабсизликка – ихлос, Ҳақдан йироқлашувга – шатҳ, ёмон ва чиркин ишлардан завқланишга – таййиба, ҳавою ҳавасга – ибтило, дунёга кўнгила боғлашга – васл, ахлоқсизликка – савлат, зиқналик ва хасисликка – жалолат, тилёғмаликка – амал, тил бузуқликка – маломат номини беришган”². Тасаввуфни бундай ичдан бузиш, унинг атама ва истилоҳларини мазмунидан ажратиб, бошқа бир гаразли мақсадда ишлатиш тарк калимаси ва тушунчасига нисбатан ҳам одамларда асосан салбий тассурот уйғотиб келган.

Илм-фаннинг инсон онги ва идрокидаги таъсирини чуқур англаган Шарқ мутафаккирларидан бири: “Илмсиз бўлма, олимларга душман бўлурсен”, – дейди. Дарҳақиқат, ақлини жаҳолат қуршаган, қалби гафлатга ботган кимсаларнинг аксарияти чин олимни камида ё хуш кўрмайди ёки ўзи истамаса ҳам унга ич-ичидан ҳасад, нафрат, адоват билан қарайди. Чунки илм ва маърифат соҳибларига холис муносабатда бўлиш учун Ҳақ ва ҳақиқат сирларидан огоҳ бўлиш, ростлик завқ-шавқи билан яшаш лозим.

Маълум бир мавзу ёки масаланинг маъно-мазмунини тўғри тушунмай шарҳлаш ва талқин қилиш илм аҳлининг чалғиши, оддий одамларнинг чалғитилишига сабаб бўлган. Саёзлик, маҳдудлик ва жаҳолатнинг ҳукми баъзан неча юз йиллар мобайнида гайриилмийликнинг қалқони бўлиб келган. Акс ҳолда тарк хусусидаги хато ва юзаки фикр-қарашлар алақачон тарк этиларди.

Тасаввуфда зуҳд, узаат, тафрид, инзиво ёки фирор деган истилоҳ, ҳол ҳамда даражалар бор. Улардан кўзланган мақсад ва натижа ҳам бевосита тарк билан вобастадир. Маълумки, зуҳд ва зоҳидлик Шарқ мумтоз шеърлятида изчил бир тарзда танқид қилинган. Бироқ бу танқидлар ҳақиқий зуҳд ва зоҳидлар ҳақида эмас, балки инсон маънавий-руҳий камолига тўсиқ бўладиган, фиққ, риё ва тамадан тозалана олмаган бадбин зоҳидларга тегишли эди. Чунки улар тарк завқи ва ҳолини тўла-тўқис ҳолда яшай билмаган охиратсеварлар бўлишган. Бошқача айтганда, ушбу тоифа: “тарки уқбо” чегарасига ҳам етиб боришолмаган Ишқ ва Ирфон кушандалари эди. Буюк озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулийнинг “Ринд ва зоҳид” рисоласида ринднинг зоҳидга қарши “Комил инсонларки, дунёдан муҳаббатларини дариг тутмишлар ва ақлларини нафсларидан

² Қаранг: Абдулкарим Қушайрий. Рисолаи Қушайрий. Истанбул, 1991. 172-бет.

устун кўймишлар, дунёнинг ёмонлиги боисидан эмасдир... Дунё орифлар учун раҳбар, жоҳиллар учун йўлни тўсувчи бир девордир”³, деган сўзлари ҳам ушбу фикрнинг бир тасдиғидир.

Дарҳақиқат, эс-ҳуши жойида ақлли одам унга бағрини очган, барча орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган дунёдан юз ўгириб, яъни дунёга кўл ва этак силкиб яшай олмайди. Чунки у ҳамма нарсадан кўз юмса ҳам борлиқ – олам ва чексиз-чегарасиз коинотнинг яратувчисини инкор этолмайди. Зеро, ҳар бир боғнинг боғбони, ҳар қайси иморатнинг бинокори бўлганидек, даҳр, дунё ва оламнинг ҳам яратувчиси бўлади. У эса Оллоҳ таолодир. Қуёшга қаҳр сочиб ёки ундан бутунлай бекиниб яшашнинг ҳеч иложи бўлмаганидек, Оллоҳ нури тажаллий этмаган зулмат бир дунёда кун кечиришнинг ҳам имкони йўқ. Тарк ёки тарки дунё дегани нисбий бир гап бўлиб, уни жаҳондаги ҳар турли ёмонлик, фирромлик, тубанлик, ғайриинсонийликларга танқидий муносабат мазмунида англаш лозим. Чунки тарк ва тарки дунё тушунчасини фақат даҳрийлар, гумроҳ материалистлар тўппа-тўттри маънода қабул қилиб, ўзлари билиб-билмай одамни ҳайвонлик ва шайтонлик яроғи билан қуролланишига ташаббускор бўлишган. Аслида, тарк дегани охир-оқибатда, ҳам дунёвий, ҳам ухровий зиддиятлардан кўнглини халос қилишдир.

Кечиш, узилиш, ўзни фориғ этиш, енгиллаш, холисликни қўлга киритиш, тозаланиш сингари маъноларни ифодалаган тарк сўзи ва тушунчаси Шарқ тасаввуф адабиётида ўзига хос бир изчилликда ёритиб берилган. Аҳмад Яссавийга издош шоир Юнус Эмро ёзади:

Барча илму амал бир таркка тенгмас,
Ки тарки бўлмаган бир барққа тенгмас...
Валига ва набига тарк буюрди,
Ҳалолдир тарк анга – жон таркин урди⁴.

Тарк йўли – инсонни инсонга қарамлик, тобелиқдан қутқазадиган қафоат, ҳуррият йўли бўлиб, унинг кераклини кераксиздан, маънини маънисизликдан, боқийни фонийдан ажратишдаги хизмати катта. Умуман, том маънодаги тарк шавқи ва сурури билан яшаш одамни барча махлуқотдан юксакка кўтаради, энг хайрли, энг муқаддас ҳақиқатлар равнақи учун куч бағишлашга йўналтиради.

Комил инсон мавзуининг улут тадқиқотчиси Азизиддин Насафийнинг эътирофи бўйича, “Солиқни ҳурлик ва фароғатга етказадиган мақом тарқдир. Унинг учун тарқдан ортиқроқ бир нима йўқ...”⁵.

Шу ўринда бевосита тасаввуф адабиётига тегишли бир моҳиятни ҳам изоҳлаб ўтиш зарур. Шарқдаги буюк сўфий ва мутасаввиф шоирлар ижода фано ва фаноликка асосланиб, воқелиқни ҳам, ҳаёт ҳодисаларини ҳам шу нуқтаи назардан талқин қилишган. Нигоҳни боқий ва боқийликка қаратган маслак ҳамда маданият вакиллари бўлгани учун улар Оллоҳдан ўзгасига кўнгили боғлашда теран маъно бор деб билишмаган. Албатта, тарихий давр, дин, мафкура, ҳаёт талаблари жиҳатидан бунинг ҳеч қандай ғайритабиий

³ Мухаммад Фузулий. Асарлар. 5-жилд. Баку, 1985. 33-бет.

⁴ Юнус Эмро. Рисолат ун-нусхийя. Баку, 2013. 74-бет.

⁵ Азизиддин Насафий. Тасаввуфда инсон масаласи. Инсони комил. Истанбул, 1990. 196-бет.

жойи бўлмаган. Шунинг учун ҳам Навоий таржеъбандларидан бирида “Бақосиздур жаҳон раъноси, валлоҳ. Жаҳон раъноси йўқким мосиваллоҳ” дер экан, шундай хулосани илгари суради:

Ки Ҳақ боқийдурур, дунё аруси
Эрур фоний, неча кўргузса зевар⁶.

Шоир таркка ишқ ва ошиқлик завқ-шавқининг баланд нуқтаси сифатида қарайди:

Навоий айласа ишқингда куфру дин тарки,
Қачон бу воқеа шавқ аҳлидин муҳол бўлағай⁷.

Навоийга кўра, таркнинг наинки мақбули, марғуби ҳам ишқ йўлида жону жаҳондан кечишдир:

Ишқ аро жон тарки чун матлубдур,
Ҳар не онинг боиси марғубдур.

Заъфнинг поёни бўлса тарки жон,
Ўйла ўлмакка фидо жону жаҳон⁸.

Шоир кўнглида тарк самовий орзу ва кайфиятларни ҳам воқелантирган. Бу фикрга “Фавойид ул-кибар” даги мана бу байт бир далилдир:

Муҳандисе топаю, эғнима қанот ясай,
Учуб ҳавосида қушлар аро ўзумни қотай (ФК, 594).

Фақат девонларида эмас, “Хамса” да ҳам Навоий тарк мавзуини четлаб ўтмаган. Лекин шоирнинг бошдан-охир тарк амалиёти ва фалсафасига таянилиб яратилган асари, ҳеч шубҳасиз, “Лисон ут-тайр” эди. Бу дostonда тарк ва фано қарийб тенг тушунча тарзида талқин қилинган. Буни маълум бир ўринларда Худхуднинг тарк муршиди сифатида сўзлашидан ҳам фаҳмлаш қийин эмас. Масалан, нафс кўғирчоғига айланиб, нафсоний тубанликлар ичида яшаётган худпараст бир қушга у, мана, нима дейди:

Нафс онча кўнглунга солур гурур,
Еткурур онча замирингга футур—

Ким, они шайтон кўруб, ҳайрон қолур,
Водийи ҳайратда саргардон қолур.

Қайси ишдинким етар нафсингга ком,
Топар ондин комини шайтон мудом...

Ҳар не ул қилмоқ керақ, нафсинг қилур,
Ҳар неким шайтон билур, ул ҳам билур...

Нафсинг онча кўзгузур талбисни —
Ким, қилур шарманда юз иблисни⁹.

⁶ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўнгинчи жилдлик. 1-жилд. Бадоеъ ул-бидоя. Тошкент: Фан, 1987. 611-бет.

⁷ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-жилд. Гаройиб ус-сигар. Тошкент, 1988. 493-бет.

⁸ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 12-жилд. Лисон ут-тайр. Тошкент, 1996. 146-бет.

⁹ Уша асар. 157–158-бетлар.

Нафс майдони – мурасасиз кураш майдони. Маълум бир муддат бўлса ҳамки, бу курашда зафар қозонган киши чиркин хулқ ва ёмон одат тарки; ҳирс ва ҳавас, таъсир ва тақлид тарки; тилёғламалик ва хушомад, писмиқлик ва олчоқлик тарки; каззоблик ва товламачилик, риё ва мунофиқлик тарки; очкўзлик ва худкомлик, ҳайвонлик ва шайтонлик таркини амалга ошира билган ҳисобланади. Ана шунда руҳ ва руҳоний ҳаётга нисбатан эътибор бошқа бир янги босқичга кўтарилади.

Руҳ ва вужуд, руҳ ва нафс, руҳ ва борлик, руҳ ва илоҳ муносабатларида руҳнинг қаноти тарқидир. Айниқса, руҳоният ва нафсоният орасидаги азалий зиддиятларда бу нарса ёрқин кўринади.

XII асрдан тахминан XIX юз йилликнинг иккинчи ярмигача мумтоз шеъриятимизда руҳ, руҳоний ҳаётга тегишли кайфият, ҳолат ва фазилатлар тасвири устунлик қилган. Айтайлик, Сулаймон Боқиргоний томонидан қаламга олинган руҳ ва нафс тазодининг миқёси Навоий шеъриятида, биринчидан, жуда кенгайтирилган, иккинчидан, янги шакл, янги услуб ва бир-бирини такрорламайдиган ифодаalarda шеърхон ҳукмига ҳавола этилган.

Шеърят тажрибасидаги ўзига хос ижод намуналарини тамсил этган ва руҳнинг инсон қисматидаги нуфузига урғу берилган мазкур асарларда самовийлик ҳиссиёти, замин одамини фазовий кенгликларга чорлаш иштиёқи ҳам фавқулодда таъсирли тарзда тасвирланган. Бундай шеърлар жуда оз бўлса-да, Яссавий, Навоий, Бобур, Машраб анъаналарини теран ўзлаштирган ўтган асрга мансуб шоирларимиз ижодида ҳам учрайди.

Вужуд деганлари асли нимадир?

Дайр денгизида юрган кемадир.

Бир кун бир қояга урилгай кема,

Руҳим, сен вужуднинг гамини ема...

Абдулла Ориповнинг “Руҳим” шеъри кўпчилик қалам аҳлининг ҳам хаёлига келавермайдиган ана шу сатрлар билан бошланиб, руҳнинг нима учун вужуд тақдирига асло парво қилмаслиги ҳеч бир шоир айтмаган эътироф сўзлар билан давом эттирилади:

Юксак фазоларда айлагил парвоз,
Сенда на оҳанг бор ва на бор овоз.

Сенга на бўронлар кор қила олур,
Сени на йўқотиб, бор қила олур.

Сен мисли камалак – юксак ва сўлмас,
Камалакни эса парчалаб бўлмас¹⁰.

Бу каби хаёлий ва фазовий хулосаларга келиш учун вужуднинг фанолиги ва руҳнинг бақолиги биринчи галда тарк туйғуси ҳукми билан ҳал этилади.

Орифлик салоҳиятига соҳиб шоирлар борлик – оламнинг ёмонлиги, қаттол ва ёвузлиги, инсонга гўёки ҳеч қандай яхшилик ё эзгуликни раво кўрмаслиги учун эмас, руҳга, кўнглига унинг самовий эркинлик бағишлай

¹⁰ Орипов А. Йиллар армони. Тошкент, 1989. 219-бет.

олмаслиги боис ишқ ва Ҳақ аҳлини ундан баланд кўтарилишга чорлашган. Бу фикрнинг характерли далили ҳам Абдулла Орипов ижодида учрайди. “Чорлов” деб аталган шеърда у ёзади:

Дўсти гариб, кел, қўлингни тут,
Юрагингда ёқай аланга.
Кел, бир зумга дунёни унут,
Кўтарайин сени баландга.

Агар юракда тарк ҳоли бош кўтариб, самовий хурлик руҳни орзиқтирмаса, ҳатто қисқа бир муддатда ҳам ҳеч ким ҳеч бировни юксакка кўтара олмайди. Умуман олганда эса, тарк шууридан йироқ кимсалар шоирнинг кейинги мисраларда илгари сурилган мақсад-муддаосининг ҳам мағзини чақолмайди:

Пастда қолсин нобакор хилқат,
Пастда қолсин танбал булутлар.
Юрагингда чақнасин фақат
Ёруғ хаёл, самовий ўтлар.

Юксакларда чарх уриб айлан,
Руҳинг мангу турсин ёришиб.
Ўлганда ҳам вужудинг билан
Кетмагайсан ерга қоришиб¹¹.

Хуллас, тарк ва унинг моҳиятидан сўзлаганда икки нарсани албатта инобатга олмоқ зарур. Биринчиси – моддий борлиқ ва мавжудликларга қараганда руҳ ва ишқ тарихининг қадимийлиги. Иккинчиси эса дунёнинг зоҳирий сувратлари эмас, ирфоний хусусиятларнинг беҳад ноёблиги. Демак, ишқ ва маърифат денгизида сузмаган кишининг тарқдан баҳс очишга ҳақи ҳам, маънавий ҳуқуқи ҳам йўқ.

Психологларнинг ваколат беришича, инсон вужудида майл ва мақсади бир-бири билан мувофиқ келмайдиган неча ўнлаб “мен”чалар мавжуд бўлади. Моддий манфаат, ўнгай вазиятга қараб турланиб-тусланишдан толиқмайдиган ўша майда “мен”лардан қутулишнинг даҳлсиз чораси тарк изтиробидир. Аввало нафси аммолага қарши курашга йўллайдиган бу изтироб ва йўқотишлар бир замонлар юнон файласуфи Арасту айтган трагик покланиш, яъни катарсисга қараганда ҳам амалий, ҳам самаралидир. Рус олими Ф.А.Петровскийнинг таъкидлаши бўйича, Аристотелдаги покланиш сўзи нимани англатади деган масала ҳанузгача тўла ҳал этилмаган. Катарсисни тушунтиришлар кўп ҳолларда Аристотель сўзларининг матни ва мазмунини ўзбошимчалик билан шарҳлашга асосланган экан¹².

Аристотель кўзлаган трагик покланиш, яъни катарсис асанда нафсга тегишли. Чунки нафсга қарши курашга киришиб, уни тозалаш инсон тақдиридаги азоб ва изтиробларнинг энг қийноқлисидир. Таркнинг алоҳида даражаси ўлароқ белгиланган тарки ҳасти – ўзликни тарк этиш на юнон, на Европа тадқиқотчилари тасаввур ҳам этолмаган изтироб орқали эришилган покланиш тажрибасидир. Бундан ташқари, Ғарбда ўзини таниган эркин шахс сифатида таърифланган “абсурд одам” илоҳий манбасини топмаган, бироқ шарқлик тарк одамига яқин бир типдир.

¹¹ Уша тўплам. 253-бет.

¹² Қаранг: А р и с т о т е л ь. Поэтика. Тошкент, 1980. 95-бет.

Тасаввуфда тарк тўрт қисмга ажратилган: 1. Тарки дунё. 2. Тарки уқбо. 3. Тарки ҳасти. 4. Тарки тарк. Булардан ҳар бири Навоий шеъриятида ўзига яраша ўрин эгаллаган ва ҳар қайсиси алоҳида баҳс юритиладиган мавзудир.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Шарк мумтоз адабиётида муҳим ўрин тутган тарк тушунчасининг Алишер Навоий ижодидаги талқинлари илмий таҳлил доирасига тортилади.

РЕЗЮМЕ. В статье научно анализируются толкования в творчестве Алишера Навои понятия "тарк", имеющего важное значение в восточной классической литературе.

RESUME. The paper devoted to the important concept "leave" in the east classic literature and its interpretations in the Alisher Navoi works.

Таянч сўз ва иборалар: тасаввуф, тарк, талқин, шарх, анъана, катарсис.

Ключевые слова и выражения: суфизм, отречение, толкование, комментарий, традиция, катарсис.

Key words and word expressions: mysticism, leave, interpretation, review, tradition, catharsis.

Султонмурод ОЛИМ

СЎЗНИНГ ШАКЛДОШЛИГИ ВА КЎПМАЪНОЛИЛИГИГА АСОСЛАНГАН БАДИЙ САНЪАТЛАР

Шарқи мумтоз адабиётида сўзларга зеб бериш, сўз қудратини камоли маҳорат билан намойиш этишга интилиш жуда кучли бўлган. Адабиётнинг даражаси, хусусияти шуни тақозо этган. Шеърга, аввало, гўзаллик намунаси сифатида қаралган. Шоирлар биргина чиройли ифода учун ҳам олқиш олган, шухрат қозонган. Уша бадий топилдиқ шу тилдаги шеърятнинг мулкига айланган ҳам. Бошқа шоирлар ўрни билан ундан фойдаланган. Агар ўшани қўлашда жиндак оҳорийликка эришилса, бу айб саналмаган. Масалан, Хоразмийнинг милодий 1353 йили яратилган "Муҳаббатнома" асаридаги 6-байтда шундай сўзлар жаранглайди:

Анингким, ол энгинда менг яратти,

Бўйи бирла сочини тенг яратти¹.

Байтдаги бадий топилма – *бўйи билан сочини тенг яратганлиги*. Бу – туркий шеърятга Хоразмий киритган тасвирий-ифодавий янгиликлардан бири. Бошқа муаллифлар ундан фойдаланишни ор билмаган. Бу ерда Худонинг Ерни, Ердаги кеча-кундузни яратгани ҳақида сўз бораётир. Биринчи мисрадаги *энг (юз) билан менг (катта хол)* ҳам кундуз ва кечага ишора, *бўй билан сочининг тенглиги* ҳам кундуз ва кечанинг тенглигини билдиради.

Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин"ида Хоқоннинг Фарҳод учун тўрт фаслга мослаб қурдирган қасрларда ўгли билан бир йилини ўтказгани ҳақида боб бор. Шу бобнинг 3-байтида шоир Хоразмийнинг ана шу топилмасини ишга солади:

Қилур тун бирла зулфу, кун била энг,

Этар лекин бўйи бирла сочин тенг².

¹ Х о р е з м и. Муҳаббат-наме. Издание текста, транскрипция, перевод и исследование Э.Н.Наджиба. М.: Издательство восточной литературы, 1961. С. 27.

² А л и ш е р Н а в о и й. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдик. 8-жилд. Тошкент: Фан, 1991. 97-бет.

Кўриниб турибдики, Навоийда бу тасвир ниҳоятда ўзига хослик касб этган: *машишотайи сунъ* (*яратувчи пардозчи*), яъни *Худо даҳр аруси* (*дунё келини*) *ҳуснига оро бериб* (олдинги байтда), унга тундан соч, кундан юз ясайди, лекин бўйи билан сочини тенг қилиб яратади. Шоир Тангри таоло оламни юз билан соч каби оқу қорадан, яъни кеча билан кундуздан иборат қилиб бунёд этади, бироқ кундуз (*буй*) билан кечани (*сочни*) тенг қилди, демоқчи.

Навоий Хоразмийнинг мазкур байтини менг сўзига мисол тариқасида келтиради: “Ва ҳусн таърифидида улуғроқ холгаким, турклар менг от қўюптурлар, алар (форсийзабонлар – С.О.) от қўймайдурлар. Турк бу таърифни бу навъ адо қилибдурким, байт:

Анингким, ол энгинда менг яратти,
Бўйи бирла сочини тенг яратти”³.

Профессор Н.Маллаев Хоразмий байтининг “Муҳокамат ул-лугатайн”да келтирилишига тўхтаб, шундай ёзади: “Бу мисраларни Навоий бевосита “Муҳаббатнома”дан олганми ёки уларни ашулааларда эшитганми – буни билмаймиз. Бироқ, бундан қатъи назар, “Муҳаббатнома” мисраларининг “Муҳокамат ул-лугатайн”да мисол тариқасида келтирилиши унинг тил жиҳатидан хийла бой эканини кўрсатади”⁴.

Ҳолбуки, Навоий байтни бевосита “Муҳаббатнома”нинг ўзидан олганига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Чунки “Фарҳод ва Ширин”да Хоразмий ифодасига мурожаат қилиши ҳам унинг “Муҳаббатнома”дан тўла боҳабар эканини намоён этади. Буни исботлайдиган бошқа далиллар ҳам бор, аммо уларни батафсил келтириб ўтиришнинг ўрни эмас.

Шарқ адабиётида оз сўз қўллаб, кўп маъно ифодалаш маҳоратнинг энг юксак чўққиси ҳисобланган. Шундай бадий даража *балогат* дейилган. Бундай даражага эришганларни *балогат аҳли* деганлар. Навоий замонасининг йирик адабиёт назариётчиси Атоуллоҳ Ҳусайний бу ҳақда шундай ёзади: “Балогатнинг маъноси улдурким, кўнгулда борин озгина лафз (сўз – С.О.) билан анинг маъно тугаллигига ҳеч халал еткурмастин баён қилингай ва сухан бастига⁵ эҳтиёж тугулганда ҳожат ҳаддидин ўтимагаю малол ҳаддига еткурулмагай”⁶. Шу жумладан ҳам кўриниб турибдики, балогатга эришишнинг наинки амалий, ҳатто, назарий томонлари – усуллари, йўл-йўриқлари ишланган эди.

Атоуллоҳ Ҳусайний асарида яна ўқиймиз: “Шамс-и Қайс дептурким, балогат уч навъ суханда пайдо бўлур: и й ж о з у м у с о в о т у б а с т а. И й ж о з улдурким, лафз озгина бўлур-у, маъно кўп. Мусовот улдурким, лафзу маъно тенг бўлур. Б а с т улдурким, маънони кўп сўз била шарҳларлар ва бир неча шаклда ани таъкидларлар, андоқким, агар муштарак маъноли лафз бўлса, ўз муродларин анинг била баён этарлар, шарҳқа эҳтиёж тугулса, гумонни бартараф этмакка киришурлар”⁷.

³ Алишер Навоий. Асарлар. XV жилдлик. 14-жилд. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1967. 112-бет.

⁴ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб (XVII асргача). Тошкент: Ўқитувчи, 1976. 239-бет.

⁵ Яъни сўзни кенгайтиришга – Таржимон изоҳи.

⁶ Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадоийиу-с-санойиъ. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 176-бет.

⁷ Ўша асар. 175-бет.

Навоий “Сабъи сайёр” достони 7-бобининг охирларида Худодан мадад сўраб:

Заррада Меҳрни ниҳон айлай,
Баҳрга қатрани макон айлай!⁸ –

дейди. Заррада Қўёшни (Меҳрни) яшириш, қатрани денгизга (баҳрга) макон қилиш учун соҳиби балоғат бўлиш керак.

Кам сўз қўлаб, маънони тугал етказиш – масаланинг бир жиҳати, холос. Шарқ сўз санъатида айнан бир жумланинг икки ё ундан ортиқ фикр, яъни икки ё ундан ортиқ тагматни (контекстни) юзага чиқаришига эришишга кучли интилиш ҳам бўлган. Бунда ўша жумладаги айрим сўз ё сўзларнинг кўпмаънолилиги (синонимияси) ёхуд шаклдошлигига (омонимиясига) таянилган.

Аслида-ку, сўз тагматнда фақат битта маънода келади. Бу – тилшуносликда исботланган қонуният. Бироқ биз кўзда тутаётган бадий ҳодисада бир жумла икки ё ундан ортиқ тагмат яратади. Бунда сўзларнинг шаклдошлиги, яъни омонимларга ҳам асосланилади, дедик. Лекин бир нарсани аниқлаб олишимиз керак. Омонимларни қўлаш Шарқ мумтоз бадийиётида (поэтикасида) т а ж н и с санъати дейилади. Бироқ тажнис (яъни жинсдош сўзлар қўлаш) санъати юзага чиқиши учун омоним сўз камида икки бор ишлатилиши керак. Агар ўша омоним сўз бир бор қўлланса-ю, икки маънони англаиб, икки тагматни юзага келтирса, у тажнис ҳисобланмайди.

Хўш, сўзнинг шаклдошлиги ё кўпмаънолилигига асосланган санъатларга нималар қиради? Уларнинг ўзаро фарқлари, ўхшашликлари нималардан иборат? Бу бадий воситаларни бир-биридан фарқлашда илмда ҳар хилликлар борми?

Бундай санъатларнинг энг асосийси – и й ҳ о м⁹. Ийҳом ҳақида Атоуллоҳ Ҳусайнийда шундай таърифни ўқиймиз: “Ул андин иборат турким, каломда бир лафз келтурурларким, андин икки маъно англашилур, бир маъносининг англами яқин, иккинчисининг англами йироқ бўлур ва мурод англами узоқ маъно бўлуб, анинг яширин маънодошига, хоҳ ўшул каломда бўлсун, хоҳ андин ташқарида бўлсун, таянилур”¹⁰. Олим бу санъатнинг ўзига яқин бошқа санъатлардан фарқлари, у ҳақда турлича қарашларни баён қилгач, истилоҳнинг маъносини изоҳлайди: “Ийҳом лугатта гумонга қўймоқтур ва аташ важҳи улдурум, каломда муроди бўлатуруб англами яқин маънолиг лафзни келтирмак эшиткучини яқин маъно мурод бўлса керак, деган гумонга солмоқдур”¹¹. Маълум бўляптики, ийҳом учун ўша икки маъноли сўзнинг бир маъноси яширин бўлиши керак. Бобурнинг мана бу байтида сўрорим бор сўзлари ийҳомга ёрқин мисол:

Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ямон қилди, мен ондин бир сўрорим бор¹².

⁸ Алишер Навоий. Ҳамса. Тошкент: Фан, 1960. 478-бет.

⁹ Ийҳом ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Исҳоқов Ё. Ийҳом // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 1-сон, 90-бет; Шумуралиф. Сўз санъати сўзлиги. Тошкент: Зарқалам, 2006.

¹⁰ Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. 123-бет.

¹¹ Ўша асар. 125-бет.

¹² Заҳиридин Муҳаммад Бобур. Девон. Тошкент: Фан, 1994. 25-бет.

Байтадаги ажратиб кўрсатилган сўзларнинг ошкора маъноси – сўрамогим бор тарзида, хуфия маъноси эса – сўрмогим бор деб тушунилиши керак. Ахир, гап лаб ҳақида кетяпти-да.

Илми бадийга оид асарларда сўзнинг кўпмаънолик экани ва шаклдошлигига асосланган санъатларни тасниф қилишда ҳар хилликлар жуда кўп. Масалан, Ваҳоб Раҳмонов лутф деган санъатни ийҳомдан ажратади: “Лутфнинг ийҳомдан фарқи шундаки, ийҳомни кўпчилик китобхонлар сезмай қоладилар. Лутф эса ўзининг ийҳомга нисбатан яққол сезиларлилиги, осон “чақилиши” билан фарқланади”¹³. Бу – чала фарқ. Тўғри, бир сўзнинг икки ё бир неча маъноси осон англашилса ва улар тенг маънода бўлса (яъни бири – ошкор, иккинчиси – яширин бўлмаса), бу ийҳом эмас. Тожик шеършуноси Т.Зехний худди шундай санъатни тажниси маънавий деб атайдди. У биз тушунган омоним сўзларни қўллашни тажниси лафзий деб номлаб, бу икки тажнис ўртасидаги тафовутни эса шундай изоҳлайди: “Бопқача айтганда, тажниси лафзийда сўз ва тажниси маънавийда маъно такрорланади”¹⁴.

Хуллас, бир сўз бир ўринда қўлланиб, икки ё ундан ортиқ маънони англатса ва бу маънолар тенг кучли бўлса (яъни бири яширин, иккинчиси ошкора бўлмаса), бундай санъат тажниси маънавий ёхуд лутф деб аталади. Биз эса тажниси маънавий истилоҳи тарафдоримиз. Чунки Т. Зехнийнинг далолат беришича, лутф кўпроқ хақ тилида ишлатиладиган атамалардан¹⁵. Бундан ташқари, лутф латифлик, яъни мулойим, чиройли, назокат билан гапириш маъносини ҳам берадики, бу айни сўзни истилоҳга айлантиришга монелик қилади. Сабаби – атама, имкони қадар, бир маънода келиши лозим.

В.Раҳмонов юқорида эслатилган китобида Мавлоно Яқинийнинг: “Яна Мавлоно Лутфийки, лутфи табъ бирла зурафо орасинда машҳур эрур”¹⁶, – деган фикрини келтириб, ундаги лутфи табъ бирикмасини “лутф санъатининг устаси”¹⁷ сифатида хато тушунган. Чунки Яқиний Лутфийнинг сўзни назокат билан ишлатишда машҳурлигини айтган. Демак, бу жумлада лутф сўзи бадий санъатни англатиб келган эмас. Лутфи табъ деган бирикма зехн ёрқинлиги, фикр ўтқирлиги ёки, умуман, сўзга усталик маъноларида ҳам келади¹⁸.

Кейин В.Раҳмонов мазкур китобида лутфга ибҳомни ҳам аралаштириб юборади, иттифоқни ҳам лутф турларидан ҳисоблайди.

Сўзнинг бир бор қўлланиб, икки ё ундан ортиқ маъно англатишига асосланган санъатлардан яна бири – и т т и ф о қ. Баъзи манбаларда у итфоқ деб ҳам юритилади. Бинобарин, бадий санъатларни ўрганиш бўйича таниқли олим Ёқубжон Исҳоқов итфоқ санъати ҳақида шундай ёзади: “... Шоир шеърда ўз номи ёки тахаллусини ниҳоятда чиройли кўринишда шундай ўринли ишлатадики, ўқувчи хаёлига бир пайтнинг ўзида ана шу

¹³ Раҳмонов В. Шеър санъатлари (Ўзбек классик поэтикасидан қўлланма). Ленинобо, 1972. 26-бет.

¹⁴ Зехний Т. Санъати суҳан. Илми бадеъ ва мухтасари арӯз. Душанбе: Ирфон, 1967. С. 84.

¹⁵ Ўша асар, 83-, 85-бетлар.

¹⁶ Раҳмонов В. Шеър санъатлари. 34-бет.

¹⁷ Ўша ерда.

¹⁸ Қаранг: Навоий асарлари лугати. Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 342-бет.

сўзнинг ҳам лугавий, ҳам истилоҳий маъноси келади. ...Итфоқ санъати ишлатилган байтларда сўзнинг (назарда тутилган сўз, албатта) лугавий маъноси биринчи планга чиқиб қолади¹⁹. Бунга фақат шуни қўшимча қилиш керакки, иттифоқда фақат тахаллуслар эмас, киши исмлари, персонажлар номи, адабий ё илмий асарлар номларини ҳам истилоҳий, ҳам лугавий маънода ишлатиш ҳам киради²⁰.

Шундай санъатлардан яна бири – *та в жи ҳ*. Атоуллоҳ Ҳусайний уни *муҳтамаал уз-зиддайн*. (яъни *икки зиднинг эҳтимоли бор*) деб аташларини айтиб, шундай ёзади: “Рашид-и Вагвот дептур: *муҳтамалу-з-зиддайн*, бу санъатни *зулважҳайн* ҳам дерлар, ул андоқтурким, шоир бир байт айтурким, анда икки маъно мадҳ ва ҳажв ихтимоли бўлур²¹. Бу санъатни аниқроқ тасаввур қилиш учун “Бадойиъу-с-санойиъ” таржимони Алибек Рустамовнинг мазкур жумлага ёзган изоҳига эътибор берсак: “Ҳошияда бу санъатга Рашид-и Вагвот келтирган мисол берилган. Бунда бир шоир бир кўзи кўр тикувчига қани, энди иккала кўзинг ҳам бир хил бўлса деган маънода шеър айтади. Бундан иккаласи ҳам кўр бўлсин деганми ёки очик бўлсин деганми, бу – номаълум²².”

Яна бир санъат – *та д б и ж*²³. “Бадойиъу-с-санойиъ”да ўқиймиз:

“Талхис” соҳиби²⁴ дептурким, мутобақа қабилидиндур, баъзилар анга тадбиж деб ном қўюб, андоқ тафсир қилиптурларким, турли маънолар адосинда зикр этилур, хоҳ мадҳ бўлсун, хоҳ андин ўзгаси, киноя ё таврия, яъни ийҳом кўзда тутулур²⁵. Атоуллоҳ Ҳусайний асарида келтирилган мисолларга таяниб айтиш мумкинки, тадбиж санъатида рангларга таяниб киноя ё ийҳом қилинади. Лекин ўша ишора байтда тилга олинган ҳамма рангларда бўлиши шарт эмас: “Билмақ керакким, тадбиж-и кинояда жамиъ рангларда киноя бўлмоғи шарт эмастур ва тадбиж-и таврияда ҳамма рангларда таврия бўлмоғи шарт эмастур...”²⁶. Тадбижи таврияга келтирилган мисолда *ёри гандумгун – бугдойранг ёр* тилга олинади, лекин, аслида, бу билан *нон* тушунчаси кўзда тутилади. Хуллас, тадбижда ийҳомга яқинлик кучли. Тадбижи таврия – ийҳомли тадбиж дегани. Ёки Атоуллоҳ Ҳусайний ёзади: “Маълум бўлсинким, тадбиж-и киноя ийҳом-и тазодга кирур²⁷.”

Икки ё кўпмаънолиликка асосланган санъатлардан яна бири – ибҳом. Ибҳом ҳақида Ё.Исҳоқов шундай деб ёзади: “...Шоир мисрани шундай тузадики, уни ўқиганда бир-бирига зид бўлган икки хил маъно юзага келади. Албатта, бунда мисрани ташкил этган гап бўлақларининг тартиби асосий роль ўйнайди. Бинобарин, икки қарама-қарши маънодан ҳар бирини юзага чиқариш учун мисрани муайян оҳанг билан ўқиш талаб қилинади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи маънодан иккинчи мазмунга ўтганда

¹⁹ Исҳоқов Ё. Итфоқ // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, 3-сон, 88-бет.

²⁰ Қаранг: Раҳмонов В. Шеър санъатлари. 39-бет.

²¹ Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. 122-бет.

²² Қуйидаги манбада: Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. 343-бет.

²³ “Бадойиъу-с-санойиъ”нинг Р.Мусуамонқулов тайёрлаган нашрида тадбеҳ дейилган, қаранг: Маҳмуди Атолло Ҳусайний. Бадоеъ-ус-саноеъ. Душанбе: Ирфон, 1974. С. 164 – 166.

²⁴ Яъни “Талхис” асарининг муаллифи – Тафтазоний.

²⁵ Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ, 229-бет.

²⁶ Ўша асар. 230-бет.

²⁷ Ўша ерда.

гаптаги бўлақларнинг (асосан, бош бўлақларнинг) функцияси ўзгаради (эга кесимга айланади ёки аксинча). Масалан, *Ой юзингни(нг) оллида гул бўлди хор* мисрасидан қарама-қарши икки маъно чиқариш мумкин. ... Бироқ биринчи маъно шоирнинг ҳақиқий мўдаоси ҳисобланади. Фақат мисра шундай тузилганки, урғунинг ўрнини ўзгартириш орқали ундан иккинчи бир маънони юзага келтириш мумкин²⁸. Демак, бунда санъат синтактик ҳодисаларга асосланади.

Навбатдаги санъат – *м у т а з з а л з и л*. Бунда санъат араб ёзувининг хусусиятига асосланади. Санъатга асос бўлган сўз ҳар сафар ўзгартириб ўқилади ва шу тариқа айнан ёзиладиган сўз ҳар гал ҳар турли маъно англатади, ҳатто, кўпинча бир-бирига зид фикрлар ҳам келиб чиқади. Атоуллоҳ Ҳусайнийда ўқиймиз: "Рашид-и Ватвот дептур: бу санъат андоғурким, котиб ёки шоир назм ёки насрда мундоқ бир лафзни келтирурким, анинг бир ҳарфин турланса сўз мадҳтин ҳажвга айланур. Бу таъриф Алломанинг таърифидин хусусийроқтур ул жиҳаттинким, Рашид маъно ўзгариши ва алмашишин мадҳнинг ҳажвга ўтмагига хос қилиптур. Аллома бу хусусийлаштиришни қилмаптур. Алломанинг сўзи ҳақиқатқа яқинроқ кўрунур"²⁹. Тасаввур ҳосил қилиш учун биргина мисол келтирамиз: арабчада *дард* ҳам, *дурд* ҳам د ر د тарзида бир хил ёзилади, Навоий уни баъзан шундай кўллайдики, тагматдан ҳам *дард*, ҳам *дурд* маъноси англашилади, демак, бир жумладан икки тагмат ҳосил бўлади. Бундай санъат намуналарини бугунги алифбомиздаги матнда акс эттириш ниҳоятда қийин. Ҳатто, мутахассис ҳам санъатни илғай олмаслиги мумкин. Энг ёмони, бундай сўзлар нотўғри ўқилиб, хато ёзилиши ҳам ҳеч гап эмас. Масалан, "Фарҳод ва Ширин"даги:

Кетур, соқий, маю, бир дам ойилма,

Мени ҳам дарддин новмид³⁰ қилма³¹, –

байтида келган د ر د сўзи *дурддин* (яъни *лойқасидан*) деб ўқилиши ўрнига *дарддин* тарзида хато ўқилган. Тўғри, бу ерда шоир *дардга* ҳам ишора қилган. Чунки бу байт Фарҳоднинг Ширинга ёзган мактуби баён этилган бобнинг хотимасида келган. Лирик қахрамон ўзини Фарҳод дардларига шерик қилмоқчи. Лекин *дард* байтдаги яширин маъно, унинг ошкор маъноси эса – *дурд*, яъни *майнинг қуйқаси* (соқийга мурожаат қилиниб, май сўралаётганига эътибор беринг).

Сўзнинг кўпмаънолилигига асосланган санъатлардан яна бири – услуби ҳ а к и м. Бу ифода усули ҳақида Атоуллоҳ Ҳусайний ёзади: "Биринчи навъи улдурким, сўзлагучи, андин бир калом содир бўлган бир тинглагучига бир нимани дерким, ани тинглагучи ўз каломига жавобан кутмаган бўлур. Сўзлагучининг бу дегани ул сабабдин бўлурким, тинглагучининг сўзин анинг муродига хилоф равишда қабул қилур... Иккинчи навъи улдурким, сўрагучига жавобан ул нимани дейилурким, сўрагучи ани савол айламаган

²⁸ Исҳоқов Ё. Ибҳом // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, 3-сон, 86-бет.

²⁹ Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадоийиъу-с-санойиъ, 107-бет.

³⁰ Новмид – ноумид сўзининг қисқарган шакли. Мумтоз шеърятимизда вазн тақозоси билан баъзан шундай қисқартмадан фойдаланилади.

³¹ Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик. 7-жилд. Тошкент: Бадиий адабиёт

нашриёти, 1964. 334-бет; Алишер Навоий. Хамса. 301-бет. Бу байт қуйидаги нашрада ҳам худди шундай берилган: Алишер Навоий. Хамса. 1960. 301-бет.

бўлур³². Бу санъатни юзага чиқарадиган хусусият ҳам жумла ё мисрадаги сўз ё сўзларнинг турли маъносидан келиб чиқади.

Кўриб ўтилган саккиз санъат ҳам сўзнинг кўпмаънолилиги ёки шаклдошлигига асосланади. Булардан ташқари, таълиқ³³, ҳазлун муроду биҳи-л-жида³⁴, муроату-р-назир³⁵, иститрод³⁶ ва бошқа айрим бадий санъатлар ҳам борки, уларнинг рўёбга чиқишида маъно ранг-баранглигига таянилади, бу бадий воситаларни юқоридаги тур санъатлар доирасига киритиш қийин. Сабаби – кўриб ўтилган саккиз санъатда сўзнинг кўпмаънолилиги ёки шаклдошлигига асосланилади, кейинги бир тур санъатларда эса кўпмаънолилик сўзлардан эмас, кўпинча ялпи матндан (аксарият ҳолларда байтдан) келиб чиқади.

Хўш, сўзларнинг кўпчилигида кўпмаънолилик хусусияти мавжуд экан, бу жиҳат матнда қандай муайянлашади? Бу ҳақда бир-бирини инкор этадиган фикрлар айтилган. Масалан, Алишер Навоий тили бўйича мутахассис, филология фанлари доктори Баҳром Бафоев шундай деб ёзади: “Сўзнинг маънолари фақатгина текстларда яшовчан бўлади. Текст ёки мисралардаги ҳар бир сўз *фақат бир маъноси билан* (таъкид бизники – С.О.) мазкур ўринда келади. Шунинг учун ҳам сўзлар фақат луғатлардагина кўпмаъноли бўлади, яъни унинг барча маънолари бир ўринда жамланади³⁷. Умуман олганда, тўғри фикр. Чиндан ҳам сўзларнинг асосий қисми матнда фақат бир маъносида қўлланади. Аммо Шарқ мумтоз бадийят илмида махсус ўрганилган юқоридаги каби ҳолатларда шоир ё носирлар матннинг ўзида бир бор қўлланган сўзнинг бир неча маъносидан ҳам фойдаланади. Бу ҳодиса фақат Шарқ шеъриятигагина хос хусусият ҳам эмас. Бинобарин, О.С.Ахманова билан В.Я.Задорнова шундай деб ёзади: “Гап шундаки, бадий адабиёт асарларида сўз ҳар гал ошкор ва яширин шаклларда бир пайтнинг ўзида барча маъновий (семантик) ва услубий имкониятлари билан намоён бўлиши мумкин³⁸. Демак, Б.Бафоев айтган фикрга бадий адабиётта нисбатан ягона қонун деб қараб бўлмайди.

Албатта, биз юқорида санаган санъатларни таърифлаш, номлаш ва тасниф қилишда, ўша санъатлар доирасига кирадиган ҳодисаларни чегаралашда ўрта асрларда яратилган китоблар ва ҳозирги муаллифлар асарлари ўртасида талай фарқлар, бир-бирига тескари қарашлар, мунозарабоп фикрлар, шунингдек, аниқликлар киритишни, ҳаққоний, одил равишда ҳал этишни талаб қиладиган талай масалалар бор. Бироқ бу бизнинг вазифамизга кирмайди. Илмда шу турдаги санъатларнинг ўрганилиши масаласи – алоҳида, махсус тадқиқотга мавзу бўлгулик муаммо. Биз ҳозирча мавжуд фикрларгагина таяндик, холос. Бизда санъатларни таърифлашга янгиликлар қўшиш даъвоси йўқ.

³² А т о у л л о ҳ Х у с а й н и й. Бадойиъу-с-санойиъ, 186–187-бетлар.

³³ Қаранг: Ўша асар. 130–131-бетлар.

³⁴ Қаранг: Ўша асар. 131–132-бетлар.

³⁵ Қаранг: Ўша асар. 232–234-бетлар.

³⁶ Қаранг: Ўша асар. 176–179-бетлар.

³⁷ Б а ф о е в Б. Сўз сеҳргари // Шарқ юлдузи, 1980, 2-сон, 227–228-бетлар.

³⁸ А х м а п о в а О. С., З а д о р н о в а В. Я. Теория и практика перевода в свете учения о функциональных стилях речи // Лингвистические проблемы перевода. М.: Изд. МГУ, 1981. С. 4.

Сўзларнинг кўпмаънолилиги ва шаклдошлигига асосланган санъатларни бир жойга жамлаб олишнинг бошқа муҳим жиҳати ҳам бор. Аслида, бу санъатларнинг ҳар бири талай ўзига хосликларга эга. Шунинг учун ҳам улар мумтоз бадийят илмида алоҳида-алоҳида бадийий восита сифатида ўрганилган. Илми бадий учун бу санъатларнинг ўзаро ўхшаш тарафидан кўра ўзаро фарқли жиҳатлари муҳим. Чунки худди ўша тафовутлар уларнинг мустақил санъат эканини таъминлайди.

Мабодо, гап бу санъатларни таржимада акс эттириш ҳақида кетар экан, аксинча, бу санъатларнинг ўзаро ўхшаш жиҳати биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Қайси усулда юзага чиққани ё қай тарзда намоён бўлганидан қатъи назар, бу санъатларни иккинчи тилга ўтириш жараёнида акс эттириш мутаржим олдига муштарак муаммони кўндаланг қўяди. Шунинг учун ҳам бу саккиз санъатни таржималар таҳлили маҳали, шартли равишда, бир бадийий ҳодиса сифатида олиш ҳам мумкин.

Бунинг яна бир жиҳати бор. Қайта яратиш жараёнида бу санъатларнинг аслиятдаги бир тури иккинчи тилга бошқа бир хили билан ўтказилиши ва шу тариқа мақсадга эришилиши ҳам мумкин. Чунки таржимон олдида кўпмаъноллилик (полисемия) ё шаклдошлик (омонимия)ка асосланган санъатларнинг айнан у ё бу турини эмас, муайян матндан англашиладиган бадийий-табъий (эстетик) маъноларни, демак, уларнинг самарасини ўтказиш муаммоси туради.

Кўпмаъноллилик – умуман, Шарқ мумтоз шеърятининг бош хусусиятларидан. Лирикадаги анъанавий тимсолларнинг деярли ҳаммаси мажозий маънога эга эканини, кўпчилиги ҳатто тасаввуфий истилоҳ даражасига кўтарилганини биламиз³⁹. Лиро-эпик шеърятда эса воқеа муаллиф учун кўпинча бир баҳона, мақсадни ифодалашнинг бир воситаси бўлган, холос. Аслида эса воқеалар заминида шоирнинг гоъвий ниятлари ётган. Демак, воқеалар аксарият мажоз вазифасини ўтаган. Бу масалалар кенг ва муфассал таҳлил талаб қилади. Биз бирров таъкидлаб ўтмоқчимиз, холос. Фикр тамоман исботсиз бўлиб қолмасин учун бир-икки далил келтирамиз.

Абдурахмон Жомий “Саломон ва Абсол” достонининг сўнгги бобини: “Ишорат ба он, ки мурод аз ин қисса нест, балки мақсад аз он маъний дигар аст (таъкид бизники – С. О.), ки баён карда хоҳад шуд”⁴⁰ (“Бундан мурод қисса эмас, балки қиссадан мақсад бошқа маъно эканига ишора ва унинг баёни”), – деб сарлавҳа кўйган. Бу билан асардаги воқеаларга, ва унинг баёни), – деб сарлавҳа кўйган. Бу билан асардаги воқеаларга, ва унинг тагида нимкосаси бор, деб қаранг, демоқчи. Ёки шоир “Лайли ва Мажнун”нинг сўнгги бобида шундай дейди:

Ёзмоқта бу ишқи жовидона,
Мақсадум эмас эди фасона.

Мазмунига бўлди руҳ майли,
Афсона эди анинг туфайли.

³⁹ Бу ҳақда батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: Б е р т е л ь с Е.Э. Заметки по поэтической терминологии персидских суфиев // Б е р т е л ь с Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М.: Наука, 1965. С. 109–125.

⁴⁰ А б д у р а х м о н и Ж о м и й. Осори мунтахаб. Дар панж жилд. Ж. 3. Душанбе: Ирфон. С. 166.

Лекин чу рақамга келди мазмун,

Афсона анга либоси мавзун⁴¹.

Бу ерда афсона асар учун бир баҳона экани, у мазмунга *либоси мавзун* бўлгани, мазмунни воқеалар заминидида ётган *руҳдан қидириш кераклиги* айтиляпти.

Хуллас, ишоравийлик, мажозийлик, рамзийлик, истиоравийлик Шарқ мумтоз шоирлари ижодининг муҳим хусусияти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шеърини асарларга махсус шарҳлар ёзиш адабиёт илмининг ўзига хос соҳаси сифатида ривож топган. Лекин буюк шоирлар асарларининг сермаънолиги шу даражадаки, ҳеч бир шарҳ ундаги жами маъноларни тушунтириб бера олмайди. Аслида, бу барча буюк ижодкорлар асарларига хос белги. Бироқ Шарқда шеърининг сержилою сермаънолиги – унинг жаҳон адабиётидаги ўзига хослигини белгилайдиган даражада камол топган хусусият.

Навоий ижоди шундай бир улкан уммонки, у юқорида ўртага қўйилган назарий муаммоларни тадқиқ этиш учун ниҳоятда бой ва ранг-баранг манба ҳисобланади⁴². Сўзларнинг сермаъно жилоларидан фойдаланиш жиҳатидан-ку, эҳтимол, бошқа бирон Шарқ мумтоз шоири ижоди бу қадар камолотга эришмагандир. Бу, албатта, исботталаб даъво. Бироқ биз бекорга бу эҳтимолимизни илгари сураётганимиз йўқ.

Б и р и н ч и а с о с шуки, Навоий ижоди ўзигача бўлган Шарқ шоирлари эришган ютуқларнинг уйғунлашган ҳосиласи (синтези) сифатида юзга келди. Шоир салафлари эришган юксак ижодий чўққиларни эгаллади ва шеърини янада баланд поғоналарга кўтарди. Унинг салафлари даҳосига сира-сира шубҳа билдирмаган ҳолда шуни айтиш керакки, бу буюк соҳиби қалам шеърини ўзигача ҳеч ким эришмаган чўққига олиб чиқди. Эркин Воҳидовнинг: “Баъзан менга Навоий байтлари инсон фикратида пайдо бўлган эмас, балки илоҳий қудрат томонидан яратилгандек туюлади⁴³”, – дегани ҳам бежиз эмас. Буни Навоийнинг ўзи ҳам таъкидлагандек бўлади. “Хамса”нинг сўнгги достони – “Садди Искандарий”нинг охириги бобида шоирга гўё унинг устози ва пири Абдураҳмон Жомий шундай дейди:

Ки келди замонида сендек киши,

Ки эрмас ишинг одамизод иши⁴⁴.

Бошқа асарлариникиўятурайлик, лекин Навоийникидек “Хамса” ёзиш одам зотининг қўлидан келадиган ишга ўхшамайди. Буни лоф деб тушунмаслик керак. Демак, Шарқ мумтоз шеърининг энг юксак асарларидан бири бўлмиш “Хамса”да (ёки умуман шоир ижодида) Шарқ сўз санъатининг энг муҳим жиҳатлари ўзининг ҳақда аълосига етганлиги аниқ.

И к к и н ч и а с о с шуки, туркий тилда сўзнинг кўпмаънолилиги ва шаклдошлигига асосланган санъатлар учун табиий имконият бошқа тиллардагига нисбатан кўпроқ. Буни Навоий алоҳида таъкидлайди: “Яна шеърда барча таъъ аҳли қошида равшан ва мажмуъи фусаҳо оллида

⁴¹ Алишер Навоий. Хамса. 454-бет.

⁴² Алишер Навоий асарлари тилида полисемия, синонимия ва шаклдош сўзларнинг ўрни ҳақида қаранг: Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. Тошкент: Фан, 1983. 59–124-бетлар.

⁴³ Воҳидов Э. Шоир шеър шуур. Тошкент, 1987. 47-бет.

⁴⁴ Алишер Навоий. Хамса. 851-бет.

мубархандурки, танжис ва ийҳом бағоят куллийдур. Ва бу фархунда иборат ва хужаста алфоз ва ишоратда форсийдин кўпрак тажнисомиз лафз ва ийҳомангиз нукта борки, назмга мужиби зеб ва зийнат ва боиси такаллуф ва санъатдир”⁴⁵. Англашиладики, полисемия ва омоимия жиҳатидан туркий тил айрича бир хусусиятга эга. Тажнисларга, яъни шаклдош сўзларни қофияга олишга асосланган туюқ жанри ҳам фақат туркий шеърятда мавжудлигини эсга олайлик. Туркийда эса ҳалигача шеърятни Навоий қадар юксакка олиб чиққан, сўзга унинг каби жило берган шоир йўқ.

У ч и н ч и а с о с шуки, Навоийнинг ўзи “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан жой олган маснавийида Фирдавсийнинг “Шоҳнома”ни ўттиз йилда ёзгани ҳақида гапириб, шундай фахрия қилади:

Ани дерга бўлса қачон рағбатим,
Эрур онча Ҳақ лутфидин қувватим –

Ки, ҳар неча нутқ ўлса қоҳилсарой,
Битигаймен ўттуз йилин ўттуз ой.

Агар хосса маъни, гар ийҳом эрур,
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур⁴⁶.

Ана шу парчадаги охирги байтни ҳар ким ҳар хил шарҳлаган. В. Раҳмонов бу ҳақда шундай деб ёзади: “Алишер Навоийдек адабий даҳо ийҳомга хосса маъни, яъни энг зукко, юксак маъно деб қараган:

Агар хосса маъни, гар ийҳом эрур,
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур, –

дер экан, автор, бир томондан, бу асарнинг юксак ижодий камолот маҳсули бўлишлигини уқтирса, иккинчи томондан, ана шу санъатнинг нақадар лаззат бағишлаб, ҳар куни, ҳатто, юз байтгача ижод қилиш шавқи борлигини таъкидлагандир”⁴⁷. Бизнингча, адабиётшунос байтнинг мазмунини нотўғри шарҳлаган. Бу ерда тушунилиши қийинроқ нарса – хосса маъни сўзлари. Хосса маъни – сўзма-сўз тушунилганда, махсус маъно, дегани. Лекин тагматнда у янги маъно, оҳорий (оригинал) ифода маъносида келган. Демак, байтда: “Агар махсус, янги, оҳорий маънони ийҳом йўли билан (яъни яшириб) ифодалаш шарт қилиб қўйилса ҳам, ҳар куни юз байтини ҳалво егандек осонгина ёза оламан”, – деган фикр илгари сурилган. Бундан, аввало, ийҳом энг қийин санъат эканини билиб оламиз, қолаверса, Навоий агар ҳар байтда асосий (махсус) маънони ийҳом усули билан яшириб ифодалаш шарт қилиб қўйилса ҳам, кунда юз байт ижод қила оламан, дейиш билан ўзидаги шоирлик қурагининг кучидан ўқувчини бохабар этяпти.

Ёки “Ўзбек адабиёти тарихи” беш жилдлигининг Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди тадқиқига бағишланган 2-жилдида ҳам мазкур байт, назаримизда, чала шарҳлангандек: “Алишер Навоий Саййид Ҳасан Ардашгерга ёзган мактубида бир кунда юз байт шеър битиши унинг учун ҳалво ейиш билан тенг эканлигини

⁴⁵ Алишер Навоий. Асарлар. XV жиладик. 14-жилд. Тошкент: Ғафур Гулом номидаги Бадий адабиёт нашриёти, 1967. 112-бет.

⁴⁶ Алишер Навоий. Асарлар. XV жиладик. 1-жилд. Тошкент: Давлат бадий адабиёт нашриёти. 1963. 469-бет.

⁴⁷ Раҳмонов В. Шеър санъатлари. 24–25-бетлар.

ёзиши бежиз эмас⁴⁸ 3. Бу ерда Навоийнинг шоирлик қудрати камайтирилиб кўрсатиляпти: шоир, энг қийин усул – махсус маънони ҳар байтда ийҳом йўли билангина ифодалаш қатъий шарт қилиб қўйилганда ҳам, кунига юз байт ёзаман, деган. Агар ийҳом шарт қилиб қўйилмас, албатта, у юз байтдан ҳам кўп ёза олиш қувватига эга-ку.

Ана шу уч асосга кўра, Навоий ижодида юқорида саналган санъатлар салафлари ижодидагига қараганда кўпроқ ва хилма-хилроқ қўлланган, дедик.

Аниқлаштириб олишимиз керак бўлган яна бир масала бор. Ана шу полисемия ва омонимияга асосланган санъатларни шоир кўра-била, атай қўллайдими ёки улар ижод жараёнида тасодифан икки ё кўп маъноли қилиб яратиладими? Аввало, ҳеч бир шоир фақат бирор санъатга намуна яратиш учун қўлига қалам ушламайди. Санъатлар шоир мақсади ва асарда баён қилинмоқчи бўлган мазмунни юзага чиқариш учун восита вазифасини ўтайди. Лекин адабиёт, айниқса, шеърятда фикрни қандай ифодалашнинг аҳамияти – ниҳоятда катта. Шу маънода шоир ифодани ўйламаслиги мумкин эмас.

Муаллиф кўпинча жумлани атай ийҳомбоп қилиб, яъни сўзнинг бир неча маъноси юзага чиқишига имкон яратиб тузади. Масалан, “Фарҳод ва Ширин”даги:

Деди бедилки: “От аҳли эмасмен,

Отим тутмоққа доғи арзимасмен...”⁴⁹, –

байтида Хусрав тарафидан келган вакил Фарҳоднинг отини сўрайди. Қўшмисра – Фарҳоднинг шунга жавоби. *От аҳли эса – номи улуғ кишилар дегани. Отим тутмоққа* деганда, албатта, *отимни тилга олишга* деган маъно ифодаланган. Лекин бу – биринчи маъно. *Отимни биров тутиб юришига арзимамайман* деган маъно ҳам яширинган бу мисрада. Бунга *от аҳлининг отини биров тутиб юриши одати борлиги* асос беради. Ундан ташқари, шоир биринчи маънони *отим айтмоққа* деб ишлатиши ҳам мумкин эди, лекин иккинчи маънони ҳам яшириш учун у атайлаб *отим тутмоққа* дейди. Шу тариқа *отим* сўзи ҳам, *тутмоққа* калимаси ҳам иккитадан маъно англашиб келади.

Демак, муаллиф ҳар бир санъатни махсусан, яъни санъат санъат учун қабилида яратмаган бўлса ҳам, матнда имкони бўлган ўринларда айни сўзни икки ё ундан ортиқ маънода қўллаш йўллариини излагани аниқ. Айниқса, ийҳомда шоирнинг махсус ҳаракати кўпроқ сезилади. Бироқ шеърхонни ижодий жараён эмас, балки унинг маҳсули қизиқтиради. Шоир бадий санъатни атай қўлладими, у ижодий жараённинг табиий, ҳаттоки тасодифий маҳсули сифатида яратилдими, барибир, ўқувчи қоғозга тушган сўзлар замирида англашиладиган маънолардан баҳра олаверади. Бироқ шарқона санъаткорликнинг бу назокат сирларидан воқиф бўлиш қалам соҳибидан алоҳида малака талаб қилади, В.Раҳмонов ёзганидек: “Чунки ийҳом мушоҳадаси чуқур ва кенг ўқувчиларга мўлжалланади”⁵⁰. Аксарият ийҳому шунга яқин санъатлар эса чинакам илҳом меваси, жўшқин ижодий жараённинг табиий маҳсули сифатида оқиб келади. Улар назарияда, яъни илмда бир-биридан ажратилиб, тасниф қилиниб ўрганилади. Аслида эса

⁴⁸ Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд. Тошкент: Фан, 1977. 53-бет.

⁴⁹ Алишер Навоий. Хамса. 266-бет.

⁵⁰ Раҳмонов В. Шеър санъатлари. 25-бет.

уларнинг бари асарда уйғун бир бадийят тизимининг ичида, унинг узвий қисми тарзида намоён бўлади.

Юқорида айтилган мулоҳазаларга кўра, сўзнинг бир матнда кўп маъно ифодалаб келишига асосланган санъатлар хусусиятларини ўрганиш учун нега айнан Алишер Навоий ижоди асос қилиб олинганини алоҳида изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Бироқ Навоий ижодиёти шу қадар кенг уммонки, бу шоир асарларида шу типдаги санъатларнинг қўлланишини тадқиқ этишнинг ўзи ҳам бир неча илмий асарга мавзу бўлгудек. Шунинг учун биз унинг биргина асари – “Хамса”нинг иккинчи дostonи бўлмиш “Фарҳод ва Ширин”гагина таяндик. Шунинг ҳам фақат дастлабки бобларидан мисол изладик. Шунинг ўзи ҳам бундай санъатларни умумий маънода асарда тутган ўрнидан келиб чиқиб кузатиш имконини беради. Ёки айнан шу санъатларнинг бошқа тилларга қилинган таржималарда қай даражада акс этганига қараб ҳам асарнинг ўша тилга нечоғлик кўчганини белгилаш мумкин. Булардан ташқари, бу санъатларни қайта яратиш муаммосини тадқиқ этиш жараёнида бевосита “Фарҳод ва Ширин”да сўзнинг бир матнда кўп маъно ифодалаб келишига асосланган санъатларнинг қўлланиши масаласи ҳам ёритилади. Бундай тадқиқотга эҳтиёж шу даражадаки, ҳали Навоийнинг бирон асари масалани шу тариқа қўйган ҳолда ўрганилган эмас.

Юқорида саналган саккиз санъатдан бири бўлмиш ийҳомнинг Навоий асарларида ишлатилиши ҳақида айрим мақолалар эълон қилинган, Э.Умаров⁵¹, Л.Серикова⁵², А.Рустамов⁵³, Ё.Исҳоқов⁵⁴, А.Каримов⁵⁵ каби олимлар Навоийнинг баъзи асарларидаги ийҳом ва унга яқин санъатларга намуналар келтирган ҳамда таҳлил этган, холос.

“Ийҳомангиз санъатлар” мақоласида⁵⁶ “Фарҳод ва Ширин” дostonининг дастлабки беш бобида учраган ийҳом ва унга ўхшаш санъатларни таҳлил этганимиз учун бу ерда назарий мулоҳазалар билан чекландик. Ана шу ийҳомангиз санъатларнинг ана шу таснифи Навоий ёки бошқа мумтоз шоирларимиз асарлари таҳлил этилишига ёрдам беради, деган умиддамиз. Чунки шоир айнан шу дастлабки бобларда кўп ийҳомангиз санъатлар қўллаган. Бу, албатта, кириш бобларда воқеа ўрнига диний-фалсафий, маънавий-ахлоқий мулоҳаза-мушоҳадалар баён этилгани, асардаги кенг маънодаги кўпмаънолилиққа ўқувчини олиб кириш лозимлигидан ҳам келиб чиққан.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Шарқ мумтоз адабиётидаги сўзнинг шаклдошлиги ҳамда кўпмаънолилигига асосланган бадий санъатларнинг саккиз тури изоҳланади, шунингдек, уларнинг муаллиф гоъвий-бадий мақсад-муддаосини рўёбга чиқаришдаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилинади.

⁵¹ Қаранг: Умаров Э. А. Прием ийхом в произведениях Алишера Навои // СТ, 1971, № 1. С. 76–81.

⁵² Қаранг: Серикова Л. Поэтическая речь Алишера Навои // СТ, 1971, № 3. С. 97–105.

⁵³ Қаранг: Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. 42–44-бетлар.

⁵⁴ Исҳоқов Ё. Ийҳом // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 1-сон, 88–90-бетлар.

⁵⁵ Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности поэмы “Фархад и Ширин” Алишера Навои. АКД. Тошкент, 1973.

⁵⁶ Олим С. Ийҳомангиз санъатлар (“Фарҳод ва Ширин”да маънодошлик ва шаклдошлик) // Жаҳон адабиёти, 2015 йил, 2-сон, 132–141-бетлар.

РЕЗЮМЕ. В статье комментируются восемь поэтических фигур литературы Востока, основанные на омонимии и полисемии слов, автор стремится показать их роль и значение в осуществлении идейно-художественного намерения автора.

RESUME. In the article commented 8 poetic figures of Eastern Muslim literature and based homonyms and polysemy of words. The author tried to show the role and importance of poetic figures on sharing ideology and creativity of the author of poems.

Таянч сўз ва иборалар: бадий санъатлар, шаклдошлик, кўпмаънолилик, тағмат, маҳорат.

Ключевые слова и выражения: поэтические фигуры, синонимия, омонимия, подтекст, мастерство.

Key words and word expressions: artistic skills, synonymy, homonymy, context, proficiency.

Қодиржон ЭРҒАШЕВ

АЙРИМ МАВЗУ ВА ОБРАЗЛАР БАДИИЙ ТАЛҚИНИДА РЕНЕССАНС ҒОЯЛАРИНИНГ ИНЪИКОСИ

(Навоий ва Ғарб адиблари ижоди мисолида)

Маълумки, Ренессанснинг энг асосий ғояларидан бири инсонга, унинг ақли ва кучига ишонч, инсон салоҳияти ва имкониятларининг улканлиги, у оламни ҳам, жамиятни ҳам ўзгартиришга қодирлиги ҳақидаги ғоядир. Бу ғоя Ренессанс даври ижодкорлари асарларида асосий ўрин тутлади. Даҳо ижодкор сифатида тўласича Шарқ Ренессансининг маҳсули деб ҳисоблаш мумкин бўлган Алишер Навоийнинг бутун ижодида, жумладан, биз фикр юритмоқчи бўлган қароқчилик ва фирибгарлик каби мавзулар ва образлар талқинида ҳам ана шу ғоя акс этганини, ҳатто улғу шоир яратган айрим салбий образлар талқинида ҳам инсон ақли, истеъдоди, унинг имкониятларининг нақадар улканлиги ўз инъикосини топганлигини кўриш мумкин. Бунинг яққол мисоли “Сабъан сайёр” достонидаги иккинчи ҳикоят қаҳрамони бўлган Зайд Заҳҳоб образидир.

Зайд достондаги энг мураккаб образлардан бири. Навоий бу образ мисолида инсоннинг нақадар мураккаб хилқат эканлиги, унинг тийнатидаги турли ибтидоларни (ёмонлик, яхшилик) ва инсон шахсиятида шу билан боғлиқ равишда мавжуд бўладиган қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни кўрсатиб беради. Зайд, бир томондан, моҳир ҳунарман, ўз ишини санъат даражасига кўтарган заргар, тенги йўқ муҳандис ва ихтирочи. Бундан ташқари у катта ақл ва салоҳият эгаси. Навоий уни ҳаким ва файласуф деб атайди. Иккинчи томондан эса у ўз манфаати йўлида ҳеч қандай ишдан тап тортмайдиган маккор товламачи, устаси фаранг фирибгар. Зайднинг истеъдоди ва ихтирочилиги унинг шоҳ учун ясаб берган тахти мисолида кўринади. Ушбу тахт ишора воситасида бошқарилади ва ўзи юради. Бу Зайднинг ихтирочи сифатидаги иқтидорининг нақадар улканлигини кўрсатса, тахтнинг ҳашамати ва безаклари Зайднинг мислсиз санъаткорлигини ўзида намоиш этади. Лекин шундай мўъжизани яратган бу истеъдод соҳиби айти пайтда тубанликка ҳам қодир. У ўтирликка қўл уради, тахт ясаш учун хазинадан берилган олтиннинг катта қисмини ўзлаштиради. Қилмиши фош бўлиб, зиндонга ташланган Зайднинг кейинги хатти-ҳаракатлари унинг бошқаларга ўхшамайдиган, фавқулодда кучли

шахс эканлигини кўрсатади. У ҳар қандай оғир аҳволдан ҳам қутулиб чиқиш мумкин деб ҳисоблайди, умидсизликка тушмай зиндондан қочиш режасини тузади ва уни амалга оширади. Бу ўринда Зайднинг кучли иродаси намоён бўлади.

Зайднинг ёт эллардаги саргузаштлари давомида шахсиятининг яна бошқа қирралари очилади ва Навоий уни “файласуф”, “ҳаким” деб таърифлагани бежиз эмаслиги аён бўлади. Қисқа вақт ичида у ўзи учун бутунлай бегона бўлган диннинг моҳиятини тўлиқ аниқлаб олади ва тез орада улкан бир диний арбоб, раҳнамо мавқеини эгаллайдики, бу мазкур образнинг юксак интеллектуал салоҳиятидан далолат беради. Афсуски, бу салоҳият ўзгача мақсадларга хизмат қилади.

“Сабъаи сайёр”даги Зайд Заҳҳоб ҳикояти билан Ғарб адабиётида Навоийга яқин даврда, яъни XVI асрда яратилган фирибгарлик романларини таққосласак, фирибгар образи талқинида муайян фарқ мавжудлигини кўрамиз. Европа адиблари асарларида бу образлар анчайин ночор шахслар, уларнинг фирибгарлиги эса қорин тўйдириш, нари борса сал дурустроқ яшаш илмижида қилинган найранглاردир. Буни “Тормеслик Ласарильонинг бахтсизликлари ва кўргиликлари” романининг қаҳрамони Ласарильо, Франсиско де Кеведо қаламига мансуб роман қаҳрамони Паблос ёки Томас Нэш қаламига мансуб “Омадсиз саргардон ёки Жек Уилтоннинг ҳаёти” романининг қаҳрамони Жэк Уилтонлар образи мисолида кўришимиз мумкин. Агар товламачилик ва фирибгарликни, ўғирликни ўзига хос истеъдод деб ҳисобламасак, бу қаҳрамонлар ҳеч қандай ҳунарга, истеъдодга ва иқтидорга эга эмас. Уларнинг фирибгарлик қилиши ҳам маълум маънода кўлларида бошқа ҳеч қандай иш келмаслиги ва ночорлиги туфайлидир. Зайд эса, кўриб ўтганимиздек, удадурон, истеъдодли шахс. У ҳеч қачон ночор бўлган эмас. Навоий уни “бошидин то оёқ ҳунар эди пок” деб таърифлайди:

Бошидин то оёқ ҳунар эди пок,
Айб анга буки, эди кўп бебок.

Айш бирла ўтуб маҳу соли,
Бор эди шоҳ моли – ўз моли...

Чун ҳунарманд эди ниҳоятсиз,
Анга шоҳ лутфи эрди гоятсиз¹.

Тормеслик Ласарильо, Паблос сингари фирибгарларнинг ночорлиги улар амалга оширган найрангларнинг майдалиги ва улардан топган фойдаларининг арзимаслигида ҳам кўринади. Навоий қаҳрамони эса улардан фарқ қилади. Бу арзимас фойда учун овора бўладиган шахс эмас. Унинг фирибгарлигининг миқёси ҳам улкан.

Томас Нэшнинг “Омадсиз саргардон” асари қаҳрамони бу жиҳатдан Ласарильо, Паблос сингари ҳамкасбларидан бироз фарқ қилади. Лекин у ҳам Навоий қаҳрамони олдида ип эша олмайди. Худди Ласарильо, Паблос сингари Жэкнинг ҳам кўп найранглари ўз турмушини бироз яхшилаш, тузукроқ яшаш мақсадида амалга оширилади. Масалан, унинг романда бир лордни қандай лақиллатгани ҳикоя қилинади. Лекин агар лорд ҳисобидан еб-ичгани ҳисобга олинмаса, Уилтон бундан айтишга арзирлик манфаат

¹ Алишер Навоий. Хамса. Тошкент, 1960. 525-бет.

кўрмайди. Унинг фирибгарликлари ичида энг салмоқлиси – маркизанинг қимматбаҳо нарсаларини ўзлаштиришидир. Гарчи ўз истеъдоди ва иқтидори жиҳатидан Уилтон Зайднинг яқинига ҳам келолмас-да, лекин фирибгарлик романларининг Ласарильо, Паблос каби қаҳрамонларидан бирмунча устун. Бу ҳол романда Уилтоннинг ўз қурбонларини алдаб-авраши тасвирланган эпизодларда яққол кўринади. Бундай пайтларда Жек ўта сўзамол бўлиб кетади, чиройли сўзлар, ўхшатишу қиёслар ва мантиқ асосида қурбонини ўз тўрига илтиради. Жэк ўз нутқида адабиётга, бадий асарларга мурожаат қилади, кўп ўринларда антик адабиёт асарларидан иқтибослар келтиради, хуллас, унинг бирмунча билимга эга эканлиги, интеллект жиҳатдан ўзи каби фирибгарлардан ва қурбонларидан юқорироқ туриши кўзга ташланади. Айнан мана шу хусусияти унга бошқаларни аҳмоқ қилиш, лақиллатиш, улар устидан кулиш имконини беради. Роман муаллифи ўз қаҳрамонини Уйғониш даврининг улкан намояндалари бўлган тарихий шахслар билан учраштиради. Улар орасида Томас Мор, Эразм Роттердамский кабилар бор. Мана шу жиҳатларини назарда тутган бўлса керак, адабиётшунос С.Еремина ушбу фирибгарлик романи ҳақида “Омадсиз саргардон” – Ренессанс даври маданиятининг чинаккам энциклопедиясидир”, – деб ёзган эди².

Шу ўринда Ренессанс критицизмга хос бир хусусият тўғрисида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Бу хусусият шундан иборатки, мазкур критицизм фақат у ёки бу салбий ҳодиса, салбий тип ёки бирон-бир иллатнинг устидангина кулмайди, уни фош қилиш билан чекланмайди, унинг танқидининг қамрови кенг. Бу яъни танқид, у бутун жамиятни, ундаги тартибларни, ахлоқни аёвсиз танқид остига олади. Бу хусусиятни фирибгарлик романларида ҳам кўрамыз. Уларда танқид объекти кенг, фирибгарлик ҳам, фирибгар томонидан аҳмоқ қилинган, алдовига лаққа тушган кишилар, жамиятда турли мавқега эга бўлган, турли қатламларга мансуб шахслар, жамиятдаги тартиблар, умуман, жамият ахлоқи ҳам танқид қилинади ва кулги остига олинади. Хусусан, алданганлар устидан кулиш фирибгарлик романларида муайян ўрин тутади. Бунда, энг аввало, фирибгар ўзи алдаган ёки алдаётган одамлар устидан кулади ёки мазах қилади. Бунга юқорида тилга олиб ўтилган эпизод, яъни Жэк томонидан бир лорднинг лақиллатилиши мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Лорднинг ишончини қозониш мақсадида Жэк унинг шаънига узундан-узоқ мақтов сўзлари айтади, лордни таъриф-тавсиф қилади, лекин агар унинг нутқида озроқ эътибор берилса, сиртдан мақтов бўлиб туюлган сўзлар замирида мазах ётиши, Жэк лорд устидан кулаётгани сезилади. Албатта, лорд буни фаҳлмамайди ва унинг сўзларини ҳақиқат ўрнида қабул қилади.

Алданганлар устидан кулиш “Сабъан сайёр”да ҳам бор. Бутпарастрлар ибодатхонасига тегишли бойликларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган Зайд ўз ватанига қайтмоқчи бўлади ва Кустантания аҳлини йиғиб, уларни бир қанча ёлгон сўзлар билан алдайди. Онаси вафот этгани, ундан кўп бойлик қолгани, ўзидан бошқа ворис йўқлигини, бориб ўша меросни қўлга олишини айтади. Ушбу бойликларнинг барчасини бутхонага назр қилгани, ҳаммасини бутхона учун ишлатишига уларни ишонтиради:

Мени бу навъ воқиф айлади Лот –

Ки, туганган эмиш ономга ҳаёт.

² Плутовской роман. М., 1975. С. 547.

Воқеъ ўлгон замон бу иш ҳодис,
Нақд кўп, мендин ўзга йўқ ворис.

Борибон ул нуқудни эгаллай,
Яна лоту манот сори келай.

Назр этибмен неки бўлул ҳосил,
Дайр харжига қилгамен восил³.

Зайднинг мана бу сўзлари остида тағдор, нозик мазах бор:
Молу неъмат муродим эмастур.
Ким, менга дайр неъматни басдур.

Ҳажр аро гарчи ғам била тўлғум,
Қайда бўлсам, алар била бўлғум⁴.

Зоҳиран бу сўзлар қўстантанияликларнинг: “Қандай қилиб бу дайрдан, бутлардан кўнгил узиб кетасан?” – деган гапларига жавобан айтилган. Ва Зайд уларни қаерда бўлса ҳам бутлар билан бирга эканига, яъни бутлар унинг юрагида эканига ишонтирмоқда. Кулгили жойи шундаки, айни пайтда у олтин бутларнинг ҳаммасини эритиб, юклаб ўзи билан олиб кетаяпти, яъни чиндан ҳам у қайда бўлса ҳам, бутлар билан бирга.

Фақат бу эмас, Зайднинг хат ёзиб қолдириши, унда ўзининг барча қилган ишларини, қўстантанияликларни қандай алдаганини баён этиши ва хатни мен кетгандан кейин олиб ўқинглаар, у сизларга фойдали, дейиши ҳам ўзи аҳмоқ қилган, лақиллатган одамларнинг устидан кулиш эди.

Ўз мақсадига эришган Зайднинг бундан кейинги ишлари ҳам ҳайратомуз. Мислсиз бойликка эга бўлган Зайд энди истаган ерида шоҳона ҳаёт кечириши мумкин эди. Лекин у ўз юртига қайтади ва ўз ихтиёри билан зиндонга киради. Айни пайтда у илгари шоҳ хазинасидан ўзлаштирган олтинларни бирига ўн қилиб қайтаради ва бу олтинлар одамларга тақсимлаб берилади. Зайднинг бу хатти-ҳаракатлари унинг ўзгараётганидан далолат беради, тўғри йўлга қиришнинг ибтидоси сифатида таассурот уйғотади.

Биз юқорида тилга олган фирибгарлик романлари қаҳрамонларидан Ласарильода ҳам, Паблосда ҳам ўз қилган ишларидан пушаймон бўлишни, бошқача ҳаёт бошлаш истаги пайдо бўлганини кўрмаймиз. Аксинча, масалан. Ласарильо умрининг охиригача жон-жаҳди билан ўз хатти-ҳаракатларини оқлайди, ўзини ҳақ деб ҳисоблайди. Бу вақтга келиб нисбатан дурустроқ ҳаётга эришган бу шахс бунга номусини йўқотиш орқали муваффақ бўлганини тан олгиси келмайди. Унинг қилмишлари ҳақида ҳақиқатни биладиган одамлар бу ҳақда гапирадилар. Лекин Ласарильо уларга эътибор бермасликни маъқул кўради.

Бошқа бир роман қаҳрамони Жэк Уилтоннинг ҳалол яшашга қарор қилгани ҳақида асар охирида бир жумла сўз бор. Лекин бу қарор Уилтоннинг ички дунёсида юз берган ўзгариш билан боғлиқ эмас, балки жазодан кўрқиб туфайли танланган қарордир. Қўнларнинг бирида у шаҳар майдонида жиноятчининг қатл этиш маросимини кўради. Жиноятчи ўрта асрга хос шафқатсиз усулда қатл этилади. Бу воқеани кўрган Жэк даҳшатга тушади

³ Алишер Навоий. Сабъан сайёр // Хамса. 530-бет.

⁴ Ўша ерда.

бошлаб берди. Шу жиҳатдан уни Тожикистондаги навоийшуносликнинг асосчиси дейиш мумкин. 1926 йилда тартиб берган “Намунаи адабиёти тожик” (“Тожик адабиёти намуналари”) китобида улуғ шоирнинг тожикча шеърларидан намуналар бериб, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтиради. Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлаш учун тайёргарлик кетаётган 30–40-йилларда ҳам Айний фаол изланишлар олиб бориб, “Тожикистони сурх”, “Газетаи муаллимон” газеталари ва “Шарқи сурх” журналида бир неча мақолалар чоп эттирди. 1940 йилда Навоий “Хамса”сини оммабоп қилиб қисқартириб, шарҳ ва луғат билан лотинлаштирилган ўзбек алифбосида нашр қилдирди. Айний тайёрлаган бу асарнинг кирилл ёзувидаги нусхаси эса 1947 йилда нашрдан чиқди.

Усто Айнининг 1948 йилда чоп этилган “Алишер Навоий” монографияси Навоий юбилейига улкан туҳфа бўлди. Монографияда Айний Навоий ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти ва асарларини ҳолисона илмий таҳлил қилган. Таъкидлаш ўринлики, уруш туфайли кечиктирилган, лекин 1948 йилда ўтказилган Навоийнинг 500 йиллик юбилейида тожик олим ва шоирлари ҳам фаол иштирок этиб, улуғ ўзбек шоири ижодига бағишланган кўплаб мақолалари ва Навоий асарларидан қилган таржималарини чоп эттиришди. Чунончи, профессор Ш.Хусейнзода “Фарҳод ва Ширин” достони,² “Навоий ва Жомий”³, шоир ва олим А.Дехотий “Ўзбек халқининг шоири ва буюк мутафаккири”⁴, “Икки тил ва икки адабиёт устои”⁵ мақолаларини эълон қилишди. Шоир А.Дехотий “Шарқи сурх” журналида Навоийнинг “Туҳфат ул-афкор” қасидасини чоп эттирди. Шу йили Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонининг шоир М.Аминзода қилган таржимаси ҳам нашрдан чиқди. Бу дostonга қизиқишнинг кучлилиги эътиборга олиниб, 1958 йилда у қайта нашр қилинди.

50–60-йилларда машҳур тожик олимлари академик А.Мирзоев, профессорлар А.Маниёзов, Р.Ҳодизода, А.Афсаҳзод навоийшуносликнинг турли долзарб масалалари бўйича кўпгина мақола ва китоблар чоп эттиришди. Воқеан, А.Маниёзов “Дўстлик ёдгорлиги”⁶ мақоласидан ташқари, Навоийнинг “Муҳокамат ул-лутатайн” асарини тожик тилига таржима қилди. Академик А.Мирзоев эса “Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо”сида Алишер Навоий образи”⁷ мақоласида Жомий Юсуф тимсолани яратишда Навоийнинг комил ақл-идроки, чуқур билими, юксак олижаноб фазилатлари, халқнинг тинчлиги, фаровонлиги ва давлат ободончилиги йўлида қилган эзгу ишларидан фойдаланганлигини далиллар билан исботлади. Олим “Фоний ва Ҳофиз”⁸ китобида эса Навоийнинг Ҳофиз газаларига боғлаган айрим тожикча татаббулари устои шеърлари даражасида бўлса, кўпчилиги бадий жиҳатдан Ҳофиз газаларидан ҳам устун эканлигини илмий равишда асослаб берди. С.Воҳидов Навоий ва Жомий,⁹ Навоий ва Амир Шоҳий⁹ адабий

² Хусейнзода Ш. Ҳафтада мақола. Душанбе: Ҳумо, 2007. С. 252–276.

³ Дехотий А. Шоир ва мутафаккири бузурги ўзбек // Мактаби совети, 1948, № 5.

⁴ Дехотий А. Устои ду забон ва ду адабиёт // Тожикистони сурх, 1948, 15 май.

⁵ Маниёзов А. Ёдгори дўсти // Садои шарқ, 1948, № 6.

⁶ Мирзоев А. Сезда мақола. Душанбе: Ирфон, 1977. С. 266–273.

⁷ Мирзоев А. Фоний ва Ҳофиз. Душанбе: Ирфон, 1966.

⁸ Воҳидов С. Дўсти ду бузургор (Жомий ва Навоий) // Садои Шарқ, 1964, № 3.

⁹ Воҳидов С. Навоий ва Амир Шоҳий // Шарқи сурх, 1969, № 3.

алоқаларига бағишланган мақолаларидан ташқари, “Навоийнинг “Хамсат ул-мутахаййирин” асари ва унинг XV аср тожик ва ўзбек халқлари адабий алоқаларини ўрганишдаги ўрни”¹⁰ мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Агар 60–70-йилларгача Тожикистонда навоийшунослик билан асосан тожик олимлари шугулланган бўлишса, 60-йилларнинг ўрталаридан республикада ўзбек навоийшунослиги ҳам шаклланди. Унинг асосчиси машҳур зулхиссонийн олим, профессор Эргашали Шодиев эди. У 1965 йилда “Алишер Навоийнинг форс-тожик адабиётига муносабати масаласига доир” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, Тожикистондаги ўзбек навоийшунослигини бошлаб берди. Шундан сўнг устоз Навоий ҳақидаги илмий изланишларини муттасил давом эттириб, 10 та китоб ва 200 дан ортиқ мақола эълон қилди. Унинг Тожикистонда чоп этилган “Навоийнинг тожик адабиётига муносабати масаласига доир” (1964), “Навоий ва унинг салафлари” (1967), “Навоий ва ёш тожик адиблари” (1969), “Ҳазрат Навоий фазилатлари” (1994), Ўзбекистонда нашр этилган “Навоий ва форс-тожик адиблари” (1989), “Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарлари” (1990) китоблари шулар жумласидандир. Олимнинг Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги асарлари илмий янгиликлар ва топиламаларга бойлиги билан диққатга сазовор.

60-йилларнинг охири ва 70-йилларда тожикистонлик ўзбек тилшунослари ҳам Навоий асарлари тили бўйича илмий тадқиқотлар олиб бордилар. Шу ишларнинг натижаси ўлароқ 1969 йилда устоз Ҳомиджон Мамадов, 1973 йилда устоз Аҳмаджон Каримов номзодлик диссертацияларини ёқлашди. Устоз Ҳ.Мамадов 44 та мақола ва “Маҳбуб ул-қуллуб” лугати” (Хўжанд, 2003)-ни, устоз А.Каримов эса 36 та мақола ва “Фарҳод ва Ширин” достонининг-изоҳли лугати” (Тошкент, 2004)ни чоп эттиришди.

Истиқлолдан кейин тожикистонлик навоийшунослар сафи янада кенгайди. Улар қаторига А.Абдуқодиров, М.Суюнов, О.Абдуллаевлар қўшилди. А.Абдуқодиров 1998 йилда “Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти” мавзусида докторлик, М.Суюнов 2004 йилда “Ҳофиз Шерозий ва Алишер Навоий”, О.Абдуллаев 2015 йилда “Амир Хусрав Деҳлавий ва Амир Алишер Навоий” мавзуларида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди. Навоий ҳаёти ва ижодиётига доир профессор А.Абдуқодиров “Навоий ва тасаввуф” (Хўжанд, 1994), “Навоий ва нақшбандийлик” (Хўжанд, 1994), “Навоий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти” (Хўжанд, 1995), “Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида ваҳдат ул-вужуд талқини” (Хўжанд, 1996), “Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти” (Хўжанд, 2005), “Амир Алишер Навоий ва тожик мумтоз шоирлари” (Хўжанд, 2007), “Амир Алишер Навоий” (Хўжанд, 2013), “Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Амир Алишер Навоий” (Хўжанд, 2014) номли 8 та китоб ва 75 та мақола, доцент М.Суюнов “Ҳофиз Шерозий ва Алишер Навоий” (Хўжанд, 2004) номли монография ва 23 та мақола, доцент О.Абдуллаев “Амир Хусрав Деҳлавий ва Амир Алишер Навоий” (Хўжанд, 2011) номли монография ва 19 та мақола эълон қилишди. А.Абдуқодировнинг тадқиқотларида Навоий ижодидаги тасаввуфий масалалар ва адабий алоқалар таҳлилга тортилган бўлса,

¹⁰ Вахидов С. “Хамсат ул-мутахаййирин” Навои и его роль в изучении литературных связей таджикского и узбекского народа в XV веке. АКД. Душанбе, 1966.

орасида ҳам туркигўйлик пайдо бўлди. Бу эса ўзбек адабиётини юксакликка кўтариб, ўзбек тилининг қудратини намойиш этган Навоийнинг бевосита таъсири натижаси эди. Тожик шоирларидан биринчи бўлиб ўзбекча шеър ёзган Навоийнинг дастпарвар шогирдлари Камолиддин Биноий, Бадриддин Ҳилолий, Давлатшоҳ Самарқандий, Зайниддин Восифийлар эди”².

Аслида Нажмиддин Комиловдаги мумтоз адабиётга муҳаббат тугма бўлиб, отаси Комил Қодир ва онаси Йқлима Абдуқуддус қизи ўз даврининг маърифатли кишилари бўлиб, оилада Шарқ сўз санъатининг Шайх Саъдий, Жалолиддин Румий, Хўжа Ҳофиз, Мир Алишер ва Мирзо Бедил каби забардаст намояндалари асарлари мутолаа қилинарди. Саъдийхонлик, румийхонлик, ҳофизхонлик, навоийхонлик, бедихонликлар руҳида тарбияланиб, сўзга эрта ошно бўлган ёш Нажмиддин бошлангич маълумотни ҳам оилада олади: ўз таъбири билан айтганда, “муаллими аввал” бўлмиш онаси қўлида савод чиқариб, яхшигина қуръонхон бўлади. Мактаб остонасини кечикиб ҳатлаши ҳам шундан. “Нажмиддиннинг навниҳол руҳига сингдирилган ана ўша фазилат уни бир умр илоҳиёт, Шарқ мумтоз адабиёти, тасаввуфга ошно қилиб қўйди. Ундаги мумтоз ижодкорлар шеърятига майин ишоралар, маърифий-мажозий қочирмалар, еру самони бирлаштирувчи мўъжизавий қудратга даҳлдор ташбеҳлардан теран лаззат олиш бахти ана ўша нуқтадан бошланади”³. Бу ҳақда олимнинг ўзи кейинчалик шундай ёзган эди:

“Навоий – мен қайта-қайта мурожаат қиладиган, қайта-қайта ўқиб лаззатланадиган, қалбим тўридан жой олган шоир. Гўдакликда биринчи бўлиб қулогимга чалинган шеърлар Ҳофиз Шерозий билан Алишер Навоийники бўлган. Навоийнинг раҳматли онамдан қолган эски бир сайланма девонини мўътабар тутиб, ҳамон сақлаб юраман.

Навоий шеърларини ҳар гал ўқиганда янги-янги маънолар топганимдан қувониб кетаман. Навоий ҳақида сўз айтганим, айрим шарҳлар билан бу зоти шариф асарлари маъносига йўл топганимдан бахтиёрман”⁴.

Самарқанд давлат университетига Воҳид Абдуллаев, Ботурхон Валихўжаев, Нуриддин Шукуров, Раҳмонқул Орзибеков каби алломаи замонлардан сабоқ олган бўлажак олим 1965 йилда Ҳасан Қудратуллаев воситасида мумтоз адабиёт билимдони Қутбиддин эшон Муҳиддинов билан танишиб, унга шогирд тушади. Исломот таълимоти ва тасаввуф асослари, араб ва форс тиллари ва адабиётининг катта билимдони, Шарқ мумтоз сўз санъатини нозик тушуниб, теран таҳлил қиладиган бу донишманд олим билан кечган илмий-адабий, маънавий-маърифий суҳбатлар илмга чанқоқ ёш тадқиқотчида унутилас таассуротлар қолдирад⁵. Унинг Алишер Навоий ижодини янгича қарашлар асосида, хусусан, тасаввуф гоялари, тимсол-тушунчаларига таянган ҳолда тадқиқ қилишни бошлаб берганининг илдизларини айти шу – оиладаги маърифий тарбия, олий таълимдаги нуқтадон устозлар ва Қутбиддин домла билан суҳбатлардан излаш керак.

Нажмиддин Комилов устози Раҳмонқул Орзибеков тавсиясига кўра Тошкентга келиб таржимашунос олим Ғайбулла Саломовга шогирд тушган

² Ўша мақола. 332-бет.

³ Воҳидов Р. Илоҳий ишқ жозибаси (Профессор Нажмиддин Комилов суратига чизгилар). Самарқанд: Зарафшон, 1998. 16–17-бетлар.

⁴ Комилов Н. Хизр чашмаси. Тошкент: Маънавият, 2005. 317–318-бетлар.

⁵ Воҳидов Р. Илоҳий ишқ жозибаси. 8–9-бетлар.

бўлса ҳам, у айнан мумтоз адабиёт таржималари устида тадқиқотлар олиб борди. “Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати” мавзуида номзодлик (1970), “Хоразм таржима мактаби” мавзуида докторлик (1988) диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ғазал ва рубоий таржимасининг жанрий муаммоларига бағишлаб “Жаҳонгашта рубоийлар” (Ғ.Саломов билан ҳаммуаллифликда)⁶, “Ғазал таржимаси ҳақида баҳс”⁷ номли йирик тадқиқотлар яратди, бадиий таржима ва адабий таъсир масалаларига бағишланган қатор салмоқли мақолалар ёзди.

Нажмиддин Комилов серқирра истеъдод соҳиби бўлиб, у нафақат забардаст таржимашунос, айти пайтда Шарқ мумтоз адабиёти ва тасаввуф масалаларини теран тадқиқ этган нуқтадон адабиётшунос, қатор адабий ва тасаввуфий асарларни маҳорат билан таржима қилган моҳир мутаржим, яхшигина таъби назми бор ҳассос шоир эди. Билимдон олим қаламига мансуб ҳар бир мақола кенг ўқувчилар оммаси эътиборини тортиб, адабий жамоатчилик эътирофини қозонган, ҳар бир китоби ўзига хос адабий воқеа бўлган. “Ибн Сино ва Данте” (1983), “Тасаввуф” (1996), “Тавҳид асрори” (1999) каби салмоқли тадқиқотлари бунинг ёрқин исботидир. Бундан ташқари, у “Таржимон маҳорати” (ҳаммуаллифликда, 1979), “Дўстлик кўприклари” (ҳаммуаллифликда, 1979), “Бу қадимий санъат” (1985), “Нажмиддин Кубро” (1995), “Тафаккур қарвонлари” (1999), “Фақр нури порлаган қалб” (2001), “Хизр чашмаси” (2005), “Маъно оламига сафар” (2012) сингари 14 та рисола ва монография, 300 дан зиёд илмий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифи, Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” (2004, ҳаммуаллифликда), “Илоҳийнома” (1994), Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлар тариқати” (1994), Азизиддин Насафийнинг “Зубдат ул-ҳақоийк” (1995), Султон Валаднинг “Маориф” (1999) асарларини таржима қилган.

Нажмиддин Комилов навоийшунослик ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшди. У ҳали таржимашунослик соҳасида фаолият кўрсатиб юрган давридаёқ 1981 йили “Тулистон” журналида “Хамса” асарларининг насрий баёнларига бағишланган салмоқли мақоласини эълон қилган эди. “Хамса” дostonларини уларнинг бир неча насрий баёнлари билан мисрама-мисра қиёслаб ўрганиш орқали зукко олим ўшандаёқ “Хамса” отлиғ беҳудуд олам ичига кирган, санъаткор шоирнинг қават-қават маъно қатламларига эга асарлари мазмун-моҳиятини англаш, сир-синаотларини кашф этиш сари қадам қўйган эди. “Хамса”ни сўз гавҳарларидан бунёд этилган беш нафосат қасрига ташбеҳ этиб, уни “мукаммал ва мураккаб асар, эъжоз мақомидаги – энг баланд мартабадаги санъат обидаси” деб баҳолаган ҳамда “Хамса” дostonларини шарҳлаш, насрий баёнга ўтказиш муҳим бир тадқиқотни амалга ошириш билан баробар” деган хулосани илгари сурган эди⁸. Қиёсий таҳлил асносида у ўзини навоийшунос сифатида ҳам намоён қилиб, “Хамса”

⁶ Қаранг: Саломов Ғ., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 3-китоб. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 97–169-бетлар.

⁷ Қаранг: Комилов Н. Ғазал таржимаси ҳақида баҳс // Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари (Поэзия ва таржима). Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 144–220-бетлар.

⁸ Комилов Н. Таржимами ё талқин (“Хамса”нинг насрий баёни хусусида) \ \ Хизр чашмаси. 283; 287-бетлар.

ва унинг дostonлари, хусусан, “Ҳайрат ул-аброр”нинг шаклий қурилиши ва маъно қирралари, ҳатто шоирнинг умумижоди бўйича фикр-қарашларини билдиради ва улуғ шоир ижодини яхлит ҳолда ўрганиш лозимлиги масаласини ўртага қўяди. Мақола орқали у биринчилардан бўлиб улуғ шоир асарларини қисқартириш, диний-тасаввуфий сўзлар қўлланган ўринларини олиб ташлаш, уларни тушуниб-тушунмай таҳрир қилиш, бўлар-бўлмас тарашлашга қарши чиққан эди.

Ўтган аср 80-йилларининг иккинчи ярмида жамиятда эса бошлаган эркинлик эркинларидан фойдаланиб, Нажмиддин Комилов шоирнинг “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” дostonлари, қатор газалларини тасаввуф жиҳатидан ўрганишни бошлаб берди. “Тимсоллар тимсоли”, “Сукрот – комил инсон тимсоли”, “Ишқ оташининг самандари” (ҳаммуаллифликда), “Жон ва жонон можароси”, “Шоҳ ва дарвеш ҳикмати”, “Ахтарин ишқ этти-ю, совуқ нафасин оҳ субҳ”, “Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била”, “Аҳд қилдим: ишқ лафзин тилга мазкур этмайин”, “Соқиб, талх ўлди айшим ҳажр бедоди била” номли шарҳлари билан “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафтаномасида чиқишлар қилиб, илмий жамоатчилик ва кенг ўқувчилар оммасининг эътиборини қозонди. Ўз вақтида адабий ҳаётда воқеа бўлган бу мақолалар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Улар орқали олим Алишер Навоий асарларининг ирфоний моҳиятини очган, газалларидаги сўфиёна истилоҳ-тимсолларнинг маъно қирраларига ўқувчилар эътиборини тортган, адабиётшуносларни мумтоз адабиётни тасаввуф фалсафаси нуқтаи назаридан текширишга даъват қилган эди.

Навоий газалларини шарҳлаш олим илмий фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шарҳнавислик билан муттасил шугулланиб, у яна шоирнинг бир қанча газалларини шарҳлади. У шарҳлаган улуғ шоирнинг 50 та газали “Маънолар оламига сафар” номи билан алоҳида китоб ҳолида босилиб чиқди⁹. Газаллар таҳлили баҳона нуктадон олим жанрнинг ўзига хос жиҳатлари, вазн хусусиятлари, унинг яқлора, воқеабанд, ошиқона ва орифона кўринишлари, анъана ва янгилик, тасаввуф фалсафаси, унинг образлар олами, асосий тимсол-тушунчалари, бадиий санъатлар, халқона урф-одат ва расм-русумлар ҳақида ҳам муҳим илмий-назарий маълумотлар беради. Жумладан, ошиқона ва орифона газаллар ҳақида шундай дейди: “Навоий ва улуғ шоирлар газалларини икки гуруҳга ажратиб (орифона ва ошиқона газаллар) ўрганар эканмиз, шунга амин бўламизки, ошиқона газаллар “соф дунёвий” мазмундаги асарлар эмас, шу каби орифона газаллар ҳам буткул дунёвий гоялардан холи деб бўлмайди. Ҳар икки гуруҳ газаллар ҳам инсон фикри, маърифати ва ҳиссиётларини ифодалайди. Орифона газалларда илоҳий маърифатга эришиш йўли бевосита, тўттирдан-тўттири талқин этилса, ошиқона газалларда бу мақсад дунёвий кечинмалар, касрат оламининг ранг-баранглиги, бунга ошuftалик ва ана шу ошuftалик замиридаги илоҳий гўзалликни кашф этиш, идрок этиш, бунинг минг-минг кўринишдаги йўллари, қийноқлари тасвириланади. Бунда “мажоз” (сурат, касрат) ва “ҳақиқат” (илоҳий нур) бир-бирига зид қўйилмайди, бири қабул қилиниб, иккинчиси инкор қилинмайди, балки мажоздан Ҳақиқатга, суратдан Маънога қараб бориш кузатилади. Навоий дунёқарашининг бош йўналиши

⁹ Комилов Н. Маънолар оламига сафар. Тошкент: Тамадуу, 2012.

шу!"¹⁰ Бошқа бир шарҳида эса мазкур фикрларини давом эттиради: "Алишер Навоийнинг ошиқона газалларида ҳам орифона маънолар акс эттирилган ва бу "мажоз усулида" ижод қилувчи шоирларда бир усул, анъана эди"¹¹. Навоий ижодини ўрганиш учун калитлар тавсия этади. Жумладан, у Навоий асарларидаги шикоятларнинг сабабини "Улуғ қалб билан жамият орасидаги зиддият сифатида олиб" қарайди, "балки идеал орзулар, ниҳоятсиз Ўзаллик олами, мутлақ комиллик билан рангсиз, майда манфаатлар, ноқис иллатлар оғушидаги реал турмуш орасидаги абадий антитеза, номутаносиблик бу"¹². Олим фикрига кўра, шарҳ бу таҳлил, тадқиқ, таққин ва баён омухтаси. Шарҳ баҳона асар бадиияти ва муаллиф маҳорати ҳам очиб берилиши керак. Асар моҳиятини очиш учун уни бошқа асарлар билан қиёслаш, нақд ва ривоятлар келтириш ҳам тақозо қилинади.

Нажмидин Комилов Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Саади Искандарий" дostonларининг тасаввуф таълимоти асосидаги янгича тадқиқларига бағишланган "Сукрот – комил инсон тимсоли", "Ишқоташининг самандари" (Б.Эралиев билан ҳаммуаллифликда), "Ҳикмат ва ибрат дostonи" номли салмоқли тадқиқотлар муаллифи ҳамдир¹³. Тасаввуф ва адабиёт муносабатларига оид бошқа мақолаларида ҳам у мавзу тақозосига кўра "Ҳайрат ул-аброр", "Сабъаи сайёр" ва "Лисон ут-тайр" дostonларини ҳам қайта-қайта таҳлил доирасига тортган. Жумладан, ростлик ва ёлғончилик тадқиқига бағишланган "Ажрим қилувчи кўзгу" мақоласида "Ҳайрат ул-аброр" ва "Сабъаи сайёр" дostonларидаги мавзуга доир фикрлар ва ҳикоятларга мурожаат қилади. "Сайид Ҳасан Ардашер – комил инсонми?" мақоласида Навоийга маънавий ота мақомидаги бу нажиб инсон шахсияти ва тасаввуфдаги даражасини шоирнинг Самарқанддан унга йўллаган маснавийси, "Насойим ул-муҳаббат" тазкираси, вафотига бағишлаб ёзган марсияси ва "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер" манокіби таҳлили асосида ойдинлаштиришга ҳаракат қилади.

Тасаввуф ва Навоий ижоди – Нажмидин Комилов тадқиқотлари таянч маркази ҳисобланади. У айнан Навоий ижодини тасаввуф фалсафаси, образлар олами ва тимсол-тушунчалари асосида янгича тадқиқ этган мақола ва шарҳлари билан навоийшуносияндан ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллади. Навоийни англаш сари олиб борадиган йўллар кўп – шулардан бири тасаввуф эканлигига Нажмидин Комилов биринчилардан бўлиб эътибор қаратди ва ўзи бу борада бошқаларга ибрат ва раҳнамо бўлди. Унингча, Навоий эътиқодининг жавҳари – тасаввуф гоёлари ва инсон қалби, инсон маънавияти ва камолоти масалаларидир. "Шарқ халқлари тафаккури тарихига чуқур илдиз отган тасаввуф таълимотини яхши билмай туриб, Алишер Навоий дунёқараши ва адабий меросини барча мураккабликлари, фалсафий теранлиги билан тўлиқ ҳолда тўғри, ҳаққоний ёритиб бериш мушкул", – деб ёзади унинг ўзи бу ҳақда"¹⁴.

Олим тасаввуф ва адабиёт муносабатини тасаввуфнинг адабиётга ва адабиётнинг тасаввуфга интилиши тарзида тадқиқ этади. Шу пайтгача бу

¹⁰ Уша ерда. 110–111-бетлар.

¹¹ Уша ерда. 45-бет.

¹² Уша ерда. 131-бет.

¹³ Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: "Ёзувчи", 1996. 203–214; 214–229-бетлар; Комилов Н. Хизр чашмаси. 124–192-бетлар.

¹⁴ Комилов Н. Тимсоллар тимсоли // Хизр чашмаси. 59-бет.

масала бирёқлама – тасаввуфнинг адабиётдан ўз гоёларини тарғиб қилиш мақсадида истифода этиши тарзида ўрганилиб келар эди. Аслида бу таъсир иккитомонлама бўлиб, “адабиёт ҳам тасаввуф томонга қараб интилган. Тасаввуф гоёлари кенг тарқалганидан кейин у гуманист шоирларнинг қалбини ром этди. Тасаввуфнинг пок илоҳий ишқ ҳақидаги, ҳақ ва ҳақиқат, нажиб инсоний хислатлар, камолот касб этиш ҳақидаги гоёлари шеърят гоёларига айланди – шоирлар қизгин бир руҳ, кўнгила амри билан ирфоний гоёларни куйладилар, ҳисобсиз лирик шеърлар, жаҳонга машҳур дostonлар, қиссалар яратилди”¹⁵.

Нажмиддин Комиловнинг Алишер Навоийнинг форсий ижоди, хусусан, қасидалари устида олиб борган тадқиқотлари теран таҳлиллар ва янги илмий қузатишларга бойлиги билан ажралиб туради. У “Ситтаи зарурия” таркибидаги 6 қасида – “Руҳ ул-қудс”, “Айн ул-ҳаёт”, “Тухфат ул-афкор”, “Қут ул-қулуб”, “Минҳож ун-нажот”, “Насим ул-хулд” қасидаларининг ҳар бирини алоҳида-алоҳида текшириб, уларнинг ирфоний мазмуни ва бадий қимматини кўрсатиб берди. “Насим ул-хулд”нинг насрий таржимасини амалга оширди. Яна “Форсийда ҳам суҳан пардоз айлаб”, “Татаббу – ижодий мусобақа” номли шоирнинг форсий меросига оид умумлаштирувчи мақолалар эълон қилди¹⁶. “Татаббу – ижодий мусобақа” мақоласида татаббу ва адабий таъсир масалалари хусусида фикр юритар экан, татаббунини “умумжаҳоний адабий-эстетик ҳодиса деб қараш лозим”лигини таъкидлайди. “Чунки унинг кўринишлари Ғарб адабиётида ҳам мавжуд. Данте, Шекспир, Боккаччо, Гёте ижоди бунга мисолдир. Шарқда бу ҳодиса хийла қойдалаштирилгани, анъана тусини олгани билан ажралиб туради”¹⁷.

Н.Комилов адабий жанрлар тарихи ва ўзига хос хусусиятлари бўйича чуқур билимга эга эди. Ғазал таржимаси ва шарҳлари баҳона газал, шоирнинг форсий қасидалари таҳлили жараёнида қасида, рубоий таржимасига оид тадқиқотида рубоий, “Хамса” дostonлари насрий баёнлари тадқиқи давомида “Хамса” хусусида кенг ва теран фикрларни баён қилади. Хусусан, у Навоийнинг форсий қасидаларини ҳар томонлама кенг ва чуқур таҳлил қилиб, уларнинг вазни, услуби, мавзу кўлами, образлар олами, бадий хусусиятлари ҳақида кўплаб оҳорли ва диққатга сазовор фикрларни билдиради: “Ситтаи зарурия” қасидаларининг ҳар бири алоҳида хусусият ва услубга эга. Чунончи, дейлик бирида қиёсий ташбеҳлар, бошқасида таҳлилийлик, яна бирида эса тасвирий ва таҳлилий усул етакчилик қилади. Масалан, “Тухфат ул-афкор”да тамсил келтириш, араб ҳарфлари билан сўз ўйини қилиш (китобат санъати) асосий ўрин эгаллайди. Ҳар бир байтнинг биринчи мисрасидаги фикр иккинчи бир мисрада ташбеҳий мисол билан исбот қилиб борилади... “Руҳ ул-қудс” самовий ва ердаги ҳодисаларни кетма-кет баён этиш, бу ҳодисаларнинг илоҳий қудрат натижаси эканини тафаккурий таҳлил билан очиб бериш орқали яратилган бўлса, “Айн ул-ҳаёт” қасидасида ҳам тамсил, ҳам баён, ҳам кўтаринки руҳдаги тасвирлар бор. “Минҳож ун-нажот” эса эҳтирос ва замирида танбеҳ-насиҳат оҳанги бор тил билан ёзилган. Бу қасидада одамзоднинг нуқсонларини очиб кўрсатишга шоир кўп эътибор қилади”¹⁸. Шу билан бирга, бу қасидалар ўзаро боғлиқ

¹⁵ Комилов Н. Тасаввуф ва бадий ижод // Хизр чашмаси. 27-бет.

¹⁶ Қаранг: Комилов Н. Хизр чашмаси. 193–282-бетлар.

¹⁷ Ўша ерда. 252-бет.

¹⁸ Ўша ерда. 200–201-бетлар.

бўлиб, илк ҳасидада илоҳий тавҳид, иккинчисида меърож, учинчисида фақр ва саатанат, тўртинчисида дунёнинг бебақо ва бевафолиги, бешинчисида инсоний қусурлар, олтинчисида инсоний комилликнинг бош йўли бўлган тасаввуф ва тариқат хусусида сўз юритилади¹⁹.

Олимнинг “Тасаввуф ва бадий ижод”, “Ўлмас сатрлар қудрати”, “Шоҳ ва дарвеш ҳикмати”, “Татаббу – ижодий мусобақа”, “Искандар пайгамбар бўлганими?” каби мақолаларида Навоий ва Шарқ адабиётининг баъзи масалалари ўзининг илмий тақинини топган²⁰. У Алишер Навоийнинг давлатчиликка оид қарашлари, одил подшоҳ ҳақидаги гоёлари, устод-шоғирд муносабатлари, маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ фикрларини ҳам тадқиқ этиб мақолалар ёзган. Шоир асарларини ўрганиш муаммолари ҳам олим илмий фаолиятида муҳим ўрин тутади. “Навоий ва замонамиз”, “Навоий нафрати”, “Оби ҳаёт”, “Аҳли камол корхонасининг комили”, “Ажрим қилувчи кўзгу”, “Одил подшоҳ ҳақида беш танбеҳ”, “Адолат – давлат пойдорлигининг асоси”, “Устод ва ёш истеъдод” мақолалари шулар жумласидандир²¹. Жумладан, “Оби ҳаёт” мақоласида шоир ижодини ўрганиш, таржима ва тарғиб этиш бўйича бир қатор муҳим вазифаларни илгари суради. У Навоий ижодини яхлит бир тизим сифатида ўрганиш тарафдори ва кўплаб мақолаларида бу борадаги фикрларини илгари суришдан, тарғиб-ташвиқ қилишдан чарчамайди.

Олим қатор мақолаларида улуг шоирни замонга хизмат қилдириш муаммолари хусусида ҳам ўз қарашлари ва тақлиф-тавсияларини илгари суради. Жумладан, “Навоий ва замонамиз” мақоласида ўқиймиз: “Миллий-маънавий тикланиш сиёсатимизнинг устувор йўналиши қилиб белгиланган экан, бунда биринчи навбатда Навоийни ўзлаштириш, Навоий маънавий хазинасини янгидан кашф этиб, ҳаётимизга олиб кириш асосий вазифа бўлиши лозим...

Навоийдан Инсонга муҳаббатни, ҳаётга муҳаббатни, футувват ва жавонмардликни, вафо ва садоқатни ўрганишимиз лозим. Алишер Навоийда ҳамма нарса инсон қалби гўзаллиги, инсон ахлоқи камолоти нуқтаи назаридан олиб қаралади”²².

Нажмидин Комилов тадқиқотларида кенг дунёқараш, теран тафаккур, қиёсий таҳлил ва ҳассос қалбнинг ажойиб тарздаги уйғунлигини кўраимиз. Алишер Навоий ҳақида ёзар экан, “ҳатто соф илмий мавзулар ҳақида ёзганда ҳам у ўз фикрларини шоирона қалбдан ўтказиб, ҳароратли мисралар орқали ифодалайди”²³, деб ёзган олимнинг айтиш фикрларини унинг ўзи ҳақида ҳам айтиш мумкин. У Навоий асарлари мутолаасидан руҳланади, илҳом олади ва Навоий асарларини таҳлил ва тадқиқ қилар экан, тўлқинланиб, ҳайратга тушиб, ана шу илҳом оташида қайнаб-жўшиб қалам тебратади, ёниб ҳароратли жумлалар тузади, фикрларини раво услуб ва ширали тилда шоирона ташбеҳларга омухта ҳолда жозибали бир тарзда ифодалайди. Сўзларнинг

¹⁹ Ўша ерда. 201-бет.

²⁰ Комилов Н. Хизр чашмаси. 27–38; 99–123; 251–262-бетлар; Комилов Н. Искандар пайгамбар бўлганими? // Навоийга армуғон (Мақолалар тўплами). 4-китоб. Тошкент: “Фан”, 2004. 3–9-бетлар.

²¹ Комилов Н. Хизр чашмаси. 6–26; 300–313; 314–318-бетлар; Комилов Н. Маънолар оламига сафар. 276–282; 283–289; 290–294; 295–304; 305–312-бетлар.

²² Комилов Н. Навоий ва замонамиз // Хизр чашмаси. 6-бет.

²³ Ўша китоб. 287-бет.

оқиб келиши ва ўзаро уюшиб, бир-бирига боғланган ҳалқалардай мустаҳкам занжир ҳосил қилишида илҳом лаҳзаларидаги ёниқ юракнинг ҳароратли нафасини туйгандек бўламиз. Зеро, илҳом билан ёниб ёзилган асарни сокин мутолаа қилиб бўлмайди. Нажмиддин Комилов тадқиқотларининг бадий асардай қизиқиб ўқилиши, хусусан, “Тасаввуф ва бадий ижод”, “Тимсоллар тимсоли”, “Жон ва жонон можароси” каби қатор мақолаларининг шеърдай оқиши шундан.

Нажмиддин Комиловнинг биргина навоийшунослик фаолиятининг ўзи бой ва ранг-баранг бўлиб, уларни Навоий ва Шарқ адабиёти масалалари; тасаввуф ва Навоий ижоди; Навоий дostonларини янгича нуқтаи назардан талқин қилиш; Навоий ва форс-тожик адабиёти; Навоийнинг форсий мероси; Навоий газалларига шарҳлар ёзиш; Навоий асарларининг насрий баёнлари таҳлили; Навоий асарларини ўрганиш муаммолари; мумтоз адабиёт жанрлари назарияси; Навоий асарларининг таржималари; “Насим ул-хула” қасидаси таржимаси каби йўналишлар бўйича алоҳида-алоҳида мавзуларга бўлиб ўрганиш мумкин. Маълум бўладики, навоийшунослик олим илмий фаолиятининг бир қирраси эмас, балки асосий йўналиши эди.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Нажмиддин Комиловнинг серқирра навоийшунослик фаолияти Навоий ва Шарқ адабиёти масалалари; тасаввуф ва Навоий ижоди; Навоий дostonларини янгича нуқтаи назардан талқин қилиш; Навоий ва форс-тожик адабиёти; Навоийнинг форсий мероси; Навоий газаллари шарҳи; Навоий асарларининг насрий баёнлари таҳлили; Навоий асарларини ўрганиш муаммолари; мумтоз адабиёт жанрлари назарияси; Навоий асарларининг таржималари каби йўналишлар бўйича ўрганилади.

РЕЗЮМЕ. В статье исследуется разносторонняя навоиеведческая деятельность Наджмиддина Комилова в следующих направлениях: проблемы литературы Навои и Востока; суфизм и творчество Навои; новое толкование поэм Навои; Навои и персидско-таджикская литература; персидское наследие Навои; толкование газелей Навои; анализ прозаических изложений произведений Навои; проблемы изучения произведений Навои; теория жанров классической литературы; переводы произведений Навои.

RESUME. The article examines Najmiddin Komilov's Navoi studies in the following directions: the problems of Navoi and the East literature; Sufism and creativity of Navoi; A new interpretation of the poems of Navoi; Navoi and Persian-Tajik literature; The Persian heritage of Navoi; Interpretation of Navoi gazelles; Analysis of prose narrations of works of Navoi; Problems of studying the works of Navoi; The theory of genres of classical literature; Translations of works of Navoi.

Таянч сўз ва иборалар: навоийшунослик, тасаввуф, адабий жанр, шарҳ, талқин, таҳлил, насрий баён, таржима, бадий санъатлар, маҳорат.

Ключевые слова и выражения: навоиеведение, суфизм, литературный жанр, комментарий, толкование, анализ, прозаическое изложение, перевод, поэтические фигуры, мастерство.

Key words and word expressions: Navoi studies, Sufism, literary genre, commentary, interpretation, analysis, prose, translation, poetic arts, mastery.

Буробия РАЖАБОВА

АЛИШЕР НАВОЙИЙ ВА ИМОМ БУХОРИЙ

“Темурийлар даври ҳақиқатан ҳам илм-фан, маданият ва маорифнинг беҳад раванқ топишини таъминлаган Шарқ Уйғониш даври эди”¹.

¹ Каримов И. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 333-бет.

Тадқиқотчилар томонидан бу давр табиий ва ижтимоий фанлар, тасвирий санъатнинг гуркираб ривожланганлиги билан алоҳида тавсифланади. Кулай парт-шароит ва кенг имкониятлар мавжудлиги сабабли тарих, мантик, фалсафа, фикҳ, тафсир, ҳикмат, адабиётшунослик, тилшунослик фанлари соҳасида ўз даврининг буюк мутафаккирлари камол топди. Алишер Навоий ҳам ўз даврининг, ўша ижтимоий-иқтисодий, сиёсий замин ва муносабатларнинг маҳсулидир. Бу ўринда академик М.Хайруллаевнинг: “Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий бу маданий кўтаринкилик чўққиларидир”², – деган эътирофини эслаш мақсадга мувофиқ.

Алишер Навоий миллий маънавиятимиз даҳоси сифатида “Насойим ул-муҳаббат”, “Мажолис ун-нафоис” каби тазкираларида, “Хамса”, “Лисон ут-тайр” дostonлари сюжетида ҳамда “Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Танбеҳ” (жами 125 та) қисмида илк Уйғониш даври маданияти ва темурийлар Ренессанси мутафаккирларининг номларини алоҳида фикра, зикр, боб, фасларда юксак хурмаг, фахр билан тилга олган, қимматли тарихий маълумотлар берган, поэтик лавҳалар, чизгилар ижод қилган, уларнинг асарларидан илмий, назарий ва ижодий мақсадларда баҳра олганлигини эътиром билан қайд этган. Улуғ шоир томонидан чексиз хурмат билан зикр этилган темурийлар Ренессанси асосчиси Амир Темур ва шу Ренессанс даври мутафаккири, тарихчи олим, шайх Шарафиддин Али Яздийлар ҳақидаги барча тарихий, илмий, бадиий лавҳалар мақола муаллифи томонидан ўрганилган³.

Илк Уйғониш даври маданияти мутафаккирларидан бири “Саҳиҳ” йўналишининг асосчиси, ислом оламидаги энг етук ва машҳур муҳаддис, фақиҳ, улуғ ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810–870)дир. Имом Бухорий нафақат ўзбек халқининг, балки бутун мусулмон оламининг ҳам фахри ҳисобланган. Илк уйғониш даврида ҳадис илмида буюк юксалиш бўлган. “Кутуби ситта” – олти энг машҳур китоби бўлган имомлар, яъни олти энг улуғ муҳаддис ана шу олтин даврда яшаб камол топдилар. Имом Бухорий ўз даври илмларини, айниқса, диний илмларни ҳар томонлама ўрганган. У ўн ёшгача Қуръони каримни ёд олиб, минглаб ҳадисларни барча далили билан хотирасида сақлаб юрган. Илмини чуқурлаштириш ниятида юртма-юрт кезган. Ҳижози Шарифда қирқ йилдан ортиқ яшаб, Шом, Басра, Кўфа, Бағдод, Ҳирот, Нишопур, Машҳад, Рай, Жиболу, Хуросон, Қоҳира, Фарабр, Макка ва Мадина каби бир қанча шаҳарларда бўлиб, у ердаги аллома шайхлардан, олимлардан, таниқли муҳаддислардан ҳадис ёзиб олган, “Ал-жомий ас-саҳиҳ” ва “Ал-адаб ал-муфрад” каби машҳур ҳадис китобларини ёзиб тамомлаган. Бу ҳақда ўзи: “Мен бир минг саксон нафар уламодан ҳадис эшитдим. Уларнинг ҳаммалари “Имон – сўз ва амалдан иборатдир”, деган эътиқоддаги кишилар эдилар”⁴, – деб ёзади. Қувваи ҳофиза ва хотирасининг ақд бовар қилмас даражада

² Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. Тошкент: Фан, 1994. 13-бет.

³ Ражабова Б. “Насойим ул-муҳаббат”да Амир Темур сиймоси // “Ўзум сори боқма, сўзум сори боқ”. Тошкент: Турон замин зиё, 2015. 5–10-бетлар; Навоий Али Яздий ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015, 1-сон, 19–27-бетлар; Алишер Навоий асарларида Амир Темурга оид маълумотлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2016, 1-сон, 42–50-бетлар; Вафо ва аҳд ҳикмати талқинига доир // Алишер Навоий ва XXI аср мавзудаги республика илмий-назарий анжуман материаллари. Тошкент: Тамадул, 2016. 102–108-бетлар.

⁴ Имом Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. 42-бет.

кучлилиги жиҳатидан унга ўз даврида ҳеч ким тенг келолмаган. 600 минг ҳадисни ёддан билган. Ана шу жиҳатдан Имом Бухорийни Оллоҳнинг ердаги мўъжизаларидан бири, деб атаганлар. Айни замонда ўзи ҳам кўплаб шогирдлар тайёрлаган. “Сунан” йўналишининг асосчиси, машҳур муҳаддис Имом Термизийнинг ҳам устозидир. Имом Бухорий “Амир ул-мўминин” (Ҳадис илмида мўминларнинг амири), “Шайх ул-ислом” (Мусулмонлар устози), “Имом уд-дунё” (Дунёдаги барча мўмин ва мусулмонлар имоми) деган шарафли номларга сазовор бўлган алломадир.

Кўплаб ишончли манба ва луғатларда ҳадис ва муҳаддис атамаларига қуйдагича таъриф берилади: “**Ҳадис**⁵ – сўзлашув ва хабар бериш маъносига келган нақд (баён ва ифода) нинг номидир. Кейин эса пайгамбар Муҳаммад с.а.в.нинг сўзлари ёки феъллари ёхуд бирор масаладаги тўхтамлари ҳадис дейилган. Ҳадислар икки қисмдан – санад ва матндан ташкил топади. Ҳадис илми билан шугулланган зотлар муҳаддис номи билан аталганлар. **Муҳаддис** – ҳадисларнинг санадларини, иллатларини, ровийларнинг аҳволини билган, имкони борича ҳадис ёдлаган, “Кутуби ситта” (олти машҳур ҳадис китоби)ни, Аҳмад ибн Ҳанбалнинг “Муснад”ини, Байҳақийнинг “Сунан”ини, Табаронийнинг “Мўъжам”ини тинглаган (сабоқ олган) ва буларга ҳадис жузъларидан минг жузъгача қўша олган кишидир”⁶. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Шайх Абу Бақр б. Язданёр Урмавий қ.с. тилидан муҳаддисларнинг бутун хайрли фаолиятини очиб берувчи “Муҳаддислар – суннат қўриқчиларидир”⁷ деган ҳикматни келтирса “Арбаъин”нинг “Сабаби таълифи манзума” фаслида бу дунёда ким ҳадисларга итоат этиб, бўйсуниб, амал қилиб яшаса, эртанги кун, яъни у дунёда унга муҳаддислар воситачи, ҳимоячи бўлади, деган пурҳикмат фикрларни шундай бадий талқин қилган:

Бу кун ўлса ҳадисларга мутеъ,

Тонгла бўлғай муҳаддис анга шафеъ⁸.

Алишер Навоий Имом Бухорийнинг шарафли исми ва шоҳ асари “Саҳиҳи Бухорий” номи билан машҳур бўлган “Ал-жомиъ ас-саҳиҳ” китобининг номини “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида берилган Абувалид Аҳмад б. Аби Ражо р.т.⁹ ҳақидаги фикрада илова сифатида тилга олган. Чунончи:

⁵ Ҳадис Навоий асарлари матнида сўз, васият, ҳодиса маъноларида ҳам маҳорат билан қўлланади.

⁶ Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. 1-жилд. Тошкент: Адолат, 1999. 29–30-бетлар; Абдулваҳоб Ҳаллоф. Усул ул-фикҳ. Тошкент: Адолат, 1997. 35–49-бетлар; Ҳакимов М. Шарҳ манбаашунослиги лугати. Тошкент: Davt Press, НМУ, 2013. 474–478-бетлар; Сирожидинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмадари. Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. 65–68-бетлар.

⁷ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд. Тошкент: Фан, 2001. 129-бет (Бундан кейинги мисолларнинг саҳифаси қавс ичида кўрсатилади).

⁸ Алишер Навоий. Арбаъин // Мукамал асарлар тўплами. 16-жилд. Тошкент: Фан, 2000, 262-бет.

⁹ Имом Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” номли ҳадислар тўпламини нашрга тайёрлаган Асрор Самад китоб изоҳида Имом Бухорий ёдга олган 200 нафардан ортиқ муҳаддисларнинг номини манбаси билан кўрсатган. Аммо бу фикрдан беҳабар олим муҳаддис Аби Ражо изоҳида эса манба йўқ деб ёзган. Кўринадики, муҳаддис Аби Ражо тўғрисидаги ишончли манба бу Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасидаги фикрадир. Иллончиси лундаки, Алишер Навоий бу муҳаддисни Имом Бухорий “Саҳиҳи Бухорий”да тилга олганини қайд этгани.

“Озодон қарясидиндурки, Ҳиротга муттасилдур. Улуми зоҳирий ва ботиний била олим эрди.

Имом Аҳмад Ҳанбал р.а. шогирдидур. Ва Бухорий ўз “Саҳиҳ”ида андин ҳадис ривоят қилибдур. Авоида кўп моли бор эмиш. Барчасин ҳадис талабида ва ҳаж ва ғазода сарф қилибдур”... (228). Алишер Навоийнинг тазкирада Имом Бухорий тўтрисидаги қисқа ва аниқ маълумоти бу – “Ва Бухорий ўз “Саҳиҳ”ида андин ҳадис ривоят қилибдур”, деган мўътабар шарҳидир. Тазкирада Имом Бухорий ҳақида алоҳида фикра берилмаган. Аммо бу изоҳ ҳам бизга, биринчидан, ўз даври илмларини, хусусан, фикҳни, ислом ҳуқуқининг Қуръон ва Ҳадис каби асосларини ҳар томонлама ўрганган Алишер Навоийнинг улуг муҳаддиснинг ҳаёти ва фаолиятини, йигирмадан ортиқ асарларидан иборат ниҳоятда бой ва қимматли илмий меросини яхши билганидан, иккинчидан эса Абувалид Аҳмад б. Аби Ражонинг ҳадис илми талабида қўлидаги давлатининг ярмини сарф қилганидан хабар беради.

Алишер Навоийнинг бу маълумотларига ҳамоҳанг қисқа ва аниқ маълумотни “Бобурнома”нинг Самарқанд тасвирида ўқиймиз: “Яна соҳиби “Саҳиҳи Бухорий” Хожа Исмоил Хартанак ҳам Мовароуннаҳрдидур”...¹⁰. Аммо Бобур “Саҳиҳи Бухорий”га нисбатан “Ҳидоя”ни яхши билган, чунки у фикҳ фани бўйича устози Хожа Мавлоно Абдулло қозидан олган хусусий дарслари ва мутолаалари сабаб “Ҳидоя”ни пухта ўзлаштирган ва қиёсий характерда фикҳ фанида мўътабар китоб деб “Ҳидоя”ни таъкидлаб кўрсатади: “...яна соҳиби “Ҳидоя”ким, Имом Абу Ҳанифа мазҳабида “Ҳидоя”дин мўътабарроқ китоби фикҳ кам бўлғай, Фарғонанинг Марғинон отлиқ вилоятидидур, ул ҳам доҳили Мовароуннаҳраур”¹¹. Бобур мазкур маълумотида ўзига хос тарзда Имом Бахорий вафот этган, дафн этилган Самарқанд шаҳри яқинидаги Хартанак қишлоғининг номини ҳам кўрсатган. Кўринадики, Алишер Навоий ва Бобур Имом Бухорийнинг “Ал-жомийъ ас-саҳиҳ” шоҳ асарини илмий услубда, илмий тилда эмас, балки халқ ўртасида “Саҳиҳ”, “Саҳиҳи Бухорий” номи билан машҳур бўлган халқона номда ёдга олганлар.

Маълумки, Қуръон ва Ҳадис фикҳнинг асосий асосларидандир ва шаръий далил, яъни рамзий маънода икки ишончли гувоҳ ҳамдир. Чунончи, “Насойим ул-муҳаббат”нинг шайх Абу Сулаймон Дороний қ.с. зикрида шайх тилида худди шундай рамзий гувоҳ маъносида қўлланган: “Ва ҳам Абу Сулаймон дебдурки, кўпинча ҳақиқат (қашфу асрор) қалбимда қирқ кунлаб улоқиб юради. Уларни фақат икки гувоҳ: оят ва ҳадис асосидагина қалбимдан жой олишига руҳсат бераман” (37).

Ҳадисдаги амалий ҳукмлардан бўлмиш муомалага тааллуқли ҳукм, яъни инсоннинг бошқалар билан бўладиган олд-сотдиси ҳақидаги кузатишларимиз Алишер Навоий Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий” китобида берилган “Оллоҳ байъни ҳалол қилган”¹² деган ҳадис мазмунини ўз ғазалларидан бирида далил сифатида ифодалагани, ўзи ҳам катта сармоядор сифатида тижорат ишларида мазкур ҳадисга амал қилиб иш юритганини кўрсатади. Фикримизнинг исботи учун шоир ғазалларидан бирида маҳорат

¹⁰ Заҳридин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Шарқ, 2002. 59-бет.

¹¹ Ўша асар. 59-бет.

¹² Имом Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Икки жилдик 1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 342-бет.

билан қўллаган аҳли байъ – аҳл (эга, соҳиб, тегишли) ва байъ (савдо, сотиш, олди-сотди, савдолашиш) сўзларидан ясалган ва даллол маъносини билдирган изофали бирикмага эътибор қилсак. Мазкур ҳадис халқ ҳаётига ниҳоятда чуқур сингиб кетган ва одат тусига кирган. Халқ орасида қадимдан ҳозиргача мавжуд бўлган одатлардан бири бўлмиш олди-сотти жараёнида аҳли байъ – даллол томонидан сотувчи билан харидор қўлини бир-бирига тутқазиб, уч марта “бор-барака” деб, савдодаги ўзаро оғзаки шартномани амалга ошириш ва савдо устида олдиндан берилган тангаи байъона ёки байъбоши, байъ пулини ҳам олишдир. “Саҳиҳи Бухорий”да жамланган ҳадисларни ҳамда халқнинг бундай урф-одатларини яхши билган Алишер Навоий юқорида зикр қилган ҳадис мазмунини ва мазкур одатни “Чун илик бермаски, ўпсам ул ситамкор илгини” деб бошланувчи 7 байтли “илгини” радифли газалида маҳорат билан қўллаган ва лирик кечинмаларига ишончли, ҳаётий далил сифатида келтирган. Бу далиллашни навоийшунос Ё.Исҳоқов назм ва насрда ўз матлабининг исботи учун латофат билан далил келтиришдан иборат бўлган мазҳаби каломий¹³ номли, мақола муаллифи эса тамсил каби маънавий санъат доирасида ҳам таҳлил қилган. Чунончи:

Жон сотармен хоки пойингга, нединким, аҳли байъ
Туттурураар сотқучи бирла харидор илгини¹⁴.

Алишер Навоий ўзининг “Қирқ сўз борча шубҳадин солим” дея яратган “Арбаъин” асарида ҳам Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий”, “Ал-адаб ал-муфрад” каби ҳадис китобларидан таъсирланганини, ҳадислардан маҳорат билан фойдаланган нуқталарини билишимиз мумкин. Ҳатто мазкур асарида ҳадис, саҳиҳ ҳадисга шеърӣ усулда илмий таъриф ҳам берган:

Ҳамд ангаким, каломи хайрмаол,
Қилди элга расулидин ирсол.

Ул Расулеки, ҳам каломи фасиҳ,
Элга тегурди, ҳам ҳадиси саҳиҳ (201).

Алишер Навоий тазкирада жаҳондаги олти нафар энг машҳур муҳаддислардан “саҳиҳ” йўналиши асосчиси Имом Бухорийдан ташқари яна кўплаб муҳаддисларни ва уларнинг ҳадис илмига қўшган хизматларини у ёки бу даражада ёдга олган. Масалан, Доримий Самарқандийни шайх Муҳаммад б. Мансур Тусий қ.с. зикрида тилга олган: “Ул Бағдодда эрмиш, сўфий ва муҳаддис Усмон б. Сайид Доримийнинг... устоди эрмиш” (53). Ёки “Али бинни Бундор б. Ҳусайн Сўфий Сайрафий қ.с. бешинчи табақадиндур. Кунияти Абулхусайн. Нишопурнинг мутааххир машойихидиндур... ва ҳадисда сиқа (ишончли – Б.Р.) эрмиш” (83). “Абулаббос Сайёрий қ.с. бешинчи табақадиндур. Оти Қосим Ибн Қосим Маҳдийдур. Марв аҳлидиндур. Шайх Абубакр Воситийнинг шогирдидур. Олимва фақиҳва муҳаддис эрмиш” (101). “Абу Бакр Заққоқи Сағир қ.с. Шайх ул-ислом дебдурки, ул бағдоддидур, Заққоқи Кабирнинг шогирдидур. Ул ҳадисқа машҳур эрди, сўнгра бу тоифа тариқиға кирди” (124). Шайх Абу Бакр Каттоний қ.т.с. зикрида ҳам “Яманда Сафо масжидида халқ Абдураззоқ қошида ҳадис ўқурлар эрди” (125) каби маълумотлар талайгина. “Сунан” йўналиши асосчиси Ҳаким Термизийни алоҳида фикрада ёдга олган (84–85).

¹³ Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Тошкент: Ўзбекистон, 2014. 69-бет.

¹⁴ Алишер Навоий. Наъодир ун-ниҳоя. Мукамал асарлар тўплами. 2-жилд. Тошкент: Фан, 1987. 578-бет.

Кузатишлардан маълум бўладики, Алишер Навоий Ҳадис илми ва машхур муҳаддислар тартиб берган ҳадис тўпламларидан яхши хабардор бўлган. Ўзининг бадиий мақсади ифодаси ва фикрлари тасдиғи учун асарларида ҳадислардан кўп фойдаланган. Бу борада у ҳадисларни гоҳ тўлиқ берса, гоҳ бир қисмини келтиради, гоҳ эса мазмунига ишора қилиб кетади. Бинобарин, шоирнинг ўз ижодида ҳадисларга мурожаат қилиш усуллари ҳам алоҳида тадқиқот мавзуси бўла олади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида келган Имом Бухорий ва бошқа машхур муҳаддислар зикри ҳамда улуғ шоирнинг ўз ижодида ҳадислардан фойдаланиш маҳорати хусусида сўз боради.

РЕЗЮМЕ. В статье идёт речь об упоминаниях Алишером Навои имени Имама Бухари и других коллекционеров хадисов в антологии “Веняния любви”, а также мастерстве великого поэта в использовании хадисов в своем творчестве.

RESUME. The article refers to the mention by Alisher Navoi of the name of Imam Bukhari and other collectors of the Hadis in the anthology of “Nasoyim ul-muhabbat”, as well as the skill of the great poet in using the Hadis.

Таянч сўз ва иборалар: ҳадис, муҳаддис, тазкира, фикра, фикҳ, бадиий санъатлар, маҳорат, таҳанил.

Ключевые слова и выражения: хадис, коллекционер хадисов, антология, фикра, мусульманское правописание, поэтические фигуры, мастерство, анализ.

Key words and word expressions: hadis, collector, anthology, fikra, law, literary arts, skill, analyze.

Фарида КАРИМОВА

“ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ”ДА ҲУСАЙН БОЙҚАРО ТАЪРИФИ

Алишер Навоий “Хамса” дostonларида, “Мажолис ун-нафоис”, “Лисон ут-тайр” ва бошқа асарларида Ҳусайн Бойқаро мадҳига махсус боблар, катта-катта лирик парчалар бағишлайди. Уларда дўстини улкан давлатнинг элпарвар, доно ва адолатли ҳукмдори сифатида таъриф-тавсиф этади. Бунинг боиси, албатта, Ҳусайн Бойқарони идеал ҳукмдор тимсоли сифатида кўриш истағи эди, десак муболага бўлмайди. Ана шу истак “Хазойин ул-маоний” дебوحаси ва девонлар таркибидаги турли жанрдаги шеърларда ҳам ўз ифодасини топди.

Маълумки, “Хазойин ул-маоний” Алишер Навоийнинг деярли барча лирик меросини ўзида жамлаган улкан куллиётдир. Ундан шоирнинг мумтоз шеърятнинг 16 хил жанрида яратилган шеърлари ўрин олган. Куллиётга ёзган дебوحасида унинг таржимаи ҳолига доир маълумотлар, адабий фаолияти, асарларининг яратилиш тарихи, ўзига хос хусусиятлари, адабий-эстетик қарашлари каби масалаларни ёритиш асосий ўрин тутди. Хусусан, шоир ўзи ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатлар баънига катта эътибор қаратади. Дебوحада Ҳусайн Бойқаро шоир шеърларининг илк муҳаррири ҳамда уларнинг келажак авлодларга етиб келиши учун саъй-ҳаракат қилган ҳомий сифатида гавдаланади.

Ҳусайн Бойқаро Навоийга барча шеърларини тўплаб, тўрт девон тузишни тавсия қилади: “... бурунги икки девонким, бизнинг ҳукму

хитобимиз била мураттаб қилдинг... Андин сўнгра йиғилгон ашъорнинг у назм риштасига тортилган дурри шаҳворнинг адади бурунги девонлардин ортқан чоғлиғдурур ва бу латофатсифот хўблар ва малоҳатсимот маҳбублар била яна икки девон тартиб берса бўлурадек маълум бўладур... Эмди авло будурким, бу гариб ишга кўнгул келтургайсен, балки ҳукм бу эрурким, бу ажиб амрга хома сургайсену тафаккур хилватгоҳида хаёл шўху раънолари била базм тузгайсен ва то фалак гардиш қилур, башар жинсининг хаёлига келмаган аъжубани элга кўргузгайсен”¹.

Дебочада таъкидланишича, Ҳусайн Бойқаро шоирга барча шеърларини тўплаб, тўрт девонга жойлаштириш ҳақида топшириқ берар экан, бу улкан ва машаққатли ишни бажариш давомида Навоийни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, моддий ва маънавий ёрдам беришга тайёр эканлигини баён қилади: “...Андоқки бурунги икки девоннинг такмилида риоятдин ҳеч навъ тағофул воқеъ бўлмади ва раҳнамалиғу иноятдин ҳеч турлуғ такосул сурат боғламади, эмди дағи ҳамул дастур бирла, балки андин ҳам афзунроқ, аҳволиндин хабар тутулғусидур ва бироз вақтда сарвақтинга етилғусидур. Чун заъфи ҳолинг бизга зоҳиру пайдоур, шафқату банданавозлиғлар била не ерда қолсанг ўтқарилағусидурур ва чун шикасти аҳволинг бизга равшану хувайдоур, марҳамату навосозлиғлар била ҳар мушкилинг бўлса ҳал қилинғусидурур” (1,15).

Ҳусайн Бойқаронинг юксак эътибори ва эҳтиромидан илҳомланган Навоий улкан куллиётни тузишга киришади. Шоир аввал ёзган газалларини жамлайди, уларни таҳрир қилади. Яна янги газаллар битиб, улар ёнига қўшади. Шу тариқа йиғилган газалларини Султони соҳибқирон хузурига етказди.

Эътиборлиси шундаки, Ҳусайн Бойқаро Навоий шеърларини ўқиш, улардан чексиз завқ олиш билангина чегараланиб қолмаган, балки улардаги айрим жузъий камчиликларни бартараф этган: “... ул ҳазрат аларга шафқат юзидин боқиб, қайси маъно шўхинингким таркиби хилъатида ва алфози кисватида бетакаллуфлуқ кўрса, ...ўз хизонаи хотираи ганжхонасидин ёкуту лаъли рангин ва гавҳару дурри самин била ул зебу зийнатқа табдил еткуруб, ҳар газални тартиб юзидин ўз ўрнига рақам қилур эрди” (1,17).

Ҳусайн Бойқаро 1470-йиллардаёқ Навоий шеърларининг таҳрири билан шугуланганлиги “Бадоеъ ул-бидоя” дебочасида эътироф этилади². Бу нарса Ҳусайн Бойқаронинг ўша даврдаёқ шеър илмини чуқур ўрганганлиги ҳамда юксак шоирлик истеъдодидан дарак беради.

Дебочада Ҳусайн Бойқаронинг ижод аҳли, хусусан, Алишер Навоий ва унинг ижодига бўлган муносабати, саховатпешалиги, зукко шеършунос сифатидаги фазилатлари кўтаринки руҳда эътироф этилган. Бу масалалар “Хазойин ул-маоний”даги шеърларда ҳам тадрижий тарзда ўз ифодасини топган.

¹ А л и ш е р Н а в о и й. Гаройиб ус-сигар // Тўла асарлар тўплами. Ҳн жилдлик, 1-жилд. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 13–14-бетлар. Кейинги ўринларда айни нашрдан олинган иқтибосларнинг жилд ва саҳифалари қавс ичида кўрсатилади.

² А л и ш е р Н а в о и й. Фавойид ул-кибар. Тўла асарлар тўплами. 4-жилд. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 756-бет.

Хусайн Бойқаро мадҳи ва таъриф-тавсифи билан боғлиқ ғазал ва байтларда, “Хазойин ул-маоний” деб очасидаги сингари, кўпроқ кўтаринки руҳ мавжуд. Яъни уларда Хусайн Бойқарони адолатпарвар ва саховатли, маърифатпарвар ҳукмдор сифатида мадҳ этиш кучли. Шунингдек, “Хазойин ул-маоний”да Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро ўртасидаги биографик ўринларни ёритувчи ғазаллар ва байтлар алоҳида ўрин эгаллайди. Кўпчилик ғазалларда Хусайн Бойқаронинг Навоий шеърларининг тислоҳчиси сифатидаги фазилатлари ҳам ўз ифодасини топган. Шулардан келиб чиққан ҳолда, Хусайн Бойқарога бағишланган ғазал ва байтларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1. Хусайн Бойқарони адолатпарвар шоҳ сифатида мадҳ этувчи ғазал ва байтлар.

2. Шоҳ ва шоир ўртасидаги муносабатлар ифодаси бўлган ғазал ва байтлар.

3. Хусайн Бойқаронинг зукко шеършунос сифатидаги фазилатлари акс этган ғазал ва байтлар.

Алишер Навоий деярли барча асарларида адолатли ва маърифатпарвар подшоҳ ҳамда марказлашган давлат учун кураш гоյсини илгари сурди. Навоийнинг фикрича, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти, юрт осойишталиги, аввало, ҳукмдорнинг ўзига, унинг шахсий фазилатларига боғлиқ.

Навоий Хусайн Бойқаро ҳокимият тепасига келгандан кейин ёзган деярли барча асарларида, лирик шеърларида уни адолатли, ватанпарвар шоҳ, адабиёт ва санъат, илм ва ҳунар аҳдига саховатли ҳомий сифатида қайта-қайта мадҳ этади, у билан фахрланади. Бу таъриф-тавсифларда, албатта, муболага ҳам мавжуд. Навоий бу ўринда, бир томондан, шоҳнинг ижобий фазилатларини улуғласа, қўлаб-қувватласа, иккинчи томондан, ҳукмдор характеридаги айрим салбий қирраларни мақтов йўли билан бартараф этишга интилади.

Навоийнинг фикрича, шоҳ Ғозийнинг фазилатлари беҳисоб, уларни қозоғга тушириш кўнғил истагидир:

Ким тузай мастона Шоҳи Ғозий авсофида савт,

Бу кўнгул гар бўлса ўз ҳолида, гар ҳам бўлмаса (1,48).

Навоий таъкидлашича, фақат Хусайн Бойқарогина “шоҳлик таркин қилиб”, дарвешларча ҳаёт кечирмоққа ҳамма вақт тайёр бўлган бирдан-бир подшоҳдир. Шоҳлик Хусайн Бойқаронинг “суврати”гина холос, унинг “сийрати” (ички дунёси, фазилатлари) эса дарвешликдир:

Мумкин эрмас шоҳлар ичра бўйла ниятнинг, магар

Шоҳи Ғозийким, муяссар бўлди бу давлат анга.

Шоҳлар дарвешию, дарвешлар шоҳики бор,

Шоҳлик сурат анга, дарвешлик сийрат анга (1, 29).

“Шоҳ ва дарвеш” (шоҳ ва гадо) масаласига донр бу фалсафий ғазалда ҳам Навоий Хусайн Бойқарони камтар, адолатпарвар ва камбағалпарвар бўлгани учун шундай мартабаю давлатга эришганлигини таъкидлайди. Таъкидлайдигина эмас, балки элпарвар, адолатли ҳукмдор бўлишга тарғиб ҳам этади.

Навоий мамлакатни заковатли, адолатли, олижаноб подшоҳ бошқариши керак, деб ҳисоблайди. Ана шундай доно ва одил подшоҳ Хусайн Бойқародир.

Шоҳ Ғозийнинг адолатидан зулм эшиги ҳамиша берқадир. Яъни Султон Хусайн мамлакатни ҳеч қачон зулм билан бошқармайди:

Эй Навоий, эрмас ул золим кўзи уйқудақим,
Зулм эшиги Шоҳи Ғозий адлдин масдуа эрур (1,157).

Шоҳнинг одиллиги туфайли унинг даргоҳи бева-бечораю фақирларга – барча ҳожатмандларга паноҳ, хонларга эса сигинадиган жой бўлди. Хусайн Бойқаро биринчи галда фақирларнинг бошини силайдиган адолатли подшоҳ бўлганлиги учун ҳам унга шундай давлат ва даража насиб этган. Навоий ана шу боис Шоҳ Ғозий даргоҳининг остонасини Каъбани тавоф этиш билан тенглаштиради.

Маълумки, Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўртасида вақти-вақти билан айрим келишмовчиликлар, ихтилофлар бўлиб турган. Бу, албатта, Хусайн Бойқаронинг биринчи галда замона ҳукмдори эканлиги, шунингдек, улар яшаб турган давр зиддиятлари билан изоҳланади. Шу боис Алишер Навоий шоҳ ҳузурда қанчалик ҳурмат-эътибор қозонган бўлмасин, саройда ҳамиша эҳтиёткорлик чораларини кўришга, одоб сақлашга мажбур эди:

Шаҳ ҳаримида, Навоий, неча топсанг эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингни-ю, беҳад риоят қил адаб (4,38).

Хусайн Бойқаро билан Алишер Навоий ўрталарида совуқчилик пайдо бўлиши, шоирнинг Астрободга ҳоким қилиб жўнатилиши кўп жиҳатдан Мажидиддин Муҳаммад туфайли эканлиги кўп манбаларда айтиб ўтилган. “Наводир уш-шабоб” девонидан ўрин олган кўйидаги икки газали шоирнинг шу даврдаги кечинмаларининг, нозик кўнгли изтиробларининг ифодасига ўхшайди:

Қайси бир тухматки бизга қилмади нисбат рақиб,
Қайси бирники эшитқач қилмади бовар ҳабиб?

Чун рақибимга рақиб эрди ҳабиб, эрдим тирик,
Найлай ўлмайким, ҳабибимга ҳабиб ўлмиш рақиб (2,54).

Лирик қаҳрамонга рақиб беҳисоб тухмат тошларини отмоқда, бу тухмат, иғволарнинг бирита бўлмаса, иккинчисига ҳабибининг ишонаётганлигидан шоир ҳайратда. “Ҳабиб” (Хусайн Бойқаро) унинг рақибига рақиб эканлигидан шоирнинг кўнгли тўқ эди. Энди эса рақиб лирик қаҳрамоннинг ҳабибига дўст бўлиб қолдики, бундан шоир қаттиқ изтиробда. Энди “дўст” рафиди газал байтларига эътибор қилайлик:

Қилди душман раҳм, баским қилди жавр изҳор дўст,
Эй кўнгул, душман топ эмди, тутмағил зинҳор дўст.

Ҳар замон душманларим озурдадур, эй дўстлар,
Баски, ҳар дам еткурур мен зорга озор дўст (2,92).

Навоийнинг лирик қаҳрамони ўз дўстининг душманларидан-да ортиқроқ жавр қилаётганлиги, кўнглигига озор етказаётганлигидан норози. Бундай дўстан, дўстининг суҳбатидан кўра душманга рўбарў бўлган маъқулроқ. Дўстининг шоирга ҳар лаҳза етказаётган озорларидан ҳатто баъзи душманларнинг дили ранжиган.

Юқоридаги мисраларда Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўртасидаги айрим зиддиятлар муносабатлар акс этганлигини тасаввур қилиш мумкин.

Лекин шоҳ ва шоир ўртасидаги муносабатлар бу тарзда давом этмаганлиги табиий. Буни, тарихий манбалар билан бир қаторда, дебочалардаги эътирофлар ва девондаги айрим байтлар ҳам тасдиқ этади:

Шодмен гуё фироқ айёми бўлди муртафий –

Ким, ҳабибим келмагига етти ҳар ёндин хабар (2,180).

“Хазойин ул-маоний”даги газалларда Хусайн Бойқаронинг яна бир фазилати ўз аксини топган. Бу ҳукмдорнинг зукко шеършунос сифатидаги характер қирраларидир. Маълумки, Хусайн Бойқаро форс-тожик тилини яхши билгани ҳолда, туркий тилда гўзал газаллар яратган ва девон тартиб берган, бошқа шоирларни ҳам она тилида ижод қилишга чақирган. Ҳирот адабий муҳитининг йирик вакилларида бири сифатида замондошлари – Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ижодини доимий кузатиб борган, уларга юксак баҳо берган. Улар билан бир даврда яшаётганлигидан фахрланган. Буни ўз “Рисола”сида эътироф этади⁸. Айниқса, Навоийдек даҳо шоир шеърларини мунтазам ўқиб, кузатиб борган, уларни таҳрир қилган, лирик меросининг “мутааддид” девонлар тарзида бир жойга жамланиши учун қайғурган. Бу ҳақда дебочалар шохидлик беради. Дебочаларда бу масала муболагали тарзда баён қилинса-да, уларнинг заминида реал ҳақиқат мавжуддир. Навоийдек буюк шоирнинг шеърларига жузъий бўлса-да, тузатишлар киритиш, ислоҳ қилиш учун катта иқтидорга эга бўлиш ва шеърятнинг энг нозик қирраларини чуқур билиш зарур эди. Хусайн Бойқарода ана шундай сифатлар мавжуд эди. Зеро, Навоий газалларида ҳам Хусайн Бойқаронинг шеър илмида ниҳоятда нозикфаҳм киши эканлигини таъкидлайди:

Эй Навоий, хурдаи назмингга ислоҳ истасанг,

Шоҳ Ғозийдин жаҳонда хурдадонроқ йўқ киши (1,606).

Нозиктаъб шоҳ унинг боши узра ўз нурларини сочиб турганлиги учун ҳам таҳрир қилинган шеърлар янада нозик шакллarga тўлган:

Навоий хурдаи назмингни андоқ айладинг таҳрир –

Ки, сочқай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон кўргач (1,117).

Умуман, Алишер Навоий лирик меросининг жамланиши ва келажак авлодлар учун сақланиб қолишида Хусайн Бойқаронинг хизматлари улкан бўлган. Шоир таъкидлашчи, агар султон шафқат юзасидан назар солмаганда эди, унинг шеърлари тупроққа тушиб сингиб кетган бир томчи сув каби йўқолиб кетарди:

Ҳар гавҳари туфроғ уза бир қатра су янглиг

тушгач адам ўғай,

Гар қилмаса ишфоқ этибон Хусрави Ғозий

назминг сори парво (1,673).

Умуман, дебочаларда қўйилган масалалар ўрни-ўрни билан девонлардан ўрин олган турли жанрдаги шеърларда тадрижий ифодасини топган. Хусусан, уларда Навоий ва Хусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатлар ҳам жуда кўп қирралари билан намоён бўлган. Зеро, шоир газалларида Хусайн Бойқарони адолатли ва халқпарвар ҳукмдор, саховатли ва ғамхўр раҳнамо ҳамда зукко шеършунос сифатида талкин этиш руҳи кучли. Шунингдек, кейинги даврларда кўп баҳсларга сабаб бўлган шоир ва замона ҳукмдори ҳамда айрим замондошлари ўртасидаги зиддиятли муносабатлар баъзан очиқ-ойдин, баъзан пардага ўралган ҳолатда ўз аксини топган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада “Хазойин ул-маоний” дебوحаси ва шоир газалиётдаги Хусайн Бойқаро ҳақидаги талқинлар таҳлилга тортилган.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируется образ Хусейна Бойкары во вступлении к дивану “Сокровищница мыслей” и газелях Алишера Навая.

RESUME. The article analyzes the interpretation of Alisher Navoi about Hussein Baykara in the introduction to the Divan “Khazain al-ma’ani” (“Treasure of meanings”) and the gazelles of the poet.

Таянч сўз ва иборалар: девон, газал, дебоча, адабиётшунос.

Ключевые слова и выражения: диван, газель, вступление к дивану, литературовед.

Key words and word expressions: divan, gazel, introduction, literator.

Мўминжон СУЛАЙМОНОВ

АДАБИЙ ТАЪСИР ВА ИЖОДИЙ МУШТАРАКЛИК

XIV асрнинг охири – XV аср бошларида яшаган ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмийнинг қўлёзма девони топилганига 40 йилдан ҳам кўпроқ вақт ўтди. Аммо ҳозирга қадар шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ муаммоли саволлар жавобини кутиб турибди. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, шоир форс-тожик шеърятининг машҳур вакиллари бўлган Ҳоқоний, Салмон Соважий, Санжарий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий каби шоирлар номини тез-тез тилга олгани ҳолда, туркигўй шоирлардан бирор-бир ижодқорни эсламайди. Иккинчидан, тарихий манбаларда Ҳофиз Хоразмий ҳақида ҳеч қандай маълумотлар учрамайди.

Ўтган асрнинг охирида фанга маълум бўлган Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоғ” асаридан янгилик кутган эдик, аммо умидимиз амалга ошмади¹. Бу асарда ҳам Ҳофиз Хоразмий ижоди тўғрисида маълумот йўқ экан. Демак, ўзининг замондошларини яхши билган Тарозий ҳам Ҳофиз Хоразмий ижодидан беҳабар бўлган.

Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида анчадан буён олиб бораётган тадқиқотларимиз давомида бир савол бизни ўйлантириб келмоқда. Алишер Навоий ўзининг яқин замондошларидан бири, Иброҳим Султон ҳукмдорлиги даврида Шерозда яшаган, 1435 йилда ҳаёт бўлган шоир Ҳофиз Хоразмийни нимага асарларида эсламаган? Умуман, шоирдан беҳабар бўлганми ёки бошқа сабаблар борми? Бу ўринда саволларнинг жавоби қандай? Дарҳақиқат, Алишер Навоийдек нозиктаъб ижодқор айрим шоирларни биргина чиройли байти учун ҳам “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида ҳурмат билан тилга олган.

Энди Ҳофиз Хоразмийга келсак, ҳақиқатан ҳам, шоир 1435 йилда ҳаёт бўлган ва шу йили Шохрух Мирзонинг кичик ўғли, Шероз ҳукмдори Иброҳим Султон вафотига атаб марсия ёзган. Ҳофиз Хоразмийнинг туғилган йили аниқ бўлмаганидек, вафот этган йили ҳам маълум эмас. Бунинг устига, шоирнинг девони унинг ватанидан эмас, балки 1975 йилда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Солоржанг музейидан топилган.

Бу масалага бир суҳбатимизда тарих фанлари доктори, профессор Мирсодиқ Исҳоқов ҳам қизиқиб қолдилар. У киши: “Алишер Навоий ўзи Ҳофиз Хоразмий ижодидан бевосита хабардор бўлмаса ҳам билвосита таниш бўлгандир, масалан, куй-қўшиқ, ашула орқали”, – деган фикрни айтган

¹ Бу асар Абдуқодир Ҳайитметов томонидан нашрга тайёрланиб, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 2001–2002 йиллардаги сонларида эълон қилинган.

эди. Биз ўзимизни ўйлантирган муаммо ечимига йўл топгандек бўлдик. Зеро, Ҳофиз Хоразмий девонини ўқир эканмиз, ўнлаб ўринларда Навоий ижодига ҳамоҳанг фикрларни, байтларни учратамиз.

Шу ўринда бир нуқтага эътиборингизни қаратмоқчимиз. Навоийнинг шогирди ва мухлиси Хондамир ўзининг буюк шоирга бағишлаб ёзган “Макорим ул-ахлоқ” (“Яхши хулқлар”) номли асарида бир қизиқ фактни келтирган. Бу ҳам бўлса, кўпчиликка маълум воқеа, яъни ўсмир Навоийга Мавлоно Лутфийнинг берган юксак баҳоси ҳақидаги ҳикоятдир. Ҳикоятда ёш шоирнинг:

Оразин ёпқоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч кۈёш², –

деб бошланувчи шу биргина ғазалига Мавлоно Лутфий туркий ва форсийда битган ўн-ўн икки минг байт шеърини алмаштиришини ва бундан мамнун бўлишини айтганлиги таъкидланган. Мана шу ғазал ҳақида устоз адабиётшунос Ҳакимжон Ҳомидий: “Навоий бу ғазални Камол Хўжандийдан завқланиб ижод этган”, – деб ёзади шоир девонининг 1962 йилги нашрига ёзган “Ҳаётбахш ғазаллар куйчиси” номли сўзбошида³.

Ҳофиз Хоразмий девонида ҳам айнан шу ғазалнинг биринчи байти – мақтасидагидай фикр ифодаланган байт мавжуддир:

Бас ажабдур кўзларим ёши юзунг кўрган аро,
Чун бўлур истора пинҳон, бўлса пайдо офтоб⁴.

Энди Камол Хўжандийнинг шу мазмундаги байтини таҳлил қилишимиз керак бўлади:

То рух напўши кай шавад аз дида ашки мо равон,
Пинҳон нагашта офтоб ахтар намеояд бурун (284–285).

(Юзингни яширмасанг, кўзимдан ёшим равон бўлармиди, зеро, кۈёш пинҳон бўлмай, юлдузлар намоён бўлмайди).

Бундан кўришиб турибдики, уч шоир ҳам деярли бир хил фикрни шеърга солганлар, аммо ифодалашда, таъсирчанликда фарқ сезилиб турибди. Дастлаб бу ғоя Камол Хўжандийга тааллуқли бўлганлиги табиий. Кўплаб туркигўй шоирлар сингари Ҳофиз Хоразмий ҳам Камол Хўжандийдан илҳомланган, завқланган, кўп ўринларда уни “шайхи Хўжанд”, деб улуғлайди. Гарчи Ҳофиз Шерозийга ҳавас қилиб Ҳофиз таҳаллусини танлаган бўлса-да, туркий шеърятда Камол Хўжандий йўлини танладим, ҳатто фахрланиб мен Камол Хўжандий бўлдим, деб ёзади:

Ул туркнинг камолу жамоли сифотида
Ҳофиз эмасдур ушбу, Камоли Хўжанд эрур (126).

Энди юқоридаги байтга келсак, уни ҳам устозининг ғазалидан таъсирланиб яратган, деб айтиш мумкин. Шунингдек, бу икки шоирнинг замондош бўлганлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Манбаларда таъкидланишича, Камол Хўжандий Хоразмда, Самарқанда, Тошкентда яшаган, 1397 йил Табризда вафот этган (6–10).

² Алишер Навоий. Гаройиб ус-сигар // Мукамал асарлар тўплами. Ингирма жилдлик. 3-жилд. Тошкент: Фан, 1986. 208-бет. Бундан кейинги иқтибосларнинг саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.

³ Камол Хўжандий. Девон. М. Васфий таржимаси. Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. 332-бет. Бундан кейинги иқтибосларнинг саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.

⁴ Ҳофиз Хоразмий. Девон. Икки китобда. 1-китоб. Тошкент, 1981. 75-бет.

Алишер Навоийга Камол Хўжандийнинг байти маълум бўлгани аниқ, аммо шоир, бизнингча, Ҳофиз Хоразмий байтидан ҳам қўшиқ ёки бошқа воситалар орқали хабардор бўлган⁵. Бу масалада Камол Хўжандий аъёналарини замондоши Ҳофиз Хоразмий ривожлантирди, Алишер Навоий эса уни ҳадди аълосига кўтарди, дейиш мумкин. Навоий ўзидан олдинги шоирлар газалларида ифодаланган фикрни биринчи байт – матлага олиб чиққан. Навоийнинг Ҳофиз Хоразмий байтидан ҳам хабардор, деган фикримизга келсак, шоирнинг машҳур байти нисбатан Ҳофиз Хоразмий мисраларига ҳамоҳанг, ўхшаш ва яқинлиги аниқ сезилиб туради. Айниқса, иккинчи мисрага эътиборимизни қаратсак, бу фикримиз янада ойдинлашади.

Ҳофиз Хоразмий:

Чун бўлур истора пинҳон бўлса пайдо офтоб.

Алишер Навоий:

Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш.

Ҳофиз Хоразмий мисрасида бўлмақ феълнинг такрорий қўлланганлиги, шунингдек, *пайдо*, *пинҳон* (ниҳон) сўзларининг ишлатилиши ҳам фикримизга далил бўлса, *истора* (ситора) – *юлдуз*, *офтоб* – *қуёш* сўзларининг ўзаро синоним эканлиги яна бир асосдир. Яна шуниси ҳам борки, Навоий ўсмирлик чоғида Ҳофиз Хоразмий газаллари қўшиқ қилиб куйланган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас...

Улут шоир тилшуносликка оид “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида туркий тилнинг омоним ва синоним сўзларга бойлигини алоҳида мисоллар билан таъкидлайди. Жумладан, улут шоир маънодош сўзларга бойлигини кўрсатиш мақсадида Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асаридан қуйидаги байтни келтиради:

Анингким ол энгинда менг яратди,

Бўйи бирла сочини тенг яратди⁶.

Бу мисол Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асаридан келтирилган, аммо Навоий шоир номини бошқа бирор ўринда эста олмайди. Демак, юқоридаги байтлар Навоийга қандайдир йўллар орқали маълум бўлган-у, лекин шеър муаллифини аниқлай олмаган, деб хулоса чиқаришимиз мумкин.

Энди қуйидаги байтларга эътиборимизни қаратамиз:

Ҳофиз Хоразмий девонида:

Ошиққи, ёрсиздур, валлоҳки, жони йўқтур,

Тўтий эрур ва лекин шаккаристони йўқтур (110).

Алишер Навоий бугун бир етти байтли газалида бу фикрни ривожлантирган ва гўзал тадриж саъати билан зийнатланган асар яратган.

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,

Мулкким султони йўқ, жисмедурурким жони йўқ (252).

Ҳофиз Хоразмий девонида қуйидаги байт мавжуд:

⁵ Камол Хўжандийнинг ўзбек шоирларига таъсири масаласи Эргаш Очиловнинг “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 2016 йилдаги 5-сонида (40–47-бетлар) босилган “Камол Хўжандий ва ўзбек адабиёти” номли ва бошқа мақоаларида батафсил ёритилган. Жумладан, унинг Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий ижодига кўрсатган таъсири ҳақида ҳам тўхтаган. Мақолада муаллиф, жумладан, Ҳофиз Хоразмийнинг қўшиқ қилиб айтилаётган “Ой юзунга жон билан то бандаман” байти билан бошланувчи газали ҳам Камол Хўжандий таъсирида яратилганини таъкидлайди.

⁶ Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн // Мукамал асарлар тўплами. 16-жилд. Тошкент: Фан, 2000. 17-бет.

Панду насиҳат этма манга, зоҳидо, бу тун
Ёрим керакдур менга, не керак афсоналар (189).

Бу байт мазмунини Алишер Навоий рубоий жанрида ривожлантирган ва юксак даражада ифодалаган:

Зоҳид, сенга ҳур, манга жонона керак,
Жаннат сенга бўлсун, манга майхона керак.
Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса тўла, ёна керак (578).

Ҳофиз Хоразмийда:

Ҳофиз, давоми давлатингга дол зулфидур,
Айни саодат эрур, агар чиқса ҳарфи дол (90).

Алишер Навоий шеърлятида бу фикр муаммо санъати сифатида маълум ва машҳур:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилиқ била от⁷.

Бунга ўхшаш мисоллар Ҳофиз Хоразмий девонида жуда кўплаб учрайди. Икки шоирнинг бу қадар ўхшаш мисраларини бошқа ижодкорлар шеърлятида кузатмадик.

Хулоса қилиб айтганда, гарчи Алишер Навоий ўзининг яқин замондоши Ҳофиз Хоразмий номини “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида ҳам, бошқа ўринларда ҳам тилга олмаган бўлса-да, унинг ижодидан қўшиқ, ашула ёки бошқалар воситасида хабардор бўлган ва шеърларида учрайдиган айрим байтларни ғазал, рубоий ҳамда муаммо каби алоҳида жанрдаги асарларида ривожлантирган, дейишимиз мумкин.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Ҳофиз Хоразмий лирикасига хос айрим жиҳатларнинг Алишер Навоий шеърляти билан ўхшашлиги, муштараклиги таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируются общие черты лирики Хафиза Харезми и поэзии Алишера Навои.

RESUME. In this article is analyzed similarity of the lyrics of Hafiz Kharezmi and poetry Alisher Navoi.

Таянч сўз ва иборалар: лирика, ўхшашлик, жанр, байт, девон, ғазал, рубоий, муаммо
Ключевые слова и выражения: лирика, сходство, жанр, бейт, диван, газель, рубаи, муамма.

Key words and word expressions: lyric, beit, divan, genre, gazel, rubai, muamma.

⁷ Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб // Мукамал асарлар тўплами. 4-жилд. Тошкент: Фан, 1986. 531-бет.

Мақсуд АСАДОВ

“САДДИ ИСКАНДАРИЙ” ДОСТИНИДА СОҚИЙНОМА ХАРАКТЕРИДАГИ БАЙТЛАР

Мумтоз лириканинг қатор намуналарида реалистик мотив, манзара ва тимсоллар ўзининг жонли аксини топган. Улар ҳаёт, давр, замон ёки тарихий воқелик билан боғланиш жиҳатидан ҳам эътиборга молик. Бундай асарларнинг ўқувчи кўнглига таъсири кучлироқ бўлишини буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг муаззам “Хамса”сидаги соқийга мурожаат қўлланган

лирик парчалар ҳам тасдиқлайди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, соқийга хитоб билан бошланган байтлар ўзбек мумтоз шеъриятида муҳим ўрин тутган соқийнома жанрининг ғоявий-бадий олами, ифода усули, поэтик тасвир имкониятларини юзага чиқариш учун ҳам мустақкам замин ҳозирлаган эди. Яъни “Ҳамса” дostonларида ифодаланган соқийнома йўналишидаги лирик парчалар жанрининг идк кўринишлари бўлиб, адабиёт тарихида мукамал соқийнома тараққиёти учун алоҳида бир мавқега эгадир.

Соқийнома характеридаги байтларнинг келтирилиши, ўзига хос тузилиши, соқийномага хос образларнинг ёрқин бадий ифодаси ва мазмунига кўра, “Садди Искандарий” дostonи, айниқса, ажралиб туради. Унинг боблари хотимасида жами 155 байт (310 мисра) соқийнома мазмунини ифодалайди. Шундан 51 байт соқий ва аёқчига мурожаат билан бошланган. Қолган байтларда муғанний (51 байт) ва шоирнинг ўзига (53 байт) хитоб қилинган.

Низомий Ганжавий ҳам “Искандарнома”нинг “Шарафнома” қисмида соқийга, “Иқболнома”да муғанний ва мутрибга мурожаат қилинган байтларни келтирган. Улар Хусрав Деҳлавийнинг “Ойнаи Искандарий”, Абдурахмон Жомийнинг “Хирадномаи Искандарий” дostonларида ҳам учрайди. Алишер Навоий эса, “бошқа дostonларида ўз кайфиятини соқийга мурожаат ёки айрим умумий хулосаларни билдирувчи мисралар орқали берган бўлса, “Садди Искандарий”да аниқ ўрнатилган тартиб бўйича беради”¹. Яъни дostonдаги ҳар бир бобнинг хулосаси соқий (баъзан аёқчи – М.А) ва муғаннийга хитоб билан бошланиб, шоирнинг ўзига мурожаати билан якунланган. Бу жиҳатдан Навоийнинг дostonи Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомийларнинг асарларига ўхшаб кетади. Уларда ҳам риторик мурожаатлар, асосан, ҳар бир бобнинг сўнигида келтирилган. Аммо “Садди Искандарий”да муайян тартиб ўзгармайди.

**Кетур соқий, ул майки рахшандадур,
Анинг нашъаси файзбахшандадур.**

Кўнгул масканин лавнидин гулшан эт,
Назар хужрасин тобидин равшан эт.

**Муғанний, суруде чек ондин баланд –
Ки, тушсун сипехр аҳлига дилписанд!**

Унинг савтини олий овоза эт,
Сўз овозасин кўнгулма тоза эт!

**Навоий, сўз айтурда фарзона бўл,
Чу иш бошинга тушти, мардона бўл!**

Баҳона тариқини барбод қил,
Суруб дoston, нукта бунёд қил!²

¹ Қ а ю м о в А. Асарлар. Ўн жилдлик. 1-жилд. 2-китоб. Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. 391-бет.

² А л и ш е р Н а в о и й. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 8-жилд. Тошкент: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. 67–68-бетлар (Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – М.А.).

Маълумки, дostonлар, одатда, ҳамд, муножот, наът, пайгамбар меърожи тасвири, замона ҳукмдорининг мадҳи билан бошланади. Озарбайжон мумтоз адабиётида яратилган дostonларнинг муқаддималарини монографик тадқиқ қилган А.Халилов фикрига кўра, улар расмий муқаддималардир. Расмий муқаддимадан кейин келиб, гоъвий-бадий, автобиографик, ижтимоий-сиёсий мавзуларни қамраб олган бўлимлар ёки лирик чекинишларни олим бадий муқаддима деб номлайди. Жумладан, эпик асарлар таркибидаги соқийномалар ҳам бадий муқаддиманинг гўзал намуналари саналади³.

Тўғри, соқийга мурожаат воситасида асарда ифода этилаётган фикр-қарашларга муносабат билдириш, уларни шоир ҳис-туйғулари, реал турмуш манзаралари билан уйғунликда жонли тасвирлаш Шарқ мумтоз адабиётида битилган эпик дostonлардаги лирик чекинишлар учун умумийдир. Аммо соқийнома йўналишидаги байтлар нафақат расмий муқаддималардан кейин, балки дoston бобларининг сўнгида келтирилиб, уларда тасвирланган воқеа-ҳодиса, фикр-кечинмаларни ҳам хулосалайди. Чунончи, “Сади Искандарий” дostonидаги лирик чекинишлар, яъни соқийга мурожаат билан бошланган байтлар бунинг исботи бўла олади. Шу билан бирга, улар дoston бобларининг композициясида муҳим ўрин тутуди, яъни шоир фикр-қарашларини умумлаштириб, бобларни бир-бирига мантиқан боғлаш учун хизмат қилади.

Турк олими М.Кузубашнинг ёзишича, шоир янги бир мавзуга ўтишдан илгари ўзини шунга чоғлайди ва илҳом йўлининг очилиши учун кайфият ҳосил қилади ёки асосий мавзуда баҳс юритишдан илгари нафас ростлаш, фикрни бир ерга жамлаш мақсадида соқийга юзланади. Олимга кўра, бу “бир қаҳва тайёрланг, одам бироз дам олсин” қабилдаги жонли мулоқотга ўхшайди⁴. Дарҳақиқат, дostonларнинг лирик чекинишларида фикрни ўқувчига мурожаат эмас, соқийга хитоб шаклида баён этиш асарнинг бадий қимматини оширибгина қолмай, унинг таъсирчанлигини ҳам кучайтиради. Асарнинг умумий манзараси, шоирнинг ахлоқий, таълимий, фалсафий, ҳаётий мушоҳалари, хулосалари – барча-барчаси соқийнома моҳиятидаги байтларда ихчам ва мукамал ифодаланади. Айтиш мумкинки, “Сади Искандарий” дostonининг боблари 3 қисмдан, яъни бадий сарлавҳа, асар матни ва соқийга мурожаат келтирилган байтлардан ташкил топган. Ўз навбатида, улар ҳам мазмунан бир-бирига боғлиқ. Жумладан, XIX бобнинг сарлавҳасида шоир адолат сўзини тавсифлаган. Чунки унда Искандарнинг сарлавҳасида шоир адолат сўзини тавсифлаган. Шу сабабли, бобда келтирилган соқийнома характеридаги байтларнинг дастлабкисида ҳам, охиригисида ҳам адолат сўзига алоҳида урғу берилади. Чунончи:

Кетур, соқие, тўлдуруб жоним адл –
Ки, кўргузди Искандар айёми адл!...

Шаҳеким, адолати онинг иши,
Тенг эмас анга шоҳлардин киши: (105–106).

³ Х а л и л о в А.В. Классик озарбайжон поэзиясида бадий муқаддима (дебоча, соқийнома, китобнинг ёзилиш сабаби). НА. Боку, 2006. 48-бет.

⁴ K u z u b a ş M. Sakiname (Nev'izade Atayi). Samsun: Etut yayınları, 2009. S. 18.

Соқийнома мазмунидаги байтларнинг дoston композициясидаги муайян тартиби шоирнинг ижодий нияти, асар воқеаларининг жонли тасвири ва ўқувчида эстетик завқ уйғотишга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ифода усули ва образлар тизимига эга. Масалан, соқийга мурожаат билан бошланган лирик парчаларда май қадаҳининг поэтик тасвирлари 30 га яқин байтларда шоир ҳиссий ва фикрий оламининг бадиий-эстетик ифодаси билан уйғунлик касб этади: *каёний қадаҳ, ойинагун соғар, миръоти Искандар, жоми жамишидсоз, шоҳона соғар, жоми каёний, соғари лаълранг, жоми шоҳона, жоми мотамзудой, жоми адл, жоми ёқутгун, жоми боқий, жоми пирона, жоми хисравона, жоми фақирона, соғари зарнигор, чиний аёғ, кўзгу, жоми лаболаб, жоми тақвишиқан, жоми дарёмисол, соғари алвидо, соғари лоларанг, жоми фароғ, жоми каёний.*

Мазкур истиоралар асар мазмуни, бобларда тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларнинг табиати билан узвий боғлиқдир. Жумладан, “*бодаи софи*” – соф, тоза май демақдир. Достонда, асосан, фикрни юзага чиқариш учун қўлланган бу поэтик бирикма янги, такрорланмаган маъноларни ҳам ифода этиб, “Садди Искандарий”нинг мазмун-моҳиятига ишора қилади: “*Ичар хайл сўз бодаи софини*”. Май ва унга алоқадор образлар шоир лирик кечинмаларини акс эттирибгина қолмай, унинг турли ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, фалсафий масалаларга муносабати, нуқтаи назари ва баҳосини ҳам акс эттиради. Чунончи:

Чу истаб тараб таъби озодаси,
Кўюб назм жомига сўз бодаси.

Анинг журъаси элни маст айлабон,
Демай мастким, майпараст айлабон (4–45)

Мазкур шеърий парча дostonнинг VII бобидан олинган. Унда тавсифланаётган бода, биринчидан, Навоий салафларининг назм жомидан маънавий баҳрамандликни билдирса, иккинчидан, илҳом, илоҳий инъом, ният, орзу маъноларида ҳам талқин қилинган. Чунки дostonнинг ушбу бобини Навоий Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомийларга багишлаган. Унда шоир салафларининг Искандар ҳақидаги дostonларига ҳам юксак баҳо берилган. Бу фикрлар VIII бобда ҳам давом эттирилган. Шунингдек, унда ҳотиф, яъни ички бир товуш, илоҳий куч “Хамса”ни ёзишга руҳлантирганлиги, шоирни қўлига қалам олишга ундаганлиги айтилади. Мазкур бобнинг сўнгида келтирилган соқийнома йўналишидаги хулосавий байтлар шоирнинг фикр-кечинмаларини ёрқин ифода этганлиги билан характерлидир.

Кетур, соқийё, ул каёний қадаҳ,
Тагореки, дегайлар они қадаҳ (58).

Ушбу байтда қўлланган *каёний қадаҳ* истиораси улугворлик ва қудрат рамзи, шунингдек, илҳом сарчашмаси, маънавий-руҳий камолот манбаига ишора бўлиб келган. Бу орқали шоир хамсанавис устозларининг маъно хазинасига, яъни улкан ва бетакрор ижодига ҳам ўзига хос баҳо берган. Асарнинг бошқа бир ўрнида “жоми каёний” – “каёний жоми” поэтик бирикмаси шоирнинг олам ва одам қисмати, дунёнинг ўткинчилиги, инсон умрининг қисқалиги ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларини ифода этган:

Аёқчи, майи дўстгоний кетур,
Тўло айла жоми каёний кетур.
Ки давронки, ойини ўмиш жафо,
Не Кайга, не Дорога айлар вафо (73).

Мутафаккир шоир ўзининг кўлгина асарларида, жумладан, соқийномада ҳам Хусайн Бойқаро ва унинг мадҳига кенг ўрин ажратади. “СаДДи Искандарий”нинг IX боби ҳам Султон Хусайн Бойқарога бағишланган. Унда ҳукмдорни таъриф у тавсиф этиб, “Ҳақими азал” – Тангридан Хусайн Бойқарога Искандарнинг шаъну шавкати, қудрату салтанатидек улутворайк ато этишини, “мулозимларини” ҳам “Искандарфар”, яъни Искандар сифатли қилишини тилайди:

Мулозимларини Скандарфар эт,
Адолат уйин “СаДДи Искандар” эт (64).

Аёқчига мурожаат қиларкан, ўзига ойнадек тоза, тиниқ қадаҳ беришини сўрайди. Ружуъ, яъни қайтариш санъати воситасида бу фикрлар янада кучлироқ ифодаланган:

Аёқчи, тут ойинагун соғаре,
Не согарки, миръоти Искандари! (64)

Мазкур байтда келтирилган ҳар бир образ шоирнинг муайян бир мақсадини ифодалаб, асарнинг бадиий-эстетик қимматини оширишга хизмат қилган. Агар соқийга мурожаат қилинган байтларда унга илтифот кўрсатиш, май қуйишга ундаш мазмуни англашилса, аёқчига хитоб орқали даъват этиш, талаб қилиш, буюриш маънолари юзага чиққан. Диққатга сазовор томони шундаки, соқийга мурожаатлар олдидан хитоб оҳангини янада орттириш учун қўлланилган “кетур” сўзи лирик қаҳрамон – ринд аёқчидан май талаб қилган байтларда учрамайди. Яна бир эътиборли жиҳати – шоир соқийнома характеридаги шеърий парчаларнинг дастлабкисида ҳам, сўнггисида ҳам айнан аёқчига юзланган. Шунингдек, дostonнинг яна 24 байтида аёқчига мурожаат келтирилган. Аёқ сўзи, аслида, соф туркий сўз. Қадимда туркий халқлар орасида қимиз ва асал шароби ичиш учун туянинг оёқ суягидан махсус қадаҳлар ясалган бўлиб, улар аёқ деб юритилган⁵. “Саёҳатнома” асарида маълумот берилишича, ўтмишда май базмларида фақат асалдан тайёрланган шароб истеъмол қилинган экан⁶. Аёқчи – аёқ тутувчи киши, яъни соқийдир. Дostonда у кишига эстетик завқ, кўтаринки кайфият улашувчи поэтик образ сифатида тасвирланган. Ички бир мантиқ, қаршилантириш асосида масаланинг асл моҳиятига ишорани илгаш мумкин. Маълумки, Искандар нафақат “СаДДи Искандарий”да, балки Шарқ халқлари адабиётида ҳам голиблик, адолат, саховат ва ҳақиқат байроғини баланд тутган комил шахс сифатида гавдалантирилган. Навоий адабий қаҳрамон Искандарни улутлаш баробарида замонаси Искандари – Хусайн Бойқарони ҳам у билан тенглаштиради (“Муни тут жаҳонда Скандарнишон”).

Юқоридаги байтда қўлланилган “миръоти Искандарий” – “Искандар ойнаси” ҳақида Навоий дostonнинг LII бобида қизиқ бир ривоятни келтирган. Унда тасвирланишича, Чин хоқони Искандарга қилган тортиқлари орасида шундай ойна бор эдики, унинг ҳар иккала томони ҳам ўзига хос

⁵ Қаранг: Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. 2-китоб. Тошкент: Фан, 2011. 38-бет.

⁶ Ибн Батутта. Саёҳатнома. Тошкент: Шарқ, 2012. 342-бет.

тилсимга эга эди. Унинг тилсимларидан бири кимки рост гапирса, чехраси кўзгуда намоён бўлар, аксинча ёлгон сўзласа, ойна юзини кўрсатмас эди. Кўзгунинг иккинчи юзи эса, мажлисда кўп ичиб, кайфи ошиб қолган маст кишининг қиёфасини бесўнақай, қулгили кўринишда акс эттирардики, у ўз ҳолидан пушаймон бўлиб, мажлисни тарк этарди:

Кўруб ул бузуғлуғни наззорагар,

Бўлур ўз бузуғ ҳолига чорагар (344).

Навоий аёқчидан мана шундай хислатга эга бўлган май келтиришини сўрайди. Бу ўринда май яхши ва ёмонни, рост ва ёлгонни, дўсту душманни бир-биридан ажратувчи восита саналади.

“Саади Искандарий”нинг IX боби хотимасида қўлланган соқийнома мазмунидаги лирик парча қуйидаги байт билан тугалланган:

Бу шоҳона мажлис аро бода ич,

Ва лекин қачон тутса шаҳзода ич! (65)

Шу тариқа, достоннинг X боби султон Хусайн Бойқаронинг тўнғич фарзанди шаҳзода Бадиуззамонга бағишланган. Достонда унинг мадҳига анча кенг ўрин берилган. Соқийга мурожаатда ҳам шоир майни ақлни тиниқлаштирувчи, кўнгилни турли-туман иллатлардан, ёмон хулқу атвордан покловчи, кишини юксак инсоний фазилатларга ошно этувчи ўзига хос образ сифатида тасвирлаб, шаҳзоданинг пок тийнатиға, ҳар қандай тийраликлардан холи бўлган етук хулқу одобига ишора қилади.

Маълумки, мумтоз адабиётда Жамшид энг узоқ мuddат ҳукмронлик қилган афсонавий шоҳ сифатида ҳам тасвирланади. “Тарихи мулуки Ажам” асарида Навоий унинг “салтанатқа ўлтур”иб, “жаҳон мулкин адл ва дод била туз”ганлигини, “хусну жамолда дилпазир, фазлу камолда беназир” бўлганлигини ёзади (8, 610). Жамшид ҳукмронлиги даврида жуда кўп ихтиролар қилиниб, халқ бахту саодатда, тўкин-сочинликда, фаровон ҳаёт кечирган. Шу сабабли, шоир Ажам, яъни Эрон шоҳлари ҳақида фикр юритаркан, соқийга мурожаат қилиб, ундан “жоми жамшидсоз” – Жамшид жомидек қадаҳ келтиришини сўрайди:

Кетур, соқий, ул жоми жамшидсоз –

Ки, қилғай жаҳондин мени бениёз (71).

Шоир достоннинг XXXVI бобида ҳам Жамшид жоми ҳақида ҳикоя қилган. Унда тасвирланишича, Жамшид узоқ йиллар давомида жаҳоннинг олиму фузалоларини тўплаб, иккита жом ясаттирган:

Бирисин деди: жоми гетинамой,

Бирисин деди: жоми ишратфизой (233).

Навоийга кўра, улар орасида жоми гетинамо ўзгача хусусиятга эга бўлган экан. Яъни ундаги май ичган билан ҳеч қачон тугамаскан. Ҳатто жомни тескари қилишса ҳам, ундан бир томчи май ерга тўкилмас эмиш. Агар жоми гетинамодаги май тугаса, бутун оламда май ва шаробдан бир томчи ҳам қолмас экан. Соқийга мурожаатида шоир ўзига ана шундай жом келтиришини сўрайди. Шунингдек, муғаннийга хитоб қилиб, мана шу жомдаги май тугамагунча куй ва қўшиқни давом эттиришини айтиб, бундай дейди:

Агар нагма бас қилмоқ этсанг ҳавас,

Ҳамул жом гум бўлмайин қилма бас (234).

Соқийнома мазмунидаги байтлар шоирнинг юксак инсонпарварлик руҳидаги ўй-қарашларини ўзига хос бадиий воситалар орқали таъсирчан ифода этганлиги билан ҳам эътиборга лойиқ.

Аёқчи, тўла айла **чиний аёқ**,

Эрур бизга сўзнинг **чини** иштиёқ (331).

Мазкур байт асарнинг XXXXVIII бобида келтирилган. Искандар ва Чин хоқони ўртасидаги дўстона суҳбат тасвирланган мазкур бобда одил шоҳ ва адолатли мамлакат ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам етакчи мавқега эга. Унда Чин (Хитой) ҳукмдори аҳдига вафо қиладиган; донишманд ва ростгўй шахс сифатида гавдалантирилган. “Чиний аёқ”, яъни чиннидан ясалган май қадаҳи бўлса ҳар қандай низолардан холи, тинчлик ва ҳақиқий дўстликка эриштирадиган поэтик тимсолдир. Иккинчи мисрада ҳам чин сўзи ростлик ва тўғри сўз маъноларида ишлатилган. Кўринадики, байтда фикрнинг жонлилиги, таъсирчанлиги тажнис санъати ёрдамида юзага чиқарилган.

Буюк шоирнинг тенги йўқ ижодий маҳсули, тафаккур қамровининг кенглиги, санъаткорлик маҳорати, энг аввало, ижтимоий-ҳаётий воқеа-ҳодисалар, табиат манзараларидан фавқулодда мукамал ва таъсирли бадиий лавҳалар яратилишида яққол кўринади. Соқийнома мазмунидаги байтлар ана шу хусусияти билан ҳам дostonда алоҳида ўринга эга. Жумладан, асарнинг XVIII бобида Ҳиндистондаги Эрам боғининг ҳайратини келтирадиган, жонбахш еллари кўнгилга хуш ёқувчи, ранг-баранг гуллари турли-туман ўсимлик дунёсига бой бўлган Нигор боғини мадҳ этар экан, шоир соқийга мурожаат қилиб, зарҳал билан безалган қадаҳ келтиришини сўрайди:

Кетур, соқий, ул соғари зарнигор –

Ки, май лаълидин бўлди гавҳарнигор.

Чу дашти Нигор ичра қилдим мақом,

Керактур манга зарнигор эмди жом (290).

Зарнигор соғар кўтаринки кайфият, қувонч, шодлик мазмунларини ифодалаб, гўзал висол дамларини ёдга солувчи шеъринг образдир. У шоирнинг фикр-қарашларини умумлаштириб, бобнинг мазмунига ҳам ишора қилади. Лирик қаҳрамоннинг мақсади, соқийга мурожаатининг сабаби ҳамда соқийнома йўналишидаги байтларнинг моҳияти “зарнигор жом” бирикмаси воситасида акс эттирилган. Лирик парчада бир қатор бадиий санъатларнинг уйғунлашганлигини кўрамиз. Чунончи, дастлабки байтда риторик хитобат фикрнинг таъсир қувватини ошириб, “соқий” ва “соғар” сўзларидаги тавзеъ санъатининг юзага чиқишини ҳам таъминлаган бўлса, “зарнигор”, “гавҳарнигор” истиоралари иштиқоқ билан биргаликда ифодаланган. “Нигор” сўзининг ёр, маҳбуба маъноларига диққат қилинса, шоир ўз ҳис-туйғуларини ийҳом бадиий воситаси орқали поэтик бўёқларда тасвирлаганлиги англашилади.

Соқийнома мазмунидаги байтларда шоирнинг ҳаётий хулосалари, ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳасби ҳол мазмунидаги фикр-кечинмалари билан уйғунлашиб кетган. Дарҳақиқат, улар шоир шахсияти ва руҳиятининг нозик қирраларини илғашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, XV бобда Искандарнинг тугилиши воқеаси, шаҳзоданинг устози Арастудан илму хунар ўрганиши ва шоҳ Файлакуснинг вафот этиши ҳикоя қилинган. Шу сабабли, аёқчига мурожаат келтирилган лирик парчада шоирнинг чуқур

руҳий изтироблари, ғам-андуҳи ҳамда мотам кайфияти ҳам таъсирчан ифодаланади.

Аёқчи, бер ул жавҳари гамзудо,
Дема гамзудо, жоми мотамзудо –

Ки, андин симурсам, гамим қолмасун,
Ато сўтидин мотамим қолмасун (8, 87).

Жавҳари гамзудой – ғам-қайғуни кетказувчи, кўнгилдаги аламу изтиробларни аритувчи жавҳар, май. Маърифий атама сифатида жавҳар “илоҳий (раҳмоний) нафас”ни⁷ ҳам англади. Бу ўринда у руҳий сархушлик тимсоли, маънавий ҳузур-ҳаловат манбаи ҳамдир. Жоми мотамзудой – мотамдан халос қилувчи қадах. Мазкур байтда у ҳам ҳар қандай ўйлардан холи бўлган ориф инсоннинг тоза, тиниқ қалбини билдириб келади.

Хуллас, “Хамса”да, айниқса, “СаДДи Искандарий” достонида соқийга мурожаат қўлланган байтлар салмоқли ўрин эгаллайди. Улар шоирнинг ҳақиқат ва адолат, вафо ва садоқат, ростгўйлик ва олижаноблик каби қатор инсоний фазилатларни улуғлаб айтган фикрлари, гоёлари, орзу-интилишлари ҳамда ҳаётий хулосаларининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. “СаДДи Искандарий”даги соқийнома мазмунидаги байтларда ўқувчи Навоийнинг шахсиятига ўзгача бир яқинликни ҳис этади. Навоий санъаткорлик маҳоратининг ўзига хос жиҳатларини юзага чиқарган мазкур байтлар ўзбек адабиётида соқийнома жанри такомилда алоҳида ўрин тутганлиги билан ҳам эътиборлидир.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Алишер Навоийнинг “СаДДи Искандарий” достонидаги соқийнома характеридаги байтлар улут шоир маҳорати қирраларининг намоён бўлиши ва ўзбек адабиётида соқийнома жанри такомил қўринишлари сифатида таҳлилга тортлади.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируются бейты в характере саки-наме из поэмы Алишера Навои “Садди Искандера” в плане раскрытия мастерства великого поэта и в качестве способа совершенствования жанра саки-наме.

RESUME The article analyzes the beits in the character of the Saki-name of their poem by Alisher Navoi “Saddi Iskandari” in terms of revealing the mastery of the great poet and as a means of improving the genre of the Saki-name.

Таянч сўз ва иборалар: соқийнома, жанр, байт, образ, соқий, муганний, бадийлик, маҳорат.

Ключевые слова и выражения: саки-наме, жанр, бейт, образ, кравчий, музыкант, художественность, мастерство.

Key words and word expressions: saki-name, genre, beits, image, saki, musician, artistry, skill.

⁷ Uludağ S. Tasavvuf terimleri sözlüğü. İstanbul, 1995. S. 119.

Саломат МАТКАРИМОВА

ХОРАЗМ ШОИРЛАРИНИНГ НАВОЙГА ТАТАББУЛАРИ

Навойдан таъсирланиш макон, замон ва миллат танламаган. Навоий шахсияти ва асарлари, илгор адабий анъаналари кўплаб ижодкорларнинг шоир сифатида ўзини қашф этиши ва ижодий камолот пиллапояларидан

кўтарилиб боришида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Бинобарин, "Илғор адабий анъаналар шундай бир мактабки, унда истеъдодли ижодкор ўз дунёқарашини такомиллаштиради, услубини чархлайди, маҳоратини ўстиради ва энг муҳими, кедажагини белгилайди. Анъана ривожлантирилса, у билан мубоҳаса бўлса, мусобақа руҳи юзага келтирилса, у умидбахшдир"¹. Хоразм шоирлари ижодида Навоий анъаналарининг ривожлантирилиши натижасида юзага келган янгилик ўлмас умумбашарий ғояларнинг бадий либоси, халқимизга шодлик ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қиладиган идеалларнинг яшаш усули, ифодаланиш тарзи, мазмуннинг ташкил қилиниши, структураси тарзида намоён бўлади. Шақабозликдан иборат сохта, маънидан йироқ асарлар ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмагани ҳолда, чинакам бадий кашфиётлар ўзгартувчилик ролини ўйнади. Мунис, Огаҳий, Табибий лирикаси бунинг ёрқин далилидир. Навоийдан таъсирланиш масаласига шу пайтгача қилинган айрим тадқиқотларда у ёки бу даражада муносабат билдириб ўтилган бўлса-да, мавзу ҳали ўзининг ҳар томонлама кенг ва теран илмий тадқиқини топганича йўқ. Қуйида биз Навоий анъаналарининг Хоразм шоирлари ижодида давом эттирилишини татаббунавислик мисолида таҳлилга тортишга жазм этдик.

Маълумки, Навоий татаббунависликни адабий йўналиш даражасига кўтарди ва бу билан ўзига хос анъана яратди. Шу билан бирга, асос қисмини татаббу газаллар ташкил этувчи "Девони Фоний"ни тартиб бериши пайравлардан иборат мажмуаларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Хусусан, XIX асрда Хоразмда Табибий томонидан тузилган "Мажмуаи си шуаро пайрави Ферузоҳий" бунинг яққол исботидир.

"Татаббу ёзишга киришган шоир устозлари даражасида қобилияти борлигини, ўша шақлда, ўша мотивда шеър айтишга ўзининг қодир эканлигини намоён этади"². Хоразм шоирлари Навоий газаллари руҳини сақлаган ҳолда шу руҳни улуг устозлари савиясида гўзал ифода эта олиш, оҳорий образлар яратиш, ўзига хос поэтик мушоҳада юритиш маҳоратини ўз татаббуларида намоён қила олдилар. Улар устознинг ўнааб шеърларига пайравлик қилиш орқали сўз соҳибқирони ижодининг бадий-ғоявий етуқлиги ҳамда олий услуби ҳақида яхлит хулосалар чиқариш ва ўз бадий иқтидори ҳақида ҳам гўла тасаввур беришга эришдилар. Адабий таъсир ва ижодий ҳамкорлик маҳсули сифатида яратилган пайравлар татаббунависларнинг чуқур билим, катта ижодий куч, махсус тайёргарлик, адабий-ижодий тажрибага эга бўлганлигидан далолат беради. Нишотий, Мунис, Огаҳий татаббулари бу жиҳатдан характерлидир. Улар яратган татаббулар тақлид ва такрордан холи, янги фикр ва тасвирларга бой. Бунда уларга Навоийнинг қуйидаги байти дастуриламал бўлиб хизмат қилган:

Бир деганни ики демак хуш эмас,
Сўз чу такрор топти, дилкаш эмас.

Айни шу талабнинг Нишотийда ҳам таъкидланиши фикримизни далиллайди:

Ҳар не мукаррар эса ул хуб йўқ,
Аҳли назар оллида маргуб йўқ.

¹ Ҳаққул И. Абадият фарзандлари. Тошкент: Ёш гвардия, 1990. 101-бет.

² Саломов Ғ, Комилов Н. Дўстлик кўприқлари. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёи, 1979.

“Татаббу – адабий анъана ривожининг маҳсули, Аммо ривожлантирилаётган анъанага янгилик қўшилмаса, мукамал татаббу юзага келмайди. Анъана ва янгиликнинг яхлит ҳолда намоён бўлиши учун эса бадий маҳорат лозим”, – деб ёзади адабиётшунос Б.Файзуллаев ўз тадқиқотида³. Анъаналар замида оригиналликка интиланган Хоразм шоирларининг Навоий газалларига битган татаббуларининг кўпчилиги бадий маҳорат билан ижодий ривожлантирилган анъана ва янгиликни ўзида мужассамлаштирган мукамал пайравлар сирасига киради. Уларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Маънан ва шаклан ўхшаш – маъно ва мазмун (гояси, мавзуи, образлари) жиҳатидан ва шакл белгилари (вазн, қофия, радиф) жиҳатидан ўхшатма тарзида ёзилган татаббулар.

2. Вазн, қофия, радифи сақланган ҳолда мазмуни эркин, шеърый санъатлар чуқур ишланган маснуъ татаббулар.

3. Мазмунга катта эътибор берилган ҳолда вазн ва радиф янгиланган, шакл ўзгача матбуъ татаббулар.

4. Маъвиза татаббулар

Биринчи хилдаги татаббулар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Навоий:

Менмудурменким, айирмиш васлидин жонон мени,
Ўлтурур онсиз туман минг дард ила ҳижрон мени.

Нишотий:

Токи кўздин солди фурқат ўтига жонон мени,
Ақл йитди, ҳуш кетди, тарк қилди жон мени.

Навоий:

Гар аламимга чора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай,
Гар ғамима шумора йўқ, бўлмаса-бўлмасун нетай.

Огаҳий:

Ашқима гар канора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай,
Оҳима ҳам шумора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Навоий:

Қасри жоҳингга сипеҳр авжида айвон бўлди тут,
Ҳам сипеҳр осебидин ер бирла яксон бўлди тут.

Табибий:

Гар ўзингни даҳр халқи ичра султон бўлди тут,
Лек жисминг оқибат ер бирла яксон бўлди тут.

Бу хил татаббуларда шоирлар анъанавий талаблар доирасида қалам тебратсалар ҳам оригиналликка эриша олганлар: оҳорли поэтик образлар, кутилмаган ҳайратомуз манзаралар, маъно чўнглиги, фикр кенглиги, поэтик фантазиянинг чуқурлиги уларда татаббунависларнинг ўзига хос бадий тафаккур билан мушоҳада юритгани, такрорийликда бетакрорлик намуналарини кўрсатгани, маҳоратларининг баркамоллигидан далолат бериб туради. Татаббунавислар асос шеърдаги бадий юксак, теран ва айни чоғда жуда нозик ифодалаш услубини ўрганган ва ўзлаштирган ҳолда пайрав

³ Файзуллаев Б. Татаббунинг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001, 4-сон, 53–55-бетлар.

ёзар эканлар, ғазалдаги радиф, услуб ва руҳни сақлашга ҳаракат қилганлар, пайравларга Навоий ғазалларидаги равон услуб, композиция ва жозибани сингдириб юборганлар, Навоий фикрларини ижодий ривожлантиб, янги фикрлар билан бойитганлар. Асос шеърдаги сўз ва ибораларга янги мантиқий бадиий маънолар юклаганлар. Татаббуларда шоирлар поэтик фикрни ранг-баранг ташбеҳлар воситасида ифодалаганлар, мазмунан ва шаклан ўхшашликдан қатъи назар улардаги образлар ўзига хос ва бетакрор. Пайрав ғазалларидаги янгилик ғазалнинг маъно жиҳатдан бойитилганлиги, фалсафий мазмуннинг чуқурлаштирилганлиги, байтларидаги мантиқий боғлиқликнинг сақланиши ва тимсоллар тизимидаги ўзгаришларда кўринади.

Татаббунинг иккинчи гуруҳига Навоий ғазалининг вазни ва қофиясини сақлаган ҳолда мустақил — оригинал мазмунни ифодалаган, шеърий санъатлар чуқур ишланган қуйидаги татаббуни киритиш мумкин:

Навоий:

Лолагун тўн ичра, ё Раб, ул газоли Чин эрур
Ё кўзумнинг мардуми қон ёш ила рангин эрур.

Нишотий:

Вўсмадин ул маҳлиқо қошига мў таййин эрур,
Хусн девони уза ё матлаи рангин эрур.

Шунингдек, Нишотийнинг “садқаси”, “била”, “экан”, “мени” радифли ғазаллари, Равнақнинг Навоий қаламига мансуб “санга”, “бу”, “айлаб” радифли ғазалларга боғлаган татаббулари маснуъ татаббулар сирасига киради. Шоирлар асос шеърдаги радифни қўллаш билан бирга қофиядаги ҳамоҳангликни ҳам сақлашга ҳаракат қилганлар. Айни пайтда турли тасвирий воситалар, образли ифодалар, шеърий санъатларни маҳорат билан қўллаганлар. Хоразм шоирларининг Навоий ғазалларига татаббуларида асос шеърнинг мазмунан ва шаклан янгиланганлигини, мавзу доираси кенгайтирилган ва чуқурлаштирилганлигини, образ ва тасвирий воситалари янада бойитилганлигини, бир сўз билан айтганда, оригинал ижод намунасини кўрамыз.

Татаббуларнинг навбатдаги гуруҳига шаклан Навоий ғазалига тамоман ўхшамаган, мазмунан яқинлик кўзга ташланиб турган қуйидаги татаббулар киради:

Навоий:

Эй сабо, ҳолим бориб, сарви хиромонимга айт,
Йигларимнинг шиддатин гулбарги хандонимга айт.

Огаҳий:

Эй сабо, бу кун бориб, албатта жононим сари,
Арз қил юз дарду гам юз қўйганин жоним сари.

Навоий:

Икки гул бир кеча кулбамни гулистон айлабон,
Оддилар жонимни бедод улча имкон айлабон.

Феруз:

Икки маҳваш бу кеча базмим аро тутди мақом,
Бириси меҳри дурахшон, биридир моҳи тобон.

Навоий:

Кўнглам ўртансин агар ғайрингга парво айласа,
Ҳар кўнгул ҳамким, сенинг ишқингни пайдо айласа.

Аваз:

Кўнгул гар айласа ғайрига парво,
Куюб рашк ўтига ёнсун саропо.

Бу каби татаббуларда асосий эътибор мазмунга қаратилган. Уларда вазн, радиф ва қофия сақланмаган. Татаббуда асос шеърда ифодаланган поэтик фикр ривожлантирилиб, фикр мантиги ва изчиллик сақланган ҳолда баён этилган.

Равнак, Нишотий, Огаҳий ижодида мавъиза татаббуларнинг етук намуналарини кўриш мумкин. Огаҳий татаббуларининг кўпчилиги мавъиза татаббулар сирасига киради. Ўз татаббуларида асосан тарбиявий масалаларга урғу берган шоир ўз фикрларини бадийи адиқтика қобигида баён қилади. Хусусан, Навоийнинг “сўз”, “ихлос” радифли газалларига битган пайравлари бу жиҳатдан характерли. Навоий газали:

Манга ул кўзи қора деди чучук чандин сўз,
Не ажаб ани қоракўз десаму ширинсўз.

Огаҳий татаббулари:

Эй кўнгул, одам хаёл айлаб, дема нодонға сўз,
Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонға сўз.

Кўнгул бир баҳри заххору ондадур покиза гавҳар сўз,
Вале шарт улки маъни шоҳидига бўлса зевар сўз.

Навоий газалларига ёзилган татаббуларни анъана, ўзига хослик ҳамда маҳорат жиҳатдан кузатганда маълум бўладики, пайравлар хоразмлик сўз усталарининг улуғ устодга ҳамдара, ҳамрадиф, ҳамфикр бўлиш истагининг ҳосиласидир. Уларнинг Навоий газалларига ёзган татаббулари характер эътибори билан хилма-хилдир. Айрим татаббулар Навоийнинг маълум газалининг гоёси, мавзуи, образлари ва шаклига ўхшатма тарзида ёзилган бўлса, бошқа бир хиллари вазн, қофия, радифи сақланган ҳолда, мазмун эркин, баъзан эса мазмунан ўхшаш бўлиб, шаклан ўзгача ёзилганлигини кўрамыз. Уларда шоирлар Навоий анъаналари асосида янги фикр, янги образ кашф этишга интиладилар, ўзига хос поэтик мушоҳада юритадилар. Кўпчилик ҳолларда шоирлар Навоий анъаналарига ижодий ёндашиб, янгиликлар билан бойитдилар, баъзан тақлид ва такрордан нари ўтолмадилар. И. Ҳаққул таъкидлаганидек, “Анъанавийлик – Шарқ адабиётининг ўзига хос хусусияти ва ҳаракат йўли. Унда умумий ўхшашлик ва такрор ҳам, янгилик ва кашфиёт ҳам бор”⁴. Агар биз анъана тушунчасини кенг маънода англайдиган бўлсак, Навоий лирикасининг Хоразм шоирлари шеърятига таъсири фақат уларнинг Навоий газалларига ёзган татаббуларидагина эмас, балки улар лирикасининг бутун руҳида, образларида, поэтик воситаларида, ҳатто энг оригинал шеърларининг руҳиятида ҳам акс этганини кўрамыз. Навоий дунёқараши, ишқ ва ҳаёт фалсафаси, маҳорат мактаби сабоқлари шоирлар учун илҳом чашмаси, заковат манбаи, санъат устахонаси бўлиб хизмат қилди. Ижодкор қалби, давр руҳи ва халқнинг маънавий эҳтиёжи призмасидан ўтган “тарҳи тоза” адабий ҳодисалар хоразмлик сўз санъаткорлари яратмаларида янгича кўриниш касб этди, ўзининг иккинчи умрини яшаш имконига эга бўлди.

⁴ Ҳаққул И. Тасаввуф ва Огаҳий шеърятини // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, 6-сон, 6-бет.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Хоразм шоирлари ижодий такомлида Навоийнинг ўрни ва Навоий анъаналарининг Хоразм шоирлари ижодида давом эттирилиши татаббунавислик мисолида таҳлилга тортилган. Унда Хоразм шоирларининг Навоий газалларига битган татаббуларининг кўпчилиги бадий маҳорат билан ижодий ривожлантирилган анъана ва янгилликни ўзига мужассамлаштирган мукамал пайравлар эканлиги қайд этилиб, улар тўрт гуруҳга ажратилган ҳолда таснифланган.

РЕЗЮМЕ. В статье на примере татаббу анализируется роль Навои в творческом совершенствовании хорезмских поэтов и продолжение традиций Навои в творчестве поэтов Хорезма. В нём подчеркивается, что множество татаббу, написанных хорезмскими поэтами, являются пайравами, совмещающими в себе творчески продолженную традицию и новаторство. В статье приводится классификация татаббу хорезмских поэтов.

RESUME. In this article analysed influenced more factors Navoi creating tatabbu by Khorezm's poets. In this accentuated tatabbu by Khorezm's poets impersonated masterliness, tradition and innovation. In this article given classification of tatabbues by Khorezm's poets.

Таянч сўз ва иборалар: ижодий такомил, татаббунавислик, бадий маҳорат, анъана, янгиллик, таъсир.

Ключевые слова и выражения: творческое совершенствование, сочинение татаббу, художественное мастерство, традиция, новаторство, влияние.

Key words and word expressions: creative perfection, writing tatabbu, artistic mastery, tradition, innovation, influence.

Тўлқин СУЛТОНОВ

НАВОЙНИНГ ОЗАРБАЙЖОНЛИК ИЛК ИЗДОШИ

Ўзбек халқининг улуғ мутафаккир шоири Алишер Навоийдан Шарқ мумтоз адабиётининг барча жанрларига оид жуда катта ҳажмдаги бой мерос этиб келган. Ўз даврида юсак инсоний гоёларни бадий баркамоллик билан ифодалаб берган адиб асарлари асрлардан-асрларга, наслардан-наслларга ўтиб ардоқланиб келмоқда.

Навоийнинг илҳомбахш асарларидан озарбайжонлик шоирлар ҳам баҳраманд бўлишган. XV асрнинг иккинчи ярмида Озарбайжонда мавжуд сиёсий парокандалик сабабли шоирларнинг бир қисми Алишер Навоий ташкил этган Ҳирот адабий мактабига, қолганлари эса Истанбулга йўл олишади¹. Ҳамид Араслининг “Алишер Навоий ва ижоди” мақоласида эътироф этилишича, Хулкий, Аллоҳий ва Зиёий тахаллусли шоирлар Навоийнинг мажлисларида мунтазам иштирок этиш орқали камол топгач, ўзбек шоирининг дурдона асарлари қўлёзмаларини олиб Озарбайжонга қайтишади². Роза Эйвазова Навоийнинг суҳбатидан баҳраманд бўлган шоирлар гуруҳига Баширий, Кишварий, Шоҳқулибек, Сусанибек, Парипайкар каби қалам аҳлини ҳам илова қилган³. Шу тариқа Навоий асарлари Озарбайжонда ҳам кенг тарқалади. Натижада XV–XVIII асрларда Алишер Навоий газалларидаги гоё ва бадий образлардан илҳомланган ҳолда Кишварий, Муҳаммад Амоний, Шоҳ Исмоил Хатойий, Фузулий, Раҳматий Табризий, Соиб Табризий, Алижон Қўвсий Табризий, Зафар Муртазоқулихон Шомли, Масиҳий, Воҳиди Қазвиний каби шоирлар ажойиб

¹ K i ş v ə r i. Əsərləri. Tərtib edənı, şərh və lügətın müəllifi: Cahangir Qəhrəmanov. Bakı: Şərq-Qərb, 2004. S.468.

² A r a s l ı H. Əlişir Nəvai və yaradıcılığı // “İnqilab və mədəniyyət” jurnalı, 1948, № 5. S.42.

³ E y v a z o v a R. Kişveri Divanı'nın Dili (Morfoloji Hususiyetleri). Bakı, 1983. S.45.

назиралар битган бўлсалар, Сом Мирзо “Тухфаи Сомий”, Аҳдий Бағдодий “Гулшан уш-шуаро”, Содиқбек Афшор “Мажмаъ ул-хавос”, Лутфалибек Озар “Оташкада” каби тазкираларни яратишган.

Озарбайжонлик навоийшунос олима Жаннат Нагиеванинг тадқиқотларига кўра, XV аср охири – XVI аср бошларида Оққуюнли ҳукмдори Султон Яъқуб саройида яшаб ижод этган Неъматуллоҳ Кишварий Алишер Навоий ғазалларидан таъсирланган ҳолда назира битган илк озарбайжон шоирдир⁴. Султон кўпроқ Ҳабибий тахаллусли шоирга илтифот кўрсатиб, Кишварийга эътибори оз эди. Шу сабабдан Кишварий Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг самимий муносабатига ҳавас қилиб, ўзбек султонидан меҳр кутарди:

Gəh-gəh arada hüdani görgil ey Sultani-Hüseyn
Necə azar etgəsən bu Kişvəriyi-dərvişini⁵.
(Гоҳ-гоҳ орада Худони кўргил, эй султони Хусайн,
Неча озор этгайсен бу Кишварийи дарвишини).

Озарбайжон шоири содда тил ва ўйноқи оҳангда битилган ашъориди “агласу ипак” кийган самарқандлик гўзални васф этиш билан чекланмай, Табриз шоҳи, яъни Султон Яъқубдан кўнгли тўлмаганлиги сабабли Самарқандга боришни орзу қилганлигини ифодалаган:

Xosrovi-Təbrizdən çun bulmadı kamım gəva,
Eyb iməs gər meyli-türkani-Səmərqənd eyləyim.
Kişvəri tək şireyi-şe'ri Nəvai birlə mən,
Sən cigəg porkaləsi can birlə reyvənd eyləyim⁶.
(Хусрави Табриздан чун бўлмади комим раво,
Айб эмас гар майли туркони Самарқанд айласам.
Кишварийдек ширайи шеъри Навоий бирла мен,
Сен жигар парголаси жон бирла пайванд айласам).

Юқоридаги мисраларда Кишварий “туркони Самарқанд”, яъни Самарқанд гўзаллари сифатлашини қўллаш орқали Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоийга ишора қилган.

Кишварий шеърятдаги устози Навоийнинг анъаналарига содиқ қолиб, навоиёна услубда “ё Раб”, “оқибат”, “йигит”, “кўргач”, “ҳануз”, “керак”, “кўнгул”, “кўз”, “фироқ” радибли назиралар ва ўзбек шоирининг “бор”, “беш эмас”, “толмадим”, “бўлмасун”, “бўлдум санга” радибли ғазалларига гўзал тахмислар боғлаган⁷.

Куйида Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сигар” девонидан ўрин олган “бўлди оқибат”⁸ радибли ғазалига Неъматуллоҳ Кишварий томонидан жавоб тарзида ёзилган “бўлдим оқибат”⁹ радибли назирани жанрий унсурлар, шеърий санъатлар, бадийй ғоя ва образлар тасвири нуқтаи назаридан қиёсий

⁴ Nağıyeva С. Azərbaycanca Nəvai. Bakı: Tural-Ə Nəşriyyat-Poliqrafiya Mərkəzi, 2001. S.98.

⁵ Kişvəri. Divan, elyazması, ƏYİ, sifr: M-27. S.61^a.

⁶ Ўша девон. 30^a-варақ.

⁷ Jale Demirci. Azərbaycan şairi Kişveri'nin Nevâyi şiirlerine yazdığı tahmisler // Ankara Üniversitesi Dil ve Tarih-Coğrafya Fakültesi Türkoloji Dergisi, 2010, № 17. S.48.

⁸ Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. O'n jildlik. Birinchi jild. Xazoyin ul-maoniy. G'aroyib us-sig'ar. Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. 93-bet.

⁹ Kişvəri. Əsərləri. S.19.

тахлил қилиш орқали ўзбек санъаткори анъаналарининг озарбайжон шоири ижодига бўлган таъсирини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Навоийнинг “бўлди оқибат” радифи газали тўққиз байтдан иборат бўлиб, илоҳий ишқ мавзуида битилган. У ўзбек мумтоз шеърлятида энг кўп қўлланилган рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун вазнида (тақтеъси: – V – – / – V. – – / – V – – / – V –) ёзилган. Радифида ўзбекча (“бўлди”) ва арабча (“оқибат”) сўзлар ишлатилган. Қофияда келтирилган сўзлардан тўққизтаси (“бегона – афсона – девона – дона – вайрона – майхона – паймона – парвона – жоно”) – форс-тожикча, биттаси (“журмона”) – арабча бўлиб, матладаги мисралар ўзаро ва бошқа байтларнинг жуфт мисралари матлага мутаносиб тарзда қофияланган. Газалнинг қофияланиш тартиби: а-а, б-а, в-а, г-а, д-а, е-а, ё-а, ж-а, з-а.

Кишварий мазкур газалга назира боғлаш чоғида айни радиф, вазн ва ғояни қўллаш орқали фақат назира эмас, балки оригинал асар ёзганлиги маълум бўлади. Фарқ шундаки, ушбу назирада байтлар сони бешта, оҳангош сўзлар ва қофияланиш тартибида ҳам бироз ўзгачалик мавжуд. Кишварий ҳам Навоий сингари газал қофиясида “афсона”, “девона”, “майхона”, “вайрона” сўзларини қўллайди, бироқ “ҳамхона”, “яқдона” каби оҳангош сўзлардан эса ўз услубини яратиш мақсадида фойдаланади. Озарбайжон шоири газалнинг шаклий тузилиши жиҳатдан ҳам Навоийга эргашган. Демак, Кишварий назирасининг қофияланиш тартиби қуйидагичадир: а-а, б-а, в-а, г-а, д-а.

Навоий газал матласини оҳ-нола чекиб, “ул ошно”, яъни Яратганининг ошиқдан бегона бўлганлигидан шикоят қилиш орқали бошлаб, ёр ҳажри оқибатида “беҳудлуг”и, яъни ишқдан мастлиги олам ичра афсона бўлганлиги ҳақидаги муболағавий фикр билан давом эттиради. Тасаввуфга кўра, “оҳ-нола чекиш” ишқнинг камолот чўққисига етганлигига ишорадир. Мазкур байтнинг туб моҳиятига лирик қахрамоннинг шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат сингари босқичларни босиб ўтиб, комил инсон даражасига етганлиги мазмуни сингдирилган. Шунингдек, илк байтда **нидо** (оҳжим), **газод** (ошно-бегона), **таносуб** (ҳажр, беҳудлуг) ва **ғулуъ** (ҳажридин беҳудлугум афсона бўлди) санъатларининг қўлланилиши мисраларнинг оҳорийлигини таъминлаб, бадийлик даражасини оширган.

Кишварий Навоий газалига назира битиш жараёнида “бўлди оқибат” радифи ўрнига “бўлдим оқибат” радифини қўллаш орқали шеър тузилишига бироз ўзгартириш киритган. Озарбайжон шоири газал матласининг илк мисрасида воҳ чекиб, расволик, яъни ҳақиқий ёр меҳридан бебаҳра қолиш оқибатида дунёда афсона бўлганлигини надомат билан тилга олади. Кейинги мисрада лирик қахрамоннинг беҳаловат ва тартибсиз тарзда яшайдиган дарвишлар билан ҳамхона бўлиши замирида қаландария мазҳабига мойиллик сезилади. Ушбу мабдада **нидо** (воҳки), **ғулуъ** (расволик била афсона бўлдим), **ганосуб** (бесару сомон, расволик), **такрир** (бўлдим оқибат) сингари шеъринг санъатларининг қўлланилиши шоир поэтик маҳоратининг юксаклигидан далолат беради:

Навоий:

Оҳжим, ул ошно бегона бўлди оқибат,
Ҳажридин беҳудлугум афсона бўлди оқибат (ҒС, 93).

Кишварий:

Vəh ki, rüsvalıq bilə əfsanə boldum aqibət,
 Bisəgü samanlara həmخانə boldum aqibət. (Ə, 19).
 (Воҳки, расволик била афсона бўлдим оқибат,
 Бесару сомонлара ҳамхона бўлдим оқибат).

Иккинчи байтда ўзбек шоири ақл ва доноликда лоф урган кўнглининг йиғлаб юриши оқибатида париваш ҳажридан девона бўлганлигини чиройли далиллашда **хусни таълил** ва **ташхис** санъатларини қўллаган бўлса, озарбайжонлик ижодкор заковату донишмандликда баландпарвоз фикрларни айтиб юрган бўлишига қарамай, биргина парирухсор ишқида эс-хушидан айрилганлигини **ғудуъ** воситасида ифода этган:

Навоий:

Ақлу дониш лофини урғон кўнгул йиғлай юриуй,
 Ул париваш ҳажридин девона бўлди оқибат.

Кишварий:

Munca lafi-əqlü danış kim, urardım ah kim,
 Bir rəgırüxsar için divanə boldum aqibət.
 (Мунча лофи ақлу донишким, урардим оҳким,
 Бир парирухсор учун девона бўлдим оқибат).

Навоий талқинидаги ошиқ узоқ айрилиқдан сўнг ёрининг васлига эришганида дийдасидан шодлик ашклари қатра-қатра сочилади. Шоирнинг юксак бадий маҳорати лирик қаҳрамон кўзидан томган ёшларнинг ҳижрон қушлари (**истиора**)га дон бўлиб сочилишига қиёслашида намоён бўлади (**хусни таълил**). Озарбайжон ижодкори эса, кўзларидан дона-дона ашк сочгани учун Яратганга шукрона айтади, чунки унинг кўз ёшлари гавҳар доналарига тенг. Навоий кўз ёшларини донга қиёслаган бўлса, Кишварий устозидан фарқли равишда ашқини гавҳар доналарига менгзаган (**ташбех**). Ҳар икки тилдаги байтда ҳам **мукаррар** санъати (қатра-қатра, дона-дона)дан моҳирона фойдаланилган:

Навоий:

Қатра-қатра шодлиғ ашқини сочтим васлида,
 Барча ҳижрон қушлариға дона бўлди оқибат.

Кишварий:

Danə-danə əşk saçdım gözlərimdən, şükr kim,
 Bir girami gövhəri-yekdanə boldum aqibət.
 (Дона-дона ашк сочдим кўзларимдан, шукрким,
 Бир кироми гавҳари яқдона бўлдим оқибат).

Назирага асос бўлган ғазалнинг тўртинчи байтидаги мазмун Кишварий жавобининг мақтасида акс этган. Ҳазрат Навоий талқинидаги лирик қаҳрамон айрилиқда шу қадар азоб чекканки, оқибатда аждаҳонинг уйидек (**ташбех**) мустаҳкам кўнгли ғам лашқарининг ҳужумидан вайронага айланган. Шу сабабли қалбда хусн ганжи (**истиора**)нинг кириши учун обод маскан қолмаган. Озарбайжон ижодкори яратган лирик қаҳрамон Кишварийнинг кўнглини ошиқлар хаёлидаги энг муносиб маскан (**хусни таълил**), деган хулосага келади. Гарчи ошиқнинг ҳосили ганж, яъни маъшуканинг беназир хусни бўлса-да, у чексиз ҳижрон оқибатида вайронага айланиб қолган:

Навоий:

Борғали ул ҳусн ганжи ғам бузуғ кўнглумдадур,
Аждаҳо эви бизинг вайрона бўлди оқибат.

Кишварий:

Kişvərinün könlini tapdum xiyalın məskəni,
Həsilin kim, gəncdür, viraənə boldum aqibət.
(Кишварийнинг кўнглини топдим хаёлин маскани,
Ҳосилингким, ганждур, вайрона бўлдим оқибат).

Навоий ғазалининг бешинчи байтидаги риндона фикрлар озарбайжон шоири томонидан битилган татаббунинг тўртинчи байти моҳиятига сингдирилган. Ўзбек ижодкорининг фикрича, ҳажр андуҳи (**истиора**)ни даф қилувчи восита мастлик ва беҳудлут, яъни ўзидан кетадиган даражада ёр ишқига кўнгила қўйиш экан. Шу сабабли лирик қаҳрамон майхона, яъни пири комил даргоҳини ўзининг доимий манзилига айлантириб олган.

Кишварий ҳам ғазалида тасаввуфий қарашларни илгари суради. Унинг лирик қаҳрамони ёр билан танишмасидан аввал аҳли салоҳ, яъни тақводор эди. Ёр лабининг ёди туфайли у ўзигидан айрилиб, майхонанинг сокин ошиқларидан бирига айланди (**ҳусни таълила**). Мазкур байтда қўлланилган “ёр лабининг ёди” бирикмаси кишини шубҳага солади. Бу билан шоир “ёр сўзини тинглаш” маъносини ифодамоқчимиз ёки “ёр лабидан бўса олиш” мазмунини назарда тутганми? Мазкур бадиий тасвир воситасини **ийҳом** санъатининг гўзал намунаси, дейишимиз мумкин.

Навоий:

Масту беҳудлут эмиш ҳажр андуҳининг дофеъи,
Бас муқимий манзилим майхона бўлди оқибат.

Кишварий:

Mən ki, bir əhli-səlah irdim ləbin yadı bilə,
Məstü bixüd sakini-meyxanə boldum aqibət.
(Манки бир аҳли салоҳ эрдим лабинг ёди била,
Масту беҳуд сокини майхона бўлдум оқибат).

Ўзбекча ғазал мақтасида ёр Навоийга мурожаат этиб (**нидо**): “Ўлгин, мен сени тирилтирайин” (**тазода**) дейди. Лирик қаҳрамон ҳам “жоно”га мурожаат қилган ҳолда “Оқибатда сенга нима бўлди?” дея ҳайрат дарёсига ғарқ бўлганлигини ифодалайди (**савол-жавоб**). Мақтанинг илк мисрасида шоир ёрни яширин тарзда Исо Масихга қиёслаш орқали **ташбеҳи музмар** санъатининг ажойиб намунасини яратган:

Навоий:

Дединг ўлгилким, Навоий, сени гаҳ-гаҳ тиргузай,
Ҳеч билмонким санга, жоно, на бўлди оқибат?!

Умуман олганда, Алишер Навоий анъаналари озарбайжон шоирларига қарийб олти юз йилдан буён илҳомбахш манба бўлиб келмоқда. Буни Навоийнинг “бўлди оқибат” радифли ғазалидан адабий таъсирланган ҳолда Неъматуллоҳ Кишварий томонидан ёзилган “бўлдим оқибат” радифли назиранинг ғоявий-бадиий муқоясаси мисолида очиб беришга ҳаракат қилдик. Кишварий Навоий ғазалларидаги мавзу ва ғояларни янгидан қаламга олиш орқали бебаҳо асарлар яратди ҳамда озарбайжон мумтоз шеърятни тадрижий тараққиётга салмоқли ҳисса қўшди.

РЕЗЮМЕ. Мақолада газалнависликдаги анъана, адабий таъсир ва ўзига хослик масалалари Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сигар” ва Немагуллоҳ Кишварийнинг “Асарлар” девонларидаги “оқибат” радифли газалларнинг қиёсий таҳлили орқали очиб берилди.

РЕЗЮМЕ. В статье на основе сравнительного анализа газелей с радифом “оқибат” из диванов “Чудеса детства” Алишера Навои и “Произведения” Немагуллох Кишвари раскрываются проблемы традиционизма, литературного влияния и самобытности в газелетворчестве.

RESUME. In this article the problems of tradition, literary influence and specific in the creating gazel is illuminated by comparative analyzing gazels with redif of “oqibat” in the “Garoyib us-sigar” by Alisher Navai and “Asarlar” by Nematullokh Kishvari.

Таянч сўз ва иборалар: газал, назира, лирик қаҳрамон, анъана, адабий таъсир, ўзига хослик, маҳорат, бадий санъатлар.

Ключевые слова и выражения: газель, назира, лирический герой, традиция, литературное влияние, специфичность, мастерство, поэтические фигуры.

Key words and word expressions: gazel, nazira, lyric hero, tradition, literary influence, specificity, skill, literary arts.

Берадк ЮСУФ

НАВОИЙ АСАРЛАРИДА СИФАТНИНГ ОРТТИРМА ДАРАЖАСИ

Навоий асарлари тилида сифатнинг орттирма даражаси беш хил усул билан ҳосил қилинади: 1) фонетик; 2) морфологик; 3) лексик; 4) аналитик; 5) исми тафсил.

Фонетик усул. Бу усул ёрдамида белгининг ортиқлигини ифодалаш учун интенсив шаклдан фойдаланилади. Бунда сифатнинг биринчи бўғини олиниб, унга *н*, *м* товушлари қўшилади ва ортидан мазкур сифат қўшиб ёзилади. Сифатнинг бу шакли ҳақида Навоийнинг ўзи шундай дейди: “Ва яна ранг ё бир сифатнинг ҳамул ҳолига муболага учун анинг аввалида, аввал ҳарфига бир “*н*” ё “*мим*” изофа қилиб, ул шайъга зои� қилурлар: “*н*” мисоли: оп-поқ, қоп-қора, қип-қизил, сап-сариг, юп-юмалоқ, яп-ясси, оп-очуғ, чуп-чукур, бу навъ хайли ҳам топилаур; “*мим*” мисоли: кўм-кўк, ям-яшил, бўм-бўз”¹.

Морфологик усул. Белгининг ортиқ даражаси *-роқ// -рак* аффикси орқали ифодаланади:

Юсуф алайҳиссалом бани одам жинсининг жамироғидур.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, XVI-122.

Ложарамким, кўпрак авқотим Каломуллоҳ иштиғоли ва анинг тафосири қийау қоли била ўтар эрди, то аҳодис дарёсига гавс қилур эрдим.

Назм ул-жавоҳир, XV-127.

Айрим ёдгорликларда *-роқ// -рак* аффиксли сўз *инг* сўзи билан бирга ишлатилиб, белгини янада ортиқлигини билдириши мумкин: “Мутлак орттирма даража *-рақ/-рақ* аффиксининг юқорида келтирилган шаклга (*-инг-*

¹ Алишер Навоий. *Muhakamat al-lughatain*, Leiden, 1966. 18-бет.

Б.Ю.) қўшиш йўли билан ҳосил қилинади. Масалан: инг артиқрақ².

Умуман, мазкур аффикс Навоий асарларида сифатнинг ҳар учала даражасини ҳосил қилишда ишлатилиши мумкин. Бу ҳақда муаллифнинг олдин бир мақоласи эълон қилинган³. Шунинг учун ушбу қўшимча тўғрисида тўхтаб ўтирмаймиз.

Лексик усул. Бу усул ёрдамида белгининг ортиқ даражаси махсус сўзлар ёрдамида ифода этилади: *гоят, беҳад, багоят, асру, кўп, чум*.

Анга шеър девони бор, гоят латофатда бир таржеъоти бор муштами
ҳақойиқу маорифқа ва “Жоми жам” отлиғ маснавийси бор.

Насойим ул-муҳаббат, XVII-467.

Ки, иш бошига тушти беҳад улук,

Неча иш улук, ишчиси қайгулук.

Садди Искандарий, XI-204.

Ҳусн айёмида хуш тут зарраларни, эй қуёш –

Ким, бу кунларни бағоят қисқа айлар чархи дун.

Наводир уш-шабоб, IV-320.

Шак йўқтурким, асру бот мақсуд восил ва мурод ҳосил бўлғай, албатта.

Мунишаот, XIV-211.

Румий ва туркмоний тил била назм айтибдур ва назмида ҳақойиқ ва маориф бағоят кўп мундариждур.

Насойим ул-муҳаббат, (ТМ-373).

Бу беш дафъа сўзгаким, ўқугувчиларга кўп мужиби таҳайюр эрди –
“Хамсат ул-мутаҳаййирин” тасмия қилилди.

Хамсат ул-мутаҳаййирин, XV-8.

Сифат даражалари унинг оддий даражасига нисбатан белгиланади. Даража кўрсаткичи бўлиши учун қиёс бўлиши лозим. Юқоридаги сўзларда ҳозирги тилимиздаги *энг* сўзида бўлганидек қиёс мавжуд. Шунинг учун улар орттирма даража ифодаловчи сўзлардир.

Шуни айтиш лозимки, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги сифатнинг орттирма даражасини ясовчи *энг* сўзи П.Шамсиев, С.Иброҳимовларнинг “Навоий асарлари лугати”да “сифатнинг орттирма даражасини ясовчи сўз” ўлароқ қайд этилган ва тасдиқловчи иллюстратив мисол сифатида “Фавойид ул-кибар”дан олинган куйидаги мисра келтирилган:

Бошим олиб энг аввал қотилни истаб борамен⁴.

Диққат билан ўқилса, бу мисрадан маъно чиқмаётганлиги маълум бўлади. Мисрадаги “энг” сўзини тузувчилар нотўғри ўқишган. Арабча ёзувдаги *اینک* сўзи “энг” эмас, инак тарзида транслитерация этилиши лозим эди. Навоийнинг “Мукаммал асарлар тўплами”нинг олтинчи жилдида тўғри берилган. Ўша байтни тўлиқ келтираммиз:

Диб эмиш ҳар ким анинг бошин кетурса, лутф этай,

Бошим олиб инак ул қотилни истай борамен⁵.

² Изысканный дар тюркскому языку. Т., 1978. С. 39.

³ Ю с у ф Б. Навоий асарларида *-роқ// -рак* аффикси // Ўзбек тилшунослигининг доаларб масалалари. Тошкент, 2015. 94–97 бетлар.

⁴ Навоий асарлари лугати. Тузувчилар: П.Шамсиев, С. Иброҳимов. Тошкент, 1972. 708-бет.

⁵ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 6-жилд. Фавойид ул-кибар. Тошкент, 1990. 332-бет. Бундан кейин мисоллар XX жилдикдан олинади.

Яна Алишер Навоийнинг йигирма жилдлик, “Мукаммал асарлар тўплами”нинг 11-жилдида қуйидаги байтда энг сўзи учрайди:

Анинг дафъи асбобин энг тузай,
Анга ул ким эрконлигин кўргузай.

Садди Искандарий, XI-142.

Алишер Навоийнинг ўн жилдлик “Тўла асарлар тўплами” нашрининг 8-жилдида ҳам “Садди Искандарий” дostonидаги ушбу байт айнан шундай ёзилган⁶. Агар мазкур байтга эътибор берилса, ундаги энг ҳозирги “энг” маъносида эмаслиги маълум бўлади. Бу ерда ҳам юқоридаги каби арабча *اینک* сўзи энг эмас “инак” тарзида транслитерация этилиши керак. “Садди Искандарий”нинг П.Шамсиевлар⁷ ҳамда Анқара нашрларида *инак* тарзида тўтри ёзилган⁸.

XI аср ёзма ёдгорликларида энг сўзи кенг қўлланилганлигига⁹ қарамай, унинг Навоий асарларида учрамаслигининг сабаби бор, албатта. Бунга кейинроқ тўхталамиз.

Баъзи олимлар юқорида келтирилган *гоят, беҳад, багоят, асру, кўп, чум* каби сўзларни кучайтирма даража деб ҳисоблайдилар. Масалан, сифатларнинг орттирма даражасини махсус тадқиқ этган А.Хамитова шундай ёзади: “Биз кучайтирувчи сўзлардан энг сўзи сифатнинг орттирма даражаси маъносини, қолганлари эса кучайтирма даража маъносини ифодалайди, деб ҳисоблаймиз. Чунки фактик материаллар ҳозирги ўзбек, уйғур, қozoқ, туркман тилларида сифатнинг орттирма даражасидан бошқа кучайтирма даражасининг бўлиши зарурлигини кўрсатади”¹⁰. А.Хамитованинг мазкур асарида келтирилган аргументлар, асослар яна бир махсус “кучайтирма даража”ни қабул қилишга етарли эмас. Шунинг учун ҳам сифат даражалари сони аввалгича қолади.

Аналитик усул. Навоий тилида сифатнинг орттирма даражаси бир хил икки компонентли сўз бўлиб, биринчи компонентни чиқип келишигида қўллаш орқали яшаш мумкин. Ажабдин-ажаб, аднодин-адно, ёмондин-ёмон, покдин-пок:

Мулки араб ичра ажабдин-ажаб,
Волиҳ анга ҳам Ажаму ҳам Араб.

Ҳайрат ул-аброр, VII-199.

Аълоларидур нединки дерсен аъло,
Аднолари ҳам барча аднодин-адно.

Маҳбуб ул-қулуб, XIV-26.

Бу эл эрур борча ёмондин-ёмон,
Кимки йўқ андин ёмон, андин ёмон.

Ҳайрат ул-аброр, VII-137.

Таоллаҳу зиҳи ҳар покдин-пок,
Ки, не шах, не гадодин бор анга бок.

Муншаот, XIV-149.

⁶ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик 8-жилд, Тошкент, 2011. 130-бет.

⁷ Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. 10-том. Садди Искандарий. Тошкент, 1965. 47-бет.

⁸ *All Şir Nevâyi Sedd-i İskenderî. Dr. Hatice Tören. Ankara, 2001. 161-бет.*

⁹ XIII–XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлари тили. Тошкент, 1986. 82-бет.

¹⁰ Хамитова А. Туркий тилларда сўз маъносининг аналитик йўл билан кучайтирилиши. Тошкент, 1984. 10-бет.

Баъзан бу икки компонент орасида *даги*, ҳам каби сўзлар орттирилиши мумкин: душманлардин даги душвор, ажабдин ҳам ажаб каби.

Келди душвордин даги душвор,
Лек мен телба масту беҳушвор.

Сабъаи сайёр, X-58.

Баъзан икки компонентли сўзнинг биринчи компонентини қаратқич келишигида қўллаш орқали ҳосил қилиш мумкин:

Сенинг зотинггадур бу сўз фуруғи,
Кичик ёшдин улуғларнинг улуғи.

Фарҳод ва Ширин, VIII-461.

Бундан ташқари, белгининг ортиқлигини ифодалаш учун белги билдирувчи сўзлар такрор ҳолда қўлланилиши мумкин: ёмон-ёмон, ажаб-ажаб, турлук-турлук каби:

Турлук-турлук иллат бадани уйида ўқулуб, ажаб-ажаб мараз касратидин ҳаётдин тўнгулуб.

Маҳбуб ул-қулуб, XIV-116.

Исми тафзил усули. Навоий асарларида исми тафзил¹¹ ёки исми тафдил¹² деб аталувчи сўзлар ҳам борки, улар ҳам сифатларда белгининг ортиқлигини ифодалайди. Масалан, *авсаъ* – жуда кенг, *адно* – энг паст, *акбар* – энг улуғ, *акрам ул-акрамин* – сахийларнинг сахийси; *аяқ* – энг лойиқ; энг муносиб, *асанн* – энг кекса, *асаҳ* – энг тўғри, *ахасс* – энг хасис, *ашадд* – энг шиддатли, *ашраф* – энг шарафли, *авло* – энг юксак, *ақдас* – энг муқаддас, *авқал* – энг ақлли, *аҳаққ* – энг ҳақли, *аҳсан* – энг яхши, энг гўзал кабилар.

Чу сен мукрим, аҳли карамдур сабаб,
Десам акрам ул-акрамин не ажаб.

Садди Искандарий, XI-15.

Етмагай аднодин авлоға шикаст,
Бўлмагай ашраф ахасс олинда паст.

Лисон ут-тайр, XII-32.

Чун анбиёнинг ашрафи эрди, қавм, ақвомнинг ашадди.

Насойим ул-муҳаббат, XVII-14.

Улумдин ашраф дин илмидур, андин ҳам ғараз амал, йўқ эрса дин ва дунёда халал.

Бадоеъ ул-васат, V-500.

Исми тафзиллар кўпроқ Навоийнинг шеърий асарларида учрайди. Мазкур усул билан феълнинг орттирма даражасини яшаш бошқа шоирларга нисбатан Навоийда тез-тез кўзга ташланади. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги орттирма нисбат ифодаловчи энг сўзининг шоир асарларида учрамаслигининг сабаби ҳам Навоийда исми тафзилнинг кўп ишлатилиши ва *-роқ// -рак* аффиксиининг орттирма даража функциясида қўлланилишидир. Энг сўзининг функциясини маълум даражада ушбу исми тафзил ҳамда *-роқ// -рак*лар бажаради.

Хулоса: а) Навоий тилида сифатнинг орттирма даражасини ҳосил қилишда *-роқ// -рак* аффикси ишлатилади; б) Навоий тилида сифатнинг орттирма даражасини ифодаловчи энг сўзи йўқ; в) Навоий тилида фаол

¹¹ Фарҳанги забони тоҷики. ҷилди I. М. 1969, 494-бет.

¹² Osmanlica-Turkçe sözlük. Istanbul, 1990, 1212-бет.

қўлланиладиган исми тафзиллар ҳозирги ўзбек адабий тилида деярли қўлланилмайди.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Алишер Навоий асарларида сифат орттирма даражасининг фонетик, морфологик, лексик, аналитик, исми тафзил каби беш хил усул билан ясалиши шоир ижодидан олинган мисоллар воситасида кўрсатиб берилади.

РЕЗЮМЕ. В статье на примере произведений Алишера Навои раскрываются пять способов образования превосходной степени прилагательного, а именно: фонетический, морфологический, лексический, аналитический, исми тафзил.

RESUME. In the article, the five methods for the formation of an Superlative degree of the adjective are revealed on the example of the works of Alisher Navoi, such as: phonetic, morphological, lexical, analytical, ismitafzil.

Таянч сўз ва иборалар: сифат, орттирма даража, фонетик усул, морфологик усул, лексик усул, аналитик усул, исми тафзил, аффикс.

Ключевые слова и выражения: прилагательное, превосходная степень, фонетический способ, морфологический способ, лексический способ, аналитический способ, исми тафзи, аффикс.

Key words and word expressions: adjective, superlative degree, phonetic method, morphological method, lexical method, analytical method, ismitafzil, affix.

Эргаш УМАРОВ

“ВОВИ МАЪДУЛА” ҲАҚИДА

Мумтоз адабиётимизда *вов* ёки *замма* билан ёзиладиган *хуш*, *худ*, *бехуд*, *сархуш* каби сўзлардаги унли *вови маъдула*, яъни *ўзгарувчи вов* деб аталади. Бундай дейилишига сабаб юқоридаги сўзлардаги *вовни* қофия талаби билан *алифга* айлантириб, уларни *хаш*, *хад*, *бехад*, *сархаш*, *нохаш* каби ўқиш мумкин. Лекин ёзувда *вов* сақланади¹.

“Лайли ва Мажнун”дан олинган:

Ўлтурдилар икки зори *бехуд*,

Кўп фикр этиб, эттилар яна рад (9, 141), –

байтида шоир *вови маъдула* қоидасидан фойдаланиб, *бехуд* сўзига рад сўзини қофия қилади. Бу байтни ўқиётганида *бехудни бехад* қилиб ўқиш лозим. Достондаги:

Ўз номасидин бўлуб мушавващ,

Бу нома замирини қилиб *хуш* (9, 208), –

байтида ҳам ўқувчи *вови маъдула* қофиясига биноан *хуш* сўзини мушаввашга қофия қилиш учун *хаш* тарзида ўқиши керак.

“Сабъаи сайёр” достонидаги куйидаги байтда: *вови маъдула* асосида қофия талаби билан *бехуд* сўзи *беҳад* ўқилади:

Хирадим қилди бу ҳавас *бехуд*,

Чун ҳавас голиб ўлди, кетти хирад (10, 45).

Достондан олинган:

Деди баъзи: “Бу навъ дилкаш эмас,

Зуафо қатли тиг ила *хуш* эмас” (10, 110), –

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 8-жилд. Тошкент: Фан, 1991. 495-бет. Бундан кейин мазкур наширга мурожаат қилинганда жилди ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – Э.У.

байтида ҳам **хуш** сўзи қофил талаби билан **вови маъдула** асосида **хаш** ўқилади.

“СаДДи Искандарий” достонидан олинган қуйидаги байтда ҳам **хуш** сўзи **вови маъдула** асосида **хаш** деб ўқилиши керак:

Ки, бир шиша соз этти **сандуқваш**,
Гуҳарвор сандуқ аро кирди **хуш** (11, 509).

Қуйидаги байтда **пешкаш** сўзига **хуш** сўзи қофия қилинган:

Скандарга Хоқон ясаб **пешкаш**,
Тўқуз бўйла тухфаки, шарҳ ўлди **хуш** (10, 376).

Бу байтда ҳам **хуш** сўзи **вови маъдула** асосида **хаш** ўқилиши лозим.

“Фарҳод ва Ширин”дан олинган:

Бу маъниларки, хомамдур **рақамкаш**,
Агар худ келмайин таъбингга **нохуш** (8, 467), –

байтида **рақамкаш** сўзи **нохушга** қофия бўлиши учун **вови маъдула** асосида **нохаш** шаклида ўқилиши керак. Худди шундай ҳолни қуйидаги байтда ҳам кўриш мумкин:

Кезиб Чин даврида шоду қадаҳкаш,
Анингдек тўрт мавзеъ қилдилар **хуш** (8, 80).

Бу ерда ҳам **хуш** сўзи қадаҳкашга қофия бўлиши учун **хаш** қилиб ўқилиши лозим.

“Ҳайрат ул-аброр”да **хуш** сўзига **дурдакаш** қофия қилинган:

Уч қадаҳи соф ила шоҳ бўлса **хуш**,
Лойи доғи қолса, чекар **дурдакаш** (7, 56).

Демак, бу байтда ҳам вазн талаби билан **хуш** сўзи **дурдакашга** қофия бўлиши учун **хаш** деб ўқилади. Бу ерда ҳам шоир **вови маъдула** коидасидан фойдаланган.

“Вақфия”да ҳам қадаҳкаш сўзига **хуш** сўзи қофия қилинган:

Сен қон ютуб, эл бўлуб қадаҳкаш,
Элдин санга етмайин дами **хуш** (14, 248).

Бу байтда ҳам **хуш** сўзи **вови маъдула** асосида **хаш** ўқилади.

“Лисон ут-тайр”даги:

Бўйла ҳолатда етишти **моҳваш**,
Ҳарнеким девона айтур эрди **хуш** (12, 272), –

байтида **моҳваш** сўзига **хуш** қофия қилинган. Бу ерда китобхон **хуш** сўзини **моҳвашга** қофия қилиш учун **хаш** қилиб ўқиши керак. Яна шу дostonда **хуршидваш** сўзи **хушга** қофия қилинган:

Мунбасит бўлди шоҳи **хуршидваш**,
Кўнглига сўзлар бағоят келди **хуш** (7, 218).

Демак, **хуш** сўзи **хуршидвашга** қофия қилиниши учун **хаш** ўқилиши лозим. Шоир **анбаркаш** сўзини:

Боғ аро анбаркашлиғ бирла **хуш**,
Боғбон йўққим, дегил **анбаркаш** (7, 65), –

байтида **хуш** сўзига қофия қиларкан, демак **хуш** сўзи **хаш** шаклида ўқилиши лозим.

“Соқийнома”да шоир *дилкаш* сўзини *хуш* сўзига қофия қилади:

Мени хуш тут демак эрмас *дилкаш*,
Бир нафас бори ўзунгни тут *хуш* (6, 494).

Демак, ўқувчи ушбу байтда *хуш* сўзини *хаш* шаклида ўқиши лозим. Ушбу асардан олинган:

Ёр Танбал эди софу бегаш,
Зоти хуш, ҳаёти хуш, нуктаси хуш (6, 505), –

байтида ҳам ўқувчи *вови маъдула* қондаси асосида *хушни хаш* шаклида ўқиш лозим.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Алишер Навоий дostonларидаги араб ёзувидаги “vov” (“v”) билан ёзиладиган баъзи сўзларнинг ўқилиши ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ. В статье идёт речь о произношении некоторых слов в поэмах Алишера Навои, написанных на арабской графике с участием буквы “vov” (“v”).

RESUME: The article deals with the pronunciation of certain words in the poems of Alisher Navoi, written on an Arabic chart with the participation of the letter “vov” (“v”).

Таянч сўз ва иборалар: сўз, қофия, ёзув, вови маъдула.

Ключевые слова и выражения: слово, рифма, письменность, вови маъдула.

Key words and word expressions: word, rhyme, writing, vovi madula.

Азиза АХМЕДОВА

НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИДА АНТОНИМЛАР

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги антонимлар С.Усмонов, Б.Исабеков, Р.Шукуров ва бошқалар томонидан ўрганилган¹. Аммо эски ўзбек тилидаги антонимлар махсус монографик планда тадқиқ этилмаган. Фақат лексикага оид баъзи ишлардагина омоним, синонимлар қаторида антонимларга ҳам ўрин берилган. Навоий лексикасини махсус текширган Б.Бафоев шоир асарларидаги антонимларни фақат унинг “Фавойид ул-кибар” девони бўйича тадқиқ қилган. Қолган асарлари унинг назаридан четда қолган². Биз ушбу мақолада Алишер Навоий асарларидаги антонимлар ҳақида фикр юритамиз.

Тилшунослиқда антонимлар лексик, стилистик тузилиши, генеологияси бўйича текширилади. Навоий асарларидаги зид маъноли сўзларни генеологик жиҳатдан куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Компонентлари ўзбекча-ўзбекча сўزلардан иборат бўлади: кеча-кундуз, ул-бу, иссиқ-совуқ, яхши-ёмон³:

Тузлади Нухнинг тўфонидин сўнг даҳру ашқимдин
Қиёмат ошқоро бўлди ул тўфону бу тўфон.

Бадоев ул-васат, V-319.

¹ Усмонов С. Антонимлар // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1958, 2-сон; Исабеков Б. Лексическая антонимия в современном узбекском языке. АКД. Ташкент, 1973; Шукуров Р. Лексико-семантическая природа антонимов узбекского языка. АКД. Ташкент, 1973.

² Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. Тошкент, 1983. 125–145-бетлар.

³ Мисоллар Алишер Навоийнинг йигирма жилдалик “Мукамал асарлар тўплами”дан олинди. – А.А.

Ҳар оҳки шайдға ёвуқдур,
Не иссиғ ул оҳу, не совуғдур.

Лайли ва Мажнун, IX-297.

2. Компонентлари ўзбекча-форсча бўлади:

Ўз илгида бир анор бўлса билмаски, неча парда ва неча хонаси бор ва ул дона аччиғмудур ё зумухтваш ё чучукмудур ва ё майхуш.

Маҳбуб ул-қулуб, XIV-33.

3. Компонентлари форсча-форсча бўлади:

Ҳар кимники, оламда забардаст эттинг,
Охир ажал илгида ани паст эттинг.

Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад, XVI-105.

Юз туман нопок эрдин яхшироқ

Покхотунлар аёгининг изи.

Наводир уш-шабоб, IV-507.

4. Компонентлари арабча сўзлардан ташкил топади:

Чарх меҳру кинасидин не азиз ул, не залил,
Нечаким гоҳи сени излолу гаҳ эъвоз этар.

Наводир уш-шабоб, IV-118.

Боқий топар улки бўлди фоний,
Раҳравға фано бақо бўлубтур.

Бадоеъ ул-бидоя, I-141.

5. Антонимик қаторлар арабча-форсча бўлади:

Жаҳон осойишин оллингда мушқил қилмаким, бордур
Тутай мушқил десанг – мушқил ва гар осон десанг – осон.

Бадоеъ ул-васат, V-319.

Компонентларнинг тузилишига кўра антонимлар туб ва ясама бўлади.

1. Ҳар иккала компоненти туб сўзлардан ташкил топган антонимлар: ота-она, қари-йигит, гадо-шоҳ. Баъзи тилшунослар *ака-сингил* типдаги сўзларни антонимлар деб ҳисобламайдилар. С.Ахманова эса бундай сўзларни “коррелят антонимлар” деб атайди⁴. Биз ота-она, ака-сингил каби сўзларни антонимлар деб ҳисоблаймиз.

Деса бўдурким, анинг уйида зано-марди хуштабъдурлар.

Мажолис ун-нафоис, XIII-135.

Соз этти оголигу сингилик,
Кўп истади сингилин бихиллик.

Лайли ва Мажнун, IX-239.

2. Ҳар иккала компоненти ясама ёки бир компоненти ясама, иккинчи компоненти туб сўзлардан иборат антонимлар.

Йигитликда йиг илмнинг махзани,
Қарилқ чоғи харж қилғил ани.

Тарихи анбиё ва ҳукамо, XVI-194.

⁴ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М., 1969. С. 50.

Ою йилда бир кун, балки кечалик-кундузлукта бир соат ахволингдин
ғофил бўладим.

Муншаот, XIV215.

Шуни таъкидлаш лозимки, шоир асарларидаги антонимларнинг бир
қисми бир жуфт сўз сифатида ишлатилади: ота-она, кеча-кундуз, тун-кун.
Зид маъноли сўзларнинг характерли хусусиятларидан бири шуки, уларнинг
бир яхлит жуфт сўз ўлароқ қўлланган пайтда асосан янги бир умумий маъно
билдиради: *яхши-ёмон* – ҳамма.

Агар ёмону, вагар яхши кимса йўқ озо,
Нединки буйруғи яхши-ёмонгадур нофиз.

Наводир ун-ниҳоя, II-114.

Кеча-кундуз – доим, тинмай:

Сен ғофилу мен ваҳм қилурмен кеча-кундуз,
Бу нолаи шабгир ила оҳи саҳаримдин.

Ғаройиб ус-сигар, III-373.

Бир жуфт сўз ҳолида қўлланадиган сўзларнинг биринчи компонентига
-у, -ю боғловчиси қўшилиб келиши мумкин. Бундай ҳолда жуфт ҳолда
қўлланувчи антонимлар янги бир услубий маънога эга бўлади, яъни
таъкидлаш, кучайтириш, доимийлик маъно бўёқлари юзага келади: *оқу қора,*
туну кун, эртаю кеч, кечаю кундуз, еру кўк...

Оқу қаро мадҳида ҳар неки дедим, ёқмас
Энди бу мазаллатдин оқ тавба, қаро тавба.

Бадоеъ ул-васат, V-504.

Кечау кундузга боқса ҳар неча,
Онгламас кундузмудур ёхуд кеча.

Лисон ут-тайр, XII-237.

Маълумки, антоним сўзлар сифат ва отларда кўп учрайди. Лекин
кузагишларимиз шуни кўрсатадики, антонимлар мустақил сўз
туркумларининг барчасида ҳам учраши мумкин.

1. Сонларда: уч-тўрт, беш-ўн, икки-уч...

Берсалар беш-ўн дирам, ғаввоси дун –
Баҳр ичра солур ўзни сарнигун.

Лисон ут-тайр, XII-83.

Тожир олиб ул сифат нақди азиз,
Ахз этиб ғаввос бир-икки пашиз.

Лисон ут-тайр, XII-84.

2. Олмошларда: биз-сиз, мен-сен, ул-бу...

Тарқанг, эй ушшоқким, сайд этти бизни мугбача,
Дайр аро сиз ҳам киринг, куфр аҳлининг авлоди кўб.

Наводир ун-ниҳоя, II-41.

Олмошлардан иборат бир жуфт сўз ҳолида қўлланадиган сўзлар ҳам
учрайди: *ул-бу, менлик-сенлик, буллуқ-уллуқ...*

Ҳамл қилдинг менлику сенликка йўл,
Бу иккилик васфидин пок эрди ул.

Лисон ут-тайр, XII-236.

Ҳарне бу дер ул дегандекдур яқин,
Булуку уллуқ бўлуб рафъ ўртадин.

Лисон ут-тайр, XII-192.

3. Феълларда:

Ҳажрингда қону ғуссадур ичмак-емакларим,
Ишрат суруди нолаи зор айламакларим.

Бадоеъ ул-васат, V-289.

Шуни қайд этиш лозимки, баъзи антонимларнинг сўз таркибини ўзгартиш мумкин. Буни шоир албатта услубий мақсадларда амалга оширган.

Навоий асарларида, умуман, ўзбек мумтоз адабиётида тазод санъати антонимлар воситасида ҳосил қилинган. Мумтоз адабиётимизда “Тазод маънавий санъатларнинг энг таъсирчан ва кўп ишлатиладиган турларидан бири бўлиб, наср ва назмда кенг қўлланилади”⁵. Тазод Навоийнинг назмий ва насрий асарлари бадийлигини таъминловчи муҳим санъатлардан биридир.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Алишер Навоий асарлари тилидаги антонимлар компонентлари, компонентлари тузилишита кўра туб ёки ясамалиги, сўз туркумлари бўйича кўриб чиқилади.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматриваются компоненты антонимов в произведениях Алишера Навои, состав компонентов антонимов и принадлежность их к определенным частям речи.

RESUME. The article deals with the components of antonyms in the works of Alisher Navoi, the composition of the components of the antonyms and their belonging to certain parts of speech.

Таянч сўз ва иборалар: антоним, компонент, туб, ясама, сўз туркуми, тазод.

Ключевые слова и выражения: антоним, компонент, однокоренное слово, производное слово, часть речи, тазод.

Key words and word expressions: antonym, component, root word, derived word, part of speech, tazod.

⁵ Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Тошкент, 2006. 65-бет.

Сафарбой РЎЗИМБОЕВ

ХОНИМ ХАЛФА ҲАЁТИНИНГ ЯНГИ САҲИФАЛАРИ

Хоразм халфачилигининг илк забардаст намояндаларидан бири шоира Хоним халфа Саидамат қизи бўлиб, у Хивада Хоним сувчи лақаби билан шуҳрат қозонган. Шоира-халфа саводхон, хонандалик ва созандалик қобилиятини тўла эгаллаган. Қисса-достонларни алоҳида оҳангга солиб (речитатив) куйлаган. 1895 йилдан бошлаб достон ва кўшиқларни гармон жўрлигида ижро қила бошлаган¹.

Дастлабки ўзбек фольклоршунослигининг даргаларидан бўлган Ҳоди Зарифнинг шоира-халфа ҳақидаги хотираларига эътибор қаратамиз: “1930 йил, ёзнинг иссиқ кунлари. Хивада, Дошқовлидаги Хоразм музейи биносида тадқиқот ишларини бошлаб юбордик. Илмий ходим Бекжон Раҳмон хивалик Хонимжон аяни Дошқовлига етаклаб келди. Мендан анчагина катта ёшли бу аёл таъзим билан, улут камтарлик, ҳурмат ва икром билан кўришганда, мен ўзимни мусофирликда онам ўз бағрига олаётгандек ҳис этдим. Биз суҳбатлашиб, тезда она-боладек бўлиб қолдик... маълум бўлишича, бу олижаноб аёл хонлар хонадонининг қуларидан, Исфандиёрхоннинг чўриларидан бири бўлган экан...”

Мен бу шоиранинг “Хон зулми”, “Бевафо золим” каби инқилобий руҳдаги шеърларини ўз оғзидан ёзиб олганим билан фахрланаман.

Мени эпос ҳам қизиқтирар эди.

Катта қобилият эгаси, санъаткор, шоира Хонимжон халфадан “Асилхон” (“Асил – Карам”) достонини ёзиб олдим.

Мен халқ ижодчиларининг зўр вакиллари кўрганман. Аммо аёл халқ шоирлари билан шахсан учрашмаган эдим. Хивада шунга муяссар бўлдим”².

Биз фольклоршунослар – ҳаммамиз шўро даврида Хоним халфа ҳақида юқорида қайд қилингандек мубҳам, ноаниқ тасаввурда эдик. Энди бу жабрдийда аёлниң ҳақиқий ҳаёт саҳифаларини варақлаш учун мозийга қайтамиз.

XIX асрнинг қоқ ўртаси. Муҳаммад Аминхон даври. Кунларнинг бирида хон саройи дарвозаси олдига номаълум аёл янги туғилган чақалоқни ташлаб кетади. Боланинг йигиси дарвозабонлар қулогига эшитилгач, улар чақалоқни кўриб, эшик оғасига хабар беришади. Эшик оғаси эса болани кўтариб хоннинг олдига киритади. Ҳукмдор дарҳол олиму уламоларни чақириб, уларга воқеани баён қилади. Йиғилганлар:

– Бу болани сизга Худо етказди. Кечагина жангу жадаллардан омон-эсон қайтиб келдингиз. Бу бола сизга Худонинг юборган мукофоти, илтифотидир, – дейишади.

¹ Ю с у п о в Ю. Хоразм шоирлари. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. 115-бет.

² М и р з а е в Т. Ҳоди Зариф сабоқлари. Тошкент: “SHAMS ASA”, 2013. 262–263-бетлар.

Хон бу сўзлардан кейин кайфи чоғ бўлиб, болага исм қўйишни таклиф қилади. Кўпгина мунозаралардан кейин унга Қутлигалди исмини маъқул топишади. Аммо болани кўпроқ Қутлимуроод деб аташган. Бола вояга етгач, уни хон саройни сув билан таъминлаш гуруҳига бошчи қилиб тайинлайди.

Ўша йиллари Хиванинг жанубий қисмида – Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг орқасида Саидмуродбий оиласида бир қиз дунёга келади. Унга Хонимжон деб исм қўйишади. Бу қиз зеҳли, илму урфонга иштиёқманд бўлиб, етти-саккиз ёшларида кўплаб халқ қўшиқлари, эртақ ва дostonларини ёд олади. Шунингдек Навоий, Фузулий, Огаҳий, Машраб каби буюк шоирларнинг ғазалларини мутолаа қилади. 14–15 ёшларида форс ва араб тилларини ўрганади, ўзи ҳам шеърлар машқ қила бошлайди. Бу даврга келиб, хонлик тахтига Муҳаммад Раҳимжон соний – Феруз чиққан эди У Хонимжоннинг таърифини эшитгач, бу қизни саройга олдириб, ўзининг суюкли қизи Чинни бикага мураббий қилиб тайинлайди. Кейинроқ сарой халфаларининг бошчиси қилиб қўяди. Феруз тахтга ўтиргандан кейин ўн йиллар ўтгач, Хонимжонни биз юкорида тилга олган Қутлигалдига никоҳлаб, катта тўй ўтказди. Хоним халфа шу сабабдан бўлса керак, кўп шеърда Хоним сувчи тахаллусини қўллайди. Бу тахаллус эрининг касби-корига хурмат юзасидан танланган бўлса керак.

Хоним халфа икки ўтил кўрган. Биринчиси – Раҳимберган Петербургда ўқиб, “Ёш хиваликлар” ташкилоти фаолига айланган. Инқилобдан кейин Самарқанда шўро ҳукуматининг масъул лавозимларида ишлаган. Кейинги тақдири номаълум. Уни қатагон тегирмони домига тортиб кетган. Иккинчиси – Каримберган ўқишга унчалик қизиқмай савдо-сотик билан шугулланган. Чорсуда дўконлари бўлган. Унинг Бикажон бика исми қизидан ҳозирда элга машҳур бўлган Ўзбекистон халқ рассоми, истеъдодли ижодкор Тўра Курёзов туғилган.

Шу тариқа 1920 йил ҳам келиб, Хивада хон ағдарилади. Шўро тузуми айгоқчилари хонга алоқадор кишилар атрофида изғий бошлашади. Бу исковучлар Хоним халфани ҳам эсдан чиқармадилар. Хоним халфа жуда бой-бадавлат яшар эди. У хавфни сезиб, гилам ва бошқа ашёларни қўшниларга тарқатиб улгура олди, холос. Аммо иккита кичик кути сандиқчада олтин, кумуш ва бриллиантлар бор бўлиб, улар айвон саҳнидаги устунлар тагига кўмилган эди. Исковучлар ҳаммасини тортиб олиб кетишди. Хоним халфанинг катта кутубхонаси бор эди. Кўрққанидан барча китобларини қабристонга олиб бориб кўмиб ташлайди. Элакчилик кўчасидаги уйини мусодара қилиб, давлат тасарруфига олишди. У ерда баландлиги икки қаватли уйга тенг келадиган мусиқа асбоби бор эди. Уни фақат оёқ ва қўллари ҳаракатида Хоним онанинг ўзигина чала олар, кўплаб ёш халфаларни ўша ерда тарбиялар, уларга мусиқа ва хонандалиқдан таҳсил берар эди. Бизнингча, бу асбоб Феруз Петербургдан олдирган орган мусиқа асбоби бўлиши керак. Янгиариқнинг Чиқирчи қишлоғида яшаган немислар уни ясаб беришган ёки Европадан олиб келиб хонга тўхфа қилган бўлишлари ҳам мумкин. Соз жойлашган уй икки-уч онага бўлиб берилган. Улар қиш бўйи созни бўлақлаб, ўчоққа ўтин сифатида ишлатишган.

Хоним халфага тазийқ тўхтамаган. Охир-оқибат у келини ва қизи билан Пишканик қишлоғига кўчиб ўтган. Шундай бўлса-да, у 5 йилга қамалган.

Қамоқда Хоним халфа Исфандиёрхоннинг биринчи хотини Бикажон бика билан бир камерада ўтирган. Бикажон бика унга бир вақтлари кўп яхшилиқлар қилган эди. Чунки Феруз вафотидан кейин Исфандиёр барча шоиру созанда, халфаларни саройдан ҳайдаган, ўша пайтда Бикажон бика Хоним халфани хондан илтимос қилиб, саройда олиб қолган эди. Анча кексайиб қолган Хоним халфа турмадан чиққач, кўп яшамай 1936 йилда вафот этади³.

Хоним халфа шўро ҳукуматига хизмат қилишга ҳам уриниб кўрган. Машҳур хонанда Мадраҳим Шерозий билан ҳамкорлик қилиб, янги даврга мос кўшиқлар ҳам куйлаб юрган. Тамарахоним билан танишган. Тамара хоним унинг бир дафтар тўла шеърларини чоп қилдирамади, деб олиб кетган, аммо шеърларнинг кейинги тақдири номаълумлигича қолган.

“Найлайин, армонли кетдим” номли шеърдан маълум бўлишича, Хоним халфанинг умри хор-зорликда кечган.:

Эй ёронлар, биродарлар,
Найлайин, армонли-кетдим.
Қараб турган қиз-жувонлар,
Найлайин, армонли кетдим.

Жойим, айвоним йиқилди,
Уйимга қора тикилди,
Болаларим етим қолди,
Найлайин, армонли кетдим.

Энди менинг чиқар жоним.
Оқар бўлди қизил қоним,
Йўқдир турмоққа мадорим,
Найлайин, армонли кетдим.

Биз бу шеърни шу пайтгача шоиранинг хонлар давридаги аянчли ҳаёти тарзида шарҳлаб келдик, ваҳоланки, шеър ижодкорнинг шўро даври ҳаётининг ифодаси экан⁴. У шоиранинг ўлими арафасида ёзилган. Унинг Исфандиёрхонни лаънатловчи “Бевафо золим” шеъри шўро даврида яратилган. Бунинг асосий сабаби – Исфандиёрхон ўз қилимишлари сабабли лаънатлашга лойиқ ҳукмдор. У бошқа санъаткорлар қатори, Хоним халфани ҳам саройдан бадарга қилади. Қолаверса, шоира шўро сиёсатидан жуда кўрқиб қолган. Ҳатто отасининг исмини ҳам Саидмуродбий тарзида айтишга ҳадиксираб Саидамат, тутилган жойини ҳам Хива шаҳри эмас, Пишканик деб айтишга мажбур бўлган. Ҳоди Зарифга ўзини хоннинг чўриси деб таништирган. Шу сабабли айрим шеърларида эски тузумни қоралашдан бошқа илож топа олмаган.

Хоним халфа жуда иқтидорли, бадиҳагўй, ҳофизаси кучли ижодкор. Унинг репертуарида унга яқин дoston бўлган, аммо фақат “Асил – Карам” дostonи ёзиб олинган. Дoston матнини Хоним халфа яшаган даврдан 100 йил олдин кўчирилган нусха билан қиёслаганда шоиранинг нақадар бадиҳагўй бўлганлигига қаноат ҳосил қилдик. Шеърлар ниҳоятда нафис қилиб қайта

³ Қурёзов Т. Нотекис йўллар. Тошкент, 2014. 3–13-бетлар.

⁴ Ўзбек педагогикаси антологияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 415-бет.

ишланган. Кўплаб шоира ижодига мансуб шеърлар дoston таркибидан жой олган. Дostonнинг Хоним халфа варианти ҳозирда Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт илмий текшириш институти фольклор бўлимида 42-ашё рақами билан сақланмоқда.

Шоиранинг кўпгина шеърлари, айтганимиздек, Тамарахоним кўлида қолиб кетган. Аксарият шеърлари Анаш халфа, Ожиза, Назира халфа каби шогирдлари тилидан ёзиб олинган. "Ўзбек шеърляти антологиясида⁵ иккита, "Ўзбек педагогика антологияси" да учта шеър чоп этилган.

Ҳозирги даврда халфалар ижро этаётган тўй-маросим ва дoston кўшиқларининг деярлик барчаси Хоним халфанинг мусиқа анъаналари асосида яшаб келаётир. Афсуски, унинг оёқ билан попишакларини, кўл билан клавишларини босиб чаладиган "Катта соз" и бизгача етиб келмаган ва унинг номини ҳам бирор халфа, чевараси Тўра ака ҳам эслай олмайди.

Замон ўткинчи, аммо Хоним сувчи каби хонлар ҳукмронлиги давридаёқ гармон, "Катта соз" чалган илғор фикрловчи ижодкорлар кам топилади. У яратган Хоразм халфачилик санъати мактаби эса ҳамшиша барҳаёт ва боқийдир.

РЕЗЮМЕ. Мақолада шоира Хоним халфа ҳаётининг ҳозиргача номаълум бўлган саҳифалари ёритилади. Унинг шўро даври сиёсатининг қурбони бўлган онласи ҳақида кенг маълумот берилади.

РЕЗЮМЕ. В статье освещаются неизвестные доселе страницы из жизни поэтессы Ханум халфы. Приводятся достоверные факты её трагической жизни в период советского правления.

RESUME. The given article is devoted to brightening unknown pages of the poetess Khanum khalfa's life. The precise information is given about her tragic life in the period of Soviet rule.

Таянч сўз ва иборалар: Хоним халфа, фольклор, дoston, кўшиқ.

Ключевые слова и выражения: Ханум халфа, фольклор, дастан, песня.

Key words and word expressions: Khanum, khalfa, folklore, dastan, song.

⁵ Ўзбек шеърляти антологияси. 1-том. Тошкент: Ўздавнашр, 1961. 50–51-бетлар.

Зилола ЭШОНОВА

ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ТОҒ ОБРАЗИ

Бугунги фольклоршунослигимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири мифологик қарашлар асосида шакланган анъанавий образлар тизимини ўрганиш бўлиб, тоғ образи ҳам ана шундай образлар сирасига киради. Тоғ образининг семантик кўлами, қўлланилиш ўрни, шакллари ўзбек фольклоршунослигининг бевосита тадқиқот объектига айланган эмас. Фақат маълум образлар тизими, қаҳрамонлар генезиси ўрганилганда у ёки бу тоғ образи ҳақида тўхтаб ўтилган, фикр-мулоҳазалар билдирилган¹. Мавжуд ҳолат халқ дostonларида келувчи тоғ образини атрофлича ўрганишни талаб

¹ Турдимов Ш.Г. Бу тоғлар қандай тоғлар... // Адабиёт кўзгуси, №1. Тошкент, 1998. 51–56-бетлар; Турдимов Ш.Г. "Гўрўғли" дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Тошкент: Фан, 2011. 20–21-бетлар; Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. Тошкент, 2008. 70-бет; Эшонкулов Ж. Фольклор. Образ ва талқин. Қарши: Насаф, 1999. 15-бет; Мирзаева С.Р. Романик дostonлар поэтикаси. Тошкент: Фан, 2004. 84-бет.

этади. Манбалар таҳлили эпос намуналарида тоғнинг энг фаол қўлланилувчи образлардан бири эканлигини кўрсатади. Умумий сатҳда олиб қаралса, халқ дostonларида тоғ образининг қўлланилиш кўламини қуйидагича тасниф этиш ўринли:

I. Маълум бир эпик ном олиб, у ёки бу дostonдаги эпик маконни билдирувчи ва бадий воқелиқда тўла тасвирланувчи тоғ образлари. Бу хил образлар аниқ ном билан аталиб, батафсил бадий талқин олади. Масалан, Асқартоғ, Бало тоғи, Палапон тоғи, Сулдуз тоғи, Сангин тоғи, Олатоғ, Муродтепа, Хўй тоғи, Бобохонтоғ, Қорача тоғи каби образларни санаб кўрсатиш мумкин.

II. Дostonларнинг шеърий қисмида келувчи барқарор эпик формулалар таркибида келувчи тоғ образи. Барқарор шеърий формулалар таркибида умумий тоғ образи билан бир қаторда у ёки бу номдор тоғлар иштирок этган анъанавий турғун мисраларни келтириш мумкин.

Муайянэпикномбиланкелувчитоғобразларинингдostonлартаркибидаги бадий талқинларини вазифасига кўра қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1. Тоғ – ҳомий руҳлар макони.
2. Қаҳрамоннинг синалиш манзили.
3. Қаҳрамоннинг инициация жараёнидан ўтиш жойи.
4. Тоғ – ўз (қаҳрамон макони) ва ўзга оламлар чегараси, ўтиш ўрни.
5. Тоғдаги гор ўзга оламга ўтиш йўли, девлар қўним топган жой.
6. Тоғ – йўл масофасини билдирувчи эпик ўлчам.
7. Қаҳрамон яшаётган ҳудуднинг маълум бир қисми ёки, юрт, ватан,

тимсоли.

Ушбу таснифлар дostonлар таркибидаги маълум бир эпик номга эга тоғ образининг барчасига бирдек тегишли эмас. Хусусан, Асқартоғ образига нисбатан татбиқ этилса, бу санок белгилари ўзини деярли оқлайди. Лекин Бало тоғи, Палапон, Муродтепа ва бошқа образларда маълум бир қисмларгина мос келиши кузатилади. Айни ҳолат Асқартоғнинг ўзбек халқ дostonларида кўхна илдизларга эга мукамал кўринишда бадий асосланган мифологик образ эканлигидан далолат беради.

Тоғ образи билан боғлиқ халқ дунёқарашлари, топинч ва ишончлари Асқартоғ образига мукамал кўринишда ўз бадий ифодасини топган. Хусусан, “Гўрўғли” туркуми ва “Алпомиш” дostonларини Асқартоғ образисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу дostonларда бошқа номдор эпик тоғларнинг ҳам ўз ўрни бор, лекин Асқартоғ алоҳида таъриф ва талқинларга эга. Масалан, “Гўрўғли” дostonларида Палапонтоғ, Балотоғ, Сулдуз ва бошқа тоғлар ҳам тилга олинади, ammo бу тоғлар дoston воқеаларининг маълум ҳалқаларидагина иштирок этади. Аксарият дostonларда эпик қаҳрамон парилар юртига йўл олса, у аввало, Бало тоғи тўсиқларидан ўтади ёки Гўрўғли умри поёнидагина Сулдуз тоғига боради. Худди шунингдек, Муродтепа (Мурод тоғ), Олатоғ “Алпомиш” дostonига хос эпик ном ҳисобланади. Асқар тоғи нафақат барча дostonларда бирдек тилга олинади, балки бевосита эпик матн қамровидан ташқарида ҳам халқ тасаввурига кенг сингишиб кетганлигига гувоҳ бўламиз. Асқартоғ образининг ўзбек халқ дostonлари билан бир қаторда қардош қозоқ эпосида ҳам турғун эпик образлардан бири эканлиги алоҳида диққатга сазовор. Бу ҳолат Асқартоғ образининг қўлланилиш чегарасининг кенглигини кўрсатиш

билан бирга, унинг қадим илдизларга эга анъанавий образлардан бири эканлигига гувоҳлик беради. Мавжуд материалларнинг жамланиб, қиёсий сатҳда ўрганилмаганлиги, тадқиқотчилар назарига тушмаганлиги бу қадим мифологик тоғнинг дунёдаги бошқа муқаддас тоғлар сафидан муносиб ўрин эгалламаганлигига, ҳатто “Жаҳон халқлари мифлари”² каби мифологик лугатларда тилга олинмаганлигига сабаб бўлиб келмоқда.

Ўзбек фольклоршунослигида Асқартоғ образига фольклоршунос олимлар Ш.Турдимов³ ва С.Мирзаевалар⁴ алоҳида диққат қаратганлар. Ш.Турдимов тадқиқот объекти қамровида Асқартоғ ҳақида қимматли фикрларни билдирган, аммо бу образни атрофлича тадқиқ этган эмас. Фольклоршуноснинг Асқартоғни юнон мифологиясидаги Олимп тоғи билан қиёслаб, этимологик жиҳатдан “Асқар” сўзини икки қисм: “ас” (аз) – олов, “қар” (қир) – тоғ маъносидаги сўзлардан ҳосил бўлиб, сўзма-сўз “олов тоғ”, кенг маънода қуёш тоғи, қуёш макони ёки маъбудлар, ҳомий эранлар, аждодлар руҳи яшовчи макон мазмунида талқин этиши диққатга сазовор. Айни пайтда муаллифнинг қозоқ халқининг “Алпамис батир” достонида келувчи Асқарбел образи ва бу белдаги жили булоқли кўл, қора оғоч образларини ўзбек дostonларидаги Асқартоғ образи билан биргаликда олиб, эранлар макони ҳақидаги қадим туркий тасаввурлар тизимини тиклаганини Асқартоғ образи тарихини ёритишдаги муҳим қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин. “Гўрўғли” достонининг Пўлкан шоир вариантыда қаҳрамоннинг аллаик инициациясидан ўтиш жараёнининг “Афсар” тоғида кечганлигини таҳлил этган фольклоршунос Афсар аслида Асқар бўлиши керак (чунки туркумликнинг бошқа дostonларида айнан Асқартов тилга олинади) ва халқ тасавури, туркум талқинига кўра Асқартов ернинг маркази ҳисобланиб, дунё дарахти ва тириклик булоғи жойлашган жой, Хизр ва унга ёрдамчи эранлар – чилтонларнинг макони саналади, деган муҳим хулосага келади. Олим “Алпамыс батыр” достонидаги тасвирда тоғ, кўл (жили сувли булоқ), дарахт (қора оғоч) мавжуд бўлса-да, ғор унсури унутилганлигини қайд этган. “Гўрўғли” достонининг барча версия ва вариантларини ўзаро қиёсий ўрганиб, ҳомийлар макони туркий қавмларнинг кўҳна мифологик дуёқарашларига кўра Асқартоғ эканлиги, қаҳрамон инициациядан ўтувчи макон айнан Асқартоғ – ернинг киндигида кечганлигини кўрсатган⁵. Ушбу тасаввурлар дунё халқлари мифологиясида келувчи муқаддас тоғ ҳақидаги дунёқарашларга уйғун модель – Асқартоғ тепасидаги ғор, булоқ, дарахт мужассам жой ернинг киндиги, дунёнинг маркази ҳисобланиши, қаҳрамон ҳомийларининг макони ушбу жой, деб кўрсатилиши ва бу тасаввурлар аждодларимизнинг бутун борлиқ тузилиши, унинг уч қатлами – кўк, ер, ер ости оламлари ҳақидаги билимларининг бадий талқинлари эканлигини исботлайди.

Асқартоғ образи ўзбек халқининг ҳар бир достонида яхлит бир тизимга таянилувчи дунёқараш маҳсули сифатида келади ва турли даражада намоён бўлади. Асқар тоғи ҳомий руҳлар (эранлар) макони, қаҳрамоннинг синалиш

² Мифы народов мира. Т.1. М., 1991. С. 311–314. www.mifimirodov.com/g/gora.html

³ Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Тошкент: Фан, 2011. 46–47-бетлар.

⁴ Мирзаева С.Р. Романик дostonлар поэтикаси. Тошкент: Фан, 2004. 83–84-бетлар.

⁵ Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. 46–47, 61-бетлар.

манзили, қаҳрамоннинг инициация жараёнидан ўтиш жойи, қаҳрамон макони ва ўзга юртлар ўртасидаги чегара, йўл масофасини билдирувчи эпик ўлчам, қаҳрамон яшаётган ҳудуднинг маълум бир қисми ёки, юрт, ватан, тимсоли каби бадий талқинларга эга.

Ўзбек халқ дostonлари таркибида келувчи тоғ образларидан бири Бало тоғидир. У, асосан, “Гўрўгли” туркум дostonларида фаол тилга олинади ва асосан, чегара вазифасини ўтади. Гўрўгли макони ва девпарилар маконига эпик қаҳрамон, аввало, ушбу чегарадан ўтиб бориши мумкин. Ўзбек халқ дostonларида Бало тоғи мифик макон сифатида талқин этилади. Фольклоршунос олима С.Мирзаева ҳам ўз тадқиқотида Балотоғи ва Асқартоғ образларини романик дostonларда келувчи мифик макон сифатида келтиради⁶. Бу мифик маконда девлар, гайриоддий кучлар яшайди. Эпик қаҳрамон Бало тоғидаги девларни ақли билан енгиб ўтади ва уларни ўзига бўйсундириб олади. Енгилган мифологик образлар – девлар эпик қаҳрамонга ўзга оламларга бориб келишида ва мақсадига эришишида кўмак берадилар. Бундан кўринадики, Бало тоғи қаҳрамон юртини ўзга оламлар билан ажратувчи чегара – мифик макон сифатида талқин этилар экан. Дostonда Бало тоғи синов мотиви, шарт мотиви, ўзга юртга сафар мотиви билан бир сюжет ҳалқасида келади ва эпик қаҳрамоннинг куч-қудрати, ақлидроки ва гайриоддий инсон эканлигини кўрсатишга хизмат қилади.

Халқ дostonларида келувчи Қоратоғ, Қорача тоғ, Олатоғ, Хуй тоғи ва тилсимли тоғлар – ўз (қаҳрамон макони) ва ўзга оламлар чегараси, ўтиш ўрни каби бадий талқинларни олган. Асосан, “Алпомиш” дostonида келувчи Қоратоғ, Қорача тоғ, Олатоғ, Хуй тоғи, тилсимли тоғлари маълум бир ҳудуд чегарасида туради ва у ёки бу эпик маконга тегишли бўлади.

“Алпомиш” дostonининг Пўлкан шоир ижро этган вариантыдаги эпик тоғлар – Олатоғ, Қоратоғлар шунчаки ном олган эмас. Балки ушбу номлар замиридаги тушунча ва тасаввурлар асосида анъаналашган. Чунки Олатоғ ўзбек фольклорида эзгу руҳлар, Қоратоғ ёвуз руҳлар макони мазмунига эга. Алпомишнинг юрти том маънода яхшилик, ёруғлик кучлари макони эди. Тойчихон мамлакати эса ёвузлик тимсоли сифатида намоён бўлади. Шу сабабли ҳам унинг юртида Қоратоғ асосий ўринга эга. Алпомиш юртида эса Олатоғ муҳим ўрин тутаяди. Шу ўринда Олатоғнинг Асқартоққа тенг семантик маъно олишини кузатишимиз мумкин.

Тилсимли тоғларнинг энг ёрқин мисолларини Фозил Йўлдош ўғли куйлаган “Маликаи айёр” ва “Машриқо” дostonларида учратамиз. “Маликаи айёр” дostonида Маликаи айёр ҳудудини Кўклам тоғи тўсиб туради. Кўклам тоғи тилсим билан девлар томонидан бунёд этилганлигини инобатга олинмаса, дostonларда келувчи бошқа номдор тоғлар бажарувчи семантикага эга. Яъни Кўклам тоғ ҳам чегара, аммо унинг ўзига хос томони тилсимли эканлигида. Тоғдан кейинги дарё ва бандаргоҳдаги аждарлар образи ҳам чегара тоғ, тоғ кўриқчиси кодларига мос талқин олган.

Ўзбек халқ дostonларида тоғ – йўл масофасини билдирувчи эпик ўлчам сифатидаги талқинига ҳам эга. Тоғ образи эпик масофа тушунчасини билдириб келиши деярли барча дostonларда ва барча дostonчилик мактаби вакиллари куйлаган турли эпик намуналар орасида тез-тез учрайди. Масалан, “Юнус пари” дostonида сафарга отланаётган Гўрўғлига, у кетаётган

⁶ Мирзаева С. Романик дostonлар поэтикаси. 83–84-бетлар.

манзилнинг жуда узоқлиги ҳақида айтар экан, бахши Аҳмад Сардор тилидан шундай куйлайди:

Аҳмадбекнинг гапирмакка гапи бор,
 Ёмонларнинг бир озроқ бови бор.
 Мени десанг, борма узоқ йўллarga,
 Ўрталикда тўрт минг тўқсон тоғи бор⁷.

Бу ўринда “Ўрталикда тўрт минг тўқсон тоғи бор” мисрасида тўрт минг тўқсон сони рамзий жуда узоқ, ҳисобидан одам адашувчи манзил тушунчасини беради. Эътибор бериб қаралса; “тўрт минг тўқсон тоғ”, “тўрт юз тўқсон тоғ”, “тўқсон тоғ”, “тўқсон белдор тоғ” каби бирикмалар анъанавий эканлиги ва турли кўринишларда такрорланишини кўриш мумкин. Достонларнинг шеърий қисмида “неча тоғ”, “тоғлар”, “огир-огир тоғ” каби умумий ҳолда масофа бирлигини билдирувчи бирикмалар кўп учрайди ва бундай бирикмалар умумий тарзда узоқ, машаққатли йўл мазмунини англатади. Баъзи ўринларда қаҳрамоннинг кимнидир тинмай излаши “тоғма-тоғ қидириш” бирикмаси орқали тасвирланади. Тоғ образи халқ достонлари таркибида маълум масофа, масофа заҳмати, муддатини ифодалаб келади.

Тоғдаги гор ўзга оламга ўтиш йўли, девлар қўним топган жой сифатида талқин қилинади. Тоғ ва гор бир-бирига яқин поэтик маъно ташийд. Фольклоршунос олим М.Жўраевнинг фикрича, “...тилимиздаги “гўр” (қабр), “қир” (тепалик), “қўр” (чўғ, яъни илгари ўликларни ёқиш удуми бўлган), “гор” (тоғдаги ковак жойлар, мифологияда ер остидаги ўзга оламга ўтиш йўли) сўзлари ҳам аслида шумерча “кур” лексемаси билан тарихий-этимологик жиҳатдан ўзакдошдир⁸. Яъни “кур” сўзи тоғ, гор маъносида қўлланилган бўлиб, эпик асарларда ўзга юрт, ўзга оламга, ерости салтанатига ўтиш йўли сифатида талқин этилган. Хусусан, “Гўрўғли” достонларида тоғдаги гор образи муҳим ўрин тутаяди. Гўрўғлининг эранлари Асқартоғдаги горда йиғилиб туришади. Айнан ана шу эранлар горида Гўрўғли аял сифатида инициация жараёнидан ўтади. Бир сўз билан айтганда, Гўрўғлининг ҳаёти бу хил сирли гор билан чамбарчас боғлиқ кечишини англаймиз. Бу достонларда Гўрўғли тоғ ва ундаги гор орқали ўзга оламларга ўтади, яъни ерости дунёсига тушади. Айрим достонларда Гўрўғли ерости дунёсида маълум муддат яшайди ва ўз юртига қайтади. “Гўрўғлининг сўнгги кунлари”да эса тоғдаги гор орқали ерости дунёсига тушиб кетади.

“Маликаи айёр”, “Нурали”, “Машриқо” “Ога Юнуснинг олиб қочилиши” ва бошқа достонларда тасвирланган кўпчилик дев образлари тоғдаги горда яшашади. Ўзбек халқ ижодида дев образининг мифологик асослари ва бадиий талқинларини тадқиқ этган фольклоршунос Жаббор Эшонқулов девларнинг макони ҳақида шундай ёзган: “Дев макони кўпинча “борса келмас” даги юрт деб аталади. Ўзбек фольклорида борса келмас юртга “қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган” эпик саҳролар орқали борилиб, у одатда тоғ ва гор билан боғлиқ равишда, кўпинча ё ер остида, ё кун ботиш тараф (ғарб)да жойлашган бўлади... Барча туркий халқларнинг анъанавий дунёқарашларида ерости дунёси тоғ ва горлар билан боғланадики, бу қадим туркларда

⁷ Юнус пари. Айтувчи: Муҳаммадул Жонмурод ўғли Пулкан. Нашрга тайёрловчи: Шаҳзода Хужаева. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1967. 183-бет.

⁸ Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. Тошкент, 2008. 70-бет.

ушбу жойлар илоҳий ва муқаддас саналганидан далолат беради⁹. Деваар дostonларда икки олам чегарасида пойлоқчилик қилишади. Ўз оламларига бошқа кучларни ўтказмаслик учун курашади. Фақат эпик қаҳрамонгина бу деваларни ўзига бўйсундириб ёки ҳалок этиб мақсадига етиши мумкин.

Ўзбек халқ дostonларида учровчи тоғлардан бири Болҳасрат тоғидир. "Алибек билан Болибек" дostonида келган Болҳасрат тоғининг таърифини ўзбек фольклорида тоғ образининг мадҳи дейиш мумкин.

...Сенсан тоғларнинг султони,
Кўргансан олам замони,
Уч юз олтимиш бир макони,
Яшилдир туеларинг сенинг¹⁰.

Фольклор асарлари таркибида келувчи эпик тоғларнинг деярли барчасида уч юз олтимиш ёки уч юз олтимиш бир макон, дара анъанавий сифатловчи бўлиб келади ва бу сифат, асосан, муқаддас саналувчи тоғларга нисбатан қўлланилади. Яшил туғ ибораси эса бу маконларнинг ҳар бирида муқаддас қадамжолар борлигини аниқлатади. Болҳасрат тоғи шундай муқаддас тоғ сифатида таърифланган. Барча муқаддас тоғлар каби Болҳасрат тоғи ҳам бузрукларнинг қадамгоҳи, жами азизлар арвоҳи қўним олган жой, Алидек улуғлар руҳи ёдланувчи маскандир. Бу манзилнинг бор гиёҳи, ҳавоси, сувлари шифо, танга дармон, қувват берувчи хусусиятга эга. Бу хил манзилларда хос кишилар, эранлар – чилтонлар учрашиб, суҳбат куради. "Алибек ва Болибек" дostonида келган Болҳасрат тоғининг таърифи, нафақат ушбу дostonнинг, балки ўзбек эпоси намуналари орасида ноёб бадий тасвир сифатида алоҳида ажралиб туради.

Хулоса қилсак, халқ дostonларида Асқартоғ, Бало тоғи, Палапон тоғи, Сулдуз тоғи, Сангин тоғи, Олатоғ, Мурод тепа, Хўй тоғи, Бобохонтот, Қорача тоғи каби маълум бир эпик номда бадий воқелиқда тўла тасвирланувчи тоғ образлари кенг қўлланилиб, батафсил бадий талқинда келади. Тоғ образи халқ дostonлари композициясида синов, шарт ва ўзга юртга сафар мотивлари билан бир сюжет ҳалқасида келади ва қаҳрамоннинг ҳомий эранлар томонидан танланган, ҳомий руҳлар томонидан синалган – инициация жараёнидан ўтган, ўзга юрт ва маконларга ҳам бемалол бориб кела оладиган, ғайриоддий кучга эга қаҳрамон эканлигини кўрсатишга хизмат қилади. Шу билан бирга, дев каби демонологик персонажни бўйсундирган қаҳрамоннинг баҳодирлик сифатларини бўрттириб, дostonларга фантастик руҳ бағишлайди.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ўзбек халқ дostonлари таркибида келувчи мифологик қарашлар асосида шакланган тоғ образларининг бадий талқинлари "Гуруғли", "Алпомиш", "Юнус пари", "Маликай айёр", "Алибек ва Болибек", "Гулшанбоғ", "Машриқо", "Нурали" каби дostonлар мисолида ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ. В статье на примере дастанов "Горогы", "Алпамыш", "Юнус пери", "Маликай айёр", "Алибек и Болибек", "Гулшанбог", "Машрико", "Нурали" рассматриваются художественные толкования образа горы, встречающегося в узбекском народном эпосе и связанного с мифологическими представлениями.

RESUME. This article describes the empravization of the character of montain by the examples such as "Go'rog'li", "Alpomish", "Malikai ayvor", "Yunus pari", "Malikai ayvor", "Alibek va Bolibek", "Gulshanbog", "Mashriqo", "Nurali" of folklorizm.

⁹ Эшонқулов Ж. Фольклор. Образ ва талқин. Қарши: Насаф, 1999. 15-бет.

¹⁰ Буабул тароналари. 5-том. Алибек ва Болибек. Дostonлар ва термалар. Тошкент: Фан, 1973. 186–190-бетлар.

Таянч сўз ва иборалар: халқ достони, тоғ образи, мифик макон, эпик макон, мифологик талқин, анъанавий образ, мотив, сюжет ҳалқаси.

Ключевые слова и выражения: народный эпос, образ горы, мифологическое пространство, эпическое пространство, мифологическая трактовка, традиционный образ, мотив, сюжетная цепь.

Key words and word expressions: epos, character of mountain, mythological space, epic space, mythological interpretation, traditional character, motive, the cycle of sujet.

Феруза РАЖАБОВА

“ТУН” СЎЗИНИНГ БАДИИЙ МАТНДАГИ РАМЗИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

Ҳозирги ўзбек насрининг муҳим хусусиятларидан бири рамзий-мажозий образлиликнинг кучайиб бораётганидир. Бу ҳол реалистик анъанавий ва модернистик ноанъанавий тасвирга асосланган асарларга тўла дахлдордир. Муҳими шундаки, ҳар иккала йўналишдаги талқинларда ҳам инсон шахси, унинг қалб оламини янгича кашф этиш устувордир. Бу жараён ифодасида хусусан, рамзлар, мажозий тафаккур, сўз маъноларининг товланишлари алоҳида аҳамият касб этади. Буни айниқса таниқли адиб Назар Эшонқул ижодида ёрқин кўриш мумкин.

Н.Эшонқул ўз ижод манерасига кўра рамзийликка мойил адиб. У кўпчилик ҳикоя ва қиссаларининг номларини рамзийлик асосида танлайди. Масалан, “Очилмаган эшик” ҳикоясидаги бекилган омборхона ва қулфи рамзий маънода “келинчак”нинг эрига нисбатан ишончсизлиги ва топталган орзуларини сақловчи бир умрга занжирланган қалбидир. “Қора китоб” қиссасидаги бу икки сўз рамзийлигида ўз фарзандини бўғиб ўлдирган гуноҳкор отанинг мудҳиш қилимишига ишора акс этади. “Озо қушлар” ҳикоясидаги кабутарлар эса чинакам эрк, ўзлик ва озоликка интилувчан инсонлар тимсолидир.

“Тун панжаралари” қиссаси рамзлар, поэтик кўчимлар нисбатан кенг қўлланилган, ҳаётнинг турфа манзаралари фалсафий-бадий талқин этилган асардир. Ундаги рамзлар асарнинг шунчаки таъсирчанлиги ва ифодалигини ошириш учунгина эмас, балки қиссанинг гоъвий-мазмуний мундарижасини, ижтимоий-эстетик қимматини кучайтиришга ҳам қаратилган. Шунга кўра рамзларни, тахминан, уларнинг маъно қўламдорлиги ва қиссада қўлланилишидаги мавқеи асосида қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Тун, панжара, туш, шайтон, хаёл, девор.

2. Гул, нур, олма, тулпор.

Биринчи гуруҳдаги рамзлар асарда асосий ўрин тутади ва муаллиф бадий нияти моҳиятини ифодалашда таянч воситалардир. Иккинчи гуруҳга мансуб рамзлар эса маънолари муайян даражада турғунлашиб қолган бадий ижодда кўп учрайдиган анъанавий образларни англатади. Муҳими шундаки, муаллиф қиссада эпик баён, рухий кечинма, портрет, пейзаж каби бадий унсурлар талқинининг тақозосига кўра муайян рамзларни танлайди ва тасвир қатларига маҳорат билан сингдириб юборади. Ҳар бир рамз маълум мақсадни кўзлаб қўлланилади. Зеро “тун” ва “панжара” сўзларини ўқиш билан уларнинг предметлик маъносида эмас, мажозий маънода қўлланилгани сезилиб туради ва бу ишора асар мазмуни ҳақида илк тасаввур туғдиради.

Муаллифнинг ўзи бу хусусда шундай дейди: “Хаёлимиз – ҳибсхонамиз. Бу ҳибсхоналарнинг туйнукларига умидсизлик панжаралари ўрнатилган. Худди адашган кўршапалакдек биз бу ҳибсхона деворлари аро сору-сор учиб юрамиз. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бу арзи ҳолимни “Тун панжаралари” деб атагандирман. Бу панжаралар метиндай мустаҳкам, миямизга тун пичоқлари қадалиб турибди”¹.

Қиссадаги эпик талқин қаҳрамоннинг “тунда менинг бошқаларникига ўхшамаган умрим бошланади” сўзлари билан бошланади. Буни сюжет тизимидаги ўзига хос тугун дейиш мумкин. Умрининг “бошқаларникига ўхшамаслиги” сабаби эса қисса мазмунининг умумий ифодасида маълум бўлади ва қуйидаги сўзларда ечим топади: “Қани энди туннинг йўлини тўсиб қўйсанг! Ҳеч қурса, қайси пайтда яшаш имконияти инсоннинг ўз ихтиёрида, улуғвор вақт чархи ҳар кимнинг ўз қўлида бўлса эди”.

Қаҳрамон ва тун! Қисса қурилмасидаги бу икки асосий бадий компонент муносабати асардаги эпик талқин, кечинмалар тарзи ва персонажлар тасвиридаги таянч нуқтадир. Зеро, қаҳрамон феномени асар гоёсининг бош ифодачиси, тун эса у яшаётган, уни ўраб олган муайян муҳит рамзи, айни чоғда, хаёл оламининг мажозий сифати ҳамдир (“Тун” атамасидаги қора маъноси мавжудлиги назарда тутилмақда). Бу хусусият қисса тузилиши, ривоя услуби, конфликт ва муаллифнинг характер яратишдаги ўзига хослигини таъминалаган. Бунда тун, туш, шайтон билан боғлиқ рамзийлик қаҳрамон қарашларини ифодаловчи устун воситалардир. Шу сабабли муаллиф “хаёт узундан-узоқ давом этувчи ҳам бемаъни, ҳам энг гўзал туш деб ўйлар эдим. Шунинг учун ҳам туш ҳақидаги ҳикояларимга “Тун эртаклари” деб ном қўйгандим”, – дея эътироф этади.

Қўринадики, қаҳрамон тасаввуридаги хаёт икки қиррага – “бемаъни ва гўзалликка” эга бўлган ва узоқ давом этувчи ҳодиса – тушдир. Унинг моҳиятини биргина сўз “тун” ифода этмоқда. Мажозий маънода ҳар иккала сўзда чуқур рамзийлик яширинган: “туш” шўро даври воқелигининг умумий рамзи бўлиб, унинг “бемаъни”лиги шахс эрки ва ҳуқуқининг поймол этилишига ишора бўлса, “гўзал”лиги қаҳрамон интиқиб кутган, лекин фақат хаёлида кечган эстетик идеалининг, орзусининг тимсолидир. Бу фалсафий бадий фикр ҳикояларнинг “Тун эртаклари” деб аталиши билан янада чуқурлашади, рамзийлик кучаяди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қиссадаги асосий “тун” мажози асарнинг барча бадий унсурлари ва персонажлари билан бевосита ёхуд билвосита боғлиқдир. Бу алоқадорлик муайян мотив, образлар тасвири ва ифода талқини характерига кўра туннинг қатор истиоравий функцияларини юзага келтиради. Жумладан, туннинг қаҳрамон изоҳидаги мажозий маъно қирралари қуйидагича: 1) тун – сиёҳранг гул; 2) тун – шайтонга ота-бободан мерос; 3) тун – шайтон салтанати; 4) тун – қора кийган кампир; 5) тун – хилват бошпанаси; 6) тун – ёлғизлик манзили; 7) тун – олгин кемадаги қиз; 8) тун – муаллиф – қаҳрамоннинг иниси; 9) тун – қаҳрамоннинг умри; 10) тун – бир кечалик тадриж; 11) тун – гаройиб қисмат; 12) тун – гилай шайтон қиёфаси; 13) тун – қаҳрамон ҳамроҳи; 14) тун – ёвузлик қиёфасидаги салтанат; 15) тун – қоронги бурчак. Муаллиф топилмаси бўлган

¹ Эшонкул Н. Тун панжаралари // Ялпиз хиди. Тўплам. Тошкент: Шарк, 2008. 191-бет.

бу индивидуал истиоралар умумлашган ҳосила ҳолда тун моҳиятидаги анъанавий туб рамзни бойитади ва унинг янги қирраларини ифодалайди. Бинобарин, бундай истиоралардаги кўчма маънолар ижодкор тасавури, хаёли билан боғлиқ ҳолда вужудга келади ва уларда муайян дунёқараш, субъектив баҳо мужассамлашади.

Қиссада “туш”, “эртак” ва “гул” сўзлари билан боғлиқ рамзли ифодалар ҳам “тун”даги мажозий маънони янада чуқурлаштиришга ва қабартириб тасвирлашга хизмат қилади. Бинобарин, тун фонида қаҳрамон тасавурида кечган воқеаларнинг “эртаклар ва панжаралар деб аталишида ҳам уларнинг рўёдек қора тулпорларга” қиёсланиши бежиз эмас. Хаёлий эртаклар ва улардаги отларнинг фақат тун билан боғлиқлиги ва “қора рангда диконглаб кишнаб ўтиши” реал ҳаётнинг абсурд – маънисиз лавҳаларига образли ишорадир. Муаллиф бу ҳолатни “тун эртаклари”даги икки ҳикоясида ёрқин кўрсата олган. Гарчи, улардан муаллиф “ҳеч қандай мақсад кўзламаганини, сарлавҳа остида бирон ташбеҳ яширмаганини” эътироф этса ҳам ҳикоя руҳида катта мажозий мазмун мавжудлигини фаҳмлаш қийин эмас. Ҳикоялар тунда, туш шаклида баён этилади ва ҳар бирида асосий мажозий маънони ифодаловчи истиоравий предмет мавжуд. Булар “тош” ва “гул” замиридаги рамзлардир. Бу ҳикояларда муаллиф ровий сифатида намоён бўлади ва улардаги воқеаларга бевосита аралашмайди, балки ўзининг субъектив муносабатини бадиий матндан ташқарида баён этади.

Умуман, “тун” сўзининг рамзий маънолари матн талқинида тасвир ва ифода тизимида муҳим бадиий ва услубий вазифа бажариши билан диққатга лойиқдир.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Назар Эшонқулнинг “Тун панжаралари” қиссасидаги “тун” сўзи рамзий талқинларининг асар мазмуни ва бадииятидаги ўрни ёритилади.

РЕЗЮМЕ. В статье освещается роль символических толкований слова “ночь” в раскрытии содержания и художественности повести “Решетки тьмы” Н.Эшонкула.

RESUME. The symbolic expression of the word “night” in acquiring the content and the artistic features of narrative “The night cave” is analysed in given article.

Таянч сўз ва иборалар: рамзий-мажозий образлилик, реалистик анъанавий тасвир, модернистик ноанъанавий тасвир, талқин, поэтик кўчим.

Ключевые слова и выражения: символично-аллегорическая образность, реалистическое традиционное изображение, модернистское нетрадиционное описание, толкование, поэтическая метафора.

Key words and word expressions: symbolis-allegorical imagery, realistic-traditional images, description of modern untradition, explanation, poetic metaphor.

Актам САПАРОВ

ТАҚЛИДИЙ ВА ТАСВИРИЙ СЎЗЛАР ХУСУСИДА

Ҳар бир товуш маълум маънога эга бўлиб, уўз аксини сўзлар жарангосида топади. Сўз маъноларини ифода этувчи товушлар баъзида кучли, баъзида эса кучсиз таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Сўз таъсирининг кучайиши кўп ҳолларда бир товушнинг чўзилиши ёрдамида берилса, бошқа бир ҳолатларда товушлар бирлашиши орқали ифодаланади.

Фоносемантика соҳасида тадқиқот олиб борган А.П.Журавлёв сифат жиҳатидан говушларни 23 фоносемантик шкалага бўлади¹. Олим ҳар бир говушга маълум маъно хос эканлигини кўрсатади. Мазкур шкала бўйича говушлар яхши – ёмон, чиройли – жирканч, қувонч – қайғу, енгил – оғир, хавфсиз – қўрқинчли, ёрут – қоронги, катта – кичик, қўпол – майин, кучли – кучсиз, совуқ – иссиқ, ёрқин – хира, тез – секин, ҳаракатчан – сушт, қувноқ – маънос, содда – мураккаб, мард – номард, шовқинли – жим, текис – гадурубдуур, қудратли – нимжон, меҳрибон – шафқатсиз каби кўринишларда оппозиция ҳосил қилишини кўрсатиб беради. Тадқиқотчининг фикрича, фоносемантик шкалалар асосида говушларнинг киши психологик ҳолатига бўлган таъсирини аниқлаш мумкин.

Говушлар ўзига хос маъноларни акс эттириши ҳақида тўхталиб, Л.Л.Стишковская қушлар говуши тўғрисида шундай ёзади: “Қушларнинг овозлари ҳам турли хилдир. Уларнинг овозларида ёв яқин ёки узоқда бўлганлиги, хавф даражаси қандай эканлиги ҳақида маълумот жамланган бўлади. Говуқлар қандай душман ва у қайси томондан ҳужум қилиши мумкинлиги тўғрисида аниқ маълумот бера олади”². Шунингдек, олима термитлар, чумолилар, ёввойи чўчка, бугу, айиқ, юмронқозик ва бошқа бир талай ҳайвонлар овоз маъноларининг талқинини берган. Мазкур манбага асосланадиган бўлсак, ҳайвонот дунёсида ҳам ҳар бир говуш ўз семантикасига эга эканлигининг гувоҳи бўлаемиз. Буни ит ҳуришига тегишли *вов* ва *ак-ак* каби икки тақлидий сўзни ифодаловчи говушлар мисолида кўриб чиқиш мумкин. Мазкур говушлар маъноси вариант шаклида, яъни *вов-вов* ва *ак-ак* ҳосила тақлидий сўзларда намоён бўлади. Бу ҳолатда говушлар ўзларида маълум семантик кодга эга. Агарда биринчи ҳолатда *вов* говуши бу говуш катта итга тегишли ва ундан қўрқиш керак деган кодланган маълумотни ўзида мужассам қилган бўлса, иккинчи ҳолатда эса, яъни *ак-ак* говушига аҳамиятга эга бўлмаган кичкина ит ҳуриши ҳақида маълумот киритилган. Демак, мазкур кодланган говушлар тегишли семалар билан ажралиб туради.

Бу ерда итлар ҳуришларида юзага келган тегишли позицион дублет говушдаги семалар ҳақида гап боради. Мазкур семалар ўзига хос бир-бирдан фарқланувчи маълумотни ифодалайди. *Вов-вов* ҳуриш катта итга хос бўлиб, у қўрқитиш семасига эга бўлса, *ак-ак* ҳуриш кичкина итга тааллуқли бўлиб, унда қўрқитиш семаси ўз таъсир кучини йўқотганини ёки говушнинг қўрқитиш маъноси кескин пасайиб кетганини кўриш мумкин. Бундай семаларга эга говушларни юборувчи субъект ва уни қабул қилувчи объект бир информатсион майдонда бўлади. Субъект кодлаштирилган маълумотни юборса, объект уни, яъни кодни ўз тажрибаси асосида ечишга ҳаракат қилади ва шундан келиб чиқиб, ушбу говушларга тегишли муносабат билдиради.

Қайд этиш керакки, тақлидий сўзларни ифодаловчи говушлардаги қўрқитиш маъноларининг юзага келиши *о* ва *а* говушлари билан боғлиқ. Бу говушлар ўзига хос семаларни ифода этиш билан изоҳланади. Шу билан бирга, қўрқитиш семасини шақллантиришда мазкур яққа говушлар билан бирга говушлар мажмуаси иштирокини инкор қилиб бўлмайди.

¹ Журавлев А.П. Фонетическое значение. Л.: Изд-во ЛГУ, 1974. С. 164.

² Стишковская Л.Л. О чем говорят животные? М., 1980.

Масалан, *вов* товушлар мажмуасида кўрқитиш семаси нафақат о товуши, балки унда иштирок этган иккита ундош ва унли товушлар ёрдамида ҳосил бўлганлигини кўриш мумкин. Шундан келиб чиқиб, қайд этилган якка товушлар фоносемантик шкаласинигина эмас, балки тургун мажмуали товушлар фоносемантик шкаласини ҳам тузиш керак деган фикр устида ҳам ўйлаб кўриш керак. Чунки кўрқитиш семаси нафақат якка товушларга, балки тургун бўлган мажмуали товушларга ҳам хос. Масалан, лабланган о товушида, олимларнинг кузатишича, кўрқитиш семаси мавжуд. Шу билан бирга, мазкур мисолда бу сема икки ундош товуш семалари билан бирга келганда фоносўз сатҳида мажмуали товуш семаси кучайиб кетганлигини кузатиш мумкин.

Якка ва мажмуали товушлар семаларининг таъсир даражасини *шақ* ва *шиқ* тақлидий сўзлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Мазкур сўзларда шовқинли якка *ш* товуши шовқин чиқариш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли диққат-эътиборни ўзига қаратиши билан ажралиб туради. Шу билан бирга, тақлидий сўзларни ифода этувчи мажмуали товушлар нейтрал семага ҳам эга бўлади. Амалда *шақ* ва *шиқ* тақлидий сўзлар якка ҳолатда келса, улар нейтрал маънога эга бўлади. Агар улар дублет шаклда келса, алоҳида маъно касб этади. Масалан, *шақ* ва *шиқ* тақлидий сўзларни ифодаловчи товушлар деярли дублет, яъни *шақ-шақ* ва *шиқ-шиқ* шаклида келиши уларнинг бир-биридан фарқланувчи таъсир даражасини ошириб юборади.

Комплекс товушларнинг бундай хусусиятидан чақалоқнинг диққат-эътиборини жалб қилиб, уни овунтириш учун шу товушларни чиқарувчи ўйинчоқлар ясалган. *Шақ* ва *шиқ* товушлар табиатидан келиб чиқсак, айтиш мумкинки, шу товушларга асосланган деривативлар ифода этиб келган шақилдоқ ва шиқилдоқ ўйинчоқлар бир хил эмас, балки икки хил товуш чиқариб, бир-биридан фарқланувчи болалар ўйинчоқларидир. Қайтариқ *шақ-шақ* товуш(лар) туфайли шақилдоқ ўйинчоги қаттиқ таъсир кучига эга бўлса, шиқилдоқ ўйинчоги чиқарадиган товушнинг кучи анча паст ва у чақалоққа шақилдоқ товушидан кўра бошқача, яъни юмшоқроқ таъсир кўрсатади. Бу фоник ҳолатнинг сабабини *шақ* товушидаги қаттиқ *а* фонема ва *шиқ* товушидаги юмшоқ *и* улардан олдин турган шовқинли сирғалувчи *ш* товушига таъсир қилиш натижасида шакланган қаттиқ ва юмшоқ эшитиладиган товушлар билан изоҳласа бўлади.

Шақ тақлидий сўзининг шовқин чиқариш хусусияти *олашақшақ* деривативининг пайдо бўлишида ҳам иштирок этган. Мазкур сўзнинг таъсир кучи *шақ* тақлидий сўзининг такрорланиши орқали таъминланган. Агар *шақ* тақлидий сўзида таъсир кучи юқори бўлса, ҳосила сўзда эса шовқин чиқариш семанинг доминант хусусияти пасайиб кетганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолатни шу каби фонетик трансформацион жараёнлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, шовқинли чўзиқ *ш-шиш* товуши *шамол*, *қамиш*, *шитир* каби ҳосила сўзларда келиб, уларнинг барчасида шовқин, шовқинли, шовқин чиқармоқ каби бош сема мавжуд. Шу билан бирга, *ш-шиш* товушида шовқин сема юқори бўлса, аммо қуйидаги иккиламчи *шамолламоқ*, *шамоллаб қолмоқ* ҳосила кўчим сўзларда шовқин чиқармоқ семаси йўқолиб кетганлигини кузатамиз. Демак, тақлидий сўзлардан ҳосил

бўлган тил бирликларини икки гуруҳга бўлса бўлади: 1. Тақлидий сўзлар семаси қолган дериватлар (*шақилдоқ, шақилламоқ, шамол*). 2. Тақлидий сўзлар семаси йўқолиб кетган кўчим сўзлар (*шамолламоқ, шамоллаб қолмоқ*).

Енгил қадам ташлаб юрганда ёки қоғоз ишқаланганда ҳосил бўладиган *шип* тақлидий сўзи кучсиз узуқ товуш ҳисобланади. Мазкур товуш *шипилламоқ, шипилдоқ, шиппак* каби ҳосила сўзларда ўз аксини топган. Шу билан бирга, бутовуш яна бир шаклда, яъни *суп* – *шип* инвариант кўринишда гиламни супурганда, ҳовлини шипирганда ҳам ҳосил бўлади. Агар бевосита сўзларни ҳосил қилувчи товушлар табиатидан келиб чиқсак, ушбу товушлар инварианти асосида *супурги* ва *шипирги* сўзлари ҳосил бўлган. Луғатларда *шипирги* сўзи ва унинг ҳосиласи бўлмиш *шипирмоқ* сўзи *диалект* белгиси билан берилган³. Фикримизча, бу ҳолатга бироз ойдинлик киритиш ўринлидир. Чунки товуш ҳосил бўлиш жараёнидан келиб чиқадиган бўлсак, унда бу сўзларнинг, яъни *супурги* ва *шипирги* дериватларининг ҳосил бўлишида мустақил товушлар, яъни (ш) ва (с) товушлари иштирок этганини кўриш мумкин. с товуши *супурги* деривативини ҳосил қилишда иштирок этган бўлса, ш товуши *шипирги* ҳосила сўзнинг пайдо бўлишида иштирок этган. Шундан келиб чиқиб, с сирғалувчи товуши бир сўзни ҳосил қилишда иштирок этган товуш бўлса, ш шовқин товуш бошқа мустақил сўзнинг фонетик структурасида иштирок этган. Демак, товушларнинг ҳосил бўлиш шароити бир хил эмас. Юқорида қайд этилганидек, с товуши хонадаги гиламни супурганда юзага келувчи товуш бўлса, ш шовқин товуши кўчани (*барг, хас-чўп* ва *ҳоказоларни*) катта шипирги билан шипирганда юзага келадиган товушдир. Бундан ташқари, бутунги кунда мамлакатимизда яшовчи аксарият ҳудудларда *шипирги* ҳосила сўзи фаол ишлатилиб келмоқда. Мазкур сўзнинг территориал нуқтаи назардан кенг ишлатилишидан келиб чиқадиган бўлсак, *шипирги* сўзини уй жиҳозини ифодалаб келувчи иккиламчи лексик бирлик, *шипирмоқ* сўзини диалект деб қарамасдан, балки адабий тил мақомига эга бўлган сўзлар қаторига киритиш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида ўзбек тилининг лексик қатламлар тизими янада такомиллашган бўлар эди.

Табиатда учрайдиган товушларнинг тил воситалари орқали акс этиши ўта мураккаб масаладир. Биринчидан, товушларнинг хилма-хиллиги бўлса, иккинчидан, тил имкониятларининг чекланганлиги. Шу сабабли баъзи бир товушлар аниқ ифодаланса, баъзилари тахминий ёки яқин шаклларда акс этади. Масалан, *қулогим шигирлаб* (респондетлар жавобларида *шингилаб кетди* жавоб варианты ҳам учрайди) кетди деган иборадан келиб чиқсак, қулоққа ш товуши эшитилади. Лекин мазкур товуш манбаи аниқ эмас. Қиёс учун фоник структурасида ш товуши мавжуд сўзларнинг келиб чиқиши маълум фоник сабабларга эга эканлиги ҳисобга олинса, қайд этилган ҳолат юзасидан махсус тадқиқот олиб бориш керак эканлиги аён бўлади.

Товушлар табиати уларнинг келиб чиқиши нуқтаи назаридан бир хил эмас. Гап ультратовушлар ҳақида бормоқда. Ультратовушлар ҳам ўзига хос товуш маконини яратади. Бу ультратовуш макони кўзга кўринмас, аммо таъсир кучига эга бўлади. Шу нуқтаи назардан жимжитлик ҳолати таҳлил

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 575–576-бетлар.

қилинса, унда олимларнинг “жимжитлик ҳар қандай товушнинг мавжуд эмаслиги, демак, унга тақлид қилиб бўлмайди” деган фикри бироз ҳақиқатга тўғри келмайди. Демак, жимжитликда ҳеч қандай товуш бўлмайди ва унга тақлид қилиб ҳам бўлмайди деган фикрни олдинга суриш баҳсли туюлади. Бизнинг қулогимиз доимо кўзга кўринмайдиган, аммо таъсир кучига эга бўлган ультратовушлар тўла муҳитда доимо бўлишлигини ҳисобга олсақ, мутлоқ жимжитликнинг ўзи табиатда йўқ. Балки шу туфайли ундов сўзи вазифасида келган *жим* ва *жимжитлик* деривативининг пайдо бўлиши ана шундай когнитив ҳолатлар натижасида юзага келган деган фикрни ҳам ҳақиқатдан холи эмаслигини эътиборга олиш керакми, деб ўйлаймиз.

Товушларга бевосита алоқаси бўлган образ ясовчи (ономопозетик) сўзлар ўзбек тилида ўзига хос бадийи вазифани бажариб келади. Ономпозетик сўзларда товуш ва ҳаракат (шакллар) ўртасидаги ўхшашликлар асосида предметлар, уларнинг ҳаракати, ҳолати, белгилари билан боғлиқ образ ясалади. Масалан, *йилт-йилт* (юлдузлар ўқтин-ўқтин нур таратиши ҳақида), *дикир* (*дик-дик* ҳаракат ҳақида), *жарақ-жарақ* (*олтин, кумуш пулларнинг ялтираши ҳақида*), *дир* (*нарса ҳаракат-тебраниши ҳақида*), *лов* (“қўққисдан”, “бирдан” каби тушунчаларни билдиради), *лов* (*кучли олов ва шу оловдөн чиққан товуш*), *лип* (*енгил ҳаракат ва тезликни ифодалайди*) каби ономпозетик сўзлар ана шулар жумласидандир.

Ономпозетик сўзларда камида икки ҳолат ўртасидаги боғланиш асосида образ яратилади. Масалан, *ялт*, *дикир*, *лип* тасвирий сўзларида ана шу жараённи кузатиш мумкин. Бу сўзларда биринчи аҳамиятли сема сўзлар ифода этган ўта қисқа ҳаракат бўлса, иккинчи сема шу ҳаракатга мос ўта қисқа кўриниш билан боғлиқдир. Шунингдек, *ялт*, *шилт*, *лов* тасвирий сўзларининг товуш қурилмаси алоҳида диққатга сазовор. Масалан, *ялт* сўзининг семантик тузилмасида дублет сема мавжуд, яъни қисқа ялтираш ва чақмоқнинг тезлик ҳаракатини акс эттирувчи семалар иштирок этган. Учинчиси, яъни чақмоқ товушини ифодаловчи сема мазкур тасвирий сўзнинг фоник тузилмасини ясашда иштирок этмаган. *Шилт* сўзи тақлидий сўз вазифасида келганда ҳаракат товуш билан қўшилиб келади. Мазкур сўз тасвирий сўз вазифасини бажарганда бу белгилар иштирок этмайди. Уларнинг ўрнини тезлик ва ҳаракат семалари эгаллайди. *Лов* сўзи яратган тасвир ҳам ҳаракат ва шу ҳаракат билан боғлиқ тезликка асосланган.

Демак, юқорида олиб борилган таҳлиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тақлидий сўзлар тузилмаси иккита сема – ҳаракат ва товуш семаларидан ташкил топган бўлса, ҳар қандай тасвирий сўз яратилганда дублет сема, яъни ҳаракат ва тезликни ифодаловчи семалар иштирок этади. Бу ҳолат тақлидий ва тасвирий сўзларнинг бир-биридан фарқловчи асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

Хулоса ўрнида қайд этиш керакки, тақлидий сўзлар ҳам, тасвирий сўзлар ҳам ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, улар тилимизнинг бойлигидан, кўп қирралигидан далолат беради. Бинобарин, уларнинг табиатини янада чуқурроқ тадқиқ қилиш тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада тақлидий ва тасвирий сўзларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлилга тортилиб, уларнинг тилимизнинг бойлиги ва кўпқирралигидан далолат бериши мисоллар тадқиқи асосида кўрсатилади.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируются специфические особенности звуко и образоподражательных слов, на примере доказывается, что такие слова свидетельствуют о насыщенности и многоплановости нашего языка.

RESUME. In the article the specificities of imitative and descriptive words are analyzed, they are researched as a proof of wealth and variety of language.

Таянч сўз ва иборадар: товуш, сўз, маъно, тақлидий сўзлар, тасвирий сўзлар, сема, ономопозтик сўзлар.

Ключевые слова и выражения: звук, слово, значение, звукоподражательные слова, образоподражательных слов, сема, ономопозтическое слово.

Key words and word expressions: sound, word, meaning, imitative words, interjection, sema, onomopoetic words.

Маҳбубахон ТЕМИРОВА

ЎЗБЕК ВА ҚИРҒИЗ ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИНГ ТИПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек ва қирғиз халқлари тарихи муштарак, келиб чиқиши ва илдизи бир туркий халқлардир. Қадим замонлардан ёнма-ён, кўп жойларда аралаш ҳолда яшаб келганлигидан улар ўртасида қон-қариндошлик муносабатлари чуқур илдиз отган, ҳар икки халқ маросимлари, урф-одатлари, турмуш тарзи бир-биридан фарқланмайди. Мана шундай иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт бирлиги икки халқ фольклори, хусусан, мақоллари ўртасида ҳам кўплаб ўхшаш қатламни юзага келтирган. Узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган кўп томонлама мулоқот ўзбекларда яратилган мақолларнинг қирғизлар ўртасида, қирғизларда яратилган мақолларнинг эса ўзбеклар ўртасида тарқалишига, уларнинг ҳар икки халқ паремиологик хазинасидан мустақкам ўрин олишига сабаб бўлган. Бу каби мақолларни кўплаб учратишимиз мумкин. Масалан:

Ўзбек халқида: “Ўлим борнинг молини сочар,
Йўқнинг сирини очар”¹.

Қирғиз халқида: *Өлүм бардын малын чачат,
Жоктун төшүн ачат*².

Ўзбек халқида: “Қарида хислат кўп”.

Қирғиз халқида: “Карыялар – касиет каймагы”.

Фольклор алоқаларининг типологик ўхшашликлар типига мансуб мақоллар ҳам учрайдики, улардаги образ ва мазмунда бир хиллик мавжуд бўлгани ҳолда синтактик тузилишида фарқланишни кўришимиз мумкин. Масалан:

Ўзбек халқида: “Тўйнинг бўлади-бўладиси қизиқ”.

Қирғиз халқида: “Тойдун болорунан болоту кызык”.

Ўзбек халқ мақолида тўй олдидан икки ёшни “унаштириш”, яъни “бўлади-бўладиси” қизиқлиги айтилмоқда. Чунки икки ёшни унаштириш расм-русумлари ҳам шунчаки ўтказилмайди. Тўйдан аввал “нон синдирди”, “фотиҳа тўй”, “идиш қайтди” каби кўплаб маросимлар ўтказиладики, буларнинг

¹ Ўзбек халқ мақоллари (Тузувчилар: Т.Мирзаев, А.Мусақулов, Б.Саримсоқов). Тошкент: Шарк, 2003. Кейинги мақоллар ҳам ушбу манбадан олинди.

² Маҳмуд Кошгарий. Девону луготит турк. 1-жилд. Тошкент: Фан, 1963. Кейинги мақоллар ҳам ушбу манбадан олинди.

барчаси тўйга қадар икки хонадонни бирлаштиради, икки ёшга чин дилдан “оқ фотиҳа” берилади. Шунинг учун ҳам “Тўйнинг бўлади-бўладиси қизиқ” дейилган. Қирғиз халқ мақолида ҳам образ ва мазмун деярли бир хил бўлса-да, лекин ундаги фарқли томони синтактик тузилишидадир. Унда тўйнинг бўлишидан кўра “бўладиси” қизиқ дейилмоқда. Қўйидаги урф-одатларга оид икки халқ мақолларида ҳам образ ва мазмун бир хил, аммо синтактик тузилишида бироз фарқланиш кўзга ташланиб турибди:

Ўзбек халқида: “Қизни бешикка сол,
Сепини сандиққа сол”.

Қирғиз халқида: “Қызды бешикке салганда,
Себин сандыкка сал”.

Ушбу мақоллардаги паремик образ ва мазмун муштараклиги иккала халқ урф-одатларининг бир хиллигини ва бадий тарихи муштарак заминга эғалигини аниқлатса, синтактик тузилишдаги фарқ уларнинг алоҳида-алоҳида яратилганлигидан далолат беради.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари типологиясини, уларнинг поэтик хусусиятларини ўрганишда бадийлиги жиҳатидан ҳам муштараклигини кузатамиз. Бу халқларнинг мақоллари аجدодларимизнинг бадий тафаккури самараси бўлиб, муайян воқеликдан чиқарган ҳукм-хулосаларини ифода этишда турли бадий образлардан, усул ва воситалардан фойдаланганлар. Мақоллар поэтикаси масаласи муҳим ва мураккаб бўлиб, бу жанрнинг ихчам шаклга эга бўлиши, бироқ ижтимоий-фалсафий мазмуни чуқур экани билан белгиланади. Бу мураккаблик ихчам шаклда чуқур мазмунни ифодалаш билан боғлиқдир.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларини қиёсий ўрганиш, турли жиҳатлардан кенг тадқиқ этиш ҳар икки халқнинг турмуш тарзи, дунёқарашини, дунё ва инсон ҳақидаги доно ҳукмларини, уларнинг тасаввурлари, эътиқоди, фалсафий ва бадий тафаккури ўртасидаги муштараклик ҳамда тафовутларни аниқлаш имконини беради.

Мақолларнинг поэтик формаси шеърини ўлчов, ҳижо, қофия, ассонанс, эллипсис каби бадий воситаларнинг қўлланишини текширишни талаб қилади. Ўзбек халқ мақоллари, шунингдек, қирғиз халқ мақоллари ҳам структурал жиҳатдан икки хил шаклга эга: насрий ва назмий.

Мақолларда тасвирий ифода воситаларидан фойдаланилганда, матннинг бадий-эстетик таъсирчанлик функцияси ортади. Ўзбек, шунингдек, қирғиз мақоллари нутқда фаоллашганда, нутқ жараёнини гўзаллаштиради, образли ифода тингловчида ўзига хос бадий завқ пайдо қилади. Бадий-эстетик таъсирчанликни юзага чиқаришда ўхшатиш, сифатлаш, ритмик-синтактик параллелизмлар, аллитерация, анафора, сажъ, гипербола, антитеза, метафора, метонимия, синекдоха каби кўплаб воситаларнинг ўрни катта.

“Қўйни серка, ўйинни эрка бошлар” мақолида икки хил вазият, икки хил ходиса намоён бўлади. Қирғиз халқ мақолида қўйидагича: “Қойду серке баштайт, оюнду эрке баштайт”. Ҳар икки мақолнинг синтактик тузилиши ва мазмуни деярли бир хил. Бундай мақолларнинг юзага келишида ҳар икки халқнинг турмуш тарзи, яшаш шароити омил бўлган дейиш мумкин. Қўй чорвачиликдаги энг асосий ҳайвон тури бўлиб, подани одатда серка етаклаб юрган. Бундай ҳолатни кузатиш асосида халқимиз ўзининг тажрибаси

мисолида юқоридаги мақолни баён этган. Мақолнинг иккинчи компоненти инсонларга нисбатан айтилган бўлиб, унда рақс, ўйин даврасига уялмайдиган, хижолат чекмайдиган – эрка одам чиқиши айтилади.

Ўзбек ва қирғиз мақолларида бадий усулларнинг қўлланишида ҳам ўзига хос яқинлик мавжуд. Кўчим турларидан метафора мақолларда кўп қўлланади. Ўзбек халқида “Яхши хотин – хазина”, “Аччиқ – душман, ақл – дўст”, қирғиз халқида “Жакшы аял – дөвлөт”, “Ачуу – душман, акыл – дос” каби мақолларда тавсифланаётган тушунча, предмет, ҳодиса кўчма маънода муайян тушунчага ўхшатиламоқда.

Мақоллар негизида кўпинча метафора туради. Маълумки, метафорада бир предметнинг белги-хусусиятлари иккинчи предметга ташқи ўхшашлик асосида кўчирилади. Улар ўртасидаги ўзаро ўхшашлик ўхшатиш (ташбеҳ)-дан фарқли бўлади. Юқоридаги мақолларда яхши хотин гўё хазина экани, иккинчи мақолда аччиқ (яъни жаҳл) – душман (одам), ақл – дўст (одам) эканлиги тушунилади. Мақолда гарчи гўё, каби сўзлари қўлланмаса ҳам мақолнинг мазмуни англашилади. Метафоранинг ўхшатишдан фарқи ҳам ўхшатиш воситасининг иштирок этмаслигидир.

Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари ўзига хослиги, такрорланмас бадий тизими жиҳатидан яққол ажралиб туради. Халқ донолигининг образли ифодаси – мақоллар мураккаб поэтик бутунлик бўлиб, бир неча компонентларнинг узвий бирикмасидан ташкил топади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ўзбек ва қирғиз мақоллари поэтик ва ифода хусусиятига кўра бой ва турли-тумандир. Мақолга хос образларни халқ атрофидаги борлик ҳодисалар, реал ҳаёт воқеаларидан олиб яратганлиги жиҳатидан улар ўзига хос миллидир. Ўзбек, шунингдек, қирғиз халқ мақолларида мазкур халқларга тегишли тарихий қайдар, ижтимоий муносабатларнинг акс садоси, урф-одат ва анъаналар, маиший ҳаётининг ўзига хосликлари ва ҳуқуқий мезонлари ўз аксини топган. Мақолларда ушбу халқлар тарихий тадрижининг турли босқичларидаги моддий ва маънавий маданияти намоён бўлади. Мақоллар гоёвий-мазмуний жиҳатдан ҳам ўзига хос ва тузилиши мураккабдир. Ўзбек ва қирғиз халқ мақоллари қисқа, ихчам, образли ифодага бой, насрий ва назмий кўринишга эга.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг генетик яратилиши, бадийлиги, мазмун-моҳиятидаги хулосаларининг ўзаро муштарақлиги таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В статье проанализированы генетическое происхождение узбекских и киргизских пословиц, их художественность и взаимное соответствие с точки зрения содержания.

RESUME. The article analyzes the genetic origin of Uzbek and Kyrgyz proverbs, their artistic quality and mutual consistency in terms of content.

Таянч сўз ва иборалар: мақол, типологик ўхшашликлар, мазмун, образ, синтактик тузилиш, бадий тасвир воситалари.

Ключевые слова и выражения: пословицы, типологическое сходство, содержание, образ, синтаксическое строение, средства художественного изображения.

Key words and word expressions: proverb, typological analogy, image, syntactic structure, features of literary images.

Дилдора ТОШЕВА

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДАГИ ТУЯ ЗООНИМИ

Ўзбекистон ва дунё мамлакатлари орасида азалий иқтисодий, илмий ва маданий алоқалар мавжуд бўлиб, уларни биз тарих зарварақларининг турли саҳифаларида учратишимиз мумкин. Чунончи, қадимда ва ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб мамлакатларини ўзаро боғлаган, қитъалараро қарвон йўли вазифасини бажарган Буюк ипак йўлининг турли халқлар, миллат ва элатларни бирлаштириш, савдо-сотик, хунармандчилик сир-асрорлари билан ўртоқлашиш ҳамда маданий алоқаларни такомиллаштиришдаги аҳамияти беқиёсдир. Европа ва Осиё мамлакатларини ўзаро боғлаган бу қарвон йўли асрлар давомида Ўрта ер денгизидан Хитойгача бўлган ҳудуддан ўтган. Уни бунёд этган халқлар ҳақидаги хотиралар қадимий Ўзбекистон шаҳарлари Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкент каби ҳудудларда қад ростлаган меъморчилик намуналарида муҳрланиб қолган.

Буюк ипак йўлининг асосий вазифаси савдо-сотик ишларини амалга ошириш бўлиб, юкларни ташиш ва кўзланган манзилга элтиш учун туялардан асосий транспорт воситаси сифатида фойдаланилган. Шу аснода халқ орасида *Йўлда юрсанг туя ишлаб, элда юрсанг – мия* мақоли шакланган бўлиб, у аجدодларимиз томонидан қолдирилган ўғитлардан бири саналади. Зеро, бирор манзилга етишни кўзлаган шахс туя ёрдамида ҳаракатланса, иши тез ва осон битади.

Азал-азалдан саёҳат қилиш, жаҳонгашталиқ ва дунё янгиликларидан воқиф бўлиш тараққиёт гарови ҳисобланган. Уста-хунармандлар савдогарлар ва қарвонбошилардан эшитганларини амалда синаб кўришган ва шу тариқа янги санъат асарлари вужудга келган. Шунингдек, буюк аллома ва тадқиқотчилар ҳам қарвонларга қўшилиб юрт кезганлар ва дунёвий билимлардан сабоқ олганлар. Турли халқлар ва элатларда амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар самараси ва бебаҳо асарлар қўлёзмаси ҳам қарвон йўллари орқали айирбошланган. Қарвон йўллари таъсирида яратилган ўзбек халқ мақоллари талайгина бўлиб, улар ўша давр руҳияти, муайян қарашларини ифодалашда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз огирлигининг ярмига тенг келадиган юк кўтара олиш қобилиятига эга бўлган туя қадимдан қарвон йўллари ҳамда кўчманчи халқларнинг кундалик ҳаётида кенг қўлланилган. 35–40 йил яшайдиган катта туяларнинг огирлиги 500–800 кг бўлган. Шу маънода ҳазил тариқасида *Туя қанча бўлса, жиҳози – ўшанча* мақоли қўлланилган. Шунингдек, *Туя силкинса, эшакка юк чиқар; Туя қочиб юкдан қутулмас; Туя тилини қарвон билар; Йигитни ор ўлдирар, туяни – сарбон; Ёмон йўлдан юрган туя чўқар* каби мақоллар ҳам айнан қарвон йўллари фаолияти давомида яратилган бўлиб, мақолнинг денотатив семасида туянинг машаққатли меҳнати назарда тутилган бўлса, коннотатив сема халқ ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларини ёритишга хизмат қилган.

Туя элакка қолганда бўкирибди; Туя элакка қолганда “вой белим” дебди; Бутун рўзгорни кўтарган туяга битта элак огирлик қилибди; Туя элакка қолганда оқсар мақоллари орқали киши бошига огир иш тушган ва қаттиқ азият чекаётган бир вақтда ўринсиз айтилган ҳар қандай гап ҳам “охирги томчи” бўлиши мумкинлигига ишора қилинади.

Туя минган узоқни кўзлар, эшак минган – яқинни; Туя манзил кўрар, эшак – оёгин остини; Туяга минсанг, узоққа кўз ташлаб юр; Туяга мингач, узоқни ўйла; Эшак миниб туёқ тагини кўрма, туя миниб олис-олисни кўзла мақолларида ақл-идроки баланд, мулоҳазали, кўпни кўрган ва ўқимишли кишилар билан калтафаҳм, бефаросат кимсаларнинг бажарадиган амаллари ва айтадиган гапларидаги тафовутга урғу берилади. Негаки биринчи тоифа вакиллари узоқни кўзлаши ва орқа-ўнгини ўйлаб иш тутиши, “етти ўлчаб бир кесиши” билан кишида қанчалик ҳавас ҳиссини уйғотса, иккинчи тоифага кирувчиларнинг ўйламасдан, оқибати қандай кечилиши ҳақида фикрламасдан, калтабинлик ва шошмашошарлик билан иш юритиши инсонни шунчалик ўзига нисбатан танқидий қарашга ва бу каби камчиликларни бартараф этишга ундайди.

Туя чўкса, туки қолар, агар ўлса, юки қолар мақоли ҳам халқнинг фалсафий фикрлари таъсирида яратилган. Мақолдаги туя – эр йигит, юки – фарзанд, туки – инсон ҳаёти давомида қилган ишлари ва амалларидан орттирган ном, босган қадамлари сарҳисоби маъносини англатади. Яъни йигит киши умри давомида қилган ишлари ва амалларини билиб содир этмоғи лозим. Токи ёш авлодга ўрناк бўлсин. Шунингдек, ўздан кейин насл-насаби ва уругини давом эттирадиган муносиб авлодни тарбиялаб қолдириш ҳам эркак киши зиммасидаги масъулиятли вазифа саналади.

Туя образи иштирокидаги мақолларнинг аксариятида оилавий муносабатлар, меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, ибрат каби тушунчалар ёритилган бўлиб, улар баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Қаторда нори борнинг ори бор мақолида фарзанд ота-онанинг ор-номуси, умиди ва шаъни эканлигига ишора қилинган. Яъни фарзанди муваффақияти ота-онанинг ёнги бутун оила, эл-уруғ, таниш-билишнинг муваффақияти, гурури ва шаънидир. Нор йўлида юк қолмас мақолида эса нор – ўғил фарзандни, юк – рўзгор юмушларини ифодалаган. Яъни ўғил бор хонадонда ҳеч қандай оғир юмуш қолмайди. Фарзанд ота-онаси қаватига кириб, уларнинг оғирини енгил, йўгини бор қилади.

Бақироқ туянинг бори яхши, бақириб тургани ундан ҳам яхши; Бақироқ туя норингдир, бақироқ ота мадорингдир каби мақол вариантларида эса бақироқ туя образи мисолида ҳадеганда жони ачиб фарзандларига тўғри йўл кўрсатиш мақсадида панд-насихат бераверади ота-оналар тасвирланган. Уларни борида қадрлаш, эъзозлаш ҳамда беминнат кўрсатмаларига вақтида амал қилиш лозимлиги мақол замиридаги тағмаъно орқали халққа баён этилган. Шунингдек, Туя қариса, бўтасига эргашар мақолида ўзбек миллатига хос ментал хусусиятлар ёритилган. Яъни ёшлигида бор-йўғи, қалб-қўрини фарзандларига бағишлаган инсон кексайганда улар меҳри ва ғамхўрлиги билан яшайди. Оила ҳамжиҳатлиги ота-она ва фарзандлар муносабати инъикосидир.

Ёлғиз туя бақироқ бўлар, ёлғиз бола йиғлоқ бўлар мақоли халқимиздаги бирдамлик, ҳамжиҳатлик каби ғояларни илгари суришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек халқининг бир қатор мақол ва маталларида инсонлар ҳамиша бирдамликда, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечириши лозимлигига ишора қилинган. Ёлғизга ёмон илашар, дея таъкидланган. Зеро, ёлғиз ўсган бола зерикканидан, нима қиларини билмасдан инжиқ ва одамови бўлиб қолади. Саал нарсаса бақиравериб, йиғлайвериб атрофидагиларни хавотирга қўяди.

Шу боис доно халқимиз чақалоқ туғилган кундан бошлаб яқинлари меҳри, қувонч ва шодлиги қуршовида бўлиши лозим, дея таъкидлайди.

Туя тимсоли иштирокидаги ўзбек халқ мақоллари орасида қадим анъана ва одатларни ифода этадиган, уларга нисбатан халқ талқинлари, қарашларини баён қиладиган намуналар ҳам мавжуд бўлиб, бу мақоллардан халқ дунёқараши, фикрлаш доираси, тасаввур олами ва ҳаёт ҳақиқатини англаш мумкин.

Қиз узатиш ва ўғил уйлантириш каби халқ маданий ҳаёти намуналари бир қатор ўзбек мақолларида ўз ифодасини топган. Бугунги кунда улар мақол яратилган давр руҳияти, урф-одат, анъана, расм-русумларини келажак авлодга етказиб беришдек муҳим амалий аҳамият касб этади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бу каби мақоллар бугунги авлодни мавжуд вазиятни тўғри баҳолашга, ўтмишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни такрорламасликка ундайди. Қуйидаги мақолда ҳам ўзбек уруғлари ҳамда улар фаолиятидаги қатъий тартиб-қоидалар намоён бўлган. Қадимдан ўзини хўжа санаган уруғ орасида шундай бир анъана мавжуд бўлганки, унга кўра хўжа фақат мазкур уруғга мансуб киши билан қариндошлик ришталарини боғлаши мумкин эди. Натижада хўжа қизларнинг ўз тенгини топиши қийин бўлиб, аксарият ҳолларда улар турмушга чиқмай ёлғиз ўтган. Шу боис халқ орасида *Туянинг думи ерга тегар, хўжанинг қизи эрга тегар* мақоли яратилган. Табиатан туянинг думи жуда калта бўлиб, у ерга тегмайди. Шу сабабли доно халқимиз ҳеч қачон амалга ошмайдиган воқеа-ҳодисалар, “хом хаёл” ва рўёга нисбатан юқорида келтирилган мақолдан фойдаланади.

Азалдан халқимизда қиз узатганда унга рўзгор юритиш учун зарур нарсаларни ҳам қўшиб бериш анъанаси мавжуд бўлган. Фарзанди саодатини кўзлаган ота-она шу йўсинда янги оилага ёрдам қўлини чўзган. Шу маънода “сепли қиз – эпли қиз”, дея алоҳида эътироф этилган. Аммо сепли қизлар учун сўраладиган қалин пули ҳам шунга яраша бўлиши *Саксон бия, саккиз туя – сепли қизнинг қалини* мақоли мисолида ёритилган.

Маълумки, Осиё халқларида қадимдан ўн икки ҳайвон номи билан аталадиган йил ҳисоби тақвими (мучал) мавжуд бўлган. Халқ орасида танлаб олинган ушбу ҳайвонлар ҳақида турли қарашлар мавжуд бўлиб, улар ўзбек халқ мақолларида ҳам ифодаланган. *Гавдасига мағрур туя мучалга кирмай қолибди; Туя бўйига ишониб йилдан қуруқ қолибди* мақолларининг келиб чиқиши ҳам мучал билан боғлиқ бўлган халқ афсоналарининг бирига бориб тақалади. Айтишларича, одамлар ўн икки йилни бир мучал деб атаб, шу йилларнинг ҳар бирига бирор ҳайвоннинг номини қўймоқчи бўладилар ва жонзотларнинг ҳаммасини дарё бўйига ҳайдаб келадилар. Сувдан чиққан дастлабки ўн икки ҳайвон номи билан мучал номларини белгилашга келишадилар. Шунда туя бўйига ишониб: “Биринчи йил бизнинг номимиз билан аталади-да!”, дея мағрур келаверади. Ҳамманинг оёғи остида қолиб кетаётган сичқон дарров туянинг қулоғи устига чиқиб олади. Шу тариқа биринчи кўзга ташланган ҳайвон сичқон бўлиб, йил ҳисоби унинг номи билан бошланади. Содда ва ўзинча мағрур туя эса бўйига ишониб йилдан қуруқ қолиб кетади.

Ўзбек халқида табиат ҳодисалари ҳамда уларга алоқадор тушунчалар ифодаси учун хизмат қилувчи халқ башорати кўринишидаги мақоллар ҳам мавжуд бўлиб, улар халқнинг узоқ йиллик кузатишлари ва ҳаётини

тажрибалари асосида яратилган бирликлардир. Туя ўйин тушса, қор ёғади мақоли ҳам халқ донолиги ва асрлар давомида амалда бўлган халқ башорати намуналаридан биридир. Мақол мазмунига туянинг ноодатий ҳаракатланиши асос бўлган. Табиатан сезгир ва иссиқсевар туя ҳаво совниши ҳамда ёғингарчиликни олдиндан ҳис қилиб, безовталана бошлаган. Мазкур ҳаракатни кузатган халқ туянинг ноодатий ҳаракатланишини "туя рақси" дея баҳолаган ва у ёғингарчилик нишонаси сифатида талқин қилинган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўзбек халқ мақолларидаги туя тимсоли оғир-босиқ, вазмин, мушоҳадали, меҳнатқаш, итоаткор ҳамда қайсар инсонлар табиатига хос жиҳатларни ифодалашга хизмат қилиб, ўзбек халқи ва миллатига хос инсоний фазилатлар, азалий анъана ва қадриятлар тасвирида муҳим аҳамият касб этади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Шарқий ва Марказий Осиёда азалдан мавжуд бўлган урф-одат, анъаналар, уларнинг шаклланиш омиллари ҳамда ўзбек тилидаги "туя" зооними иштирокидаги мақолларнинг лисоний-маданий таҳлили келтирилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье даны сведения об обычаях, традициях, издавна существовавших в Восточной и Центральной Азии, причинах их формирования, а также приведён лингвокультурологический анализ пословиц с участием лексемы "верблюду" в узбекском языке.

RESUME. In this article information about customs, traditions, long since existing East and the Central Asia, the reason of their formation are given and also is given linguoculturological analyze of proverbs with lexeme "camel" in the Uzbek language.

Таянч сўз ва яборалар: халқ оғзаки ижоди, мақол, парема, тадқиқот, семантика, сема, ижобий сема, салбий сема, зооним, лингвокультурология.

Ключевые слова и выражение: устное народное творчество, пословица, парема, исследование, семантика, сема, положительные семы, отрицательные семы, зооним, лингвокультурология.

Key words and word expressions: folklore, a proverb, paremia, research, semantics, seme, positive semes, negative semes, zoonym, linguoculturology.

Меҳриноза АЛИЕВА

ДИЗАЙНЕРЛИК ТЕРМИНЛАРИДА СЕМАНТИК МАЙДОН

Кейинги йилларда ижтимоий тараққиёт натижасида жамиятнинг барча соҳаларида бўлгани каби, санъат оламида ҳам янги йўналишлар майдонга келди. Бунинг натижасида тилимизда янги тушунчаларни ифодаловчи янги-янги сўзлар пайдо бўлдики, уларнинг тадқиқи тилнинг энг ўзгарувчан соҳаси бўлган лексика системасини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Шу сабабли "Санъат" майдони таркибига кирувчи ва бугунги кунда янгилик бўёғи билан йўғрилган "Дизайнерлик" микромайдонини изчил тадқиқ этиш ҳозирги ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

XIX асрга келиб физикадаги майдон назарияси таъсирида тилшуносликда ҳам "майдон" тушунчасининг назарий талқини юзага келди. Майдон назариясининг тилшуносликда пайдо бўлиши ва мустаҳкамланиши Й.Трир, Л.Вейсгербер, В.Порциг, Г.Ипсен, Л.Йоллес, Ф.Дорнзейф, В.Вартбург каби олимлар номи билан боғлиқ. Улар семантик майдон асосида тил бирликларини таҳлил қилиш методологиясини ишлаб чиққан эдилар. Кейинчалик бу назария А.А.Уфимцева, Н.И.Филичёва, Ю.Н.Караулов, Г.С.Шчур

сингари рус олимларининг ишларида янада кенгрок ривожлантирилди. Г.С.Щурнинг таъкидлашича, тилшуносликда “майдон” тушунчаси иштирок этган терминлар сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин: функционал-семантик майдон, морфемик майдон, фонетик майдон, сўз яшаш майдони, лексик майдон, микромайдон, кўплик майдони, нисбат майдони, вақт майдони, компаратив майдон, бирлик майдони, ҳаракат майдони, ўрин майдони, квазиомайдон, инкор майдони, трансформацион майдон, фаолият майдони, ҳолат майдони кабилар¹.

XX асрнинг 70–80-йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида ҳам система (майдон) талқини билан боғлиқ равишда кўпгина илмий-назарий қарашлар пайдо бўлди. Ўзбек тилшунослигида лексикани семантик майдон асосида ўрганиш тилимизга систем-структур методларнинг кириб келишига бориб тақалади. Мазкур йўналиш бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишларини шартли равишда учта гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Систем тилшунослик ва систем лексикологиянинг умумий назарий масалаларига бағишланган илмий-тадқиқот ишлари.
2. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларини тадқиқ қилиш асосида лугатлар ва глоссарийлар яратиш.
3. Семантик майдон назарияси асосида соҳалараро алоҳида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш.

Биринчи йўналиш бўйича Ш.Раҳматуллаев (семема ва фразема), Э.Бегматов (лексик қатламлар), И.Қўчқортоев (сўз маъноси ва валентлиги), Н.Маҳмудов (семантик-синтактик асимметрия), А.Нурманов (тил сатҳларини системавий тадқиқи этиш), Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар (систем лексикология асослари)нинг илмий тадқиқот ишлари ўзбек тили лексикологиясини янги сифат босқичига олиб чиқишда катта аҳамиятга эга бўлди².

Синтактик бирликлар фақат шаклий жиҳатдангина эмас, балки мазмуний жиҳатдан ҳам ўзаро боғланади. Жумладан, ҳар қандай тушум келишигидаги отнинг ўтимли феъл билан грамматик боғланиши шаклий жиҳатдан тўғри. Аммо мазмуний жиҳатдан боғланиши доимо ҳам мумкин бўлмайди. Мисол тариқасида *тўқимоқ* ўтимли феълнинг боғланиши мумкин бўлган сўзларни таҳлил қилиб кўрайлик. *Тўқимоқ* ўтимли феъли қўлда тўқиладиган буюмлар номи билан боғланади. Масалан, *пайпоқни тўқимоқ*, *рўмолни тўқимоқ*, *гилаи тўқимоқ* каби. Лекин ҳар қандай тушум келишигидаги отнинг *тўқимоқ* ҳоким бўлагига боғланаверишига мазмун йўл қўймайди. Масалан, *одамини тўқимоқ*, *нонни тўқимоқ*, *уйни тўқимоқ* каби.

Тушум келишигидаги тобе қисм билан ҳоким қисм тўғри боғланиши учун мазмуний мосликка эга бўлиши керак. Уларни боғлаш учун шундай умумий сема бўлиши керакки, бу сема тобе ва ҳоким қисмларга тааллуқли бўлиши

¹ Щур Г.С. Теория поля в лингвистике. М.: Наука, 1974. С. 19–21.

² Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. Тошкент: Фан, 1984; Нурманов А., Шахобиддинова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий морфологияси. Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. 2–39-бетлар; Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 6-сон, 35–40-бетлар; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. НДА. Тошкент, 1997; Орифжонова Ш. Ўзбек тилида лугавий градуонимия. НДА. Тошкент, 1996; Қиличев Б. Ўзбек тилида партонимия. НД. Тошкент, 1997; Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке. АКД. Ташкент, 1990.

шарт. Ана шу умумий сема тобе ва ҳоким қисмларнинг мазмуний боғланиши учун асос бўлади. Демак, *тўқимоқ* феъли фақат тўқиладиган буюмлар мазмуний майдонига кирувчи сўзлар билан боғлана олади.

Систем-структур йўналишда диалектика қонуниятлари асосида лексемаларни бир ерга жамлаш, уларни алоҳида мавзуй гуруҳларга ажратиш, шу гуруҳ ичидаги бошқа аъзолардан маълум бир белгилар асосида фарқланиши сабаблари ўрганилади.

Диалектика тушунчасига кўра объектив олам оддийдан мураккабга қараб гуруҳларга бирилашувчи ва шу билан бирга бу гуруҳлар ўз ичида яна майда бўлақларга бўлиниш хусусиятига эга бўлган мураккаб системадир. Масалан, “Кийим дизайнерлиги” термини майдон компонентларини гипергипонимик (жинс-тур) муносабатига кўра қуйидаги мазмуний гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Газлаамалар гуруҳи: *атлас* (ипак мато), *габардин* (қалин ташқи томонига йўл чиқарилган мато), *деним* (жинси сифатида ишлатиладиган пишиқ ип мато), *жаккард* (мураккаб нақш билан тўқиладиган мато), *коверкот* (тўқ рангли асосга майда нуқтачалар туширилган мато) каби.

2. Стил ва микростиль гуруҳи: *стиль*, *авиатор стиль* (уринганлик, эскирганлик белгисига эга эркин турувчи кийим), *андроген стиль* (эркаклар стили), *Бруталь стиль* (шакларнинг қатъийлиги), *витраж стиль* (ўтган замон модаларини замонавий аранжировкада бериш), *диффуз стили* (ҳар хил стилларнинг аралашishi) каби.

3. Белбоғли кийимлар гуруҳи: *шим*, *юбка* (калта юбка, узун юбка, клеи юбка, трапеция юбка, безакли юбка, варваракли юбка), *шорти* (калта шим) каби.

4. Устки кийим гуруҳи: *пальто*, *костюм*, *жилет* (эркакларнинг енгсиз уст кийими), *кардиган* (жун матодан, ёқасиз, тугмали, олди катта очиқ жакет), *мандарин* (хитой, корейс услубида тикилган жакет) каби.

5. Бош кийим гуруҳи: *дўппи* (миллий бош кийим), *бейсболка* (эргомик шаклдаги спорт кепкаси), *телпак* (қишки мавсумда кийиладиган бош кийими), *берет* (юмалоқ шаклдаги бош кийими).

Биринчи гуруҳда *газлама* жинсни билдирса (яъни гипероним бўлса), унинг турлари (яъни гипонимлар) сифатида юқоридаги мисоллар келтирилган. Аммо бу келтирилган мисолларнинг ҳам турлари (яъни уларнинг ҳам гипонимлари) мавжуд. Биринчи гуруҳни биз бирламчи жинс-тур муносабатига киритсак, унинг таркибида иккиламчи жинс-тур муносабати бор. Масалан, *атлас* лексемаси тур (гипоним) сифатида газлама жинсига (гиперонимига) кирса, атласнинг ўзи жинсни билдирганда (гипероним бўлганда), унинг турлари (гипонимлари) қуйидагича бўлади: *қора атлас*, *сарик атлас*, *хонатлас*, *шахмат атлас*. Худди шунга ўхшаб бошқа газлама турлари мавжуд. Иккинчи, стиль ва микростиль гуруҳда *стиль* мода услуби жинсни билдирса, юқорида келтирилган мисоллар унинг турларига киради. Лекин унинг таркибида иккиламчи жинс-тур муносабати мавжуд. Масалан, *витраж стилининг* қайси даврга асосланишига кўра ҳар хил турлари бор.

Учинчи гуруҳда белбоғли кийимлар жинсни билдирса, қолган мисоллар уларнинг турини билдиради. Масалан, *юбка* умумийликка эга бўлса, яъни

умуман кофта билан кийишга мослашган аёл кишиларнинг кийимини билдирса, этагининг узунлиги, шакли ва безакли эканлиги билан турни билдиради.

Тўртинчи гуруҳда устки кийимлар жинсни билдирса, унинг ҳам юқоридагидек турлари мавжуд. Улар орасидаги муносабат жинс-тур муносабатини ташкил қилади. Тўртинчи гуруҳда ҳам иккиламчи жинс-тур муносабати бор. Масалан, *жилет* лексемаси умуман енгсиз ва ёқасиз эркаклар кийимини билдирса, ёқали эканлиги, чўнтакли, чўнтаксиз эканлиги, тутманинг жойлашиши, ёқасининг турларига кўра фарқли белгилари билан турларни ҳосил қилади.

Бешинчи гуруҳда умуман бошга кийиш учун ишлатиладиган бош кийими номлари умуман жинсни билдирса, уларнинг хилма-хил шаклда бўлиши, қандай фаслда кийиш учун мўлжаллаб тикилганлиги унинг турини билдиради. Худди шунингдек, бешинчи гуруҳда ҳам иккиламчи жинс-тур муносабатини кўришимиз мумкин. Масалан, *телпак* бош кийимларнинг бир тури ҳисобланса, турли материаллардан, турли шаклда тикилган телпакларга нисбатан жинсни билдиради.

Жинс-тур муносабати лексик сатҳдаги семантик майдонларнинг асосини ташкил қилиб, бу муносабат орқали узв(такс)лар уяларга, уялар тўдаларга, улар гуруҳларга, гуруҳлар эса семантик майдонларга бирлашади. Яъни, бир майдон ичидаги гуруҳлар гипероним бўлиб, парадигма ичидаги ҳар бир лексема гипонимлик белгисига эга бўлади.

Демак, жинс-тур муносабати ҳам нисбий ҳисобланиб, бир жинснинг турини ташкил қилган нарсалар иккинчига нисбатан жинсни билдириши мумкин экан. Кийимлар дизайни соҳасида жинс-тур муносабатини турли кийимларнинг ҳар хил вариантлари орасидаги муносабатида кўришимиз мумкин. Бундан ташқари кийим дизайни соҳаси билан боғлиқ бўлган шахс номлари билан шу соҳанинг бирор ихтисослиги номи орасида ва шу тор соҳада ишлатиладиган нарсалар билан умуман тикувчиликда ишлатиладиган нарсалар орасидаги муносабатни жинс-тур муносабатига мисол келтиришимиз мумкин.

Шундай қилиб, ҳар бир миллий тилда лексемалар муайян қонун-қоидалар асосида бир ерга жамланади, маълум тўдаларни ҳосил қилади. Тилнинг ўзига хос тарихий тараққиёти жараёнида мазкур лексик-семантик гуруҳ(ЛГС)лар сифат ва миқдор жиҳатдан тинмай ўзгариб, ривожланиб туради.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ўзбек тилидаги дизайнерлик терминларининг семантик майдон назарияси ёритилган.

РЕЗЮМЕ. В статье освещена теория семантических полей дизайнерской терминологии узбекского языка.

RESUME. In the article studied the theory of the semantic area of designer terms in Uzbek language.

Таянч сўз ва иборалар: тил сатҳлари, майдон назарияси, лексик-семантик гуруҳ, лингвистик майдон.

Ключевые слова и выражения: языковые ярусы, теория полей, лексико-семантическая группа, лингвистическое поле.

Key words and word expressions: languagestade, the theory of area, the lexical-semantic group, linguistic area.

ФАНИМИЗ ЗАҲМАТКАШЛАРИ

МАЗЛУМА АСҚАРОВА



Ўтган асрнинг олтишинчи йилларида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида фанимизнинг буюк даргалари Иномжон Ҳасанхўжаев, Тўхтаназар Шермухамедов, Мурод Шамс, Яҳё Ғуломов, Фаттоҳ Абдуллаев, Виктор Васильевич Решетов, Ҳақимжон Ҳомидий, Натан Муродович Маллаев, Шарифа Абдуллаева, Шопўлат Абдуллаев, Мақсуд Шайхзода, Александр Константинович Боровков, Теша Салимов, Саидзода Усмонов, Айюб Ғуломовлар дарс берардилар, аспирантларга раҳбарлик қилардилар. Ана шу саркорлар орасида хусну жамолда ҳам, ақлу камолда ҳам, хулқу атвор, гуфтору рафторда ҳам ҳаммани ўзига мафтун этиб, шогирдлар руҳига нур, сомеълар қалбига шуур бахш этиб юрадиган, жамоа фахри бўлган бир аёл ҳам бор эди. Бу аёл кейинчалик юртимиз тилшуносларининг саркорларидан бири бўлиб етишган, менинг ўта меҳрибон устозим – бевосита сабоқ берган Мазлума опа Асқарова бўладилар.

Мазлума опа дарс берганда бутун аудитория бир тан-бир жонга айланарди. У киши назарий қоидалар, фикрларни қандай айтиб тушунтирсалар, доскада жумлаларни шундай теран таҳлил қилиб, қулогимизга қуйиб қўяр эдилар. Биз “педагог – санъаткор, артист бўлиши керак” деган ақидани ана шу дарс жараёнларида Мазлума опадан уққанмиз. Мазлума опада бошқа муаллимларда учрамайдиган бир хусусият бор: у кишининг ҳар бир дарсини талаба билиши шарт эди. Бунинг учун педагог сўраб, такрорлаб борарди. Агарда бирон узв, қоида, ёки мавзу шогирд томонидан ўзлаштирилмаган бўлса, ўша дарсни қайта ўтиб бериб, обдан тушунтириб, сўнгра янги мавзунини ўтар эдилар. Ўша йиллари факультетимизда драма ҳамда рақс тўғарақлари бўларди. Мазлума опа иқтидорли қизларни уларга жалб этиш, суҳандон, чечан талабаларни рағбатлантиришни ҳам билардилар. Бунда у киши устоз Маллаев, Шарифа опа, Саломат опалар билан яқдасту ҳамкор эдилар. Кўпинча дарсдан кейинги машқларда талабалар билан биргаликда шуғулланардилар. Уларга Ўзбекистон халқ артисти Қудрат Хўжаев раҳнамолик қилар эди.

Бизнинг гуруҳимиз анча сараланган эди. Аксарият талабалар педагогика техникумини тугатган, бир-икки йил мактаб кўрган эди. Шунинг учун ҳам кейинчалик улар орасидан 7 та шоир, ёзувчи, 11 та фан номзоди, битта фан доктори етишиб чиқди. Буларда опамизнинг хизмати жуда катта. Республикаимизнинг зукко тил билими соҳиблари, касбадошларимиз,

доцентлар Пўлат Ҳамдамов, Султон Ғойибов, Раъно Икромова, Маҳбуба Қодирова, Тураш Чориевлар филолог бўлишларида Мазлума Асқарованинг ҳиссалари, таъсирларини қайта-қайта айтиб-юргич эдилар.

Мазлума Асқарова 1924 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1937 йили педагогика техникумини, 1944 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатди, аспирантурада таҳсил кўрди, 1948 йилдан 2010 йилга қадар Мазлума Асқарова ўзи ўқиган институт (ҳозирги педуниверситет)да ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, профессор лавозимларида ишлади. У 1951 йилда номзодлик, 1963 йилда ўзбек тили синтаксисининг кам ўрганилган жиҳати бўйича докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. Утган асрнинг 60-йилларида ўзбек тилидаги эргашган қўшма гапларнинг назарий ва амалий томонлари махсус ўрганилмаган эди. Мазлума опа ана шу муҳим ва айти пайтда мураккаб муаммони фундаментал тарзда тадқиқ этди. Натижада ўзбек тилшунослигида синтаксис, хусусан, қўшма гаплар соҳасида ўзига хос мактаб яратди.

Мазлума Асқарова жаҳон эътироф этган олима. Мен Ленинград шарқшунослигининг йирик вакиллари Болдирев, Кононов, Шчербак, Иванов ва бошқалар опани кўп тилга олганларининг гувоҳи бўлганман; у кишининг ўзбек тили синтаксиси бўйича олиб борган тадқиқотларини эътироф этганларини эшитганман. Наҳв илми донишманди Мазлума Асқарова эл назарида юрган, юрт эъзозидаги, ҳамкасблар, шогирдлар муқаррам тутган устозлардан. Етмишинчи йилларнинг бошларида Мазлума опа ўзбек тилининг синтаксиси юзасидан докторлик диссертациясини ҳимоя қилдилар. Даврнинг машҳур филологлари Ғанижон Абдурахмонов, Айюб Ғуломов, Фаттоҳ Абдуллаев ва бошқалар тадқиқотга юқори баҳо беришди. Жумладан, москвалик машҳур турколог Е.И.Убрятова опанинг тадқиқотига шундай баҳо берган эди: “М.Асқарова дунё туркологиясининг олтин фондидан ўрин оладиган иш яратган”. Бугина эмас, М.Асқарова ўз тадқиқотлари натижаси билан Санкт-Петербург (1961), Олмаота (1963), Москва (1964), Уфа (1966), Бишкек (1969) шаҳарларида бўлган халқаро конференцияларда турколог ҳамкасбларини таништиришга муваффақ бўлган олима ҳисобланади.

Айрим олимлар илмий фаолиятда муайян нуқтага етгач, иходлари сусая бошлайди ёки бошқа йўналишларга чалғийдилар. Профессор Мазлума Асқарова бўлса, ўзи танлаган ўзбек тилининг синтаксисини тадқиқ этишда, муттасил изланишда, ўқиб-ўрганиб, билганларини ҳамкасблари эътиборидан ўтказишга интилиб келган олималардан. Унинг “Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар” (1960), “Эргашган қўшма гапнинг синтактик синонимикаси” (1963), “Ҳозирги ўзбек тилида эргаш гап формалари ва эргаш гаплар” (1966), “Қўшма гапнинг эргашган тури ҳақида” (1981) сингари кўплаб монографиялари шундан далолат бериб турибди. Кейинчалик ҳам Мазлума опа ўнлаб янги монографиялар, ҳамкасблари ҳамда шогирдлари билан ҳамкорликда олий ўқув юртлари, ўрта мактаблар, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари учун дарслик, қўлланмалар яратдилар. “Ўзбек тили дарслиги” (4-

синф учун, 1970, 1992), “Ўзбек тили дарслиги” (7-синф учун, 1972), “Ўзбек тили дарслиги” (8-синф учун, 1982), “Ўзбек тили дарслиги” (9-синф учун, 1980), “Ўзбек тили” (1976, 1989), “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (I том, 1975), “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (II том, 1976) каби дарсликлар Мазлума Асқарованинг илмий-тадқиқот ишларини муттасил педагогик, таълим-тарбия, мактаб-маориф ишлари билан узвий боғлаб олиб борганлигини, чинакам соҳа фидойиси эканлигини кўрсатади. Улар республикамизда, ҳатто, ундан ташқарида филолог олимаар, тил ва адабиёт мутахассисларининг бир неча авлодини тарбиялашда, ўқувчи ёшларга она тили сеҳрини ўргатишда барқарор дарсликлар, қўлланмалар сифатида хизмат қилиб келмоқда. Опанинг ўзи ва ҳамкорликда яратган дарсликлари ҳамон ўз қадрини сақлаб келмоқда.

Маълумки, мустақиллик йилларида ўрта мактаб дарслиklarининг мазмунини янгилашга алоҳида эътибор берилди бошланди. М.Асқарова бу жараённинг бошланиш давларида анча фаол қатнашди. Хусусан, V, VIII, IX синфлар учун ёзилган дарслиklarнинг янги талаблар асосида қайта ишланиши ва нашр этилишида (1993, 1994 йилларда) фаол иштирок этди.

Мазлума Асқарованинг жамоат ишларидаги иштироки ва фаоллиги ҳам алоҳида диққатга молик. У бир неча йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги 13.00.01 рақамли ихтисослик (“Педагогика назарияси ва тарихи”) ҳамда 13.00.02 рақамли ихтисослик (“Она тили ва адабиёти ўқитиш методикаси”) бўйича номзодлик диссертациялари ҳимоясига ихтисослашган кенгашларга раислик қилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги ўзбек филологияси ўқув-методик кенгашининг аъзоси (1955–1970), Республика педагогика институтлари ўзбек филологияси мувофиқлаштирувчи кенгашининг раиси (1980–1986), собиқ Иттифок педагогика фанлари академияси мувофиқлаштирувчи кенгаши аъзоси (1984–1991), Россия Федерацияси Таълим академияси “Социология, фалсафа, миллий тиллар” бўлими Президиумининг аъзоси (1985–1991), Ўзбекистон Педагогика жамияти “Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси” секциясининг бошлиги (1984–1990), академик Қори Ниёзий номидаги Республика педагогика фанлари илмий-текшириш институти мувофиқлаштирувчи кенгаши аъзоси (1970–1992), Тошкент шаҳар “Билим” жамияти Президиумининг аъзоси (1982–1989) сифатида ҳам кенг миқёсли илмий ва педагогик жараёнларнинг бошқарувчиси ва фаол иштирокчиси бўлиб келган.

Мазлума Асқарованинг Республика илм-фани, мактаб, маорифи ривожига қўлган улкан ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” (1965) унвони, Ўзбекистон Олий Кенгаши Фахрий ёрлиқлари (1968, 1985), “Ҳурмат белгиси” ордени (1978), “Шухрат” медали (1994), “Мустақиллик” эсдалик нишони (1992) билан тақдирланган.

Шарқ тасаввуфида комил инсон ким бўлиши лозим деган савол қўйилиб, у қандай вазифа, мартабани эгаллашига қарамай диққат, ҳайратга ҳамиша

яхшилиқ қиладиган, некбиналик тилайдиган, покдомон, поктийнат, имон-этиқод, касб-кор, бурчда собитқадам бўлмоғи лозим, деган талаб бор. Мазлума опа Асқарова ана шу комилликнинг олий намунаси – ҳалим, барчага бирдай меҳрибон инсон эди.

М.Асқарова мустақиллик йилларида янада фаол ижодий иш олиб борди. Кўплаб дарслик ва кўлаанмалар яратди; ўнга яқин иқтидорли ёшлар бевосита опанинг раҳнамолигида ўзбек тили синтаксиси, ўрта таълим тизимида она тилини ўқитиш методикаси ҳамда ўзбек халқ оғзаки ижодининг лингвопоэтик хусусиятига доир муаммолари бўйича диссертация ҳимоя қилиб, илмий даража олишга эришдилар. Ҳозирги пайтда Мазлума Асқарова илмий мактабида камол топган Муяссар Сапарниёзова, Муҳаббат Худоёрова, Феруза Ҳайитова сингари олималар юртимиз олий ўқув юрталарида дарс бериб, устоз анъаналарини давом эттириб келмоқдалар.

Афсуски, шафқатсиз ўлим 2010 йил 19 августда Мазлума опа Асқаровани орамиздан юлқиб кетди. Энди наҳв илимининг маликаси орамизда йўқ. Лекин у киши улашган меҳрибонлик, ўта камтарлик, комиллик неъматлари халқимиз дилида боқий қолажак!

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

ҲАЛИМА ЙЎЛДОШЕВА

Таниқли тилшунос олима, ўзбек тилшунослигида кам ўрганилган экспериментал фонетика соҳасининг тадқиқотчиларидан бири, филология фанлари номзоди Ҳалима Йўлдошева 70 ёшга тўлди.

Ҳаётда инсон эришадиган энг олий мақом олимликдир. Лекин бу мақомга, халқ нақли билан айтганда, игна билан қудуқ қазिशдек машаққатли меҳнат билан эришилади. Илм йўлидаги сермашаққат меҳнат, чекилган заҳматлар инсонни чиниқтиради, тоблаяди, иродасини мустаҳкамлайди, шу билан бирга “одамийлик мулки”ни эгаллашни ҳам талаб қилади. Одамийликнинг машаққати, мезонлари олимликдан-да қийин. Шунинг учун ҳам халқда “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин” деган нақл ҳам бор. Ҳалима Йўлдошева ана шундай олимлигу одамийлиги уйғунашган олималар сафидан ўрин олган.

Бўлажак олима 1947 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1964 йилда мактабни битириб, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг филология факультетига ўқишга кирди. Талабалар илмий-амалий анжуманларида ўзбек тилшунослигининг дарғалари Айюб Ғулом ва Карим Назаровлар раҳбарлигида маърузалар ўқиб, устозлар назарига тушди. Учинчи курсда таҳсил олаётганида уларга таниқли олима Сорахон Отамирзаева экспериментал фонетика бўйича махсус курс ўқийди. Курс синови жараёнида талабчан устознинг эътирофига сазовор бўлган Ҳ.Йўлдошева унинг раҳбарлигида “Ўзбек фонемалари осциллограммада” мавзуда диплом ишини ёзади ва аъло баҳога ҳимоя қилади.

Ҳ.Йўлдошева университетни тугатгандан сўнг Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти Экспериментал фонетика бўлимига лаборант бўлиб ишга киради. 1971–1973 йилларда устозининг тавсияси ва саъй-ҳаракатлари билан собиқ Иттифоқ Фанлар академияси Тилшунослик институти Ленинград бўлимига изланувчи-тадқиқотчи қилиб юборилади. У ерда машҳур туркийшунос олим Александр Михайлович Шчербак раҳбарлигида ўз билимларини чуқурлаштиради. Шунингдек, бу ерда Ленинград университети экспериментал фонетика лабораториясида экспериментал методларни ўрганиш имкони ҳам бор эди. Ҳ.Йўлдошева бу имкониятдан унумли фойдаланиб, А.Р.Зиндер, А.В.Бондарко, А.А.Вербицкая, Н.Д.Светозарова каби соҳа дарғаларидан таҳсил олади. Тил ва адабиёт институтига қайтиб келгач, номзодлик диссертацияси устида иш бошлайди ва 1988 йил 26 декабрда А.М.Шчербак ва С.Отамирзаевалар раҳбарлигида “Ҳозирги замон ўзбек тилида сўроқ жумлаларининг интонацияси” мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Мавзу ўзбек тилшунослиги учун долзарб эди. Маълумки, интонация уч акустик компонентдан таркиб топган бўлиб, у интонациянинг асосини ташкил этади: *тон – мелодика, узунлик – темп, интенсивлик – динамика*. Олима ўз ишида ҳар бир компонентни алоҳида тадқиқ қилган ва эксперимент натижаларига асосланган ҳолда уларнинг вазифалари турли қирраларини белгилаши, интонацион воситалар чеклангани боис уларнинг ҳар бири муҳим эканлигини ўз тадқиқотида кўрсатиб ўтган. Шунингдек, эксперимент натижалари асосида сўроқ жумлалари дарак ва буйруқ жумлаларига нисбатан давомли эканлигини исботлаб берган. Бу фикрлар олиманинг “Сўроқ гап мелодикаси”, “Интонациянинг темпорал компоненти ҳақида”, “Роль динамического компонента в узбекской интонации” каби мақолаларида ўз аксини топган.

“Сўроқ гапларда акустик компонентларнинг ўзаро муносабати”, “Взаимная компенсация компонентов интонации (на материале вопросительной фразы)” сингари мақолаларида интонациянинг ушбу қирраларига янгича ёндашади. Шунингдек, “Различные способы измерения частоты основного тона”, “О паузе”, “Ўзбек тили интонациясининг ўзига хос хусусиятлари”, “Интонация хусусида”, “Жумла ургусининг лингвистик таҳлили”, “Темпоральная структура вопросительных фраз узбекского языка”, “Типологические особенности интонации”, “Сўроқ жумлаларининг интонацион моделлари” каби мақолалари билан ўзбек интонологияси ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Ҳалима опа институтда ҳар йили ўтказиладиган ёш олимлар илмий конференциясининг фаол иштирокчиларидан бири сифатида илмий жамоатчиликка танила бошлайди. Шу билан бирга ўша пайтларда нуфузли ҳисобланган бутуниттифоқ миқёсидаги илмий конференция ва симпозиумларда қатнашади (Новосибирск, Олмаота, Тошкент).

Ҳалима опа институтда ишлаш жараёнида институтнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этди. Кўплаб маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда институт ёшларига етакчилик қилди. 1992–1996 йилларда Тошкент кимё-технология институтида кафедра мудири лавозимида

фаолият кўрсатди. Бу ерда ҳам маънавий-маърифий тадбирларнинг ижодкори бўлди. 1996–2006 йилларда Тошкент (Ўзбекистон) давлат консерваториясида кафедра мудири бўлиб ишлади. Консерватория олима истеъдодининг кўп қирраларини очди. Консерваторияда ишлаш жараёнида “Муסיқа” газетасида муҳаррир бўлди. 2006–2012 йилларда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида Тиллар кафедрасига раҳбарлик қилди. Тажриба асносида опадаги дарс бериш маҳорати ҳам, тадбирлар тайёрлаш ва ўтказиш маҳорати ҳам сайқал топиб борди. У аynи вақтда университетнинг “Техника юлдузлари” журнаliga муҳаррирлик қилди.

Ҳалима Йўлдошева таълим рустида олиб бориладиган мактабларнинг 5- ва 6-синфлари учун “Ўзбек тили” дарслиги, қозоқ мактабларининг 5-синфи учун “Ўзбек тили” дарслиги муаллифларидан биридир. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълим вазирлиги ҳамда “Истеъдод” жамғармаси томонидан таъсис этилган “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” Республика танловида 6-синф “Ўзбек тили” дарслиги совриндор бўлди. Ҳ.Йўлдошева мустақиллик йилларида таълим соҳасидаги ўзгаришларга ҳозиржавоблик билан муносабат билдира олган мураббий сифатида бир қатор илмий-услубий мақолаларни ҳам чоп эттирди. 1992–2000 йилларда у Ўзбекистон давлат Тест марказида ҳам ишлади. Олима бир неча номзодлик диссертацияларига оппонентлик қилган.

Ҳ.Йўлдошеванинг 3 та дарслик, 10 га яқин ўқув қўлланма ва дастур, 100 дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалари нашр этилган.

Олима ҳамон изланишда, ижодда. У устозлари Сорахон опа Отамирзаева билан ҳамкорликда кўплаб мақолалар эълон қилди. Бу мақолалар А.М.Шчербак, А.Ғулум, С.Отамирзаева, А.Аҳмедов каби олимларнинг фаолиятига бағишланган.

Таниқли тилшунос олима, ёшларнинг меҳрибон ва талабчан мураббийси, серқирра ижодкор, самимий, камтарин инсон Ҳалима Йўлдошевани табаррук 70 ёши билан муборақбод этар эканмиз, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, илмий-педагогик фаолиятида улкан зафарлар тилаймиз.

**Зухра МИРАҲМЕДОВА,
Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА**

“ТИЛШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ”

Яқинда НамДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори Носиржон Улуқовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан университетларнинг филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши 1-курслари учун тавсия этилган “Тилшунослик назарияси” (Тошкент: Баркамол файз медиа, 2016. – 192 бет) номли ўқув қўлланмаси нашр этилди.

Ўқув қўлланмада тилшунослик фани, унинг йўналиш ва бўлимлари, тил ва жамият, тил ва тафаккур, тил ва нутқ муносабати, тил ва нутқ бирликлари, тилнинг ички тузилиши, системалиги, тиллар таснифи каби масалалар чуқур ёритилган. “Сўзбошида” айтилганидек, “Тилшунослик назарияси” фанининг асосий мақсади тил ҳақидаги фаннинг предмети ва вазифаларини, фан доирасида ўрганиладиган асосий масалаларнинг мазмун-мундарижасини белгилаш, тилнинг ижтимоий табиати, вазифалари, шаклланиши, тараққиёти, тилнинг ички тузилиши ва сатҳлари, дунё тиллари, жумладан туркий тиллар тавсифи ҳамда таснифи ҳақида билим беришдир.

Мавзуларни назарий жиҳатдан ёритишда узвийлик, мантиқий кетма-кетлик меъёрлари сақланган. Ҳар бир мавзуга оид кенг режа тузилган, таянч сўз ва иборалар берилган. Мавзуга оид масалалар шу режа асосида, таянч сўз ва иборалар негизида тушунарли ва содда, равон илмий тилда ёритилган. Мавзуларнинг мазмун-моҳиятига муносиб жадваллар ва чизмалар ҳам берилган. Ҳар бир мавзудан кейин талабаларнинг ўзлаштириш

даражасини аниқлаш учун назорат саволлари, қўлланма охирида ўқув режасида ажратилган соатлар, фаннинг намунавий ўқув дастури талабларига асосланган ҳолда мустақил иш мавзулари ва уларга доир савол ҳамда топшириқлар, реферат мавзулари, уларни бажариш юзасидан методик тавсиялар, фанга оид асосий терминлар лугати берилган. Қўлланма муаллифи китобни тайёрлашда юзга яқин илмий адабиётлардан фойдаланган.

Муаллиф табири билан айтганда, “Тилшунослик назарияси” курси тил ҳақидаги фаннинг алифбоси, дебочаси сифатида талабаларни тилшуносликка оид асосий илмий термин ва тушунчалар билан таништирувчи фан бўлиб, тилшуносликнинг асосий қисмларини ва хусусий тилшуносликда ўрганиладиган масалаларни ўзлаштириш учун назарий асос бўлади ва талабаларни кейинги курсларда ўқитиладиган фанларга назарий жиҳатдан тайёрлайди. Шунинг учун ҳам матндаги сарлавҳа ва асосий тушунчалар қуёқ бўёқлар билан берилган. Бу матнни идрок қилиш ва ундан ахтарилаётган масалани тезда англаш имкониятини беради. Қўлланмада фойдаланилган ҳар бир терминнинг тарихий-этимологик манбаси, маъно-моҳияти асосли ёритилган. Масалан:

“Система (юнонча *systema* – яхлит; қисмлардан таркиб топган) сўзи ўзбек тилида полисемантик сўз сифатида қўлланиб, унинг муқобили сифатида **тизим** сўзи ҳам қўлланилади. Тилшуносликда система термини бир бутун бўлиб уюшган тил унсурлари мажмуи маъносида қўлланади.

Структура. (лот. *Structura* – тузилиш; боғланиш) сўзи муайян нарсаларнинг тузилиши, қурилиши, таркибий қисмларининг ўзаро боғланиши маъноларини англатади. Структура системага хос, уни характерловчи хусусиятлардан биридир.

Тил ички тузилишига кўра бирига боғлиқ, бири иккинчисини тақозо этувчи сатҳлардан иборатлигига кўра системадир”.

Қўлланмада тилшунослик, тил ўрганиш ва ўргатиш учун долзарб бўлган тил, нутқ, нутқ фаолияти ва муомала тушунчаларини илмий жиҳатдан асослаш ҳамда бу ҳодисаларнинг ўзаро муносабатларини таҳлил қилиш, белгилаш борасида ҳам қимматли назарий ва амалий фикрлар баён қилинган.

Муаллифнинг “Тил ва жамият. Социолингвистика” сарлавҳаси остида тилнинг табиати, тил ва жамият, тилнинг ижтимоийлик хусусияти, социолингвистика ўрганадиган масалалар, адабий тил, шева, лаҳжалар, стандарт, классик, маҳаллий, креол,

пижин, сунъий тиллар ҳақидаги фикрлари талабалар учун қимматли бўлиб, улар содда ва тушунарли услубда баён қилинган. Айниқса, тил ва тафаккур, улар ҳақидаги қарашлар, тил ва тафаккур бирликлари, менталингвистика ва ўрганадиган масалалар тушунарли ва қизиқарли изоҳланган.

Китобда ҳар бир машғулот бўйича мустақил иш мавзулари, улар бўйича махсус савол ва топшириқларнинг келтирилганлиги ҳамда реферат мавзулари, уни ёзиш қоидаларининг ҳам тушунарли тарзда илова қилинганлиги ҳам методик жиҳатдан эътиборга лойиқ.

Қисқаси, профессор Н.Улуқовнинг “Тилшунослик назарияси” номли ўқув қўлланмаси олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси таълим йўналишларида тил таълимининг такомиллашувида муҳим илмий ва методик аҳамиятга эга.

Зоҳиджон СОДИҚОВ,
Сайдумар САЙДАЛИЕВ

КИЧИК ЛИРИК ЖАНРЛАР ТАДҚИҚИ



Замонавий ўзбек лирикасидаги кичик лирик жанрлар таҳлили ва тадқиқи билан фаол шугулланиб келаётган ёш тадқиқотчи Қаҳҳор

Йўлчиевни Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг ҳозирги ўзбек шеърлятида янгилик бўлган бир сатрли “игнабарг” ва уч қаторли “уччаноқ” деб аталувчи туркум шеърлари қизиқтириб, хусусан, улардаги шоирнинг бетакроп ўзлиги, битиклари магзи тўқлиги,

ажабтовур поэтик идрок усули, ифода тарзи, айниқса, мўъжазу мўъжиза шеърларининг ифори ўзига мафтун этди. Илк кузатишлар мақолаларга, кейинчалик “Поэтик олам сирлари” (Тошкент: Akademnashr, 2012) монографиясига кўчди.

Қ.Йўлчиев ўз илмий изланишида назарий асос сифатида қатор ўзбек ва қорақалпоқ адабиётшуносу тилшунослари турли авлоди тадқиқотларига таянади. Шунга қарамасдан, биз улар орасида Д.Қуроновиқнинг структур адабиётшунослик, Й.Солижоновнинг

нутқ ва услуб йўсинидаги тадқиқотларида илгари сурилган назарий қарашларга эргашиб, уларни ижодий ўзлаштиришга интилиш кучли эканини ҳам пайқашимиз мумкин. Монографияда кўплаб хориж адабиётшунос, тилшунос ва эстетлари илмий-назарий қарашлари, шунингдек интернет маълумотларидан ҳам ўрни билан самарали фойдаланилган.

Монография кириш, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўяхати сингари анъанавий қисмлардан ташқари бири иккинчисини, иккинчиси учинчисини изчил давом эттирувчи учта мустақил бобдан таркиб топган. Тадқиқотчи дастлабки бобда “игнабарг” шеърларни назарий муаммо сифатида ўргангач, бир қаторли шеърлар генезиси ва манбалари, уларда қўлланилган тиниш белгиларнинг вазифаси масалаларига эътибор қаратади. Иккинчи бобда бу типдаги шеърларни воқеликни бадий идрок этиш ва ифодалаш усулларига кўра: ироник, фалсафий-афористик, ижтимоий-публицистик; шунингдек қисман ритмик-интонацион, мавзу ва проблематика жиҳатларидан ҳам таҳлилга тортади. Сўнгги бобда “уччанок” шеърлар шаклий-услубий модификацияси, яъни мазкур шаклнинг бадий-услубий хусусиятлари, уларда тиниш белгилари ва интонациянинг ўрни масалалари тадқиқ этилади.

Тадқиқотчи игнабарг ва уччаноклар поэтик структурасини бу типдаги шеърлардаги турли товуш, сўз, белги, жумла каби қисмларнинг ўзаро шаклий-мазмуний муносабатидан излади. Шеър бадийиятини очишда Анвар Обиджон қаламига мансуб битикларда нисбатан камроқ кузатиловчи структур унсурларга хос минимал имкониятлар бағрида ниҳон теран мазмуний ифодаларни излаб топа олди. Шоирнинг қисқа сатрлардан кўзлаган мақсадини давримиз шиддати билан чамбарчас боғлай олди. Бадийий информация ярагиш, сақлаш ва ўқувчига етказиш

маҳоратини кашф этишга эришди. А.Обиджоннинг ҳар бир белги, бадийий код, товуш, сўзни ҳис этиш, уларни турли ракурсларда кўриш ва қўллаш олиш салоҳияти, поэтик маҳорати меҳварига кириб борди.

Қ.Йўлчиев А.Обиджон шеърларини қисмларга ажратиб таҳлилга тортар экан, даставвал шоирнинг реал оламдан таъсирланиш тарзи ва уни ўз бадий дунёсининг таркибий меҳварига айлантира олиш маҳорат ва кўникмасига диққат қаратади. Бошқача айтганда, шоирнинг ҳамма нарсани очик-ойдин тушунтириб ва тасвирлаб бериш анъанасидан фарқли ўлароқ, лирик воқеликнинг айрим чизгиларига асосланувчи шеърлари тили, лирик қаҳрамони ички дунёси воситасида бу асарларнинг поэтик негизига кириб боришга интилади.

Шубҳасиз, юқоридаги изланишлар катта ҳажмли тадқиқотлар яратилиши учун муайян дебоча вазифасини ўтади. Дарҳақиқат, шу тариқа янги монографик изланишлар ҳам “Типологик ўхшашликлар: бирлик ва учлик” (Тошкент: Турон zamin ziyo, 2016) номи билан алоҳида жилдга жамланди. Тадқиқотчи энди арқонни узунроқ ташлашга уринди. Яъни замонавий ўзбек шеъриятидаги кичик лирик жанрлар поэтикасини рус, француз, инглиз, корейс, япон, хитой, турк, грек, бурят, тува халқлари, кенг маънода эса, жаҳон шеъриятидаги кичик лирик жанрлар (монографик йўсинда нисбатан кам тадқиқ этилган бирлик ва учликлар) нинг генезиси, бадийияти, типологияси ва бошқа жанрлар билан муносабатини ўрганишга киришди. Танланган манбаларни ўзаро қиёслаш, муайян фарқлари ва типологик ўхшашликларни компаратив ҳамда структур методларга таяниб аниқлашга бел боғлади.

Албатта, бундай кенг кўламли тадқиқотга киришиш муайян назарий тайёргарликни талаб қиларди. Буни

яхши англаган тадқиқотчи ўзбек адабиётшуносларининг изланишлари билан бир қаторда, рус, турк, корейс, серб, қорақалпоқ олимларининг мақола ва рисолалари билан ҳам яқиндан танишди. Айниқса, рус ва корейс адабиётшунослари кузатиш ва хулосалари унинг эътиборини тортди.

Монографияда миллий шеъриятимизда ўтган асрнинг сўнгги чораги ва янги асрда шакланган бирликлар жаҳон шеъриятида бирлер, игнабарг, фикра, мисра, моностих, удетрон, моностихот каби турлича номланади. Бу ҳол айни шу давр маҳсули бўлган учликлар: учлик, терцина, трехтиший, сичжо, хокку, ожук даже, уччаноқ, тасбеҳ сингари турфа номлар билан аталиб келишида ҳам кузатилади. Бинобарин, уларни тадқиқ этиш асносида атамаларни аниқлаш, жанр хусусиятларини ўрганиш ҳам муҳим эди. Зеро, шаклий яқинликдан ташқари, ифода усули, бадийят, ҳар бир миллатнинг бадий тафаккур тарзи, вазн ва қофия сингари турфа фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд. Жумладан, бир қатор қилиб ёзилган япон хайкуларида метафора қўлланилмай рамзийликка эътибор берилади. Сичжо ва ожук дажеда пейзаж, ўшатишдан самарали

истифода этилса, учликларда ирония, метафора, қиёс, зидлаш сингари усуллар анча фоллашади ва ҳоказо.

Қ.Йўлчиев замонавий ўзбек шеъриятидаги кичик жанрларни асосан Р.Парфи, А.Обиджон, А.Шер, Ф.Афрўз, У.Ҳамдам шеърларидан саралади. Жаҳон халқларининг кичик ҳажмли шеърлари билан қиёслади. Бизнингча, миллий шеърлар поэтикасининг дунё поэзиясидаги аналоглари билан чоғиштириб илмий тадқиқ этилиши, жанр хусусиятлари белгиланиши пировардида, замонавий ўзбек шеъриятининг жаҳон поэзиясидаги ўрни ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитиш экани билан алоҳида эътиборга моликдир. Миллий шеъриятимиздаги алоҳида шакллар, замондош шоирларнинг индивидуал ижодий изланишлари, бетакрор қиёфа ва поэтик маҳоратлари кўрсатилгани ҳам бизнинг илмий тушунчаларимизни янада кенгайтиради. Бу типдаги асарларни шарҳлаш малакамизни юксалтиради.

Исломжон ЁҚУБОВ

ЯНГИ НАШРЛАР

АЛИШЕР НАВОЙИ ВА XXI АСР
(Тошкент: "Тамaddon", 2017. – 316 бет)

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ўтказилган "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзудаги республика илмий-назарий анжумани материаллари асосида тартиб берилган ушбу тўпلامдан мамлакатимизнинг етакчи навоийшунослари ва ёш тадқиқотчиларнинг мутафаккир шоирнинг адабий ва илмий мероси,

таржимаи ҳолининг айрим нуқталари, асарларининг турли тилларга таржималари, ижодининг таълим босқичларида ўқитилиши билан боғлиқ масалаларга бағишланган мақолалари ўрин олган.

АЛИШЕР НАВОЙИ
ИЖОДИЙ МЕРОСИНING
УМУМБАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ-
МАЪРИФИЙ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ
ЎРНИ (Тошкент-Навоий, 2017. – 456 бет)

Улуғ шоир ва мутафаккирга бағишлаб Навоий шаҳрида ўтказилган халқаро илмий конференция материаллари асосида тартиб берилган мазкур тўпламдан хорижлик адабиётшунослар, мамлакатимизнинг етакчи адабиётшунослари ва ёш тадқиқотчиларининг Навоий ижодининг оламшумул аҳамияти, асарларининг жанрий ранг-баранглиги, мавзу кўлами, образлар олами, бадий хусусиятлари, дунёнинг турли тилларга таржималари каби кўпдан-кўп масалаларга бағишланган мақолалари ўрин олган.

Абдулхамид ҚУРБОНОВ.
“ХАМСА” САРЛАВҲАЛАРИ
БАДИИЯТИ (Тошкент: Meriyus, 2016. – 188 бет)

Монографияда “Фарҳод ва Ширин” дostonи сарлавҳалари мисолида Навоий “Хамса”сидаги сарлавҳаларнинг ўзига хос поэтикаси: услуб ва композиция, бадий тасвир воситалари ва касрат, ваҳдат, гам, май, тилсим, тоғ, фано босқичлари каби қатор тасаввуфий тушунчалар таҳлил доирасига тортилади.

Қозоқбой ЙЎЛДОШ, Муҳайё ЙЎЛДОШ. БАДИИЙ ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ. 2-нашр. (Тошкент: Kamalak, 2016. – 464 бет).

Китобда бадий таҳлил махсус фан сифатида олиниб, унинг назарий асослари, амалий қирралари ва турли мактаблари алоҳида-алоҳида боблар ва фаслларга бўлиб ўрганилади. Бадий таҳлилнинг моҳияти, асосий хусусиятлари, етакчи тамойиллари, ҳар бир адабий жанрга ёндашиш тамойиллари, таҳлил босқичлари ва йўналишлари тўғрисида маълумот берилади.

Зокиржон МАМАЖОНОВ.
МУМТОЗ ШЕЪРИЙ

САНЪАТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАСНИФИ (Тошкент: Akademnashr, 2016. – 184-бет).

Монография мумтоз шеъринг санъатларни ўрганиш муаммолари, уларнинг назарий таснифи масалаларига бағишланган бўлиб, унда ўхшатиш асосида юзага келувчи санъатлар алоҳида текширилиб, уларнинг структуравий ва функционал хусусиятлари тадқиқ этилади.

Мусо ТОЖИХЎЖАЕВ. ЎЗБЕК АДАБИЁТИ НАМУНАЛАРИ
МАРТИН ХАРТМАН
ТАРЖИМАСИ ВА ТАЛҚИНИДА
 (Тошкент: Bayoz, 2016. – 180 бет)

Монография таниқли немис шарқшуноси Мартин Хартманнинг ўзбек тили ва адабиёти тадқиқотчиси ва таржимони сифатидаги сермахсул ва серқирра фаолиятини ёритишга бағишланган. Унда хусусан, олимнинг Машраб ва Ҳувайдо тўғрисидаги тадқиқотлари кенг таҳлилга тортилади.

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА, Дилрабо АНДАНИЯЗОВА. ЎЗБЕК ТИЛИ ПОЭТОНИМЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ (Тошкент: Tugon zamin ziyo, 2016. 131-бет).

Лугатда ўзбек бадий матнларида муайян лингвопоэтик вазифани бажариб келган ономастик бирликлар – поэтонимларнинг лексикографик талқини амалга оширилган бўлиб, унда ономастик бирликлар лингвопоэтик жиҳатдан тавсифланган.

Мастона ШЕРАЛИЕВА.
ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА
КИНОЯ (Тошкент: Akademnashr, 2016. – 224 бет).

Монографияда XX асрнинг 70–80-йилларида ўзбек насридаги

воқеликка киноявий муносабат М.Дўст, А.Аъзам, Э.Аъзам асарлари мисолида ўрганилиб, киноянинг эстетик категория сифатидаги хусусиятлари, унинг давр адабиётида кенг ёйилишига сабаб бўлган ижтимоий-психологик омиллар, киноянинг миллий бадиий тафаккур ривож, хусусан, шахс концепцияси тадрижидаги аҳамияти, бадиий асар поэтик тизимидаги ўрни каби масалалар тадқиқ этилади.

Феруза САПАЕВА.
ТАРЖИМАШУНОСЛИК: МАТН ВА МАҲОРАТ (Тошкент: Чўпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 160 бет).

Ўқув қўлланмада Махтумқули шеърларининг ўзбек тилига таржималари мисолида яқин тиллардан таржима муаммолари ўрганилади, қайта таржима баҳсида фикр юритилади. Яқин тиллардан таржимада таржимонни чағғитадиган тил ҳодисаларидан бўлмиш паронимлар алоҳида олиб текширилади.

Мақсуд АСАДОВ. ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА СОҚИЙНОМА (Тошкент: Turon-iqbol, 2017. – 272 бет)

Монографияда соқийнома жанрининг вужудга келиши, май мавзуидаги шеърларнинг жанр тақомидаги ўрни, ўзбек мумтоз адабиётидаги соқийномалар, уларнинг гоаявий-бадиий хусусиятлари, образлар олами, ўзаро муштарак ва фарқли жиҳатлари атрофлича ўрганилган.

Дилрабо АНДАНИЯЗОВА.
ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ (Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016. – 208 бет).

Монографияда ономастик бирликларнинг бадиий матндаги ўрни, лингвопоэтик хусусиятлари тадқиқ қилинган. Бадиий матндаги ономастик бирликларнинг нафақат муайян объект номини атаб келиши, балки рамзий маъноларда келиб, ижодкорнинг турфа бадиий ниятини ёритишга хизмат қилиши аниқланган ҳамда ўзбек тилининг бадиий имкониятлари антропоним, топоним, зоонимлар мисолида кўрсатиб берилган.

Библиографик кўрсаткични
Эрғаш ОЧИЛОВ
тайёрлади

НАВОИЙХОНЛИК АНЖУМАНЛАРИ

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театрида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети томонидан улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллиги муносабати билан ташкиллаштирилган “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзuidaги республика илмий-назарий анжумани бўлиб ўтди. Уни университет ректори, филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддинов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али Алишер Навоийнинг ўзбек адабиётида тутган ўрни ҳақида фикр юритди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Мажид Маликович Каримов Навоий ва замон, шоир асарларининг ёшлар тарбиясидаги ўрни хусусида гапирди ва анжуман ишига муваффақият тилади.

Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлигининг Ўзбекистон ваколатхонаси раҳбари, профессор Кизилтопрак Сулаймон Туркияда Навоий асарларининг тарқалиши ва ўрганилиши хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамнинг мулоҳазалари шоир ижодини ўрганиш расмий тадбирлар билан чегараланиб қолмай, ҳаётини заруратга айланиши кераклиги ҳақида бўлди.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти профессори Аҳмаджон Қуронбеков институтда яратилган “Хамса” дostonлари конкорданси ҳақида маълумот бериб, уларни беш жылда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига тақдим этди.

Венгриялик навоийшунос Бенедик Пери “Мир Алишер Навоий форсий шеърятининг усмонли Султон Салим I ғазалларига таъсири”, қозогистонлик тилшунос олим Азамат Акбар “Алишер Навоийнинг педагогик мероси ва Уильям Шекспир трагедияларидаги етакчилик масалалари”, филология фанлари доктори Афтондил Эркинов “Алишер Навоий “Ҳазойин ул-маоний”си ва унинг протодевори масаласи” мавзуларида маъруза қилдилар.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман “Алишер Навоийнинг илмий мероси ва матншунослик масалалари”, “Алишер Навоийнинг адабий мероси ва таржимаи ҳоли билан боғлиқ масалалар”, “Тилшунослик, услубият ва адабий таъсир масалалари”, “Алишер Навоий ижодининг жаҳон тамадунидаги ўрни, шоир асарларини хорижий тилларга таржима қилиш масалалари”, “Алишер Навоий ижодини ўқитиш муаммолари”, “Алишер Навоий ижоди ва замонавий адабиётшунослик” мавзуларидаги шўъбаларга бўлинган ҳолда ўз ишини давом эттирди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институтида Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий адабий ва илмий меросини ўрганиш масалаларига бағишланган анъанавий илмий анжуманнинг 62-йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни институт директори, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Университет ректори, филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат Сирожиiddинов ўз нутқида Алишер Навоий асарларининг инсоннинг маънавий юксалиши, хусусан, ёшлар тарбиясидаги ўрни, Ўзбекистонда улуғ шоир ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши борасида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталди ва анжуман ишига муваффақият тилади.

Шундан кейин навбат маърузачиларга берилди. Филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул “Алишер Навоий шеърлятида тарк тушунчаси ва талқинлари”, Э.Умаров “Алишер Навоийнинг сўз бойлиги”, Гулноз Холлиева “Эдицион тадқиқ ва Алишер Навоий ижодиёти”, филология фанлари номзодлари Қодиржон Эргашев “Айрим мавзу ва образлар бадиий талқинида Ренессанс ғояларининг инъикоси”, Дилбар Рўзиева “Алишер Навоий ва уйгур адабиёти”, Султонмурод Олим “Лисон ут-тайр”нинг “Хамса” дostonлари билан айрим алоқадорликлари”, Сувон Мелиев “Кўзгудаги тимсол” (“Фарҳод ва Ширин”. XXVI боб), Бердак Юсуфов “Навоий асарларида сифатнинг орттирма даражаси”, Сайфиiddин Рафиiddинов “Нубувват фалсафаси ва Алишер Навоий ижодиёти”, Эргаш Очиллов “Нажмиiddин Комилов – навоийшунос”, Буробия Ражабова “Имом Бухорий ва Алишер Навоий”, Саломат Маткаримова “XIX аср Хоразм адабий муҳитидаги Навоий анъаналари хусусида”, Мунис Ҳақимов “Алишер Навоий анъаналари ва Эркин Воҳидов ижоди” мавзуларида қизиқарли маърузалар қилдилар.

Таржимон Динара Султонова Навоий ғазалларидан инглиз тилига қилган таржималари хусусида гапириб, таржималаридан намуналар ўқиб берди.

Наманган ДУ доценти Фарида Каримова Алишер Навоий дебочаларида Хусайн Бойқаро тавсифига бағишланган туркум рубойлар ҳақида гапирди.

Маърузалар юзасидан мунозарада филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев сўзга чиқиб, уларнинг барчаси катта тайёргарлик маҳсули эканлиги ва қизиқиш билан эшитилганлиги ҳақида гапирди. Академик Бахтиёр Назаров ҳам маърузалар ҳақида илиқ фикрлар билдириб, уларнинг матнларини алоҳида тўплам ҳолида нашр этишни таклиф қилди.

Н.Маҳмудов йиғилишни якунлар экан, барча маърузачиларга миннатдорчилик билдириди.

Навоий шаҳридаги “Фарҳод” номи маданият саройида вилоят ҳокимилиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Республика маънавият-тарғибот маркази Навоий бўлими, Навоий давлат педагогика институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамкорлигида “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзуда халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Конференцияни Ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддинов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Вилоят ҳокими Қобил Бекназарович Турсунов халқаро конференция иштирокчиларини табриклади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али Алишер Навоийнинг 200 та газали 14 тилга таржима қилинаётгани, Ойбекнинг “Навоий” романи инглизчага ўтирилгани, ўзбек шоирларининг Навоийга бағишланган шеърлари асосида тартиб берилган “Ҳазрат Навоийга эҳтиром” тўплами нашрдан чиққани ҳақида маълумот бериб, бекиёс сўз санъаткорининг “келмади” радибли газалига ёзган муҳаммасини ўқиб берди.

Озарбайжонлик адабиётшунос Алмаз Увий Алишер Навоий ва Озарбайжон, венгриялик олим Бенедик Пери Навоий ва турк адабиёти, қозоғистонлик тилшунос Азамат Акбар Навоийнинг педагогик қарашлари, ўзбек навоийшунослари Муҳаммаджон Йомназаров XXI аср навоийшунослиги муаммолари, Султонмурод Олим шоир асарларидаги туркий сўзлар, Боқижон Тўхлиев Навоий ҳаёти ва ижодининг таълим босқичларида ўрганилиши, Тоҳир Хўжаев Навоий асарларининг аҳамияти ва ўрганилиши, Нурбой Жабборов шоир ижодининг оламшумул аҳамияти, “Ўзбекистон” нашриёти директори ўринбосари Ашуралӣ Жўраев шоир асарлари наشري ва тарғиби мавзуларида қизиқарли чиқишлар қилдилар.

Куннинг иккинчи ярмида халқаро илмий конференция “Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг аҳамияти”, “Тилшунослик ва санъат масалалари”, “Алишер Навоий ижоди: миллий ғоя, ҳуқуқ, тарих ва фалсафа”, “Таълим муассасаларида Алишер Навоий ҳаёти, ижодини ўрганиш ва ўргатиш муаммолари” номи шўъбаларга бўлинган ҳолда ўз ишини давом эттирди.

Конференция якунлари юзасидан ўтказилган матбуот конференциясида унинг муваффақиятли ўтгани таъкидланиб, уни йиллик анъанавий халқаро анжуманга айлантириш ҳақида таклиф билдирилди.

Кечқурун конференция қатнашчиларига бағишлаб Ўзбекистон халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Муножот Йўлчиева, Маҳмуджон Тожибоев ва вилоят ансамблларининг хонанда ва раққосалари иштирокида концерт дастури намойиш қилинди.

БЕКМУРОД ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбек тилшунослиги фани оғир жудоликка учради – 2016 йил 19 декабрь куни филология фанлари доктори, профессор, СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори Бекмурод Болтаевич Йўлдошев вафот этди.

Б.Йўлдошев 1946 йил 9 июлда Самарқанд вилояти Пахтачи тумани Мисит қишлоғида тутилган. 1953–1964 йилларда туманга қарашли 22-ўрта мактабда ўқиди ва ўқишни олтин медаль билан тамомлади. Ёшлигидан билимга чанқоқ бўлган Б.Йўлдошев 1964 йилда СамДУ ўзбек ва тожик филологияси факультетининг кечки бўлимига ўқишга кирди. 1969 йилда СамДУни имтиёзли диплом билан тугаллади. Меҳнат фаолиятини йўлланма билан Самарқанд вилоят газетаси таҳририятида адабий ходимликдан бошлади. 1970 йилдан СамДУ умумий тилшунослик кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1982 йилдан доцент лавозимида фаннинг турли соҳаларидан талабаларга сабоқ берди. Бу даврда истеъдодли педагог, етук олим сифатида танилди.

1979 йилда Ш.Шоабдурахмонов илмий раҳбарлигида “Саид Аҳмад асарларининг тили ва услуби” мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1990–1992 йилларда докторлик ишhini ниҳоясига етказиш мақсадида катта илмий ходимликка ўтди. 1994 йил 25 февралда “Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари” мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олимнинг докторлик диссертацияси ўз давридаёқ илмий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди. 1995 йилдан эътиборан СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори вазифасини бажарувчи бўлиб ишлади.

1999 йил февралдан 2000 йилга қадар СамДУ халқаро журналистика ва услубият кафедрасининг мудирини сифатида фаолият кўрсатди. 2000–2002 йилларда олим Навоий давлат педагогика институти ўзбек филологияси факультетининг декани вазифасини бажарди.

Б.Йўлдошев 50 дан зиёд китоб, 500 дан кўпроқ илмий ва илмий-услубий мақолалар муаллифи эди. Унинг “Матн тилшунослиги”, “Ўзбек ономастикаси масалалари”, “Тилнинг ижтимоий моҳияти”, “Ўзбек тилида ўзлашма фразеологизмларнинг семантик-услубий хусусиятлари”, “Компьютер лингвистикаси”, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Ўзбек бадий прозасининг услубий таҳлили”, “Бадий нутқ стилистикаси”, “Ўзиники бўлмаган нутқнинг грамматик-стилистик хусусиятлари ва бадий нутқдаги ўрни”, “Бадий асар тили ва услуби масалалари”, “Ўзбек тилида полисемантик фразеологизмларни лугатларда изоҳлаш тамойиллари”, “Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари” номли китоблари республикамизнинг барча олий ўқув юрталарида дарслик ва ўқув қўлашмалари сифатида бугунги кунда кенг қўлланилиб келмоқда. Унинг республика ва маҳаллий илмий журналлар ҳамда газеталарда уч юздан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп, услубий мақолалари эълон қилинди.

Б.Йўлдошевнинг 50 дан ортиқ мақолалари Москва, Санкт-Петербург, Қозон, Уфа каби шаҳарлардаги ҳамда Озарбайжон, Қозогистон, Қирғизистон, Туркия, Эрон, АҚШ, Германия, Хитой, Англия каби мамлакатларнинг энг нуфузли журналларида чоп этилган. У республика

вақтга матбуотида ва даврий нашрларида нафақат тилшунос, балки адабиётшунос, этнограф, педагог-олим сифатида долзарб мавзулардаги кўплаб мақолаларни мунтазам эълон қилиб борар эди.

Профессор Б.Йўлдошев ҳамisha она тилимиз келажаги, унинг тараққиётига ўзини дахлдор ҳис қиларди. Соҳага оид нашр қилинган бирор-бир асар унинг назаридан четда қолмас, уларга албатта ўзининг муносабатини билдирарди. Ёшларни ҳамisha изланишга, теран фикрлашга, соҳаларда бўлаётган ўзгаришларга муносабат билдиришга ундарди. Хусусан, у “Ўзбек тили ва адабиёти” журнаlining фаол муаллифларидан ва жонкуяр тарғиботчиларидан бири эди.

Бекмурод Йўлдошев раҳбарлигида Ф.Бобожонов, З.Пардаев, О.Турсунова, М.Вафоева каби ёш олимлар ўз номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Устоз икки юздан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертацияларига тақризлар ёзди. 10 нафар номзодлик, бир нафар докторлик диссертациясига расмий ҳакамлик қилган эди. Шунингдек, беш нафар илмий ходим устоз раҳбарлигида тилшуносликнинг долзарб масалалари юзасидан докторлик ишлари устида жиддий изланишлар олиб бормоқда эди.

Олим 1990–1992 йилларда ва 1995 йилдан 2006 йилга қадар СамДУ ҳузуридаги номзодлик илмий даражасини олиш учун ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси эди.

Ўзбек тилшунослигининг забардаст намояндаси, меҳрибон устоз, фидойи олим, филология илмининг етук билимдони, филология фанлари доктори, профессор Бекмурод Йўлдошевнинг ёрқин хотираси, кўп йиллик самарали хизматлари шогирдлари, ҳамкасблари ва уни таниган-билганлар ёдида ҳамisha сақланиб қолади.

*“Ўзбек тили ва адабиёти”
журнали таҳририяти*

САЛОҲИДДИН ЖАМОЛОВ

Адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, доцент Салоҳиддин Жамолов 2017 йил 18 февраль куни 91 ёшида вафот этди.

1926 йил 15 сентябрда Наманган шаҳрида туғилган. 1936 йили Наманган шаҳридаги 11-бошланғич мактабни, 1939 йили 4-ўрта мактабни тугатиб, Наманган педагогика билим юртига ўқишга кирди. 1942 йилда уруш бошланиши муносабати билан муддатидан илгари ўқишни битириб, Уйчи туманидаги Қизилравот қишлоғидаги 5-ўрта мактабда педагогик фаолиятини бошлади. Кейинчалик Наманган туманидаги 42-бошланғич мактабда ўқитувчилик қилди.

1946 йили Наманган ўқитувчилар институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, 1948 йили уни имтиёзли диплом билан битирди. 1948–1952 йилларда Наманган шаҳридаги 11-мактабда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, 1952–1953 йилларда вилоят халқ таълими бошқармасининг мактаблар нозири вазифасида ишлади. 1953 йилдан Наманган ўқитувчилар институтида ўқитувчи, 1956–1957 йилларда декан вазифасида фаолият кўрсатди.

60-йилларда ўзбек адабиётидаги бадият масаласи эндигина ўрганила бошланган эди. Хусусан, “Бобурнома”нинг бадий хусусиятларини тадқиқ этиш кун тартибида турган масалалардан бири эди. С.Жамолов бу ишга ҳеч иккиланмай қўл урди ва 1961 йилда В.Зоҳидов раҳбарлигида “Бобурнома”нинг бадий хусусиятлари” мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Илмий тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти илмий асарлари тўпламида “Бобурнома”нинг бадий қиммати” номи билан нашр этилди.

1976 йилда наманганлик адабиётшунослар О.Носиров, С.Жамолов, М.Зиёвиддиновларнинг “Ўзбек классик шеърини жанрлари” китоби дунё юзини кўрди. Китобнинг таърих, таркиббанд, таржеъбанд, муаммо, чистон, соқийнома жанрларига бағишланган қисмлари С.Жамолов қаламига мансубдир. Унда муаллиф юқоридаги жанрларнинг табиати, ўзига хос хусусиятларини синчковлик баали таҳлил қилади.

Мактаб дастурларида Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишга маълум соатлар ажратилган. Бу борада ўқитувчиларга қулайлик яратил мақсадида С.Жамолов бобуршунос олим Н.Отажонов билан ҳамкорликда “З.М.Бобур ижодини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма” тайёрлади. Бобур ҳаёти ва ижодига доир янги ва қимматли маълумотларнинг қамраб олинганлиги қўлланманинг илмий қимматини оширади. Булардан ташқари, олимнинг 50 дан ортиқ илмий ва илмий-педагогик мақолаларида адабиётшуносликнинг долзарб масалалари ёритилади. Буларнинг барчаси адабиётшунос олим С.Жамоловнинг Наманган адабий муҳитида ўзига хос ўринга эга эканлигини кўрсатади.

1960 йилдан катта ўқитувчи, 1961 йилдан бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, 1962 йилдан филология факультети декани лавозимларида ишлади. 1964 йилда институтнинг ўқув ва илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари вазифасига тайинланди ва илмий даражали кадрлар тайёрлашни яхшилашга катта ҳисса қўшди. 1979 йилдан филология факультети декани, 1981 йилдан ўзбек адабиёти кафедраси мудири, 1984 йилдан яна филология факультети декани, 1988 йилдан ўзбек адабиёти кафедраси мудири лавозимларида ишлади.

У ўзининг камтар-камсуқумлиги, илмий салоҳияти, ташкилотчилиги билан институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари орасида катта обрўга эга эди. Унинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан юксак тарзда эътироф этилди. 1976 йилда “Ҳурмат белгиси” ордени, 1972 йилда “Олий таълим аълочиси”, 1981 йилда “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” нишонлари, университетнинг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 14 декабрдаги Фармонида кўра “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони билан тақдирланди.

Салоҳиддин Жамолов ўз ҳаёт йўли, инсоний фазилатлари ва илмий ижоди билан кўпчиликка ибрат бўла оладиган умр кечирди. Унинг порлоқ хотираси ҳамкасблари, шогирдлари ва яқинлари қалбида абадий сақланиб қолади.

*“Ўзбек тили ва адабиёти”
журнали таҳририяти*

МУАЛЛИФЛАРГА

“Ўзбек тили ва адабиёти” журнали таҳририяти шуни маълум қиладики, нашр учун тақдим этиладиган мақолалар матни компьютерда Wordнинг 14 шрифтида 1,5 интервалда А 4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилган бўлиши ва 2 нусхада электрон шакли билан бирга топширилиши шарт.

Мақолага унинг ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги қисқача асосий мазмуни, таянч сўз ва иборалар ҳамда муаллиф ҳақидаги мухтасар маълумот илова қилиниши талаб этилади.

Мақола аниқ ва равшан, хатосиз терилган бўлиши, ҳажми 8, 10 саҳифадан ошмаслиги керак. Журналга келган мақола тақризга берилади ва ижобий тақриз олган тақдирда журналда чоп этилади.

Мақолаларда фойдаланилган мисол, кўчирма, маълумотларнинг аниқлиги учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

**“Ўзбек тили ва адабиёти”
журнали таҳририяти**

МУНДАРИЖА

Алишер Навоий таваллаудининг 576 йиллиги

Ш.Сирожиддинов. Навоийни англаш – ўзликка қайтиш демак.....	3
И.Ҳаққул. Навоий шеърлятида тарк тушунчаси ва талқинлари.....	10
С.Олим. Сўзнинг шаклдошлиги ва кўпмаънолилигига асосланган бадий санъатлар	16
Қ.Эргашев. Айрим мавзу ва образлар бадий талқинида Ренессанс гояларининг инъикоси	28
А.Абдуқодиров. Навоий ҳаёти ва ижодининг Тожикистонда ўрганилиши.....	32
Э.Очилов. Нажмиддин Комилов – навоийшунос	37
Б.Ражабова. Алишер Навоий ва Имом Бухорий	44
Ф.Каримова. “Ҳазойин ул-маоний” да Ҳусайн Бойқаро таърифи.....	49
М.Сулаймонов. Адабий таъсир ва ижодий муштарақлик	54
М.Асадов. “Сади Искандарий” достонида соқийнома характеридаги байтлар ...	57
С.Маткаримова. Хоразм шоирларининг Навоийга татаббулари	64
Т.Султонов. Навоийнинг озарбайжонлик илк издоши	69
Б.Юсуф. Навоий асарларида сифатнинг орттирма даражаси.....	74
Э.Умаров. “Вови модула” ҳақида	78
А.Аҳмедова. Навоий асарлари тилида антонимлар.....	80

Илмий ахборот

С.Рўзимбоев. Хоним халфа ҳаётининг янги саҳифалари.....	84
З.Эшонова. Ўзбек халқ достонларида тоғ образи.....	87
Ф.Ражабова. “Тун” сўзининг бадий матндаги рамзий талқинлари	93
А.Сапаров. Тақандий ва тасвирий сўзлар хусусида	95
М.Темирова. Ўзбек ва қирғиз мақолларининг типологик хусусиятлари	100
Д.Тошева. Ўзбек халқ мақолларида туя зооними.....	103
М.Алиева. Дизайнерлик терминларида семантик майдон	106

Фанимиз заҳматкашлари

Ҳ.Ҳомидий. Мазлума Асқарова.....	110
З.Мираҳмедова, Д.Худойберганова. Ҳалима Йўлдошева.....	113

Таққид. Тақриз. Библиография

З.Содиқов, С.Сайдалиев. “Тилшунослик назарияси”	116
И.Ёқубов. Кичик лирик жанрлар таққиди.....	117
Янги нашрлар.....	119

Илмий ҳаёт

Э.Очилов. Навоийхонлик анжуманлари.....	122
Бекмурод Йўлдошев.....	125
Салоҳиддин Жамолов.....	126

СОДЕРЖАНИЕ

К 576-летию со дня рождения Алишера Навои

Ш.Сиражиддинов. Осмысление Навои – самознание человека.....	3
И.Хаққул. Понятие тарк в поэзии Навои и его толкование	10
С.Олим. Поэтические фигуры на основе омонимии и полисемантии	16
К.Эргашев. Отражение идей Ренессанса в толковании некоторых тем и образов	28
А.Абдукодиров. Изучение жизни и творчества Навои в Таджикистане	32
Э.Очилов. Наджмиддин Комилов – навоивед.....	37
Б.Ражабова. Алишер Навои и Имам Бухари	44
Ф.Каримова. Характеристика Хусейна Байкара в “Сокровищнице мыслей”	49
М.Сулаймонов. Литературное влияние и творческое единомыслие.....	54
М.Асадов. Бейты в характере саки-наме в “Стене Искандера”	57
С.Маткаримова. Татаббу хорезмских поэтов стихотворениям Навои.....	64
Т.Султонов. Первый азербайджанский последователь Навои.....	69
Б.Юсуф. Превосходная степень прилагательного в произведениях Навои	74
Э.Умаров. О “Вови модула”	78
А.Ахмедова. Антонимы в произведениях Навои	80

Научное сообщение

С.Рузимбоев. Новые страницы жизни Хоним халфа.....	84
З.Эшонов. Образ горы в узбекских народных дастанах.....	87
Ф.Раджапова. Символические толкования слова “тун” в художественных текстах.....	93
А.Сапаров. О звукоподражательных и изобразительных словах	95
М.Темирова. Типологические особенности узбекских и киргизских пословиц	100
Д.Тошева. Зооним “верблюду” в узбекских народных пословицах	103
М.Алиева. Теория семантического поля дизайнских терминов.....	106

Деятели науки

Х.Хомиди. Мазлума Аскарлова	110
З.Мирахмедова, Д.Худойберганава. Халима Юлдашева.....	113

Критика. Рецензия. Библиография

З.Содиқов, С.Сайдалиев. “Теория языкознания”	116
И.Якубов. Исследование малых лирических жанров	117
Новые издания.	119

Научная жизнь

Э.Очилов. Навоиведческие конференции	122
Бекмурод Юлдашев.....	125
Салохиддин Жамолов.....	126

CONTENTS

Alisher Navoi's 575th anniversary

N.Sirajiddinov. Perception the Navoi is return to self	3
I.Hakkul. The concept "leave" in the Navoi poetry and its interpretations	10
S.Alim. The poetic figures based on homonymy and polysemy	16
K.Ergashev. Perception of Renaissance ideas in the interpretation some theme and literary images.	28
A.Abdukadirov. Study of Navoi's life and creativity in Tajikistan	32
E.Achilov. Nadjmiddin Kamilov – Navoi studies	37
B.Rajabova. Alisher Navoi and Imam Bukhari	44
F.Karimova. Description of Khusain Baykara in "Khazayin ul-maoniy"	49
M.Sulaymanov. Literary effect and creative similarity	54
M.Asadov. Saki-name beits in the "Saddi Iskandariy"	57
S.Matkarimova. Tatabbu of Khorezm poets for Alisher Navoi	64
T.Sultonov. Azerbaijani first follower of Navoi	69
B.Yusuf. Superlative degree of adjective in the Alisher Navoi works	74
E.Umarov. About "Vovi madula"	78
A.Ahmedova. Antonyms in the language of Alisher Navoi works	80

Scientific information

S.Ruzimbaev. New aspects of the life of Khanum khalfa	84
Z.Eshonova. The image mountain in the Uzbek folk Dastans	87
F.Rajabova. Symbolic interpretation of the word "tun" in literary texts	93
A.Saparov. Regarding to imitative words and interjections	95
M.Temirova. Typological peculiarities of Uzbek and Kyrgyz proverbs	100
D.Tosheva. Zoonym "camel" in Uzbek folk proverbs	103
M.Aliyeva. Theory of semantic area in design terms	106

Doers of Science

H.Homidiy. Mazluma Askarova	110
Z.Mirahmedova, D.Khudayberganova. Halima Yuldasheva	113

Criticism. Review. Bibliography

Z.Sodikov, S.Saydaliev. "Linguistics theory"	116
I.Yakubov. Reserch of small lyrical genres	117
New editions.	119

Scientific life

E.Achilov. Navoi studies conferences	122
Bekmurad Yuldashev	125
Salohiddin Jamalov	126

МЧЖ "ИРАК Ю'ЛИ ПОЛИГРАФ" босмахонасида чоп этилди. Буюртма № 07.

Манзил: 100170, Тошкент. Авайхон кўчаси, 98А-уй.

Қозғоз бичими 70x108 $\frac{1}{16}$. Офсет босма.

Офсет қозғози. Агро Про гарнитураси.

Шартли-босма т. 8,25. Тиражи 250 нусха. Келишилган нарха

ISSN 2181542-9



9 772181 542006